



НУТҚ МАДАНИЯТИ

Юсуф Хос Ҳожиб – Туғилган одамдан қоладиган мерос – сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

Кайковус – Сўзни бағоят улўғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг, жойини ўткармай айтғил, вақтни зое қилмағил, йўқ эрсадонишға ситам қилғон бўлғайсан.

Алишер Навоий:Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин.

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



“НУТҚ МАДАНИЯТИ”
фани бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2018



Ўқув ишлари бўйича
проректор
_____ С.Я.Исламов
«_____» _____ 2018 й

“НУТҚ МАДАНИЯТИ”

фани бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ – 2018



Тузувчи: ТошДАУ “Тиллар” кафедраси доценти, филология
фанлари номзоди **Холмирзаева Сайёра Шукуровна**

Такризчилар:

филология фанлари номзоди И. Турсунов

педагогика фанлари номзоди О. Авлаев

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети
“Тиллар” кафедрасининг 2018 йил “__” _____даги _____сонли
йиғилишида муҳокама қилинган.**



МУНДАРИЖА

	ЎҚУВ ДАСТУРИ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР	
I.	МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ	
1.	Кириш. Тил ва нутқ маданияти тушунчаси, мақсади ва вазифаси	
2.	Нутқ маданияти ва нотиклик санъати.	
3.	Адабий тил тушунчаси ва нутқ маданияти. Адабий тил меъёрий тушунчаси. Меъёр ҳақида қарашлар.	
4.	Нутқнинг асосий хусусиятлари, коммуникатив сифатлари (белгилари).	
5.	Ўзбек тилининг вазифавий услублари ва нутқ маданияти	
6.	Тилнинг бадиий тасвир воситалари .	
II.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	
7.	Нутқ маданиятини эгаллаш йўллари.	
8.	Оммавий маърузаларда нутқ маданияти.	
9.	Фикрни оғзаки ва ёзма баён этиш усули	
10.	Мақол, ибора ва нутқ маданияти	
11.	Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси.	
12.	Тилнинг нутқда миллий хусусиятга эгаллиги ва луғатдан фойдаланиш.	
13.	“Қобуснома” асарида нотик одоби, суҳандонлик масалалари	
14.	“Қутадғу билиг” асарида нотик одоби, муомала маданияти масалалари.	
III.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ	
IV.	ГЛОССАРИЙ	
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
	ИЛОВАЛАР	



O'QUV DASTURI BO'YICHA MATERIALLAR

MA'RUZA MATNLARI

1-MA'RUZA. KIRISH. TIL VANUTQ MADANIYATI TUSHUNCHASI, MAQSAD VA VAZIFALARI(2 soat)

Darsning o'quv maqsadi: nutq madaniyati kursidan talabalarga o'qitilishidan ko'zlangan maqsad va bu kursning vazifalari va kutilayotgan natijalar nimalardan iborat bo'lishini tushuntirish

Tushunchalar va tayanch iboralar: nutq, til, til madaniyati va nutq madaniyati, notiqlik, pedagogik faolayt va notiqlik, nutq va nutq madaniyati

REJA:

1. O'rta Osiyo madaniyati tarixida nutq madaniyati.
2. Nutq madaniyati fani, uning predmeti, muammolari.
3. "Nutq madaniyati" kursining maqsad va vazifalari.
4. Nutq madaniyati sohasining boshqa lingvistik va nolingvistik fanlar bilan aloqasi.

*“Ўқитувчининг нутқи ҳеч қачон ва ҳеч
қаерда заҳархандали, қўпол ёки қаттиқ
бўлиши мумкин эмас»*

Носириддин Тусий

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти ўзига хос мавқега эга бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда нотиқлик, воизлик, яъни ваъзхонлик йўллари билан сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан ўринли фойдаланиш борасида кўпгина фикрлар баён этилган. Ана шу нуқтаи-назардан қаралганда, «Нутқ одоби», «Муомала маданияти» номлари билан юритилиб келинган нутқ маданияти тушунчаси жуда қадимдан олимлар, зиёлиларнинг диққатини тортган. Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Ал Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Носириддин Тусий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Сўфи Оллоёр, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа қатор улуғ сиймолар мураббийларнинг нутқ одоби масалаларига, умуман нутққа жиддий эътибор беришга даъват этганлар. Шу билан бирга улар тилга, луғатга, грамматикага ва мантиқшуносликка оид ўзларининг



дурдона асарларини қолдирганлар. Буюк комусий олим Беруний (973-1048) ўзининг «Геодезия» деб номланган асарида ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унинг фикрича, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласи экан.

Улуғ ватандошимиз **Абу Наср Фаробий** тўғри сўзлаш, тўғри мантикий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда, уни ифода қилишда лексикология, грамматика ва мантикнинг нақадар аҳамияти борлиги ҳақида куйидаги фикрларни билдиради: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи **тил ҳақидаги** илмлар деб тасдиқлайман...».

Кайковус томонидан 1082-1083 йилларда яратилган, қадимги Шарк педагогикасининг ажойиб дурдона асарлардан бири ҳисобланган «Қобуснома»да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида фикрлар баён этилган. Ушбу асар 44 бобдан иборат бўлиб, унинг 6-7 боблари сўз одоби ҳақидадир. Аллома ўз фарзандига қилган насиҳатлари орқали ўқувчини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан кейин қилиниши керак бўлган хулосани кўз олдида келтириб гапириш кераклигини эслатиб, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини айтади. «Эй фарзанд, агар сен ҳар қандай нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўз билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, халқ уни ақлсиз дейди...», деб таъкидлайди, алломамиз.

Улуғ мутафаккир шоир **Юсуф Хос Ҳожиб** ўзининг «Қутадғу билиг» номли асарида сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган эди. Қисқача сўзлаш, сўзларга иложи борида кўп маъно юклаш ҳақида куйидаги фикрларни беради:

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,

Туман сўз тугунини бу бир сўзла ёз.

дейди. Бунинг маъноси куйидагича: Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) тугунини шу бир сўз билан еч.

Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан нутқнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантикийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, шошмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, нутқни равон қилиб тузишга чақиради.



Адиб Аҳмад Югнакий ҳам сўзлаганда нутқни ўйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чакирган. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин, деб сўзловчини огоҳлантиради, аллома.

Уқув сўзла сўзни эва сўзлама,

Сўзинг кизла, кедин, бошинг кизлама.

Бунинг маъноси қуйидагича: Сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма, кераксиз, ярамас сўзларни яшир, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш лозим.

Юқоридаги барча фикрлар асосида шундай мантиқий хулоса чиқариш керакки, ўтмиши улуг ва келажаги буюк бўлган юртни яратадиганлар ҳар тарафлама комил бўлмоқлари зарур. Акс ҳолда, кўп нарсалар орзулигича қолиб кетиш эҳтимоли мавжуд.

Nutqmadaniyatitilshunoslikningkengqamrovlisohalaridanbirisanaladi. Busohainsoniyataqliyvanutqiysalohiyatiningtaraqqiydarajasiniko'rsatiburganvadoi miyriwojlanishnitaqozoetuvchisohalardanbiridir. Zero, tilkishilargadoimoo'zaroaloqamunosabati, madaniy-ma'naviyzaruriyat, ijtimoiytaraqqiyot, kurashishqurolbo'libxizmatqilgan. Manashuqatorvazifalarnibajaruvchitilegalariningnutqirotetishimkoniyatlari, tilbirliklaridanqaytarzdafoydalanishchegaralarinima'lumbirme'yorgasolishehtiyoji asosidailmiynegizgaegabo'lganmazkursohavujudgakelgan. Tilqanchalarriwojlanganbo'lmasin, insonlartomonidanma'lumme'yorlarvatalablargaasoslangannutqiymadaniyatbixild arajadarivojlanganbo'ladideyishdoimohamto'g'ribo'lavermaydi. Shusabablihamnutqmadaniyatishasidoimiye'tiborvarivojlanishsariharakatlarnitala bqiladi.

Nutqmadaniyatiijtimoiyfansifatidakengma'nodagitiltarbiyasiniivaommaviyusl ubiysavodlililikni, boshqachaaytganda, so'zlovchivayozuvchiommaorasidatilhaqidagifanninghozirgizamonyutuqlarinitatbi qetishnio'zoldigavazifaqilibqo'yadi.

Nutq madaniyati insoniy madaniyatning asosiy ifodasidir. Ma'naviyati yuqori bo'lgan inson barkamolligi uning omilkorligi, bilimdonligi, donishmandligida namoyon bo'ladi va unda albatta nutq madaniyati ham yuqori bo'ladi. Til odobi ko'nikmalarini, nutq madaniyati malakalarini egallash, adabiy til me'yorlariga amal qilish oliy ma'lumotli shaxs uchun juda muhim. Shu sababli ham mazkur o'quv kursimiz bir qator maqsad va vazifalarni o'z oldiga qo'yadi. **Belgilangan vazifalar doirasida quyidagi masalalarga e'tibor qaratamiz:**

- til madaniyati va nutq madaniyati tushunchalarining farqli hamda aloqador jihatlarini o'rganish;
- til taraqqiyoti va nutq madaniyatining bog'liq jihatlarini o'rganish;



- masalaga ilmiy yondashuvni shakllantirish;
- nutq madaniyati tushunchasining lingvistik va nolingvistik sohalar bilan aloqadorligini tahlil qilish;
- nutq madaniyati va notiqlik san'atining o'zaro bog'liq jihatlari;
- notiqlik turlari va nutq ko'rinishlari;
- adabiy tilning normativligi va nutq madaniyati;
- madaniy nutq mezonlarini o'rganish;
- nutqning ifodaliligi va nutq texnikasi;
- nutq madaniyatini egallash yo'llari;
- nutq madaniyati va stilistika masalalari;
- pedagog nutqining o'ziga xos jihatlari va boshqalar.

Nutq madaniyati lingvistik soha hisoblanadi va u tilning turli sathlarini o'rganuvchi fanning barcha tarmoqlari bilan uzviy aloqadordir. U fonetika to'g'ri talaffuz me'yorlariga oid orfoepik qoidalarni bilishni, leksik imkoniyatlar doirasining kengligini, semantik, morfologik bilimlarning mukammalligini, sintaktik konstruksiyalarning me'yoriy holatlarini egallashni taqozo etadi. Umumiy tarzda aytiladigan bo'lsa, nutq madaniyati soxasi adabiy til doirasida fonetikadan tortib to uslubiyatgacha bo'lgan barcha lingvistik sohalarni qamrab oladi. Ilmiy jihatdan asoslangan nutqning o'ziga xos jihatlari mavjudligi va u qaysi fan sohasida bo'lishidan qat'i nazar ma'lum me'yorlarga bo'ysunishi kerakligi nutq madaniyatining boshqa nolingvistik sohalar bilan aloqadorligini ko'rsatuvchi omillardan sanaladi. Chunki nutq madaniyati bu eng avvalo, nutqning to'g'riligi demakdir, ya'ni yaxshi nutq noaniqlikka, uzundan uzoq jumalarga qarshi bo'lishi, qisqalik va aniqlik uning o'lchovi bo'lishi lozim. Har qanday ilmiy nutq uchun bu mezonlar asosiy talablar hisblanishini bilamiz. Keng ma'noda esa nutq madaniyati nutqiy ta'sirchanlikni, ijodiy yorqinlikni, o'tkirlik va ifodalilikni bildiradi. Bu jihatdan istalgan soha vakili og'zaki nutqining madaniy me'yorlarga asoslanishi, ma'lum normalarga bo'ysunish zarurati muhimki, bu holat har qanday notiqning madaniyati va saviyasini ko'rsatuvchi jihatlar sanaladi.

Nutq madaniyati muammolari bilan shug'ullanish birinchi marta Praga lingvistik to'garagi tomonidan o'rta qo'yilgan edi. Keyinchalik bu masalani tilshunoslikning mustaqil sohasi sifatida o'rganishga rus tilshunosligida o'tgan asrning 20-30-yillarida kirishilgan. Bu masala bilan jiddiy shug'ullanishga o'zbek tilshunosligida 90-yillarda kirishildi. Bu holning o'zbek tilshunos olimlari S.Ibrohimov, K.Xonazarov O.Usmonov va boshqalar 1969 yilda Toshkentda o'zbek tili nutq madaniyatiga bag'ishlab o'tkazilgan 1-respublika konferensiyasida qilgan chiqishlarida haqli ravishda ta'kidlab o'tdilar. E.Begmatov bu fikrni rivojlantirib, shunday deb yozgan edi: «Masalaning bunday qo'yilishidan o'zbek tilshunosligida nutq madaniyati muammosi umuman o'rta qo'yilmagan ekan, degan xulosa kelib chiqmasligi kerak, nutq odobi deb yuritib kelingan qoidalarining o'ziyoq bu masalaning ko'hna tarixga ega ekanligini ko'rsatadi. Qolaversa, 20-30-yillarda til qurilish, til siyosati degan nomlar bilan yuritilgan barcha millat va xalq tillari rivojiga bevosita tatbiq etilgan ulkan tadbir va choralarning o'sha vaqtda til




madaniyati, endilikda nutq madaniyati deb yuritilayotgan muammoga qanchalik aloqadorligini belgilash nihoyatda muhimdir».

Shu o'rinda til madaniyati va nutq madaniyati tushunchalariga aniqlik kiritish lozim. B.N.Golovin universitetlar uchun yozgan «Nutq madaniyati asoslari» nomli o'quv qo'llanmasida nutq madaniyatini tushunishning muhim shart-sharoitlari sifatida quyidagilarni sanab o'tadi: til va nutqni farqlash, til normasini anglash va hal qilish, til uslubi va nutqning uslublarini farqlash. Til madaniyati tushunchasi nutq madaniyati sohasida til sistemasining o'zini, masalan, o'zbek adabiy tilining vosita va imkoniyatlarini «madaniylashtirishni» ko'zda tutadi. Demak, til madaniyati termini bilan ataluvchi tushuncha til sistemasining madaniylik darajasini, ya'ni uning qanchalik ishlanganligi, normalashtirilganini ko'rsatadi. Garchi «til madaniyati» va «nutq madaniyati» tushunchalari tilshunoslikning termini sifatida bir-biridan farqlansalar ham, aslida ularning birini ikkinchisidan ajratib bo'lmaydigan, biri ikkinchisini taqozo qiladigan tushunchalardir. Nutq madaniyati aniq ma'noda til birliklarini nutq jarayonida qo'llashning me'yori, maqsadga muvofiqligini anglatga ham, umumiy ma'noda ma'lum millatning umumtil madaniyati doirasida qaraladi. U lisoniy va nolisoniy omillarni o'z ichiga oladigan murakkab jarayon bo'lib, u mantiqshunoslik, ruhshunoslik, pedagogik, etika, estetika masalalari bilan ham bog'liq. Ammo, nutq uchun tilning birinchi o'rinda turishini hech kim inkor etmaydi. «Har bir til unda gaplashadigan millatning madaniyatini o'zida o'zida aks ettiradi» (L.V.Shcherba).

O'zbek tilshunosligida mazkur masalaga oid bir qator maqolalar, risolalar yozilgan bo'lib, ularda nutq madaniyatining ba'zi masalalari, bu soha haqidagi ilk ma'lumotlar tahlil qilingan. Bu ishlarning mualliflari S.Ibrohimov, K.Xonazarov, R.Qo'ng'urov, E.Begmatov, A.Ahmedov, M.Sodiqova, Q.Samadov, B.O'rinboyev, O'.Usmonov, X.Jalilov, S.Inomxo'jayev, Yo.Tojiev, L.Xo'jayeva va boshqalardir. Mazkur tilshunos olimlar nutq madaniyati sohasining o'rganish obyekti, ilmiy asoslari, muammoli jihatlari, til sathlariaro umumiy ahamiyat kasb etuvchi soha sifatida ahamiyatli jihatlari, nutq madaniyati va uslubiyat masalalari tadqiqiga bag'ishlangan.



Тил ва нутқ қиёси



Нутқ маданияти фани тушунчаси, предмети ва мақсади нимадан иборат?

Фаннинг предмети ва мақсадини амалга оширишда қандай вазифалардан фойдаланиш мумкин?

Фанни ўрганишда тарихий аҳамият касб этувчи жиҳатлари мавжудми?

Фаннинг моҳиятини эгаллашда маълум бир ташкил қилинган тадбирларнинг аҳамияти нимадан иборат?

Педагог фаолиятида фан моҳиятини тушунишнинг йўллари қандай?

Nazorat uchun savollar:

1. Nutq madaniyati deganda nimani tushunasiz?
2. Nutq madaniyati va til madaniyati tushunchalarini farqlay olasizmi?
3. Nutq madaniyati kursining maqsad va vazifalari nimalardan iborat?
4. Nutq madaniyatining boshqa qanday fanlar bilan aloqadorligi mavjud?



Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

- 1.Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch”. T, 2008.
- 2.Mahmudov N. “O‘qituvchi nutqi madaniyati”. Toshkent, 2007.
- 3.Begmatov E. Nutq madaniyati tushunchasi haqida.O‘zbek tili va adabiyoti. 1975. № 5.
- 4.R.Qo‘ng‘urov, E.Begmatov, Yo.Tojiev. “Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari“, T.”O‘qituvchi”, 1992.
- 5.R.Qo‘ng‘urov, S.Karimov. “O‘zbek tili stilistikasi va nutq madaniyati: Bibliografik ko‘rsatkich” – SamDU, 1984.

2-MA’RUZA. NUTQ MADANIYATI VA NOTIQLIK SAN’ATI. NOTIQLIK TARIXIDAN(4 soat)

Darsning o‘quv maqsadi: nutq madaniyati va notiqlikning kishilik jamiyatidagi o‘rni, Sharq notiqligi, ularning o‘ziga xosligi haqida ma’lumot berish.

Tushunchalar va tayanch iboralar: nutq madaniyati va notiqlik san’ati, Sharq notiqligi, va’z, voiz, nutq odobi, so’z san’ati, pand-nasihat.

Режа:

- 1.Уйғониш даври нотиклиги тарихи.
- 2.Шарқ алломаларининг нотиклик санъати ҳақидаги қарашлари.
- 3.Кайковуснинг нотик ва нотиклик ҳақидаги фикрлари.
- 4.Алишер Навоийнинг воизлар ҳақидаги фикрлари.
- 5.Ҳусайн Воиз Кошифийнинг воизликка қўшган ҳиссаси.

Ҳозирда нутқ маданияти, нутқ одоби деб юритилаётган нуқтаи назарлар қадимда яшаб ўтган аجدодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқ удумларида сақланиб, бизгача етиб келган: халқ оғзаки тилидаги, лаҳжа ва шевалардаги тил ва нутққа оид фикрлар; қадимий ёзма обидалар (тошбитиклардаги матнлар, тарихий мемуарлар, мумтоз адабиёт асарлари ва бошқалар); халқ оғзаки ижоди асарлари – дoston ва эртақлар, мақол ва маталлар; қадимдан турли шаклларда сақланиб бизгача етган мифологик асарлар – афсоналар, латифалар, мифлар; “Ибратли ҳикоялар”, “Ҳикматлар” номи билан бизгача етиб келган ёзма асарлар шулар жумласидандир.

Энг қадимги ёзма обидамиз “Авесто”да тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда айтилишича, ўшадавр дини ва маънавияти асосини *эътиқод*, *эзгу ният*, *эзгу сўз* ва *эзгу*



*амалтушунчалари ташиқил қилган*¹. Келтирилган эзгу сўз тушунчаси халқ учун фойдали бўлган фикрни ифодалаган, уни нутқ одоби ва маданиятига амал қилган нутқ ҳамда кишиларга манфаат келтирувчи ва таъсир этувчи, қолаверса, уларни тарбияловчи восита, сўз деб тушунмоқ керак. Бу фикрни баъзи ўринларда эзгу сўз ўрнида эзгу калом, эзгу фикр, муқаддас сўз кабилар ифодаланиши ҳам кўриш мумкин.

Қадимий туркий ёзма ёдгорликларидан “КулТегин ёдгорлиги”даги кичик ёзувда табғачларнинг чучук сўз эканлиги ҳақида гапирилади ва улар ўзининг ширин муомаласи билан йироқ элларни ўзига яқинлаштириши таъкидланади:

Табғач будун сўзи чучук,

Оғизи юмишқ эрмиш.

Сучук сўзи, юмишқ қилиқ(ла) авраб,

*Йироқ будунни анча яқинлатар эрмиш.*²

Шу билан бирга, ушбу ёдгорликда кишининг, айниқса, душманнинг ширин тилига ишониб алданиш керакмаслиги ҳам айтилади:

Чучук сўзига, юмишқ қилиғига алданиб,

*Кўп, турк будуни, ўлдинг.*³

Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда бадий, илмий ижоднинг тараққиёти, шунингдек, ваъзхонлик, “Қуръон”ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши илмий ва назарий қоидалар айтилган. Ваъзхонлик (сўзга чечанлик, нотиклик) санъатининг услуби баробарида нутқ олдида қўйилган талаблар замонга мос ҳолда шакллантириб борилди. Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматика ва мантиқ, тилшуносликка бағишланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор назарий ва илмий фикрлар билдирдилар.

Улуғ **файласуф Абу Наср Фаробий** (870-950) илмнинг турли соҳаларини мукаммал билган ва улар ҳақида мустиқил фикрлар баён қилган алломадир. Нутқ ва ақл тарбиясига оид илмлар тўғрисида Фаробий қимматли фикрлар айтган. Тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, нутқий қоида қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси — жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман”.

Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган номларни қандай

¹Авесто. Аскар Маҳкам таржимаси. –Т.:Шарқ, 2001, 56-57-б.

²Қаюмов А. Қадимият обидалари. –Т.:Адабиёт ва санъат, 1972, 135-б.

³Қаюмов А. Кўрсатилган асар. 136-б.



тартибга солишни ҳамда нарсалар (субстанция) ва ҳодисаларнинг (акциденция) жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир: “маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”.⁴

Кўринадикки, лексикология, грамматика ва мантиқ фанларининг нутқ тузишдаги аҳамиятини икки буюк олим ҳам юксак даражада англаганлар ва уларга катта аҳамият берганлар. Нотиқ нимани ва қандай сўзлаши кераклигини билиши ва тўғри хулосалар чиқариши учун ўз нутқида сўз ва гапларнинг жойлашиш тартиби катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Нутқ одоби, нутқий маҳорат, поэтик нутқ хусусиятлари, унинг ҳар бир бадиий жанрда ўзига хос намоён бўлиши ҳақидаги баъзи фикрлар Абу Наср Форобийнинг “Шеър санъати”⁵ асарида учрайди.

Ўрта аср шарқининг буюк алломалари орасида машҳур табиб, файласуф, шоир **Абу Али ибн Сино** алоҳида ўрин тутати. Унинг турли соҳалар билан бирга таълим-тарбия, ахлоқ ва нутқ ҳақида ҳам фикрлари мавжудки, улар билан яқиндан танишиш нотиқлик санъатини мукаммал ўрганишга ёрдам беради. Ибн Синонинг фикрича, инсон тили шунчаки алоқа воситаси бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсир этишини ҳам кўзда тутати. Шу сабабли Ибн Сино “*Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади*” деб ҳисоблаган. Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгиларидан ташқари нутқ техникаси, нотиқ амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: “*Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқини паст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак*”⁶.

Яхши дўст қайси йўл билан ахлоқий камчиликларни тузатишда бошқаларга ёрдам бериши мумкинлиги масаласига ибн Сино алоҳида эътибор беради ва нотиқ қуйидагиларга амал қилиши лозим деб билади:

1. Насиҳат кўпол оҳангда берилмаслиги керак.
2. Суҳбатдошнинг илм даражасини ҳисобга олиш зарур.
3. Насиҳатга кўп берилмасдан, ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.
4. Насиҳатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш керак.
5. Агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан киёслаб таъна қил.
6. Агар ўз эътиқодингни айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки кўп масалалар билан исботла, суҳбатдошингни буни юрагига

⁴Абу Наср Фаробий. Рисолалар, -Т., 1975, 54-бет.

⁵Абу Наср Форобий. Шеър санъати. –Т:Адабиёт ва санъат, 1979, 53-б.

⁶Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967, 52, 86-б.



яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.

7. Агар суҳбатдошинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур.

Ибн Синонинг таълим-тарбия берувчи муаллимлар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, муаллим мардонавор, ростгўй ва покиза инсон бўлмоғи, бола тарбияси усуллари ҳамда маънавият қонун-қоидаларини мукаммал билиши зарур. Аллома болага якка-ёлғиз илм бермасдан, балки кўпчилик яъни гуруҳ асосида дарсни олиб бориш керак дейди. Чунки болалар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришлари, бир-бирларидан яхши хулқни ўзлаштиришлари даркор. Ибн Синонинг фикрича, муаллим қуйидаги қоидаларни билиши шартдир: ўқувчини нохуш таъсирлардан асраши, унинг хуш ахлоқли ва виждонли дўстлар билан биргаликда бўлишлигини назорат қилиб туриши керак. Абу Али ибн Синонинг ўқитувчининг нутқи, унинг қисқа, аниқ, ортиқча сўзлардан холи, тингловчининг ёши, ақлий даражасига мос бўлиши юзасидан айтган фикрлари Беруний мулоҳазалари билан ҳамоҳангдир⁷.

Минг йил муқаддам битилган алломамининг бу фикрлари баркамол авлодни тўғри йўлга солишга, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилишга, уларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилгандагина комил инсон бўлиб етишишларини тасдиқлайди.

Кайковуснинг “Қобуснома” асари. “Қобуснома” муаллифи Кайковус ўз даврининг қомусий билимларга эга бўлган мутафаккирларидан бири бўлган. У тиббиёт, фалакиёт, айниқса, диний билимларни мукаммал билган инсон бўлган. У ўз давригача яратилган таълим-тарбияга оид асарларни ўрганиб чиққан, илм-фан, маданият ривожланган Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда бўлган Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшноинома” асарларини ўрганган. XI асрнинг 82-83 йилларида Ғарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб “Насихатнома”сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра, уни бобоси подшоҳ Шамсулмаолий Қобус шарафига “Қобуснома” деб атайти “Қобуснома асрлар мобайнида Шарқу Ғарб мутафаккирларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган: 1702-1705 йилларда турк тилига, 1786-1787 йилларда Муҳаммад Сиддиқ Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йилда Қажум Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, француз, олмон тилларига таржима қилинган. 1935 йилда Техрон университетининг профессори, атоқли адиб Саид Нафисий “Қобуснома”ни Техронда катта илмий шарҳ билан нашр эттирди.

1860 йилда “Қобуснома” ўзбек тилига биринчи марта буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган. Огаҳий таржимасининг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар

⁷Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 75-76.



Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ва Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада сақланади.

Сўзнинг кадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб, кўп маъно юклаш, равшан фикрлаш каби масалалар устида XII- XIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакийлар ҳам ибратли фикрлар билдирганлар.

Улуғ шоир **Юсуф Хос Ҳожиб** туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиги бўлган “Қутадғу билиг” (“Бахт келтирувчи билим”) асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: “Билиб сўзласа, сўз билиг саналур” деган эди. Гапиришдан мақсад сўзловчининг кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишидан иборат. Шундай экан, нутқнинг тўғрилиги, равлонлиги ва мантиқийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Алишер Навоий нотиқлик ҳақида. Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк сўз устаси Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузиш, уни тингловчига етказа билиш жараёнида ҳам ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тилининг барча қирраларини, мавжуд бойликларини намоён эта олди. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн”, “Маҳбубул-қулуб”, “Назмул-жавоҳир” асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

А.Навоий “Маҳбубул-қулуб”да тилнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш, нотиқнинг дилидаги фикрни тўғри акс эттириши лозимлиги ҳақида шундай дейди: *“Саодатбахш руҳ зулолига матлаъ ҳам тил. Тилга ихтидорлиг — ҳақими хирадманд; сўзга ихтиёрсиз — лайни нажанд. Тилки фасиқ ва дилназир бўлғай, кўброқ бўлғай агар кўнгил била бир бўлғай”* (“Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг боиланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) аъут подшоҳидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган, паст (киши)дир”. Тил гўзал ва дилларни овлантирувчи бўлиши билан бирга (сўзловчининг) дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”).

Ҳазрат майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш одоби ҳақида, ўйламасдан сўзламаслик ҳақида ёзади: *“Тилдин азубат дилписанддур ва мийнат судманд. Чучук тилки ачигликка эврулди, зарари он бўлди. Чучук сўз соф кўнгилларга нушдур... Сўзни кўнглингда пишқирмагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглингда бўлса, тилга сўрма”* (“Тилнинг ширин ва ёқимли ҳамда юмшоқлиги фойдадур. Чучук тил аччиқ айланса, оммага (тингловчига) зарар этади. Кишини маст қилувчи қилсалар, ҳаром бўлади. Чучук сўзни тоза кўнгиллар симиради... Сўзни кўнглингда пиштиб олмагунча сўзлама, кўнглингда бўлган ҳар қандай қондани ҳам айта берма”).

Навоий нутқ самимий, дилкаш, юракдан чиқадиган бўлмоғи кераклиги, инсоннинг сўзи унинг ичидагини ифодалаши, унинг кимлигини нутқи айтиб туришини таъкидлайди: *Ўртади чун бўйла заволи ичин,*

Бу сўз ила айлади холи ичин. (ҲА, 255-б).

Алишер Навоий сўзловчининг нутқи тингловчига қизиқарли бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири сифатидасуҳбатдошнинг, яъни



тингловчининг кимлигини, савиясини, эҳтиёжини ҳисобга олиши, деб ҳисоблайди: *Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,*

Ўзгача сўз демаки, юз муддао. (ҲА, 334-б).

Шундай қилиб, шоирнинг сўз, унинг маънолари, унда мужассам бўлган тушунчалар, сўзнинг кучи, муқаддаслиги ҳақидаги фикрлари унинг нутқ маданияти юзасидан билдирган мулоҳазалари негизини ташкил қилади. Алишер Навоий нутқнинг мазмундорлиги, мақсадга мувофиқлиги, қисқа ва лўндалиги, тилнинг лисоний меъёрлари, нутқда тил қонун-қоидаларига амал қилиниши, аниқлиги, ифода воситаларига бойлиги, қўпол воситалардан холи бўлишлиги, вазиятбоплиги, хушоҳанглигини маданиятли нутқнинг лисоний талаблари деб ҳисоблайди.

Уйғониш даврида воизлик санъати (Ваъз ва воизлик ҳақида)

Нотиклик — ўтмиш сўз санъатининг энг қадимий санъатларидан бири бўлиб, бу санъат мусулмон Шарқда воизлик деб аталган. Шунга кўра нутқ — ваъз, нотик — воиз деб юритилган. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи IX-XV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарила олган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Навоий каби улуғ сиймолар катта ҳисса қўшганлар. Улар яшаган давр Шарқ тарихида Уйғониш даври ҳам деб юритилади. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг раванг топган йиллари бўлди. Адабиёт, санъат, фан ва умуман, маданиятимизнинг тарғиботчилари бўлган бу алломалар айни вақтда воизлик санъатини ҳам яратдилар. “Ваъз” сўзи арабча тарғиб қилиш, панд-насихат деган маъноларни англатади; “воиз” сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдиради. Воизлик санъати тингловчининг, жамоанинг онгига, ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати бўлиб, ҳозирги вақтда у нотиклик санъати деб юритилмоқда.

Қадимги Шарқда (9- асргача) воизлик вазифасини шоҳлар, халифалар бажарган. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йиғиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари, бошқа мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, муҳофаа масалалари ҳақида ва бошқа мавзуларда ваъз айтганлар. IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидаги махсус сўз усталарига юклаб, уларни воизлар деб атай бошлаганлар. “Воиз” сўзи ҳатто уларнинг исми шарифларига қўшиб айтилган ва ёзилган. Марказий Осиё воизлик санъати хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад, Жалолиддин Румий, Ҳусайн Кошифий, Муин Воиз каби сўз усталари ғоят бой ҳисса қўшганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисоалар ёзилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг “Авбоб ул-жинон”, Воиз Қазвинийнинг “Зилолу мақол”, Воиз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аҳодис”, Муҳаммад Воизнинг “Ҳидоят ул-тақвим”, Қурайш Саидийнинг “Анис ул-воизин”, Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Қози Ўшийнинг “Мифтоҳ ул-



нажжих”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Махзан ул-иншо” каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён қилинган. Тарихнавис Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Навоийнинг “Мажolis ун-нафоис”, “Мантиқ ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса”, “Чор девон” асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (15 аср) “Бадое ул-вақое”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, исътеъдоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган: дабирлик, хатиблик, музаккирлик. Булардан биринчиси-давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзмабаён этиш ва қироат билан ўқиб бериш, иккинчиси-жума кунлари пешин намози олдида хутба ўқиш, учинчиси, жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат бўлган. Уларни асосан имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказганлар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараган ва бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган ва уч хил номланган:

- 1) юқори табақа аъёнлари ва зодагонлари учун мўлжалланган бўлиб, султониёт;
 - 2) жанггоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланган бўлиб жиҳодия;
 - 3) оддий фуқаролар учун мўлжалланган бўлиб ғарибона деб юритилган.
- Султониётда - ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган; улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сиғиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини топган; жиҳодия - жанговарлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга чақирилган; ғарибонада эса - меҳнат аҳлини итоаткорликка, ювошликка чақириш кабилар ифодаланган. Ҳар бирининг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам хил бўлган.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида насиҳатгўй ва ваъзхонлар тўғрисида алоҳида тўхталади. У воиз қандай киши бўлиши кераклиги ҳақида шундай фикр юритади: *“Воиз Ҳақ сўзни тарғиб қилиши, Пайғамбар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра эса насиҳат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ — мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақириши — уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этишига ўхшаши бир нарсадир”*. Демак, воиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни тарғиб этадиган, аввало, ўзи шариат ва тариқат йўлига кирган нотик бўлиши керак экан. Ҳаётда баъзан шу даражага етмаган кишиларнинг ваъз айтганини эшитиб қоласиз, табиийки, бундай кишилардаги ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги, ғоявий маслагининг қатъий эмаслиги тингловчиларни ҳам



мақсад йўлидан оздиради.

Ўтмишда кўплаб воизлар бўлишган. Масалан, Алишер Навоий замонасида яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машхур алломаларидан бири бўлган. У ахлоқ, тарих, тасаввуф, илми нужум (астрономия), риёзиёт, фикх соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратган. Унинг “Футувватномаи султоний”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи хотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Лубби лубоби” каби ўнлаб асарлари беш юз йилдан бери шарқона одоб ва ахлоқ дастури сифатида юртма- юрт, қўлма-қўл ўқиб келинмоқда. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган. У “Тафсири Ҳусайний” ва “Жавоҳир ут-тафсир ат-тухфат ул -Амир” номли тафсир асарларини Алишер Навоийга бағишлаб ёзган.

Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг “Охиратнома” асарида ҳам воизларга дастурул-амал тариқасида панд-насихатлар айтилади. Ғаззолий воизлик тили, ваъзнинг услубига алоҳида эътибор қаратади: *“Мабодо, ваъз ўқитишдан бошқа иложинг қолмаса, икки нарсда эҳтиёт бўл: бирламчи — сўзларинг ортиқча ибораю ишоратлар, асли пуч ҳикоятлару маънисиз байтлар ила ясанган, яъники, сертакалуф бўлмасин! Чунки, Оллоҳ таоло такалуф қилувчиларга ғазаб қилади, уларни дўст тутмайди. Ҳаддан ташқари сертакалуфлик воизнинг ботинан хароб, қалбан ғафлатда эканидан далолат қилади”*. Дарҳақиқат, нотикнинг нутқи асосий мақсадга қаратилмаган ҳар қандай ортиқча сўз ва иборалардан холи бўлиши керак.

Воизлик санъати фақат ўтмишдагина эмас, балки бугунда ҳам зарур. Мустақил Ўзбекистон фуқароларида янгича дунёқарашнинг шаклланишида воизлик санъатининг ўзига хос ўрни бор. Ҳазрат Навоий ҳам “Мажолисун-нафоис” асарида қатор воизлар ҳақида маълумот берган. Шундан ҳам билиш мумкинки, Шарқ воизларининг салмоғи бошқа халқларникидан кўп бўлса кўпки, кам бўлмаган.

Хожа Муайяд Мехнагий ўз замонасининг етук нотикларидан бири бўлиб, ўз замонасида оддий мазор шайхларидан бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у “зоҳир улумин такмил қилиб эрди”, яъни юзадаги илмлар, ўзига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштиргангина эмас, балки уни тўлдирган ва ривожлантирган ҳам эди. Унинг ваъзлари жўшқин ўтган, ўз тингловчиларида нутқига нисбатан хайрихоҳлик кўзғата олган. Шунинг билан бирга у ўз тингловчилари қалбига қўл сола олган, уларни фақатгина тингловчиликдан, ҳар бирини фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига нисбатан фаол муносабатда бўлувчи ижодкор тингловчилар даражасига кўтара олган. Ўз мажлисларининг қизғин ўтишига эриша олган. Ўша даврларда Хожа Муайяд Мехнагий каби оташнафас нотиклар сони жуда кам бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг номи улкан адиблар номи қаторида тарих саҳифасидан шарафли ўрин олган. Унинг ижодий маҳорати бошқа нотиклар учун намуна бўла олади. Чунки у ўша даврдаги мавжуд фанларнинг барчасини тўла ўзлаштирган ва уларни такомиллаштирган донишманд олимдир.

Хожа Муайяд Мехнагий каби маҳорат ва билимга эга бўлган ҳар бир нотик ўз тингловчилари қалбини ларзага келтириши, уларни ҳаяжонга сола



олиши турган гап. Ана шундай қудрат заковати туфайлигина султонлар, подшоҳлар ҳам унинг маҳорати, истеъдодини тан олиб, эъзозлаганлар.

Мавлоно Риёзий Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. Ўзининг ақл-заковати била шу вилоятнинг қозилик лавозимигача кўтарилди. Бирок Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарида ёзишича, у айрим ўринсиз хатти-ҳаракатлари учун қозилик лавозимидан четлаштирилган, кишанга солиб бадарға қилинган. Натижада бир умр таъқиб остида юради, ғарибликда кун кечиради. Мавлоно Риёзийнинг нотиклик даражасига эришувида мамлакат ҳукмронлари мафкураси билан унинг инсонпарварлик қарашлари ўртасидаги келишмовчилик, турли зиддиятлар асосий омиллардан бири бўлган. Риёзий нотиқлигининг табиий томонларидан бири ҳамдардлик туйғуларини биринчи ўринга қўя билишдир. Алишер Навоий: “... *ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиғлаб ваъжди хол қилур эрди*”, — дейди. Шоирнинг бу сўзлари анча диққат-эътиборга лойиқ, чунки эл олдида расмий нутқ билан чиқиб, йиғлаш даражасига бориб етиш ва бу кўз ёшига нисбатан тингловчиларда кулги эмас, балки ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун катта санъаткорлик маҳорати керак. Мавлоно Риёзий нутқ пайтида кўз ёши даражасига етиб борар экан, қалбидагини йиғиб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан, демак, шубҳасиз, у жуда истеъдодли нотиқ, чинакам сўз санъаткори бўлган.

Мавлоно Риёзий ажойиб сўз санъаткори бўлиши билан бир қаторда, ўз даврининг кўзга кўринган педагогларидан ҳам бири бўлган. У дунёвий фанлар: табиатшунослик, география, тарих, адабиёт назарияси ва табиий фанларни чуқур ўрганиб, ёшлар ўртасида тарғиб қилган. Мавлоно Риёзий ўз нутқларида бошқа нотиқлар қатори халқ оғзаки ижодидан ва айниқса, бадиий адабиётдан жуда усталик билан фойдаланган. У ўз замонасининг забардаст нотиғи, олими, педагог ва шоирларидан бўлган.

Ҳусайн Воиз Кошифий (Нутқ одоби қоидалари ҳақида).

Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Саъдий Шерозий каби Шарқнинг буюк алломалари ижодида нутқ одоби қоидалари қиёмига етказиб баён этилган. Инсоншуносликнинг олий натижалари тарзида ушбу умумлашмаларни бугунги инсон одоб-ахлоқига ҳам айнан татбиқ этиш мумкин. Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида нутқ одоби тўғрисида муфассал тафаккур юритадики, бунинг маҳсули нутқ одоби низомномасидай шаклланган. Мутафаккирларимизнинг наздида тил нутқ одобининг бирдан-бир воситасидир. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатишгина нотиқни мақсадига муяссар этиши мумкин.

Тилдан фойдаланиш билан бирга, кези келганда тилни тия билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Тилни асраш ўзни асраш, тинчликни сақлаш, инсонлараро муомала, муносабат мувозанатини меъёрлаштиришга сабаб бўлади. **Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади:**⁸

⁸Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т., 1994, 51-бет.



1. Ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончи худонинг душманидир.
2. Ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан.
3. Гийбат ва бўхтон гаплардан (чунки бўхтон фосиқлар ишидир).
4. Беҳуда баҳсу мунозарадан, айб кидиришдан ва гап ташишдан (булар шайтон васвасасига киради).
5. Ўзини мақташ ва таърифлашдан (бу худбинликка олиб келади).
6. Навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан.
7. Қарғашдан, дуойибад қилишдан (чунки бу жону дилнинг офатидир).
8. Мазах-масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан.

Одамзоднинг ички маънавий олами, шарафи, обрў-эътибори унинг нутқида намоён бўлади. Сўз муқаддас нарса, шундай экан, у фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Сўз тўғри, ўрнида, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган бўлиши лозим. Одам ҳақиқатни ҳатто жуда танг аҳволда қолганида ҳам айтолмас, ҳаққоний гапиролмас экан, лоақал ёлғонни гапирмасин, жим турсин. Ёлғон гапирмасликнинг ўзи ярим ростгўйликдир. Афсуски, замон аҳли зарурат бўлмаган чоғида ҳам ёлғонни кўп гапиради. Бу эса жамиятни маънавий бўҳронга итарувчи офатдир.

Ҳусайн воиз Кошифий тариқат аҳлини икки тоифага бўлади:

- а) мартабага эришганлар;
- б) мартабага эришмаганлар.

Сўнг уларнинг ҳар иккиси учун алоҳида-алоҳида суҳбат одоби қоидаларини тасниф этади: “Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги олтита қоидани сақлашлари керак:

1. Ҳар кимнинг аҳволига қараб муносиб сўз айтсин.
2. Дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин.
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин.
4. Овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин.
5. Одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин.
6. Агар сўзнинг қиммати — қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбати одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил.

1. Сўрамагунларича гапирмасин.
2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин.
3. Гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин.
4. Ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин.
5. Бетгачопарлик қилмасин.
6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин.
7. Одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин.
8. Кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам соз гапиришни шиор этсин”.

Сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам жуда катта масъулият ва маданият талаб



киладиган инсоний фазилатдир. Агар инсон яхши сўзласа-ю, тинглашни билмаса ёхуд тингласа-ю, сўзлаёлмаса, бу ҳам маънавий ноқислик аломатидир.

Муин Воиз. Ҳирот вилоятининг энг забардаст воизларидан яна бири мавлоно Муин Воиздир. Муин Воиз ҳақидаги маълумотлар А.Навоий асарларида учрайди. Навоийнинг бу воизга катта эътибор берганлиги шундан ҳам маълумки, унинг тазкирасида Муиннинг нутқ маданиятига тааллуқли кўпгина қимматли далиллар бор. Улардан аён бўлишича, Муин ғоят жўшқин, эҳтиросли нутқ сўзлаш маҳоратига эга бўлган. У ваъз қилаётганда, шу қадар берилиб кетар эканки, девоналик даражасига етиб борар ҳамда “баланд ва паст сўзлардан айтур” экан. Муин Воизнинг нутқ пайтидаги қўл ҳаракатлари, чехрасидаги имо-ишоралари, танасининг ҳолати ҳам ва бу воиз нутқ маданиятининг ёрдамчи, қўшимча воситаларидан ўз ўрнида моҳирона фойдаланганидан далолат беради. Демак, у тингловчиларни кучли ҳарорат ва мўл-кўл иқтидор билан қаноатлантирган экан.

Назорат учун саволлар:

1. Ўрта аср Шарқ нотиклигига ҳисса қўшган алломалар ҳақида сўзлаб беринг.
2. А. Навоий нотиклик ҳақида қандай фикрлар билдирган?
3. Уйғониш давридаги воизлик санъатини ривожига ҳисса қўшган машҳур нотиклар ҳақида маълумот беринг.

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

- 1.Mahmudov N. “O‘qituvchi nutqi madaniyati”. Toshkent, 2007.
- 2.AlimuhamedovA. Antik adabiyot tarixi. T., 1972.
- 3.Qo‘ng‘urov R.,Begmatov E.,Tojiyev Y.Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T.1992.
4. Rustamov A. "So‘z xususida so‘z" T. 2010.
5. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
6. Апресян Г. Ораторское искусство. М 1978.
7. Inomxo‘jayev S. Notqlik san’ati asoslari. T. 1982.

2-MA’RUZA(DAVOMI).NUTQ MADANIYATI VA NOTIQLIK SAN’ATI TARIXIDAN

Darsning o‘quv maqsadi: nutq madaniyati va notqlikning kishilik jamiyatidagi o‘rni, qadimgi yunon (Afina) va Rim notqligi, Sharq notqligi, ularning o‘ziga xosligi haqida ma’lumot berish. Notqlik turlari va ularga oid nutq ko‘rinishlari haqida bilim berish, nutqning turli shakllarini tuzish va gapirish ko‘nikmalarini shakllantirish.



Tushunchalar va tayanch iboralar: nutq madaniyati va notiqlik san'ati, yunon notiqligi, Rim notiqligi, Grek va Rim maktabi vakillari, notiqlik turlari, siyosiy-ijtimoiy notiqlik; akademik notiqlik; sud notiqligi; ijtimoiy-maishiy notiqlik; diniy notiqlik, dialogik, monologik nutq.

REJA:

1. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati, uning ilk manbalari.
2. Qadimiy davrlardagi notiqlik san'ati va notiqlik maktablari:
3. G'arb notiqlik san'atining shakllanishi.
4. Yirik notiqklar haqida ma'lumot.
5. Notiqlik turlari: siyosiy-ijtimoiy notiqlik; akademik notiqlik; sud notiqligi; ijtimoiy-maishiy notiqlik; diniy notiqlik va ularning o'ziga xos jihatlari.

Нотиклик санъати Қадимги Юнонистонда вужудга келди ва катта мавқега эришди. Нотиклик санъати ҳақидаги илк маълумот Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” достонларида келтирилган. У ўз асарида Менелай, Нестор, Ахилл, Одиссей каби машҳур нотиклар бўлганлиги, улар нотиклик санъатининг тўрт йўналишига мансублиги, нотиклик мактабларида таҳсил олганликлари, хусусан, Ахиллнинг Феникс номли сўз устаси дарсхонасида сабоқ олганлиги ҳақида қайд этади. Гомернинг нотиклик намояндаларини ўз асарларига киритганлиги қадимги Юнонистонда нотиклик санъатининг юксак камол топганлигини кўрсатади. Қадим Юнонистонда нотиклик санъатининг ривожига демократия сабаб бўлган. Булар: Беш юзлар кенгаши, халқ мажлиси, суд органи.

Беш юзлар кенгашида давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар бўйича киритиладиган таклифлар, қонун-қоидалар лойиҳасини тузиб, муҳокама этиларди. Ана шу жараёнда Кенгаш аъзоси муҳокама этилаётган масала ёки лойиҳа бўйича ўз фикрини айтар, лойиҳани киритувчи ёки масалани кўтарувчи кенгаш аъзолари эса ўз нуктаи назарларини эркин тарзда ҳимоя қилиб, ҳар томонлама асослаб, узундан-узоқ нутқ сўзлардилар. Ана шу нутқ ва эркин муҳокама жараёнида масалани кўтарувчи Кенгаш аъзоси ўз позициясини ҳимоя қила олса, лойиҳа қабул қилинар, асослай олмаса, қабул қилинмас эди. Ана шундай сўз эркинлиги, яъни демократия нотиклик санъатининг тараққиёти учун қулай замин яратди. Кенгаш нотиклиги сиёсий характерга эга бўлганлиги учун бу тоифага мансуб нотикларнинг кўпчилиги ўз мавқеига кўра сиёсий ёки ҳарбий нотиклар бўлиб, улар ижтимоий-сиёсий нотикликнинг вужудга келишига сабаб бўлдилар. Ижтимоий-сиёсий нотикликнинг йирик намояндаларидан бири Периклдир. Периклнинг нотиклик маҳорати ҳақида Эвполид шундай дейди:

”У сўзда донолиги жиҳатдан ҳаммадан устун туради. Унинг лабларига ишонтириш худоси макон қурган: у шу қадар мафтун эта олардики, нотиклар ичида, тингловчиларида ўз ништарини қолдирадиган яккаю яғонаси эди.”

Нотик-Периклнинг ибрат бўладиган хислатларидан бири шундаки, у юксак маҳоратга эга эканлигига қарамай, то пухта тайёргарлик кўриб, нутк матнини кўнгилдагидай қилиб тўла-тўқис ёзиб олмагунча, сира минбарга чиқмаган. Плутархнинг айтишича, одамлар қайсарлик қилиб талаб қилганда ҳам, тайёрланиб улгурмаганлигини айтиб, сўзга чиқмаган. У ўз нутқида мантиқ масаласига алоҳида эътибор берган. Бунинг учун у нутқида кўлланадиган факт ва ҳужжат, мисол ва далилларни шундай жойлаштирганки, натижада, унинг нутқини эшитган тингловчида нотик позициясининг тўғрилигига ҳеч қандай шубҳа қолмаган. Перикл нутк матнларининг тилига ва унинг талқини жараёнидаги талаффузига ҳам эътибор бериб, ўз фикрларини образли ифодалашга ҳаракат қилган. Юнон демократиясининг иккинчи ҳал қилувчи органи – қонун чиқарувчи Халқ мажлиси эди. Беш юзлар муҳокамасидан ўтган масала ва лойиҳаларни кенг умумхалқ муҳокамасига қўйишар ва ана шу муҳокама натижасида муайян масала ёки лойиҳа қабул қилинарди ё узил-кесил инкор этиларди. Шухрат қозонган мактаблардан бири Исократнинг мактабидир. Исократ эрамиздан аввалги 436-338 йилларда яшаган. У нотиклик, фалсафа ва юриспруденция соҳасида Сукрот, Лисий, Горгий каби забардаст олимлардан сабоқ олади. У 329 йили Афинада нотиклик мактабини очади ва унда 40 йил устозлик қилади. Ўша даврда Исократ мактаби ўзининг етук, пухта билим бериши билан шухратга эга бўлди. Шунинг учун ҳам бу мактабга фақат афиналиклар эмас, балки Юнонистоннинг барча бурчакларидан ўқувчилар оқиб кела бошлайди. Бу эса Исократ мактабининг шухрат топишига имкон яратади. Ўша даврда бу мактабдан кўплаб нотиклар (жумладан, Демосфен) етишиб чиқади.

Суд нотиклиги Юнонистонда энг катта мавқе ва эътиборга, амалий аҳамиятга молик бўлган нотиклик турларидан биридир. Антик демократия қоидаларига кўра ҳар бир эркин фуқаро хоҳлаган пайтида, хоҳлаган иши бўйича судга мурожаат этиши ва ўз манфаатини ҳимоя қилиши мумкин бўлган. Суд жараёнида суд ҳайъати чинакамига демократик, одилona позицияда турар, суд ҳукмининг қайси томон фойдасига ҳал бўлиши кўпинча уларнинг нотиклик санъатидаги маҳоратига боғлиқ эди. Қайси томон ўзининг мантикий фикрлари, асосли далиллари орқали ишонтириш кучига эга бўлиб, суд ҳайъатини ишонтира олса, ҳукм ўшанинг фойдасига ҳал бўлар эди. Антик суд жараёнининг демократик қоидаларига кўра, ҳар ким ўзини ҳимоя қилиши мумкин эди. Бироқ ҳамма вақт ҳам суд жараёнида етук нотик бўлган рақибларининг тазйиқига дош беришлари қийин кечар эди. Шунинг учун ҳам антик суд тизимининг қоидаларига мувофиқ кучли нотиклар тазйиқига учрамасликлари учун бундай кишиларга улар номидан сўзловчи нотиклардан



ёрдамчи олишга рухсат бериларди. Улар синегорлар ва логографлар деб аталган.

Синегорлар суд жараёнида бошқа бировнинг манфаатини кўзлаб нутқ сўзловчи кишилардир. Синегорлар нотиқлик санъати ва ҳуқуқшуносликдан махсус таълим олган кишилар бўлган. Улар олган ишларини ипидан-игнасиғача ўрганиб чиқиб, уни юриспруденция қоидалари асосида ёзиб, нотиқлик маҳоратларини ишга солиб, суд жараёнида ғолиб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу уларнинг тайёрлаган нутқ матнлари ва ижро маҳорати билан боғлиқ бўлган.

Логографлар эса нутқ матнларини тузиб ёки ёзиб берувчи иқтидорли кишилар бўлган. Улар қонуншунос мутахассис, таъсирчан, мантиқий, изчил ва ишонтирувчи нутқларнинг ёзувчиси, ўрни келганда нотиқ сифатида ўз ҳимояларидаги кишиларни кенг омма олдида, демократик суд олдида оқлаб чиқувчи билимдон шахслардир. Логографлар кишининг ёши, мавқеи ва бошқа жиҳатларига қараб нутқ матнларини ёзганлар ва ҳимояланувчига мана шу матнларни маҳорат билан ижро этиши учун репетиция ҳам қилдирганлар. Шундай қилиб, нотиқлик санъатининг ривожланишига, хусусан, суд нотиқлиги тараққиётига синегорлар ва логографлар улкан ҳисса қўшганлар.

Нотиқлик турларидан яна бири **эпидейктик**, яъни тантанали нотиқликдир. **Эпидейктик** нутқ кўриниши нотиқлик санъатига бўлган катта қизиқишнинг маҳсули бўлиб, фақатгина суҳанпардозлик мақсадини кўзда тутарди. Бу нутқдан кўзланган мақсад, ўз нотиқлик маҳоратини намоиш этиш, нотиқлик санъатининг барча имкониятларини ишга солиб, тингловчиларга эстетик завқ бағишлашдан иборат эди. Эпидейктик нотиқликда баландпарвоз сўзлар ишлатилар, шу боис ҳам бундай нутқ матнини тайёрлаш анчагина изланишни талаб қиларди. Натижада логографлар ўзларидан олдинги нотиқларнинг меросига ва халқ оғзаки ижодига мурожаат эта бошладилар. Шу туфайли чиройли сўзлаш санъати аста-секин шаклланиб, бадиий адабиётнинг ривожига муҳим аҳамият касб этди, яъни трагедия, комедия ва роман жанрларининг туғилишига ижобий таъсир кўрсатди. Юнонистонда бўлганидек, Римда ҳам нотиқликнинг, асосан, уч турини кўрсатиш мумкин:


1. **Суд нотиқлиги** - оқловчи ва қораловчи нутқлари асосида шаклланган.
2. **Сиёсий нотиқлик** – турли дипломатик ёзишмалар асосида шаклланган.
3. **Мақтов нотиқлиги** – ўша даврнинг юқори табақа вакиллари ва мансабдор шахслар номига айтиладиган мақтов матнлари ҳисобланади.

Булардан ташқари, Юнонистонда бўлганидек, нотиқлик санъатини ўқитиш учун хизмат қилувчи ўқув - машқ нотиқлиги ҳам мавжуд эди. Бундай нотиқликнинг асосий вазифаси нутқ назариясига асосан нотиқлик мактабида нотиқларнинг шаклланиши учун хизмат қилган. Кейинчалик Римда урушнинг кучайиб кетганлиги ҳарбий саркардалар нутқининг ривожланишига ҳам имкон берди. Натижада Ғарбу шарқда машҳур ҳарбий нотиқлар пайдо бўла бошладилар. Уларнинг вазифаси урушда аскарларни ғалабага чорлашдан иборат бўлган.

Нотиқлик санъатининг йирик намояндаси Цицерон бу санъатга юксак баҳо бериб, икки хил санъатни — лашкарбошилиқ ва нотиқлик санъатини



тан олади: «Тарихда ном қолдириш учун ё яхши саркарда, ё яхши нотик бўлиш керак». Бундай ижодкор нотикларнинг номи ўз мамлакати доирасидан чиқиб, жаҳонга маълум ва машҳур бўлган. Аристотель, Демосфен ва Цицерон, Лисий, Катон, ака-ука Гракхлар шулар жумласидандир.



Аристотель (384-322). Марказий Осиёда Арасту номи билан машҳур бўлган Аристотель эрамиздан аввалги 384 йилда Стагирда (Македония ярим ороли) шифокор оиласида дунёга келди. Унинг отаси Никомах Александр Македонскийнинг набираси подшо Аминти II саройида шифокорлик қилган.

Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган Платонга шогирд тушади. Платоннинг вафотидан сўнг Аристотель 347 йили Афинадан Троад томон ўтиб, Ассосга боради. Чунки бу ерда устозининг тарафдорлари кўп эди. Унга, айниқса, зўравон, золим Гермий хомийлик қилади. Аристотель Гермий вафотидан сўнг Лесбос ярим оролидаги Митилен шахрига кўчиб ўтади ва у ерда 342 йилгача яшайди. 342 йили Македония подшоси Филипп ўзининг Александр номли 13 ёшли ўғлининг тарбияси учун Аристотелни Митилендан чақириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кутубхона ташкил қилади. Шу даврда Грецияда чиройли сўзлашга қизиқиш кучайиб кетган эди. Натижада қатор нотиклик мактаблари очилади. Бу мактаблардан ўз даврининг сўз санъати усталари тайёрланарди. Кейинчалик чиройли сўзлаш ҳақидаги қўлланмалар майдонга кела бошлади. Шундай асарлардан бири Аристотелнинг “Риторика” номли китобидир. Буюк олим уни машҳур “Поэтика” номли асаридан сўнг, яъни эрамиздан олдинги 330 йилларда Афинага сўнгги марта қайтиб келганда ёзган эди.

Аристотелнинг “Риторика”си уч китобдан ташкил топган. Асарнинг биринчи ва иккинчи китоблари, асосан, чиройли сўзлаш, ишонтириш услублари ҳақидаги назарий фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлса, учинчи китобида нутқ мантикига жуда катта аҳамият берилади. Олимнинг нутқ назарияси ҳақидаги фикри, нотик тилидаги турли “қоришмалар”, яъни сўзларнинг нотўғри ва ноўрин талаффуз қилиниши, жумлаларнинг мантиқан ҳар хил тузилиши сўзловчининг катта хатосидир, деб ҳисоблайди. Аристотель ҳар бир жумланинг асосий фикрни ифода этишга қаратилиши, равон ва тингловчи тушунадиган даражада содда бўлишини талаб этади. У нотикнинг ҳиссиёт билан сўзлаши мулоҳаза юритаётган фикрнинг тингловчи қалбига тез етишида муҳим омил бўлишини алоҳида уқтиради. **Аристотель**



нотиклик санъатини эгаллашни 5 қисмга бўлиб ўргатади:

1. Материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш). Бунда Аристотель аудиторияга мос матн тайёрлаш лозимлигини назарда тутди. Демак, ҳар қандай нотик қандай аудиторияга қираётганлигини ҳис этиши ва шунга кўра матн материалини кашф этиши кераклигини қайд этади.
2. Материални жойлаштириш шакли (режаси). Бунда Аристотель аудиторияга мос матнни таъсирчан, жозибали сўзлар орқали фикр кетма-кетлигини тузиб чиқишни тафсия этади. Фикр кетма-кетлиги нотикнинг сўз маҳорати ва ўз нутқи орқали ифода этиш санъати билан боғлиқ ҳодисадир.
3. Материални эслаб қолиш (ўзлаштириш). Нотик сўзга чечан, сўз устаси бўлолмаса, у қандай материални кашф этмасин, унинг кетма-кетлигини мос ҳолда тайёрламасин, эслаш қобилияти яхши бўлмаса, аудиторияга етказиб беролмайди. Бундай ҳолатда нотикдан кучли хотира талаб этилади.
4. Материални сўз ёрдамида тўғри акс этириш. Нотик сўз ёрдамида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Демак, у сўз сеҳрини, маъносини, кўчма маънога эғалигини, таъсирчанлигини ҳис эта олиши ва ўз ўрнида қўллай билиши зарурдир.
5. Материални тўғри талаффуз этиш. Агар нотик сўз устида тинимсиз изланиш олиб бормаса, унинг фикр ифодалаш жараёнида сўзларни тўғри талаффуз этиш қобилияти ривожланмайди. Изланиш ва ижод ҳар бир сўзни тўғри талаффуз этиш имкониятини келтириб чиқаради.

Аристотелнинг фалсафий фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини сақлаб келмоқда. Ғарбу шарқ нотиклари бу фикрлар асосида ўзларининг нотиклик маҳоратларини ошириб келмоқдалар.

Сукрот (тахминан 427-347й.й.). Оддий сўз эмас, маънога тўйинган сўз қудратга эга бўлади, - дейди,-буюк аллома Сукрот. Инсониятга сўз шунинг учун бериладики, у ўзига юклатилган вазифани - дунёни, ўзлигини англаш учун хизмат қилсин. Файласуфнинг фикрича, нутқ худди тирик мавжудоддек тузилиши, унинг танаси билан қўл-оёғи бир-бирига мувофиқ бўлгани сингари нутқдаги сўзлар ўзаро мос бўлиши керак. Биринчидан, нутқ бошида кириш, иккинчидан, баён қилиш, гувоҳликлар, учинчидан-исботлар, тўртинчидан-хулоса бўлиши керак. Нотиклик борасида Сукротнинг ғояси қуйидагича:

1.Диалогик мулоқот. Бунда суҳбатдошлар ўз фикрларини, ўз нутқларини ҳимоя қила олишлари уқтирилмайди. Балки ўзаро суҳбат жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган масалани ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

2.Уйғунлашган мулоқот. Суҳбат. Баҳс-мунозаранинг асосий мақсади кураш ёки ғалаба қилиш эмас, мулоқот қатнашчиларининг умумий мақсадга эришиши учун бирлашишларидир.

3.Фикрий мулоқот. Одамлар ўртасидаги нутқнинг мақсади муҳокама мавзусида яширинган, топиш мумкин бўлган ҳақиқатни, маънони излаш ва топиш.Платон диалогларида ҳам тасвир этилган бир қанча шахслар орасида алоҳида ўрин тутадиган, алоҳида илиқ муҳаббат ва самимий эҳтиром билан тилга олинadиган зот Сукротдир.



Диалогни ўқиганимизда, хунуккина, ғарибона кийинган Сукротнинг оддий, аммо бениҳоя ёқимли мазмундор сўзлари калондимоғ, лекин ичи пўк, хонаки олимларни мулзам қилганини кўриб, зоҳиран жуда тўпори туюлган бу одамнинг аслида нақадар теран ақл, тиниқ фикр ва атрофдагиларнинг дилини ёритиб турадиган даражада дилрабо хислат эгаси эканлигига, ҳамиша ҳақиқат тарафдори бўлганлигига иқрор бўлишимиз мумкин.

Демосфен (384-322). Нотиклик санъатига ўз устида тинмай меҳнат қилиш орқали эришиш мумкинлигини исботлаган ва бутун умрини Она-ватанининг гуллаб-яшнашига бағишлаган давлат арбоби, машҳур нотик Демосфен эрамиздан олдинги 384 йили Афинада ўзига тўқ оилада дунёга келди. Отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, курул-яроқ устахонасининг эгаси бўлган. Бўлажак нотик 5 ёшга тўлганида отасидан айрилади. Демосфен билан синглисига отадан катта мерос қолади. Болаларнинг тарбияси ва мероси вақтинча тоғасига топширилади. Тоға эса барча бойликларни қўлга киритиб олгач, болаларнинг тарбияси билан қизиқмайди. Натижада, Демосфен жуда нимжон ва касалманд бўлиб ўсади.

Демосфен вояга етгач, тоғаси унга фақат қуллари, уйи ва уй жиҳозларини ҳамда пулнинг маълум бир қисминигина бериб алдайди. Демосфен тоғасидан мол-мулкнинг қолганини яхшилик билан қайтариб беришини сўрайди. Бироқ тоға бундан бош тортганидан кейин у қолган меросини суд орқали ундириб олишга қарор қилади. Судда муваффақият қозониш учун Афинанинг давлат қонунларини яхши билиш, шу билан бирга, равон сўзлаш, даъвосининг тўғрилигига кишиларни ишонтириш керак эди. Шу сабабли Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун ўз даврининг мерос ишлари бўйича машҳур адвокати Исей мактабида таълим олишга мажбур бўлади ва тўрт йил давомида кунт билан ўқийди. Шунингдек, бу даврда кўпгина ёзувчиларнинг асарлари билан танишиб чиқади.

Демосфен ўқишни тугатгач, васийлари билан судлашади ва суд беш йил давом этади. Бир неча йил сурункасига бўлган кураш бўлажак нотик характерининг тобланишида, бир сўзли ва матонатли бўлишида катта роль ўйнайди. Ёшлик чоғларидаёқ кўпчилик олдида сўзга чиқишни орзу қилиб юрган Демосфен ўқиш йилларида ўқитувчиси билан суд мажлисларига қатнашади. Демосфен нотиклик билан шуғулланишдан аввал ўз устози йўлидан бориб, бошқаларга судда сўзланадиган нутқнинг матнини ёзиб берар ва бу ишлари учун яхшигина ҳақ олар эди. Бора-бора нутқий матнлар ёзиш Демосфенни қониқтирмайди. У оташин ватанпарвар сифатида ўз ижтимоий фаолиятини Ватан равнақи учун сарфлашни орзу қилади. Шу орзуси ортидан эргашади, кунт билан ўқийди, ўрганади.

Демосфен нутқининг бундай аянчли тугаши табиий эди, чунки унинг товуши жуда паст бўлиб, бир оз дудукланар, “Р” ҳарфини талаффуз этолмас, ғулдираб, мужмал гапирар эди. Булардан ташқари, унинг елкасини қимирлатиб турадиган одати ҳам бўлиб, кўпчилик орасида ўзини тўғри тута билмас эди.

Халқ мажлисларидан бирида Демосфен ўзини иккинчи бор синаб кўради. Лекин бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шундан сўнг



Демосфен ўз нутқидаги камчиликларни бошқа такрорламаслик учун астойдил бош қотиради. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида қайта-қайта машқ қилади. Оғзига тош солиб олиб, каттиқ ва равон гапиришга ҳаракат қилади. “Р” товушини тўғри талаффуз этиш мақсадида кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам худди шу товушни қайтаради. Ниҳоят, узоқ муддатли тинимсиз машқлардан сўнг Демосфен ўз мақсадига эришади. Натижада, дунё тан олган машҳур нотик бўлиб етишади.

Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида ҳам иштирок эта бошлайди. У ўзининг бутун маҳорат ва билимини Ватанининг душмани — македониялик подшо Филиппга қаратади. Афина давлати Македония раҳбарлигига ўтгач, Демосфен душманлари қайтадан бош кўтардилар. Аслида бу воқеадан бир неча йил илгари Халқ партияси Демосфеннинг ватанпарварлигини юксак баҳолаб, уни “Олтин гулчамбар” билан тақдирлашга тавсия этган, Халқ мажлиси ҳам буни маъқуллаб, қарор қабул қилган эди. Македония тарафдорлари бу қарорга қарши чиқадилар. Ҳатто ўз даврининг машҳур нотикларидан бўлган Эсхин мажлис қарори устидан судга шикоят қилиб ариза беради. У халқ мажлисининг нотўғри қарор чиқарганлигини исботлашга уриниб, Демосфеннинг бундай олий мукофотга муносиб эмаслигини уқтиради. Қайта бўлган суд икки буюк нотикнинг яккама-якка олишувига айланиб кетади.

Душманлари Демосфеннинг яширинган жойидан хабар топиб, уни тириклайин қўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Улар нотикқа бўлмағур ваъдаларни бериб, Антипатра ҳузурига олиб бормоқчи бўладилар. Демосфен ёвуз ниятни фаҳмлагач, уйига хат ёзиш баҳонаси билан ибодатхонанинг ичкарисига кириб, заҳар ичади. Буюк нотик эрамиздан олдинги 322 йилнинг 12 октябрида шу тариқа дунёдан ўтади.

Демосфен услуби қуйидагича бўлган:

1. Демосфен нутқ матнида ҳам, нутқ талқини жараёнида ҳам архаизмдан қочади, жуда латиф ва жозибадор сўзларни қўлламайди, янгича сўз, ибора ва терминлар тўқимайди. Фақатгина, гоҳида халқ ҳикматларидан ва мақол-маталлардангина фойдаланади.
2. У нутқларида бирор тушунчани ифода этувчи синонимларни кўп қўллайди. Масалан, “майли гапирсин ва маслаҳат берсин”, “шодланмоқ ва қувонмоқ”. “Йиғламоқ ва кўз ёши тўкмоқ”, “сўзлар ва нутқлар” каби синонимлар унинг нутқ матнларида кўплаб учрайди.
3. У нутқда узук-юлуқ гаплардан қочар, қисқа бўғин, калта-калта жумлаларни ишлатмас, аксинча, узун, чўзиқ бўғинларни кўплаб қўллашни ҳуш кўрарди.
4. Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантикий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни қўярди.
5. Нутқда муסיкийлик ва таъсирчанликка эришиш учун жумлаларнинг охири насрий шеър билан, муайян вазн билан тугашига алоҳида эътибор берарди.
6. Демосфен нутқларидаги даврланиш композицион яхлитлик ва мутаносибликка эга эди. Унинг ҳар бир нутқий даври олдинги ва кейингиси



билан мантикий мустаҳкам боғланиб, улардан бирортасини ислоҳ этиш мазмунига ҳам, шаклга ҳам катта путур етказарди.

7. Айрим, ўзи учун муҳим туюлган сўзларни онгли равишда бир неча марта қайтаришни ёқтирарди.

8. Сўз ва жумлаларни ўзаро қарама-қарши қўйиб, ифодавийлик ва образлиликка эришишни хуш кўрар эди. Жумладан, “Тулчамбар ҳақида” номли нутқида Эсхинга қарата шундай дейди: “Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мактовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнарддинг, мен бўлсам хуштак чалардим”.

9. Риторик саволлардан унумли ва ўринли фойдаланарди. Шунинг учун ҳам унинг нутқларида “Хўш, бунинг ҳаммасига сабаб нима?”, “Нега энди мен буни ҳозир гапраяпман?” каби риторик саволлар кўплаб учрайди.

10. Демосфеннинг нутқлари энг аввал ўзининг чуқур мазмундорлиги, сиёсий ўткирлиги билан диққатга сазовор бўлган. Шунингдек, унинг фикрлари ниҳоятда олижаноб, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган, самимий пафоси билан характерланар эди.

11. У нутқ талқини жараёнида эмоционал ҳаяжон, жестикуляция, мимика каби психофизик ва ташқи ифода воситаларидан унумли фойдаланган.

12. Демосфен ўзининг нотиқлик миссиясини фақатгина Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишдан иборат, деб тушунарди.

Демосфен Афина нотиқлигининг йирик намояндаси бўлиб, унинг техник машқлари, нутқ талқини жараёнидаги ҳолатлари, нутқ устида ишлаш услублари, тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотиқликнинг талқиний ифода воситаларидан моҳирона фойдалана олиши барча нотиқлар учун мактаб вазифасини ўтаган ва бугунги кунда ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади.

Цицерон (103-43). Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 103 йилда Римдан узоқ бўлмаган Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келди. Унинг болалик йиллари Арпина шаҳридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси ўз фарзандига яхши таълим-тарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда Юнон мураббийлари кўлида таҳсил олади. Юнон тили ва адабиётини мукамал эгаллагач, Юнонистоннинг машҳур сўз усталари Лициний Коидаас ва Марк Антоний каби нотиқлардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади, уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди. Бўлажак нотиқ айни вақтда фалсафа билан шуғулланади

Цицерон узоқ тайёргарликдан сўнг, 25 ёшида биринчи маротаба халқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал фуқаролик сўнгра жиноий иш жараёни бўйича гапиради. Бироқ унинг бу нутқига давлат бошлиқларидан Сулл ҳамда Котт исмли машҳур нотиқлар қарши чиқади. Шундан сўнг у риторика ва фалсафа фанларидан мукамалроқ назарий билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотиқларидан ҳисобланган Антио Аскалонскийдан таълим олади, машҳур сўз усталаридан нотиқлик сирларини ўрганиш ниятида Кичик Осиёнинг бир қанча шаҳарларини кезиб



чиқади. У анча вақтгача нутқ сўзлашда янги усуллар кидиради. Ниҳоят, Осиё ҳамда Аттика (Ўрта Грециянинг Юнонистон жануби шарқидаги денгиз ичкарисига анча ёриб кирган ярим орол Аттика деб аталади) усуллари омухтасидан иборат бўлган янги бир услуб кашф этади.

Цицерон Осиёга саёҳат қилиб, нотиқлик санъатининг сирларини ўрганиб юрган вақтида Рим ҳукмдори Сулл вафот этади. Шундан сўнг ёш нотиқ Римга қайтиб келади ва 31 ёшидан бошлаб давлат ишларида иштирок этади. Цицерон консуллик лавозимига сайлангач, бутун нотиқлик маҳоратини сиёсий нутқларга бағишлади. У суддаги нутқларида ўзи яратган услубдан фойдаланиб, ракибларини “қўл-оёғи боғланган куёндай таслим қилди”. Ҳукмдор Сулл томонидан қабул қилинган сенат қонунларини қаттиқ қоралаб, Сулл тарафдорларини ўлдириб юборади. Келгуси йили (59 йил) Цицерон ўрнига Цезарь консул бўлиб сайлангач, сенатнинг Сулл лойиҳасига жуда яқин бўлган янги қонунлар қабул қилинади. Ватандан ҳайдалиши Цицерон учун ниҳоят даражада оғир бўлади. У бир ярим йилдан сўнггина дўстларининг ёрдами туфайли Италияга қайтиб келиш учун рухсат олади. Она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат буюк нотиқнинг илҳомини янада жўш урдиради. У нутқ назарияси устида тинимсиз ижод қила бошлайди. Орадан кўп ўтмай, машаққатли меҳнат самараси сифатида, унинг уч китобдан иборат “Нотиқлар ҳақида” номли асари дунёга келади. Мазкур асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, Лициний, Коидаасс, Марк Антоний, Юлий Цезарь, Страбон, Катулл, ҳуқуқшунос Сцевола ва унинг шогирдлари Катт, Сульниций Руфларнинг ижтимоий ва сиёсий нутқлари, уларнинг нотиқлик санъати ҳамда бу санъатнинг энг майда-чуйда масалаларидан тортиб сиёсий муаммоларгача бўлган қимматли нотиқлик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини ўз ичига олади.

Цицерон “Брут” (47 йил), “Нотиқ” (56 йил) номли бошқа асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил назарий фикрлар юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалар билан майдонга чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотиқнинг кўзда тутган асосий мақсади тингловчининг завқини уйғотиб, уларни ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотиқ шароитга қараб мавжуд услубларнинг ҳаммасидан барабар фойдаланиши зарур. **Цицерон бу фикрини давом эттириб, «кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуг ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади» дейди.**

Цицерон нутқ композициясига алоҳида эътибор берган. У нутқ жараёнида уч муҳим омилга алоҳида эътибор беришни таъкидлайди. Бу – нутқнинг кириш қисми, хотимаси ва репетицияси (шуғулланиш)идир. Шунингдек, Цицерон нутқ композициясининг назариясини ҳам ишлаб чиққан. Унинг фикрича нутқ қуйидаги қисмлардан иборат бўлмоғи зарур:

1. Нутқнинг кириш қисми.
2. Ишнинг моҳиятини очиш.
3. Кейинги қисмларнинг режаси.
4. Асосий қисм (далиллар).



5. Охирги қисм, яъни нутқ давомидаги асосий масалаларни қисқа-қисқа эслатиб ўтиш ва якун ясаш .

6. Хулоса.

Цезарь вафотидан сўнг давлатни унинг набираси Октавиан бошқаради. У ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Цецероннинг Сенат олдидаги мавқеи ва обрўсидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ Цицерон Октавианга ишонмайди. Цицероннинг душманлари янги ҳукмдорни ўзлари томонга оғдириб олгач, ундан буюк нотиқни қатл этишни талаб қиладилар. Шундай қилиб, сўз санъатининг моҳир устаси шафқатсиз жазога ҳукм этилади. Олдин унинг ўнг қўли қирқиб ташланади, сўнгра боши танасидан жудо қилинади.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаб, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб, такрорланмас нутқлари бўлади. Уйғониш даврида Италия, Франция ва Германиянинг инсонпарвар олимлари Цицероннинг илҳомбахш нутқларини севиб ўргандилар. Ўша даврда чиройли сўзлаган кишилар “цицерончилар” деб аталар эди. Чунки улар Цицерон таълимотига суянган ҳолда ўз нутқларини тайёрлашган.

Notiqlik qadimiy davrlardan beri alohida mahorat, san'at sifatida, insondagi maxsus, noyob qobiliyat tarzida talqin etib kelinadi. Shu sababli **notiqlikni** nutq madaniyatidan farqlash lozim.

Notiqlik san'atida tinglovchini, ommani o'ziga tortishga intilish maqsadi birinchi o'rinda turadi. Notiq nutqi chiroyli, jozibali bo'lishi shart. Chiroylilikka erishish uchun nutqning mazmuniga, mantiqiy kuchiga, jumlarlar jimjimadorligiga e'tibor beriladi. Notiqlik nutqi har qanday monologik og'zaki nutq emas, balki tinglovchilarni ma'lum harakatga chorlovchi yoki ularda qandaydir g'oyalar, tasavvurlar tizimini uyg'otishga qaratilgan maxsus vazifa bajaruvchi nutqdir.

Nutq madaniyati va notiqlik tushunchalari orasida o'xshashlik va farqli tomonlar mavjud:

1. Nutq madaniyati adabiy til va uning normalari bilan bog'liqdir. Notiqlik uchun bu asosiy belgi emas. So'zga chechanlik, notiqlik til materialining xarakteriga emas, nutqning ta'sirchanligi, nutqiy san'atga qarab belgilanadi.

2. Notiqlik – og'zaki nutq san'ati. Nutq madaniyati esa nutqning ham og'zaki, ham yozma shakli uchun taalluqli.

3. Nutq madaniyati sohasining maqsadi butun xalqning nutqini madaniylashtirishdir. Notiqlik asosan nutq vositasida kishilarga muayyan g'oya va maqsadlarni yetkazishni, ularni ma'lum maqsadga safarbar qilishni ko'zlaydi. Notiqlikda ma'lum maqsadga jalb qilish asosiy o'rin tutadi.

4. Notiq nutqi ko'pchilik tinglovchiga, keng auditoriyalarga mo'jallangan bo'ladi. Nutq madaniyati oddiy nutqlar, yakka kishiga qaratilgan nutqlarni ham o'z ichiga oladi.

5. Har bir kishi til imkoniyatlarini yaxshi egallagan nutq madaniyati talablariga javob beradigan so'zamol shaxs bo'lishi mumkin. Ammo har bir shaxs ham san'atkor ma'nosidagi notiq bo'la olmasligi mumkin.



Lekin adabiy tildan foydalanuvchi har bir notiq nutq madaniyatidan xabardor bo'lishi shart.

6. Notiqlik ko'proq nutqning mazmuniga, mantiqiy asoslariga e'tibor qiladi. Nutq madaniyati esa ko'proq nutqning til qurilishiga e'tibor qiladi.

7. Notiqlik san'ati notiq uchun oldindan qanday so'zlash sxemasi va rejasini bermaydi. Nutq madaniyati sohasi esa jamiyat a'zolarini ona tili boyliklari va vositalaridan maqsadga muvofiq foydalana olish ko'nikmasini beradi. Bunday ko'nikma, aslida, har qanday san'atkor notiq uchun ham zarur.

8. Notiqlik va notiqlik san'ati haqidagi fan ancha qadimiy tarixga ega. Nutq madaniyati esa ilmiy soha sifatida hali yangi va yoshdir.

Notiqlik turlari	Nutq ko'rinishlari
I. Siyosiy-ijtimoiy notiqlik	1. Siyosiy-ijtimoiy va siyosiy-iqtisodiy mavzudagi ma'ruzalar. 2. Anjumanlardagi hisobot ma'ruzalari. 3. Siyosiy nutq. 4. Diplomatik nutq. 5. Siyosiy axborot. 6. Harbiy vatanparvarlik nutqi. 7. Tashviqotchi nutqi. 8. Ilmiy-ommabop nutq.
II. Akademik notiqlik	1. O'quv yurtlari ma'ruzalari. 2. Ilmiy ma'ruza. 3. Ilmiy axborot.
III. Sud notiqligi	1. Qoralovchi nutqi. 2. Jamoatchi qoralovchi nutqi. 3. Oqlovchi nutqi. 4. Jamoatchi-oqlovchi nutqi. 5. O'z-o'zini himoya qilish nutqi.
IV. Ijtimoiy-maishiy notiqlik	1. Madhiya (yubiley, maqto'v nutqlari) 2. Ta'ziya (motam) nutqi. 3. Tabrik nutqi.
V. Diniy notiqlik	1. Xutba. 2. Va'z.

I. SIYOSIY-IJTIMOIIY NOTIQLIK

1. Siyosiy-ijtimoiy va siyosiy-iqtisodiy mavzudagi ma'ruza shu mavzuga oid muayyan axborotlarni yoritib, tinglovchilarni ulardan xabardor etish, siyosiy-ijtimoiy va siyosiy-iqtisodiy sohalarda keng fikr yuritishga o'rgatishdan iborat. Bunday mavzudagi ma'ruzalarda muammolar keng ko'lamda va aniq faktlar misolida yoritiladi.



2. Hisobot ma'ruzasi – rahbar shaxsning biror tashkilot, jamoaning ma'lum bir muddat orasidagi faoliyatiga oid rasmiy hisoboti Bunday hisobot, ko'zlangan reja, amalda bajarilgan ish hajmi va mazmuni, erishilgan yutuqlar, nuqsonlar va istiqbolda ko'zlanadigan rejalarning real faktlar asosida qilinadigan tahlilidan iborat.

3.Siyosiy nutq – majlis, qurultoy, kengashlarda so'zlanadigan nutq bo'lib, bunda rahbar xodim muayyan davrga xos dolzarb siyosiy masalalarni yoritib beradi.

4.Diplomatik nutq – davlat ahamiyatidagi rasmiy nutq bo'lib, xalqaro mavqega egaligi bilan xarakterlanadi. Diplomatiya har bir davlatning tashqi siyosatini amalga oshirish, uning chet mamlakatlar bilan aloqa qilish sohasidagi faoliyati bo'lib, shu jarayonda u yoki bu davlat nomidan so'zlanadigan barcha siyosiy, iqtisodiy, madaniy, harbiy mavzulardagi nutqlarga diplomatik nutq deyiladi.

5. Siyosiy axborot – biror shaxs(notiq)ning muayyan davrda ro'y berayotgan ijtimoiy-siyosiy voqealarni sharhlab, xulosalashtirib, bayon etib berishidan iborat. Siyosiy axborotning yuqori mavqeli turi radio va televideniada mavjud.

6. Harbiy-vatanparvarlik nutqi – notiqlik sanatida qadimdan mavjud bo'lgan nutq ko'rinishlaridan. O'zining jangovor ruhi, siyosiy keskin xarakteri bilan ajralib turadi. Amir Temur, Petr II, A.Suvorov, M.Kutuzov kabi zabardast harbiylar va so'z san'ati namoyandalarining notiqlik faoliyati e'tiborga sazovor.

7. Tashviqotchi nutqi – nutqning bu ko'rinishi o'zining sodda, oddiy suhbatga yaqin, har bir auditoriyaning sharoiti va talabiga mosligi bilan xarakterlanadi. Mavzu turlicha, suhbat o'tkazish ham turli usullarda o'tkazilishi mumkin.

8. Ilmiy-ommabop nutq o'ziga xos xususiyatlarga ega. Nutq usulini sun'iy ravishda bir qolipga solib bo'lmaydi.

9. Ilmiy-ommabop nutqlar muayyan talablarga javob berishi, ya'ni har bir ma'ruza ilmiy asosga va g'oyaviy yo'nalishga ega bo'lishi, aniq dalil va hujjatlarga asoslanishi masalani tarixiy jarayonga bog'liq holda yoritishi, qiziqarli va ixcham bo'lishi shart.

II. AKADEMIK NOTIQLIK

Akademik notiqlik o'zining akademizmi, ya'ni ilmiyligi bilan, yuksak talabchanligi bilan xarakterlanadi.

Akademik notiqlikning eng muhim xususiyati ilmiy dalillarning kuchliligi va uning muayyan fan tarmog'ining mohiyatini yechishga



bag'ishlanganligidir. Biror fanga xos bo'tgan barcha asos va qonuniyatlar to'la ilmiy tarzda yoritib beriladi. U bir necha ko'rinishga ega:

1.O'quv yurtlari ma'ruzalari o'z aniqligi, ilmiy muntazamligi, faktlarga asoslanganligi va muayyan predmet qonuniyatlarini yoritib berishga bag'ishlanganligi bilan xarakterlanadi.

2.Ilmiy ma'ruza – muayyan sohada qilinayotgan ishlar, ilmiy tajribalar haqidagi xulosalar yoki qilinajak ishlar haqidagi rejalar: dastlabki tug'ilgan g'oyalar, gipotezalar bayonidan iborat. Ilmiy ma'ruza tinglovchilar auditoriyasi tor bo'ladi. Ilmiy ma'ruza - siyosiy sharhga monand bo'lib, agar siyosiy sharhda e'tibor siyosiy-ijtimoiy hodisalarga jalb etilsa, ilmiy ma'ruzada e'tibor muayyan ilmiy yutuqlarga, ixtirolar bayoni hamda xulosasiga qaratiladi.

3.Ilmiy axborot – akademik notiqlikning bu ko'rinishi avval qilinayotgan ishlar haqida muayyan darajadagi mutaxassis, javobgar va rahbar shaxslarni xabardor qilishni ko'zda tutadi.

III.SUD NOTIQLIGI

Sud notiqligi notqlik san'atining qadimgi turlaridan hisoblanadi. Qadimgi yurist (faqih)lar orasida o'z nutqi, notqlik mahorati bilan mashhur bo'lgan so'z san'atkorlari ko'p bo'lgan. Mashhur sharq faqih notiqalaridan biri qozi al-Harbavayxiy (941y.) shu qadar katta e'tiborga ega bo'lganki, hatto yurtning amiri har kuni ertalab kelib uni ziyorat qilib ketgan.

Sud notiqligi bir necha turga bo'linadi:

1. Qoralovchi nutqi o'zining muayyan shaxs yo bir guruh kishilarning aybini bo'yniga qo'yish, o'zi xizmat qilayotgan ijtimoiy tuzum manfaatini yoqlab, shu tuzum yo davlat styosatiga qarshi bo'lgan, qonun-qoidalariga rioya qilmagan fuqarolarni qoralash ruhi bilan xarakterlanadi.

2. Jamoatchi qoralovchi nutqi. Agar davlat prokurori chetdan kelgan kishi sifatida bu ishga aralashsa, jamoatchi qoralovchi jinoyat ishtirokchilari bilan yonma-yon turib, bir jamoada ishlagan bo'lishi mumkin Jinoyatchi tarjimai holini jamoatchi-qoralovchi prokurorga qaraganda ko'proq bilishi tabiiy. Shu yo'l bilan uning jinoyatini oydinlashtirishi mumkin.

3. Oqlovchi nutqi. Oqlovchi chinakam begunoh odamni emas, balki aybi bo'lgan jinoyatchini oqlashga urinadi. Uning gunohidan o'tishni talab qiladi.

4. Jamoatchi-oqlovchi nutqi. Sudlanuvchining gunohini yengillatish, ularning to'g'ri yo'lga tushib olishlari uchun ko'maklashishga qaratilgan bo'ladi. Bu toifadagi notiqalar muayyan jamoa nomidan so'zlaydilar.



5. O‘z-o‘zini himoya qilish nutqi – sud notiqligining tarkibiy qismi. O‘z-o‘zini himoya qilish nutqi siyosiy mavqega ega bo‘lgan jarayonlarda alohida ahamiyat kasb etadi. Bunday jarayonlarda o‘z-o‘zini himoya qilish nutqi ko‘pincha siyosiy hukm chiqarish, ijtimoiy illatlarni ro‘y-rost ochib tashlash darajasiga ko‘tarilib ketadi.

IV. IJTIMOIIY-MAISHIIY NOTIQLIK

Kundalik turmush bilan bog‘liq bo‘lgan juda ko‘p yig‘in va marosimlar borki, ularda notiqlik sarfatining o‘ziga xos ko‘rinishlari namoyon bo‘ladi.

1. Madhiya yoki yubiley-maqtov nutqlari. Bu nutqning bir ko‘rinishi muayyan shaxslar xizmatini tavsiflashga bag‘ishlansa, boshqa biri obyekt madhiyasiga bag‘ishlanadi.

Birinchi ko‘rinishdagi madhiyalar jumlasiga tarixiy siymolar (Navoiy, Jomiy, Shekspir, Nyuton) davlat arboblari haqidagi ta’riflar kirs, ikkinchisiga Samarqand shahrining 2500 yillik yubileyi, yuzlab obyektlar bilan bog‘liq nutqlar kiradi.

2. Ta’ziya va motam nutqi ham jahonning ko‘pchilik xalqlariga mansub bo‘lgan nutq ko‘rinishlaridan biridir.

O‘rta Osiyo xalqlari orasida ta’ziya nutqlarning saj’ (qofiyali nasr) va she’riy shakllari mavjud. Ular o‘zining yozilishi, ta’ziya bildiruvchi shaxslarning fazilatlarini yorqin ocha olishi kabi xususiyatlari tufayli shu qadar go‘zal va dilkashki, hozirgi kunda ham o‘rnak olsa arziydi. Ana shunday ta’ziyalarning namunasi sifatida Alisher Navoiyning o‘z ustoz Abdurahmon Jomiy vafotiga bag‘ishlagan marsiyasini ko‘rsatish mumkin.

Ta’ziya nutqlarining juda ta’sirchan, mazmunan teran namunalarini O‘rta Osiyo xalqlarining madaniy xazinasidan ko‘plab keltirish mumkin.

3. Tabrik nutqi ham qadimdan mavjud bo‘lgan an’anaviy nutq ko‘rinishlaridan biri.

Tabrik nutqlari 2 xil bo‘ladi:

- rasmiy-diplomatik nutq.
- kundalik-maishiy nutq.

Rasmiy-diplomatik nutq, odatda, davlat ahamiyatiga ega bo‘lgan anjumanlarda davlat rahbarlari, yirik siyosiy arboblardan tomonidan so‘zlanadigan nutq bo‘lib, mazmun jihatdan tabrik bilan birga xalqaro ahvolga, turli mamlakat va davlatlarning o‘zaro munosabatlariga doir masalalarni yoritishga bag‘ishlangan bo‘ladi.

Kundalik-maishiy nutqlar jumlasiga ziyofatlardagi tabrik nutqlari, to‘y-hashamlardagi muborakbodlar kabi nutqlar kiradi.



V. DINIY NOTIQLIK

Diniynotiqlikislomdinidaxutbahamdava'z,
xristiandinidapropovedvasobordaginutqdebaytiladi.

1.Xutba musulmon sharqida keng tarqalgan diniy nutq ko'rinishlaridan biri bo'lib, uzoq tarixga ega. Xutba nutqi juma va hayit namozlarida, shuningdek, boshqa katta marosimlardagi nutqdir. Shu rasmiy nutqni so'zlovchi notiq-arbob xatib deb ataladi. Xutba nutqining diniy, axborot xususiyatlaridan tashqari axloqiy jihati ham mavjud. Xutba nutqlari quruq rasmiy tilda emas, hikoyat, rivoyat, sarguzasht va boshqa inobatli, ayni paytda qiziqarli, ko'rgazmali materiallar bilan asoslangan holda so'zlanadi. Bu esa xutba nutqlarining ritorik va estetik-badiiy qiymatini oshiradi.

Xutba nutqlari kompozitsion jihatdan aniqlikka egaligi bilan diqqatga sazovordir. Har bir xutba tarkiban quyidagi qismlardan iborat bo'ladi:

- hamd va na't (olloh va payg'ambar sha'niga madhiya);
- xutbayi avval (diniy pandlar);
- xutbayi soniya (axborot);
- xulosa

Xatiblar juda katta olim, notiq kishilar bo'lganlar

2.Va'z diniy notqlikka mansub ikkinchi nutq ko'rinishidir. Va'zlar asosan keng ommaga mo'ljallanganiigi uchun xutbaga ko'ra ancha erkin. Badiiylik va estetik emotsional tasirchanlik, tilining sodda va ravonligi bilan xutbadan farq qiladi.

Notiqlik san'ati asrlar osha katta ijtimoiy mavqega ega bo'lib, o'zining muhim yaratuvchanlik va estetik tarbiyaviy rolini o'ynab kelmoqda. Notiqlik san'ati borliq bilan hamnafas yashaydi, zamon talabiga moslashadi, yangi ko'rinishlari vujudga keladi, ba'zi ko'rinishlari chetga chiqadi. Bu san'atning ahamiyati, uning mavqeyi oshib boradi.



Нотиқликнинг уч манбаи мавжуд:

1. Табиий истеъдод;
2. Назарий билимлар;
3. Амалий машқлар.

Мана шу уч манба уч мақсадни келтириб чиқаради:

- ишонтириш
- руҳлантириш;
- ҳаяжонлантириш.

1. Нотиқлик санъатининг тарихи ҳақида нималарни биласиз?

2. Нотиқлик санъатини эгаллаш йўллари қандай?

3. Педагогик фаолиятда нотиқлик санъатининг ўрни қандай?

4. Шарқ нотиқлиги мактабининг намоёндалари ижодидан мисоллар келтиринг.

5. Ғарб ва Шарқ нотиқлик санъати вакилларининг фаолиятларидан фарқли ўхшаш жиҳатлардан нималардан иборат?

6. Нотиқлик нима учун энг қадимги санъат турларидан бири ҳисобланади?

Nazorat uchun savollar:

1. Notiqlikning paydo bo'lishi nimalar bilan bog'liq?
2. Notiqlik nima sababdan yunonlar orasida keng rivojlangan?



3. Buyuk yunon notiqclaridan kimlarni bilasiz?
4. Rim notiqchiligidagi o'ziga xosligi nimalarda ko'ringan?
5. Rim notiqchiligidagi vakillari kimlar va ularning qaysi jihatlari haqidama'lumotlar qolgan?
6. Sharq va G'arb notiqchiligidagi qanday o'xshash va farqli jihatlari mavjud bo'lgan?
7. Siyosiy-ijtimoiy notiqchilik nima?
8. Akademik notiqchilik haqida gapiring.
9. Sud notiqchiligi haqida gapiring.

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. Mahmudov N. "O'qituvchi nutqi madaniyati". Toshkent, 2007.
2. Alimuhamedov A. Antik adabiyot tarixi. T., 1972.
3. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T. 1992.
4. Rustamov A. "So'z xususida so'z" T. 2010.
5. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
6. Апресян Г. Ораторское искусство. М 1978.
7. Inomxo'jayev S. Notiqchilik san'ati asoslari. T. 1982.

3-MA'RUZA. ADABIY TIL TUSHUNCHASI VA NUTQ MADANIYATI. ADABIY TIL ME'YORIY TUSHUNCHASI (2 soat)

Darsning o'quv maqsadi: nutq madaniyati va notiqchilikning kishilik jamiyatidagi o'rni, adabiy tilning normativligi va nutq madaniyat tushunchalarining o'zaro aloqadorligi haqida bilim berish.

Tushunchalar va tayanch iboralar: nutq madaniyati, adabiy til me'yori, sheva, leksik me'yori, grammatik me'yori, reklama tili, me'yori, me'yoriy ko'rinishlar, imlo, urg'u, talaffuz, tinish belgilari, leksik, grammatik, uslubiy, so'z turkumlarida me'yori, so'zlarning bog'lanish qonuniyatlari, boshqaruv, moslashuv, bitishuv, so'z tartibi, nutqiy kamchiliklar — og'zaki va yozma nutqdagi kamchiliklar, varvarizmlar, dialektizmlar, vulgarizmlar, jargonlar, uslubiy, orfografik va punktuatsion me'yorlar buzilishi.

REJA:

1. Adabiy til me'yorining shakllanishi va rivojlanishi.
2. Leksik va talaffuz me'yorlarining o'ziga xos tomonlari.
3. S'z yasaliishi hamda grammatik me'yorlar haqida.
4. Reklama tilining ayrim xususiyatlari t'g'risida.

“Жуда бой, ниҳоятда чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ...”

Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?”

Абдулла Қаҳҳор

Adabiy til – umuxalq tilining me'yorga solingan, sayqallashtirilgan, muayyan qoidalar asosida qayta ishlab chiqilgan shakli. Adabiy til tusunchasida **me'yor** tushunchasi tayanch tushuncha hisoblanadi. Me'yor jamiyat a'zolari tomonidan qabul qilingan, ma'qullangan va ularga tushunarli bo'lgan til birliklarining nutq jarayonida qo'llanish holati va imkoniyatidir.

Til va nutq tizimida me'yor o'ziga xos o'ringa ega. Til material sifatida nutq jarayonida xizmat qila boshlagan lahzalardan oq uni me'yorlashtirish jamiyat ehtiyojiga aylangan va me'yoriy muammolar kun tartibiga qo'yilgan.

Jamiyat taraqqiyoti bilan baravar holda til va nutqdagi me'yoriy holatlarni o'rganish, tahlil qilishga ham ehtiyoj kuchayib borgan va bu muammolarni hal qilishda xalqning maishiy, ma'naviy-ma'rifiy turmushi, ijtimoiy-falsafiy va estetik dunyoqarashi, urf-odatlarini singari qator omillar e'tiborga olingan. Til hodisalarini, uning me'yoriy jihatlarini tadqiq etishda tilning milliy xususiyatlarini hisobga olmaslik ham aslo mumkin bo'lmagan.

Demak, me'yor milliylik va tarixiylik mazmunini kasb etadi, nechayuz, ming yillar davomida shakllangan an'anaviylikka ega bo'ladi. Tildan foydalanishdagi an'anaviy me'yorlarning davrlar o'tishi bilan o'zgarib, yangilanib turishi ham tarixiy jarayondir.

Anglashiladiki, til me'yorini belgilash muammolarini hal qilish har bir milliy til madaniyatini rivojlantirishning uzviy qismiga aylanadi. Shuning uchun ham me'yor masalalarining nutq madaniyati doirasida o'rganilishi bejiz emas.

Til elementlarining ma'lum bir me'yorga keltirilishi, bir tomondan, til mutaxassisleri orqali boshqarib borilsa, ikkinchi tomondan, tabiiy ravishda ham yuz beradi.

Til birliklarini me'yorlashtirish, hamma uchun umumiy va tushunarli bo'lgan bir qolipga keltirish umuman tilshunoslikning vazifasi sanalsa ham, u nutq madaniyati sohasining xizmatlarini inkor etmaydi. Binobarin, me'yor muammolari hamisha ushbu sohaning tadqiqot obyekti bo'lib qolaveradi. Nutq madaniyati tilda ma'lum me'yorga keltirilgan til birliklarining nutqda qo'llanish shart-sharoitlarini, qonuniyatlarini nazariy jihatdan asoslaydi hamda bu me'yorga amal qilishni bir jihatdan nazorat ham qilib boradi. Nutqdagi yutuq va kamchiliklar tahlil qilinib, bu kamchiliklarni tugatish uchun eng ma'qul yo'llari ko'rsatib turiladi. Nutq madaniyati keng miqyosdagi til tarbiyasini va ommaviy stilistik savodxonlikni, boshqacha aytganda, so'zlovchi va yozuvchi omma orasida til haqidagi fanning hozirgi zamon yutuqlarini tatbiq etishni o'z oldiga vazifa qilib qo'yadi.

B.N.Golovin: «Norma — bu til birliklarini o'zaro yaxshi tushunish zarurati tufayli undan foydalanadigan xalq tomonidan yaratilgan, til qurilishining amalda bulgan xususiyatidir. Aynan mana shu zarurat til sistemasining yagonaligiga erishish yulida odamlarga biron variantni ma'qul ko'rish, boshqasidan voz kechish istagini tug'diradi. Jamiyatning ana shunday yagonalikka erishish yo'lidagi intilishi bilan birgalikda til normasi milliy adabiy tilda yuqori darajaga ko'tarilib, mustahkamlanib boradi.



Normani tadqiq etishda shu narsani qattiq yodda tutish kerakki, tilning taraqqiyot qonunlari obyektiv jarayonning ifodasi sifatida kishilarning irodasiga bog'liq bo'lmagan holda amal qiladi.

Ba'zi tilshunoslar o'zbek tili doirasidagi normalarni ikkiga bo'libo'rganishni tavsiya qiladi:

1. Tilning umumnormasi yoki umumiy norma.

2. Tilning xususiy normalari yoki xususiy norma.

Umumiy norma ma'lum tilning, masalan, o'zbek tilining barchako'rinishlarida qo'llanayotgan normalar sistemasining yig'indisidan iborat.

Xususiy norma — umumiy normaning nutq ko'rinishlari, shakllaridagi, tilning shakllaridagi aniq ko'rinishlaridir. Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqqan holda o'zbek tilining quyidagi xususiy normalari haqida gapirish mumkin:

1) o'zbek adabiy tili normasi;

2) o'zbek lahja va shevalari normasi (dialektal norma);

3) o'zbek so'zlashuv nutqi normasi;

4) o'zbek tilining ijtimoiy tarmoqlari, ya'ni «ijtimoiy dialektlar», «ijtimoiy argolar» normasi (jargonlar, professional nutq ko'rinishlari, argoning boshqa xillariga xos normalari).

O'zbek adabiy tili normalari ilmiy asarlarda quyidagicha tasnif qilinadi: 1) leksik-semantik normalar – leksik (so'z qo'llash) normalari; 2) talaffuz (orfoepik) normalar; 3) aksentologik (so'z va formalarda urg'uning to'g'riligi) normalar; 4) fonetik (nutq tovushlarini to'liq ishlatish) normalar; 5) grammatik (morfologik va sintaktik) normalar; 6) so'z yasash normalari; 7) imloviy normalar; 8) yozuv (grafika) normalari; 9) punktuatsion normalar; 10) uslubiy normalar.

Adabiy tilda milliy tilning yashash va amal qilish qonuniyatlaridan kelib chiqib so'z tanlash imkoniyatlari uning leksik normasini belgilaydi. Umumxalq tilidan o'sib chiqqan adabiy til unda mavjud bo'lgan so'z variantlaridan lug'aviy norma sifatida eng ma'qulini — hamma uchun tushunarli bo'lgan ko'rinishini tanlab oladi, qolgan variantlar esa sheva va lahjalarda, ijtimoiy guruhlar tilida yashayveradi. Har bir shevada o'sha sheva uchun so'z qo'llashning o'z lug'aviy normasi bo'lgani kabi adabiy til normasida ham shevalarda uchragani kabi o'ziga xosliklar bor. Masalan, she'riy asarlar tilida visol, ruxsor, siyna, falak, yanoq, qalb, hijron kabi so'zlar sheva va lahjalar va hatto jonli so'zlashuv tili uchun xos emas.

Ijtimoiy hayotda yuz berayotgan o'zgarishlar, yangiliklar engavvalo leksikada o'z aksini topadi. Shuning uchun ham leksikaning boyib borishi tildagi boshqa unsurlarga qaraganda birmuncha faoldir. Bu hol leksik norma masalasi bilan tilshunoslikda muntazam shug'ullanish lozimligini taqozo qiladi.

O'zbek adabiy tilining lug'aviy normasi birmuncha tartibga keltirilgan bo'lib, u imlo lug'atlarida o'z ifodasini topgan. Shu tufayli yozma nutqda so'z qo'llash birmuncha turg'un holatda bo'lib, normani buzishlar unchalik sezilmaydi. Ammo og'zaki nutqda so'z qo'llash normasiga hamma vaqt ham yetarli darajada amal qilinyapti deb bo'lmaydi. Ularning ayrimlarini ko'rib o'tamiz.

Ba'zan so'zlar rus tilidan ko'r-ko'rona kalka qilingan holda qo'llaniladi. Bugungi tantananing aybdorlari, boshliq o'zlaridami, men o'zimda bo'laman kabi. Bu gaplarni bugungi tantananing sababchilari, boshliq xonasidami (yoki



кабинетидами), мен о‘з кабинетимда (yoki xonamda bo‘laman) tarzida qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘lar edi. To‘g‘ri, men o‘z xonamda bo‘laman deyishdan ko‘ra nutqning sodir bo‘lishidagi vaziyat, vaqtni tejash nuqtai nazaridan men o‘zimdaman yoki o‘zimda bo‘laman deyish osonroq. Ammo gap faqat tejamlilik va tushunarli bo‘lishdagina emas. Agar masalaga shunday qaraydigan bo‘lsak, bu fikrni ma‘lum vaziyatda hatto imo-ishora bilan ham tushuntirish mumkin. Bu yerda gap «o‘z» so‘ziga yuklatilgan ko‘chma ma‘noning to‘g‘ri yoki noto‘g‘riligida, fikrni shunday ifodalashning tilimiz uchun normal yoki normal emasligida boryapti. Vaqti kelib u normaga aylanishi mumkindir. Ammo fikrni shu ma‘noda ifodalovchi vositalar tilimizda bo‘lgan holda, sun‘iylikka yo‘l qo‘yish maqsadga muvofiq emas.

Xullas, norma tilning ijtimoiy vazifa bajarishining asosiy shartibo‘lib, unga amal qilish shu tilda so‘zlashuvchi va yozuvchilar uchunmajburiydir. O‘zbek tilining qanchalik normaga keltirilganligi va unga qanchalik amal qilinishi umummilliy o‘zbek madaniyatining taraqqiyot darajasini belgilovchi omillardan biridir. Bu esa o‘z-o‘zidan nutq madaniyati bilan bevosita bog‘liqdir. Chunki normaning til sathlarining biror qismi bo‘yicha buzilishi nutq madaniyatining holatiga slabiy ta’sir qiladi. (Har bir til sathi bo‘icha adabiy til me‘yorining buzilish holatlarini misollar va matnlar doirasida amaliy mashg‘ulot darsida tahlil qilamiz.)

1. Адабий тил меъёрининг шаклланиши ва ривожланиши.

Адабий тилнинг тирик тиргаги адабий меъёрлардир, чунки уларсиз адабий тил тушунчаси моҳиятини йўқотади. Бу меъёрлар кишилар нутқий ахлоқининг бошқарувчиси, сўзловчиси сифатида хизмат қилади. Айни меъёрлар бу тилдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурий бўлганлигидан сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ахборот алмашув жараёнида тил белгиларининг тўғри, адекват, бир хил англанишини таъминлайди (албатта, бунда бошқа воситалар ҳам иштирок этади).

Адабий меъёр тил унсурларидан тил системаси қонуниятларига уйғун, жамият тараққиётининг муайян даврида барқарорлашган ижтимоий-нутқий амалиёт ва анъанага мувофиқ ҳолда фойдаланиш қоидаларидир. Адабий меъёрнинг шаклланиши ва ривожланишида жамиятдаги нутқий амалиёт, айниқса, атоқли ёзувчилар — сўз усталари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Худди шу амалиётда барқарорлашган сўз (ёки бошқа лисоний бирлик)ни қўллаш доимий қоида шаклиниолади. Қизиғи шундаки, адабий тил меъёри нутқий **амалиётдан** олинади ва яна шу амалиётни бошқаришга хизмат қилади. Тил меъёрлари миллий тил бирлиги, бутунлигининг бош омилларидан ҳисобланади. Айни шу меъёрлар кўп шеваги ўзбек миллий тили эгаларининг нутқий мулоқотини бирлаштиради.

Адабий меъёрлар анчайин барқарор ходисадир, акс ҳолда нутқий алоқа қийинлашиши табиий. Айтайлик, бугун бу шакл меъёр, эртага бошқа шакл



меъёр бўлса, кишиларнинг бир-бирларини англашлари мушкуллашади. Масалан, муайян сўз мавжуд бир нарсага нисбат бериб ясалган ва бу сўз адабий меъёрга кирган, аммо вақтлар ўтиши билан бу нарса ўрнини бошқа нарса эгаллайди. Буни *отланмоқ* сўзи мисолида кўриш мумкин. Истеъдодли ёзувчи Ориф Фармонов "Тадқиқотлар ва кашфиётлар" ҳажвиясида айна ҳолатни жуда чиройли тавсифлаб кулги чиқарган: "...Тараққиёт шунчалик тезлашиб кетдики, сал бўшашсанг, ё модадан орқада қолсан, ё автобусдан. Ҳатто сўз туғилиш суръати ҳам бу тараққиёт олди жуда имилляпти. Масалан, қадимда *Йўлга отланди* деган гап бор эди. Ҳозир отлар ўрнини техника эгаллаб олди. Лекин *Йўлга отланди* гапи ҳамон тилимизда. *Йўлга отланган* одам эса яллайиб машинада ўтирган бўлади. Демак, *Йўл машиналанди* деган гап туғилиши керак эди-да." *Отланмоқ* тилимизда барқарор лексик меъёр сифатида яшамокда, унинг дастлабки маъноси, яъни "отга минмоқ" бугун хиралашган.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, адабий меъёрларни мутлақо ўзгармас, даврлар ўтиши билан ҳеч бир ўзгаришга учрамайди деб бўлмайди. Меъёрларни тамоман қотиб қолган нарса деб тушуниш тўғри эмас. Адабий тил меъёрлари айна пайтда динамик ҳодиса ҳамдир. Тил ўзининг ижтимоий табиатига мувофиқ жамият ривожини билан баб-баравар такомиллашиб боради экан, тилнинг меъёрлари ҳам ўзгариб, янада мукаммаллашиб боради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, адабий талаффуз меъёри тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши, чунки шевага хос талаффуз кўникмаси жуда мустаҳкам бўлади. Айтайлик, бола ёруғ дунёга келган сониядан бошлаб унинг қулоғи одатда у ёки бу шевадаги нутқ таъсири остида қолади. Истайми -йўқми, тили ҳам шу шевада чиқади. Таассуфки, оила то боланинг тили қотгунча уни адабий талаффуз томон тортишга уриниб ҳам кўрилмайди. Кейинчалик уни адабий талаффузга ўргатиш учун кўп куч сарфланади, аммо натижа ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Ҳатто тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишган, айтайлик, хоразмликни "о" товушини ("а" ёки унга яқин тарзда талаффуз қилади, бухороликнинг "ў" товушини (асосан, тил олди "ў"**тарзи**да талаффуз қилади) соф адабийча талаффуз қилиши мушкулотга айланади. Ана шу туфайли "Боланинг тили роса олаверсин, унинг нутқий маданияти ҳақида қайғуриш қочмас, мактаб ҳаммасини ўргатади" қабилида мулоҳаза ақлнинг иши эмас. Ўз фарзандинингрўшно дили, бурро тили расо сўзи билан илонни инидан чиқарадиган бўлиб камолга етишини астойдил истайдиган ҳар бир киши буниунутмаслиги керак.

Адабий тил меъёрларини тартибга солиш, мустаҳкамлаш, ўзгариш ва тараққиёт тамойилларини белгилаш мақсадида давлат, илмий-адабий жамоатчилик, умуман, жамият тил меъёрларига оқилона таъсир этиб боради. Зеро, адабий меъёрнинг моҳияти**тилдаги**у ёки бу қўлланишининг шу тил жамоаси томонидан мақбул кўрилиши, нуфузли адиблар асарларида кенг ёйилиши, жамият ҳаётининг айна даврида нутқий урфга киришидан иборат. Жамиятдаги муайян катта-кичик ўзгаришлар тилда акс этар экан, адабий меъёрларда кам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолатларда мақбул вариант —



адабий меъёр юзасидан тегишли давлат идоралари, жамоатчилик комиссиялари, тилшунослар, ёзувчилар ва бошқа кишилар томонидан тавсиялар ишлаб чиқилади. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида бир муддат истеъмолга кирган *илмгоҳ*, *билимгоҳ*, *тахрилноҳ* каби сўзлар ана шундай тавсиялар асосида адабий меъёрдан чиқарилиб, унинг ўрнига *институт* сўзи меъёрлаштирилди.

Адабий тил меъёрларининг мустаҳкамланишида, жамият аъзоларининг унга доимий амал қилишларини тарғиб этишда мактаб, лицей-коллежлар, олий мактаб, бадиий адабиёт, телевидение, радио, газета ва журналларнинг алоҳида ўрни бор.

2. Лексик ва талаффуз меъёрларининг ўзига хос томонлари.

Ўзбек адабий тилида, асосан, қуйидаги меъёрлар фарқланади: 1) лексик (сўз қўллаш) меъёрлар; 2) талаффуз (орфоэпик) меъёрлари; 3) сўз ясаиш меъёрлари; 4) морфологик меъёрлар; 5) синтактик меъёрлар; 6) услубий меъёрлар. Табиийки, адабий тилнинг ёзма шаклида имло (орфографик) ва тиниш белгилари (пунктуацион) меъёрлари ҳам мавжуд бўлади. Бу меъёрлар мутахассислар томонидан тил қонуниятлари, шунингдек, тарихий анъаналарга суянган ҳолда аниқ қоидалар шаклида тайёрланади ва тегишли давлат ва ташкилот тарафидан тасдиқланади. Бу қоидалар айти пайтда имло луғатларида ўз аксини топади. Маданий нутқ малакасини пухта эгалламоқ, муайян нутқнинг тўғрилиқ сифатини ҳолис баҳолай билмоқ учун адабий меъёрларнинг мазкур типлари, уларнинг асосий қоидалари ва бу қоидаларнинг бузулиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган нутқий хатоларни етарли даражада тасаввур қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Айтиқса, адабий тил меъёрларининг кучсиз типларини, агар етарли даражада эгалланмаган бўлса, нутқда бузилишга мойил бўлади. Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва ривожланган тиллардан бири сифатида бениҳоя бой лексик хазинага эга. Бу хазинадаги сўзларнинг баъзилари энг қадимги даврлардан бери яшаб келаётган бўлса, баъзилари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, яна айримларининг маъно миқдори ортган, бошқаларида эса бу миқдор камайган. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар тилнинг, энг аввало, луғат бойлигида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам **лексик меъёрлар** бошқа меъёрларга қараганда анчайин ҳаракатчан бўлади. Бунинг устига, лексик меъёрларни белгилаш ҳам сезиларли даражада мураккаб ва қийин жараён, чунки, масалан, фонетик ёки морфологик бирликлар санокли бўлгани ҳолда, лексик системани ташкил этадиган бирликлар — сўзлар жудақўп, бир неча ўн минглар, юз минглар билан ўлчанади. Шунга қўра ҳам лексик системани осонликча унификация қилиш мумкин эмас. Бунинг устига (тилда янги-янги сўзлар пайдо бўдади, айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади, турли тилларда сўзлар кириб келади. Сўзнинг мақбуллиги, унинг у ёки бу маънода қўлланиши тўғрилигининг баҳоланишида қўпроқ, тил эгаларининг дунёқараши, мафкураси, маданий-маърифий савияси, адабий анъаналардан бохабарлиги асосий роль ўйнайди.



Шунинг учун баъзан муайян сўзнинг адабий тилда қўлланишининг мақбуллиги ёки номақбуллиги устида узоқ ва жиддий баҳслашилади. Ана шу баҳс-мунозаралар, илмий-ижтимоий изланишлар натижасида тегишли тўхтамга келинади.

Айтиш лозимки, лексик меъёр луғатларда, хусусан, изоҳли луғатларда ўз аксини топади, зотан, изоҳли луғатларга биринчи навбатда адабий тил лексикаси киради. Тўғри, адабий меъёрдан ташқаридаги сўзларнинг маълум қисми ҳам изоҳли луғатдан ўрин олади, аммо улар "эск."(эскирган), "с.т." (сўзлашув тили), "диал."(диалектал), "фольк."(фольклор), "тар."(тарихий) каби изоҳлар билан берилади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (2 томлик. Москва, 1981.)да "Мазкур луғат ҳозирги ўзбек адабий тилининг норматив луғатидир. Шунга кўра луғатга, хусусан, ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик иборалар киритилган" деб таъкидланган. Айтиш жоизки, бугун мазкур луғатдаги анчагина сўзлар ҳозирги адабий тилимиз меъёрларидан чикди, бир қанча сўзлар меъёрга кирди. Шунинг учун янги 5 жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тайёрланди ва нашр этилди (Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006-2008). Тилнинг лексик меъёрларини белгилашда ўз ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларга муносабат масаласи ўртага чиқади. Дунё мамлакатларининг кўпчилигида вақти-вақти билан бу борада тилга пуристик ёндашув кўзга ташланади. Аслида пуризм (лотинча — *purus* "тоза, соф") тилнинг тозалигини сақлашга уриниш маъносида ижобий ҳодиса. Аммо тилдаги ҳар қандай ўзлашмаларга кескин қарши, ўта консерватив бир ҳаракат ўлароқ, салбий ҳаракат деб баҳоланади.





Тилга ноўрин кириши мумкин бўлган чет сўздан сакланиш керак, аммо ҳар қандай ўзлашмага қарши туриш, уни алмаштиришга киришиш мақбул иш эмас. Тилшунос Л.И.Скворцов пуризм одатда фавқулодда ижтимоий воқеалар ва улар билан боғлиқ тилда воқе бўладиган сезиларли силжишлар даврида бўй кўрсатишини айтади. Чиндан ҳам, ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тилига Европа тилларидан кирган жуда кўплаб сўзларни араб-форс сўзлари ёки янги ясалмалар билан алмаштиришга зўр берилган. Масалан: *партия* — *фирқа*, *математика* — *риёзиёт*, *астрономия* — *фалакиёт*, *водород* — *мувалидулалмаъ* — *сувтугдирғич*, *кислород* — *мувалидулҳамуза* — *аччил*, *углерод* — *ҳомзи корбун* — *кўмирчил* ва ҳ.к. Лекин бу ҳаракатлар моҳиятан сунъий бўлганлиги, ўзбек тили табиатига мувофиқ бўлмаганлиги учун натижа бермади, мазкур алмаштирилган сўзлар лексик меъёр сифатида тилда муқимлаша олмади.

Ўзбекистоннинг мустақиллигиарафасидава мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам ўзбек тилидаги европача ўзлашмаларни тилдан чиқаришга қаратилган хилма-хил фикрлар, тавсиялар ўртага ташланди. Бу тавсияларнинг аксарияти илмий-ижтимоий асосга эга эмасди, чунки бу фикрларнинг муаллифлари тилнинг моҳияти ва қонуниятларидан беҳабар эдилар. Масалан, бир ёзувчи ҳатто *товар* сўзи ўзбек тилига ёт, уни истеъмолдан чиқариш керак деган даъво билан чикди. Ҳолбуки, *товар* сўзи соф туркий бўлиб, у рус тилига туркий тиллардан ўтган. Аслида *туғ+ар* — *туғар* (туғадиган) 1 — *тувар* — *тўвар* — *товар* шаклида пайдо бўлган. Мол



сўзининг маъно тараққиёти қандай бўлса, товар сўзиники ҳамайнан шундай. Фақат бу сўзларнинг бири шарқий туркий тилларга, иккинчиси эсағарбий туркий тилларга хосдир. Демак, *товар* сўзи ўзбек тилининг минг йиллир аслўз сўзи сифатида яшашга ҳақли.

Айни шу даврда *аэропорт* сўзини *тайёрагоҳ*, *газета* ни *рўзнома*, *журнал*ни *мажалла*, *факультет*ни *куллийёт*, *филология*ни *суханишунослик*, *район*ни *ноҳия* тарзида алмаштиришга ҳаракат қилинди, матбуотда шундай қўллана бошланди. Аммо барибир, бу сўзлар ўзбек тилининг лексик меъёрига айлана олмади. Бир хорижий тилдан кирган сўзни бошқахорижий тил — араб ёки форс тили сўзи билан алмаштириш, табиийки, тил лексикаси тараққиёти учун ҳеч нарса бермайди, аксинча, халқни ўзи одатланган сўзидан ажратади, тушунишини қийинлаштиради. Европа тилларидан кирган сўзларни араб-форс сўзлари билан алмаштириш зўр берилган ўша ўтган асрнинг бошларида буюк ўзбек тилшуноси ва адиби Абдурауф Фитрат ўзининг "Тилимиз" номли мақоласида ўзбек зиёлиларининг форс ва араб сўзларини ишлатишга ўчлигидан нолиб, шундай ёзган эди: энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча (ўзбекча)!.. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин битмамишдир. Битмас, яшамишдир, яшар. Негаким бойдир. Туркча яшамишдир. Яшар, лекин ўзини араб, форстиллариндан кутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга етиргач бармоғимни яранинг ўзагига босмиш бўлдим."

Ер юзида мутлақо соф бирорта тил йўқ, албатта, биридан бошқасига сўз ўтади. Биз истаймизми, йўқми, барибир, табиий жараён. Муҳими — бунда меъёр ва ўзбек тили қонуниятларига, ижтимоий-нутқий одатларга уйғунликни инобатга олиш. Ана шу асосда тилимиз луғат хазинасидан ўрин олган жуда кўп араб, форс, рус ва бошқа тилларнинг сўзлари борки, уларнинг бегона тилга оидлигини мутахассис бўлмаган одам сезмайди ҳам. "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилингандан кейин автор, гонорар, группа, министр, область, программа, план, редактор, секретарь, текст, тема каби рус тилидан ёки у орқали бошқа тиллардан кирган бир қанча сўзлар ўрнига тавсия этилган муаллиф, қалам ҳақи, гуруҳ, вазир, вилоят, дастур, режа, муҳаррир, котиб, матн, мавзу каби арабча, форсча сўзлар бугун ўзбек тилининг лексик меъёрига айланиб бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бошқа тилдан сўз олинганда, бу сўз талаффуз жиҳатидан олувчи тилнинг товуш қонуниятларига муайян бир даражада мослаштирилмоғи мақсадга мувофиқ. Араб, форс, япон, турк ва кўплаб бошқа тилларда бу тамойил анъанага айланган. Ана шундай йўл тутилганда, ўзга тилнинг сўзи бу тилга тамоман ўз бўлиши ва бу тил ростмана бойиши мумкин. Айтайлик, иқлим сўзини бугун ҳеч қайси ўзбек бошқа сўз билан алмаштириш керак демайди. Тилимиздаги бениҳоя кўп арабча сўзлар каторида бу сўз ҳам ўзлашиб кетган. Аммо бу сўз аслида арабларнинг ҳам бевосита ўз "мол"и эмас. Уни араблар юнон тилидан олганлар. Юнонларда климатос сўзи бор, у "қуёш нурининг ерга тушишидаги қиялик даражаси" деган маънони ифодалайди. Бу сўзни араблар талаффузини ҳам



арабчалаштирган ҳолда(иклим) ўзлаштирганлар. Ёки япон тилида *сисутему* (система), *акусенто* (акцент), *пурусу* (пульс; япон ташда л товуши йўқ), *идэороги* (идеология) каби бир қанча талаффузи ҳам мослаштирилган ўзлашмалар мавжуд. Ўзбек тилида илгари рус тилидан ўзлаштирилган ва айнан талаффуз қилинадиган *комитет* (французча *comite* сўзидан олинган) сўзи бор эди. Мустақилликдан кейин айна шу французча сўзни ўзбекча талаффузга мослаштириб, *кўмита* шаклида олинди ва у адабий лексик меъёрга айланди.

Тилимизнинг **луғат хазинасини** бойитиш ва тозалигини таъминлаш, лексик меъёрларининг мунтазамлигига эришишда энг маъқул йўл ўзбек тилининг ўз ички имкониятларига таянишдир. Ўзбек тилининг ўз қонуниятлари асосида янги сўзлар яшаш, у ёки бу сабабга кўра истеъмолдан чиққан қадимги ва эски туркий сўзларни тиклаш, тилимизнинг теран томирлари бўлмиш шевалардан сўз олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, *рапорт* сўзининг ўзбекча муқобили сифатида билдиргисўзи ясалди ва адабий тилдан жой олди, *район* сўзи аввалноҳиясўзи билан алмаштирилди, аммо лексик меъёр мақомини олмади. Кейинроқ эски ўзбек тилидагитуман сўзи истеъмолга киритилди, у фаол луғатимизда ўз ўрнини топди.

Адабий тилда ҳозирча мавжуд бўлмаган, турли соҳаларга оид сўзларни излаб топишда шевалар тенгсиз манбадир. Ўзбекистоннинг бир ҳудудида деҳқончилик, бошқасида чорвачилик, яна бошқасида балиқчилик ривожланган, демакки, бу соҳаларга оид хилма-хил сўзлар ўша ерларда бор. Таомшунос олим Карим Маҳмудов хотираларидан бирида шундай воқеани ҳикоя қилган эди: Олим бир таомнинг тайёрланиш тартибини ёзиб, зукко сўз синчиси Абдулла Қаҳҳорга кўрсатади. Ундаги *икра* сўзини кўрган ёзувчи: "Бунинг ўзбекчаси йўқми?" деб сўрайди. Олим: "Балиқнинг уруғи" деса бўлади", дейди. Сўзнинг ичу ташини нақд кўра биладиган адиб: "Нима, сизга балиқ ўсимликми? " дейди аччиқланиб. "Бўлмаса, "балиқнинг тухуми" бўлсин", деб жавоб беради олим изланган бўлиб, Ёзувчи: "Балиқ товук эмас", дейди ва халқда уни ифодаладиган алоҳида сўз бўлиши кераклигини айтади... Олим сафарларидан бирида Хоразмда Қаҳҳор қасд этган сўзни эшитади, у ерда *увулдуруқ* дейиларкан. Шу тарзда бу сўз адабий тилдан жой олади.

Лексик меъёрларга худа-беҳуда аралашавериш, ҳар бир чет сўзга ғашлик билан қарайвериш, ўринли-ўринсиз чет сўзни алмаштириш пайдан бўлавериш тил лексик меъёрларининг барқарорлигини бузади. Бу, албатта, нутқий мулоқот жараёни учун ҳам, нутқ маданияти учун фойдали эмас. Инглиз диншуноси ва тарихчиси Жеймс Жорж Фрэзер бир китобида шундай бир антика одатни тасвирлайди.⁹ Австралиядаги ҳинду қабилаларидан биридаги урфга кўра, бирор киши вафот этса, унинг исмини тилга олиш тақиқланар экан. Маълумки, ҳар қандай киши исми айна замонда турдош от ҳамдир, яъни у муайян маънога эга бўлиб, ҳаётдаги бирон- бир нарса ёки тушунчани ифода этади. Масалан, *Пўлат*, *Темир*, *Лола*, *Арслон* каби киши

⁹Фрэзер Д.Д. Золотая ветвь. Москва, 1986. С. 243-245.



исмлари турдош от сифатида тегишли нарсаларнинг номларидир. Айтайлик, *Пўлат* исмли киши дунёдан кўз юмди, шу кундан бошлаб, бу сўз тақикқа учрайди, яъни тилдан чиқиб кетади. Унинг ўрнига шу маъно ифодаси учун янги сўз тилга олиб кирилади. Демак, мазкур қабила тилининг луғат бойлиги тинимсиз ўзгариб туради. Табиийки, бир-икки йилда мазкур қабилада 100 - 200 одам вафот этса, ўз-ўзидан шунча сўз тамоман янгиланади. "Бу ғаройиб одат тилнинг барқарорлигигагина путур етказиб қолмасдан, жамият ҳаётининг узлуксизлигини ҳам издан чиқаради ва ўтмиш воқеалари солномасини ҳам хира ва ишончсиз бир нарсага айлантиради", —деб таъкидланамазкур китобда. Тилнинг сўз бойлигига ниҳоятда эҳтиёткорлик, хушёрлик, зийраклик билан муносабатда бўлиш лозим.

Бугун адабий тилнинг лексик меъёрларидан ташиқаридаги мундиал (футбол мусобақаси), олийгоҳ (институт), илмгоҳ(университет), ўйингоҳ(стадион) каби сўзларни қўллаш нутқнинг тўғрилигига путур етказади.

Шу нарсани тан олиш лозимки, ҳар қандай истакдан қатъи назар, пешқадам давлатнинг тилидан бошқа тилларга у ёки бу зарурият боис сўз кириб келаверади. Фан ва технологиядаги катта-кичик кашфиётлар, ютуқлар, энг ками, шу кашфиётчининг исми шаклида ёки яна бошқа бирор шаклда ўзга тилларга кириш учун осонликча йўл топаверади. Тарихда ҳам шундай бўлган, бу табиий жараён. Айни фикрни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биргина дунё тилларининг деярли барчасидаги *алгоритм* сўзининг *Ал-Хоразмий* эканлигини эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам шундай: *Мерседес, Сони, Самсунг* каби юзлаб муайян бир тилнинг сўзлари бутун дунё тилларига кириб бўлган. Мамлакатимиздаги жадал иқтисодий ислохотлар туфайли *маркетинг, менежмент, менежер, брокер, лизинг, биржа* каби аллақанча хорижий сўз ўзбек адабий тилининг луғат хазинасидан жой олиб улгурди. Албатта, бу сўзлар янги, илғор иқтисодий ғоялар билан бирга кириб келмоқда.

Ўзбек адабий тилининг талаффуз (орфоэпик) меъёрлари деганда, нутқда айрим товушлар, уларнинг қўшилмаси, сўзлар, жумла(гап)ларнинг оҳанги (интонацияси) ва шу кабиларни тўғри талаффуз қилиш қоидалари назарда тутилади.

Адабий талаффуз меъёрлари сўзнинг товуш жиҳатидан ҳамма томонидан бир хил ва тўғри акс эттирилишини, нутқ оқимидаги оҳангнинг аниқ тайин этилишини тартибга солади. Бу сўзнинг ва, умуман, нутқнинг тўғри тузилиши ва англаниши учун бениҳоя муҳимдир.

Шунинг учун урғу меъёрларини ўзбек адабий талаффузи меъёрларининг ичида қараш мақсадга мувофиқдир.

Адабий талаффуз меъёрларини белгилашда сўзлардаги товуш ва товуш қўшилмаларини тўғри айтиш алоҳида ўрин тутати. Бунда мавжуд товушларнинг ўзига хос қонуниятлари, шаклланган анъана ва шевалардаги умумий ҳолатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, *китоб, ҳисоб, мактаб, юзлаб, обод, савод, марварид* каби сўзларнинг охиридаги жарангли



ундошларнинг нуткда *китоп, ҳисоп, мактап, юзлап, обот, савот, марварит* тарзида жарангсиз айтилиши ўзбек тилининг деярли барча шеваларида учрайди, шунга кўра бу ҳолат адабий талаффуз меъёри ҳисобланади⁴.

Шеваларда кенг тарқалгани, тилимизнинг товуш табиати ва анъанага киргани туфайли *баланд, поезд, Самарқанд, хурсанд, дўст, артист, гишт, гўшт, Тошкент* каби сўзларда сўз охиридаги ундошларнинг айтилмаслиги (ёки жаранглининг жарангсизлашиши) ҳам талаффуз меъёри сифатида қаралади. Шунингдек, сўз шакллариининг қуйидагича айтилиши ҳам меъёрга айланиб бўлган: *ушта* (учта), *бессўм* (беш сўм), *ушти* (учди), *кетти* (кетди), *иссиз* (изсиз), *туссиз* (тузсиз) каби.

Дарсликларда таъкидланганидек, "оғзаки нуткда бўлса, келса, бўлган, келган сингари сўзлар талаффузида л товушини кўпинча тушириб қолдириш ҳам адабий орфоэпия нормасига айланиб қолган. Опти, бўпти, қопти, бораркан, келаркан, овор, кўйвор каби сўзларнинг оғзаки нуткдаги талаффузи ҳам шу ҳодисага киради."¹⁰ *Айтиши мумкинки, бу ҳолатларнинг ўзбек адабий талаффузи меъёрларига айланиб улгурганига анча бўлган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор "Санъаткор" номли ҳикояси (1936 йил) да бўлса феълнинг адабий талаффуздаги бўса шакл билан бўса (ўпич) оти ўртасидаги шаклдошликдан фойдаланиб, мазкур феълнинг фақат бўлса шаклини адабий талаффуз деб тушунадиган, ҳатто бўса (ўпич)- ни ҳам бўлса тарзида айтадиган "маданиятли" артистнинг бениҳоя кулгили қийёфасини чизган:...* Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади... Санъаткор уйига кетгани извошга ўтирганида яна тутақиб кетди: "Ҳеч бўлмаса, айтадиган ашулангни ўрган, сўзларини тўғри айт" эмиш!.. — Хизматчиси савод мактабида ўқиётган бир кишини тракторист саводсиз деса, алам қилмайдими? — деди санъаткор ўзича бўғилиб, - "лабингдан бўлса олсам, э шакарлаб" деганим у кишига ёқмапти, "бўлса" эмас, "бўса" эмиш. Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман! Сенга ўхшаган саводсизлар "бўса, бўмаса" дейди. Артист культурний одам — гапни адабий килиб айтади - "бўлса, бўлмаса" дейди.

Умуман, ўзбек тилининг талаффуз меъёрлари шаклланган ва дарсликлар, тегишли луғатлар, турли қўлланмаларда берилган. Ўзбек тилининг ўзига хоссўз ясалиши меъёрлари мавжуд. Ҳар қандай ясаладиган сўз шу меъёрлар доирасида бўлмоғи шарт. Бу меъёрларга амал қилинмасдан ясалган сўз тилнинг луғат таркибидан ўрин ололмайди. Масалан, *-гич (-тич, -қич, -кич)* қўшимчаси фаол ясовчи қўшимчалардан бўлиб, тилимиздаги мавжуд сўз ясалиш меъёрларига кўра феълга қўшилади ва нарсалар-қурол, яъни феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи қурол отини ясайди: *сузгич, чизгич, қиргич, қисқич, кўрсаткич* каби. Бу қўшимча от туркумидаги сўзга мутлақо қўшила олмайди. Лекин баъзилар бу қоидага бузиб, томиргич сўзини ясайдилар. Пульсографни *томиргач* деб айтиш, ўзбек тилида бундай сўз яшаш тилимиз табиатига тамоман зиддир. Чунки *томир* сўзи от туркумига

¹⁰ Маҳмудов Н. Ўқитувчининг нутқ маданияти. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007 йил.



оид бўлиб, мазкур қўшимчанинг маъноси билан уйғунлаша олмайди, демакки, янги сўз юзага келмайди. Шунинг учун ҳам бу "сўз" тилимиз луғатига кирмади.

Худди шунингдек, бир муддат матбуот *институт* сўзи ўрнида *олийгоҳ*ни қўллаб кўрди. Бу сўзнинг ясалиши ҳам ўзбек тилининг сўз ясалиши меъёрларига зид эди. Мустақил сўз сифатида тилимизда *гоҳ* йўқ. Бунинг устига, форс-тожик тилида ҳам *гоҳ* унсури фақат от туркумидаги сўзга қўшилади, яъни *донишгоҳ* (*дониш* — билим), *оромгоҳ*, *хобгоҳ* каби. *Олий* сўзи эса сифат, демак, *олийгоҳ* сўзи ўзбек тили ясалиш қонуниятларига ҳам, тожик тили қонуниятларига ҳам бегонадир.



3. Сўз ясалиши ҳамда грамматик меъёрлар ҳақида.

Ўзбек тилининг ўз табиати, анъаналари, умуман, сўз ясалиши меъёрларига уйғун бўлмаганлиги учун "газета" маъносида ясалган *куннома*, "журнал" маъносида ясалган *ойнома*, *ойбитик*, "архив" маъносида ясалган *ҳужжатасровхона* каби бир қанча сунъий ясалмалар луғатимиздан жой ололмади. Тилнинг сўз ясалиши меъёрлари жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, уни субъектив ҳолатда бузиш маҳол. Бу ўринда ҳеч қандай зўрлик иш бермайди.

Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилиги нутқ маданиятида айрича ўрин тутади. Тўғрилик деган коммуникатив сифат учун грамматик тўғрилик асосларнинг асосидир. Грамматик тўғрилик эса нутқда грамматик меъёрларга қатъий амал қилиш орқали намоён бўлади.

Ўзбек адабий тилининг грамматикаси, яъни морфология ва синтаксиси тилшуносликда назарий жиҳатдан анчайин батафсил тадқиқ этилган, тилнинг морфологик ва синтактик қурилишига хос қонуниятлар умумлаштирилган, деярли барча ҳолатлар қоидалаштирилган. Улар тилшунослигимиздаги кўплаб илмий тадқиқотлар, норматив грамматикалар, ўзбек тили бўйича умумтаълим ва олий мактаблар учун яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Ана шу асосда ўзбек тилида сўз шакллари, қўшимчаларнинг қўлланиши, сўзларнинг қўшилиши, сўз бирикмалари ва гап тузилиши билан боғлиқ қоидаларнинг жами



грамматик меъёрларсифатида эътироф этилган. Табиийки, грамматик меъёрлар морфологик ва синтактик меъёрлардан таркиб топади. Сўзларнинг морфологик шакли ва уларнинг нутқда қўлланишини тартибга солувчи қоидалар **морфологик меъёрлар**, сўзларнинг бирикиш йўллари, сўз бирикмаси ва гап тузилиши билан боғлиқ қоидалар эса **синтактик меъёрлар** деб юритилади.

Таассуфки, адабий морфологик меъёрларнинг нутқда бузилиши тез-тез учраб туради. Бу меъёрларнинг бузилишидаги энг кенг тарқалган ҳолатлардан бири қаратқич ва тушум келишикларини қориштиришдир. Аслида бу келишикларни қўллаш билан боғлиқ қоида кучли меъёр бўлиши керак эди, чунки тилимиз табиатига кўра қаратқич келишиги кенг маънода от туркумидаги сўзларни бир-бири билан боғлашга (*дарахтнинг барги, Ўзбекистоннинг пойтахти* каби), тушум келишиги эса кенг маънода от билан феълни боғлашга (*китобни ўқимоқ, Ватанни севмоқ* каби) хизмат қилади. Аммо бу меъёр шевалар ва оғзаки нутқ таъсирида кучсизланган. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ўзбек тилининг етакчи шеваларида қаратқич келишиги тушум келишиги билан айнан бир хил шаклда қўлланади (*дарахтни барги, китобни ўқимоқ* каби). Таниқли тилшунос А.Ҳожиёв ўтган аср бошларидаги босма манбалар тилини ўрганар экан, *-нинг* ўрнида —*ни* қўшимчасини қўллаш анча кенг тарқалганини айтади. Ҳатто ўтган асрнинг 50-йилларида шеваларга суянган ҳолда —*ни* қўшимчаси билан ифодаланадиган қаратқич- тушум келишигини меъёрлаштириш таклифи ҳам ўртага ташланган. Заҳматқаш тилшунос А. Маъруфов "Бу икки шаклни бирлаштириш синтаксисга ортиқча юк бўлади, фикрни тўғри англашга халақит беради, стиль равонлигини бузади" деган ҳақли фикрни билдирган. А.Ҳожиёвнинг кўрсатишича, ўша аср бошларида оғзаки нутқ одатидан қочиш адабий тилга олиб келади, қабилида фикр қилувчи баъзилар ҳатто тушум келишиги ўрнида қаратқич келишиг шаклини қўллашга ҳам уринганлар ва буни зиёилик белгиси тарзида тақдим этмоқчи бўлганлар. Ўша давр воқелигини чуқур ўрганган маҳоратли адиб Асқад Мухтор "Опасингиллар" романида салбий образлардан бири Наимийнинг ана шундай чиранчоқлигини унинг қуйидаги нутқи {*-ни* ўрнига ўринсиз равишда —**НИНГ** қўшимчасини ишлатади) билан кўрсатади: *Муштинар волидаий муҳтарамалар! ...Тобакай оила дерсиз, тобакай бола- чақа дерсиз. Ёппасига паранжининг ташлаб, артелга ишга боришининг талаб қиламан... Бола- чақангизнинг боқиб олишга иқтидори етади, нодон эрларингизнинг жиловлаб қўйишга кучи етади!.. Ундай ярамас оиланинг таишлаб кетмогингиз лозим... Болаларингизнинг етимхоналарга олади.* Бу каби мунозара-мулоҳазалар ўзбек тили табиатига зид бўлгани учун, табиий, у даврларда қолиб кетди. Аммо ҳар ҳолда, шева ва оғзаки нутқдаги қаратқич ўрнида тушум келишиги **шаклини** қўллаш одати мазкур морфологик меъёрни кучсизҳолатга туширган. Шунинг учун бу меъёрни сўзловчи онгида барқарорлаштириш бўйича доимий машқ лозим.

Қаратқич ва тушум келишиклари нутқда белгили (қўшимча билан) ва белгисиз (қўшимчасиз) қўллана олади, аммо бунда ҳам тегишли меъёрлар



мавжуд. Зотан, бу келишиклар белгили қўлланганда, конкретлик, таъкидлаш маънолари (*китобнинг саҳифаси, китобни ўқимок*; гап аниқ, конкрет китоб ҳақида), белгисиз қўлланганда эса умумийлик маънолари (*китоб саҳифаси, китоб ўқимок*; гап умуман китоб ҳақида) реаллашади. Масалан, қаратқич келишигидаги сўз билан қаралмиш ўртасида бошқа сўз бўлса, қаратқич келишигининг, албатта, белгили қўлланиши меъёрлашган. Шунинг учун *китоб саҳифаси, мактаб ўқувчиси* дейиш мумкин, аммо улар орасига, айтайлик, *сарғайган, аълочи* сўзлари киритилса, *китоб сарғайган саҳафаси, мактаб аълочи ўқувчиси* дейиш меъёрнинг бузилишига олиб келади. Бирикма грамматик тўғри бўлиши учун, албатта, *китобнинг сарғайган саҳифаси, мактабнинг аълочи ўқувчиси* дейиш шарт. Шунга қарамасдан, айрим кишилар нутқида баъзан бу меъёрнинг бузилиши кузатилади.

Кўпинча шунга яқин яна бир хатолик кўзга ташланади. Мана бу жумлани кўрайлик: *Унда (мулоқотда) вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этишди.* Умуман, *директор ўринбосари* ёки *директорнинг ўринбосари* дейиш мумкин. Аммо *коллежнинг директор ўринбосари* дейиш тўғри эмас, чунки *ўринбосари* сўз шаклидаги *-и* эгалик қўшимчаси *директорга* қарашлилиқни ифодалайди, бу кўпшмча *коллежнинг* сўзи билан алоқаланмайди. Шунинг учун *коллеж директори ўринбосари* ёки *коллеж директорининг ўринбосари* дейилса, грамматик ва мантиқ жиҳатидан тўғри бўлади. Агар *ўринбосари* сўзидан олдин яна бошқа сифатловчи қўйиладиган бўлса, юқоридаги меъёрга мувофиқ, қаратқич келишиги белгили қўлланади, яъни коллеж директорининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари, коллеж директорининг молия масалалари бўйича ўринбосари каби. *Келтирилган гап грамматик тўғри бўлиши учун қуйидагича таҳрир этилиши лозим: Унда (мулоқотда) вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари директорларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.*

Ҳар бир келишикнинг қўлланиши билан боғлиқ аниқ адабий меъёрлар бор, ҳар бир келишик алоҳида -алоҳида маъно ва вазифа учун хизмат қилади, лекин бу меъёрларга зид ўлароқ нутқда бир келишикнинг ўрнида бошқасини қўллаш ҳолатлари учрайди. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шевалар вакиллари нутқида ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишигини ишлатиш адабий нутқнинг тўғрилигига жиддий халақит беради. *Тошкентга ўқимок, далага ишлом, поездга келмок* каби ҳолатлар меъёрнинг бузилишидир. *Сенга битта гапим бор, ҳали поездга айтаман* дейилса, бошқа шева вакиллари томонидан *Сенга битта гапим бор, ҳали поездда айтаман* тарзида эмас, балки "Сенга айтадиган гапимни сенга эмас, поездга айтаман" тарзида кулгили бир мазмунда англаниши мумкин.

Тушум ва чиқиш келишикларининг маъноси билан боғлиқ ушбу икки ҳолатни қиёсланг: *узумни емоқ — узумдан емоқ.* Тушум келишиги қўлланганда, "узумнинг ҳаммасини емоқ", чиқиш келишиги қўлланганда эса "узумнинг бир қисмини емоқ" маъноси ифодаланади. Буни билмаслик, шубҳасизки, грамматик ва мазмуний жиҳатдан мана бундай хато жумла



тузишга олиб келади: *Тилни ёрай дейди-я, тилни, - деб мулла узумдан паққос туширди* (С.Равшанов). Бу ўринда чиқиш келишигини эмас, тушум келишигини қўллаш шарт эди, чунки *паққос туширмок*, "битта ҳам қолдирмай, охири- гача емоқ" дегани ва шунинг учун ҳам у тушум келишигидаги сўзни талаб қилади.

Феъл нисбатларининг қўлланишида ҳам кўпинча морфологик меъёрларнинг бузилишини кўриш мумкин. Бу, айниқса, феълнинг аналитик шакллари (етакчи феъл+кўмакчи феъл)да кўзга ташланади. Йирик филолог А.Рустамов бундай ҳолатларга қуйидагича аниқлик киритади: "Бу —н қўшимчасини ишлатишдаги айб уни кераксиз ўринларда ҳам истеъмол қилишдан иборат. *Бошламोक, келмок*, каби феъллар кўмакчи бўлиб келганда мажҳул ҳаракатни билдириш учун мажҳуллик қўшимчаси асосий феълга қўшилиб, кўмакчи феълга, жумладан, *бошламок ёки келмоқ* феълга қўшилмайди. Бинобарин, мен эшитган ва бошқалар ҳам яна эшитиши ёки ўқиб қолиши мумкин бўлган қуйидаги гаплардаги —н қўшимчаси тил нуқтаи назаридан ортиқчадир. 1. *Ҳаёт илдизи экила бошланди*. 2. *Чўллар ўзлаштира бошланди*. 3. *Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган*. 4. *Пахта терила бошланди*. Тўғриси *Ҳаёт илдизи экила бошланди* эмас, *экила ботлади* бўлади. *Чўллар ўзлаштира бошланди* эмас, *ўзлаштирила бошлади* дейилади. *Қовоқ, уруғи қадимдан қўлланиб келинган* эмас, *қўлланиб келган* дейилиши керак. *Пахта терила бошланди* эмас, *терила бошланади* дейиш лозим."¹¹

Сўз туркумларининг барчасидаги грамматик категорияларнинг адабий тилда қўлланишини тартибга соладиган жуда кўплаб морфологик меъёрлар мавжуд.

Сўзларнинг бирикиши, сўз бирикмаси ва гап тузишда морфологик шаклланган сўзлар, табиийки, материал вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам синтактик меъёрлар ана шу морфологик меъёрларга ҳам суянади.

Синтактик меъёрларнинг ҳам нутқда бузилиши ҳолатлари кузатилади. Айтиб ўтилганидек, эга билан кесимнинг шахс-сонда мослашиши, асосан, кучли меъёр, аммо бунда ҳам баъзи хусусий ўринлар борки, улар нутқ тузувчининг иккиланишига сабаб бўлади. Масалан, эга ва кесимнинг 3- шахс кўплик сонда мослашишини олиб кўрайлик. Эга- кесим билан 3-шахсда кўпликда ҳамиша мослашиши шарт эмас, яъни эга шахсни билдирадиган сўз бўлганда, кесим кўпликда ҳам, бирликда ҳам келавериши мумкин: *Ўқувчилар мактабга келдилар* // *Ўқувчилар мактабга келди* каби. Лекин эга вазифасида жониворлар ёки жонсиз иарсаларни билдирувчи сўз келганда, кесим, асосан, бирликда қўлланади: *Итлар вовуладилар* эмас, *итлар вовулади*; *Гуллар очилдилар* эмас, *гуллар очилди* каби (бадий нутқдаги алоҳида қўллашлар бундан мустасно). Шунга қарамасдан, эга жонсиз предмет ёки тушунчани билдирадиган сўз бўлганда ҳам, айтайлик, русчадаги тўлиқ мослашувга тақлиддан синтактик нотўғри тузилган жумлаларни кўриш мумкин.

Мантикий кўплик билан грамматик кўпликнинг фарқига бормаслик ҳам синтактик меъёрларнинг бузилишига олиб келади. Масалан, *Исроил*

¹¹Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987, 149-150-бетлар.



армияси ушбу ҳудудда ҳарбий техникаларни қупайтирганлар гапида эга бирлик сонда (*Исроил армияси*), кесим кўпликда (*кўпайтирганлар*). Бунинг сабаби нутқ тузувчи *армияни* кўпликда деб тасаввур қилган. Аслида бу сўз мантиқан кўпликни билдиради, яъни жамловчи от, лекин грамматик бирлик сонда. Шунинг учун бундай гап грамматик жиҳатдан нотўғридир, тўғриси *Исроил армияси ... кўпайтирган бўлиши* лозим.

Тилимизнинг грамматик меъёрига кўра аниқловчи предметнинг аниқ микдорини билдирса, предметни билдирган сўз фақат бирлик сонда қўлланади: *ўнта китоб, йигирма нафар ўқувчи, беиш дона гул каби*; бундай ҳолатларда аниқланмишларга —*лар* кўплик қўшимчасини қўшиш грамматик хатодир. Лекин матбуотда, радио-телевидениеда, оғзаки нутқда ана шундай нотўғри қўллашлар кўп учрамоқда. 'Масалан: *Ҳозир вилоятимиздаги 80 та касб-ҳунар коллежларида 55 мингдан зиёд ўқувчи таълим оляпти*.

Микдор ифодаловчи сўзларни қўллашда кенг тарқалган яна бир нуқсон шуки, тахминий микдорни умумлаштирувчи "*...дан ортиқ*", "*...га яқин*" шаклидаги конструкциялар таркибидаги сонлар кўпинча нотўғри танланади. *Ўндан, йигирмадан..., юздан..., мингдан ортиқ* ёки *ўнга, йигирмага..., юзга..., мингга* яқин каби ҳолатларда грамматика ҳам, мантиқ ҳам соғлом, чунки яхлитлаш, умумлаштириш аниқ, кўриниб турибди. Лекин *ўн учдан ортиқ, ўн туққизга* яқин, *еттидан ортиқ, ўттиз олтига* яқин каби ифодалар мантиқ у ёқда турсин, ҳатто грамматиканинг ҳам кулгисини қистатиши табиий. Ахир, "*...дан ортиқ*", "*...га яқин*" бўлгандан кейин, ортадиган ёки яқинлашадиган эталон - меъёр муайян яхлит бир микдор бўлиши шарт-ку! Етти, туққиз, ўн уч, ўн туққиз ва ҳ.к.гача санаган одам давомини ҳам санаб қўя қолмайдими? Бу каби нуқсонлар нутқ тузувчининг ақлий танбаллиги билан боғлиққа ўхшайди.

Синтактик меъёрларнинг бузилиши тилдаги гап моделлари — структур схемаларини яхши тасаввур қилмаслик сабабли ҳам воқе бўлади. А.Ғуломов ёзганидек, гапнинг умумлашган намунаси, макети унинг структура схемасини ташкил этади. Бу схема гапнинг формал-грамматик томони бўлиб, у гап ҳосил қилиш учун зарур бўлган минимум компонентлардан ташкил топади: эга+кесим: *Бола югурди*; эга+кесим+боғлама: *Карим укам бўлади*. Гап синтактик тугалланган конструкция бўлиб, бундай синтактик конструкциялар тил бирликларининг бирикиш қонунлари асосида шаклланади.







“Кластер”(тармоқлар)

Нутқнинг(оғзаки ва ёзма) хусусиятлари

- | | |
|--|----------------------------|
| 1.Таъсирчанлиги | 14.Урғу нормаси |
| 2.Ифодалилиги | 15.Грамматик норма |
| 3.Софлиги | 16.Лексик норма |
| 4.Бойлиги | 17.Талаффуз нормаси |
| 5.Мақсадга мувофиқлиги | 18.Синтактик норма |
| 6.Аниқлиги | 19.Имловий(ёзув) нормаси |
| 7.Ўринлилиги | 20.Шева нормаси |
| 8.Равонлиги | 21.Сўз урғуси |
| 9.Мантиқийлиги | 22.Мантиқий урғу |
| 10.Ёрқинлиги | 23.Эга – кесим мослиги |
| 11.Ўткирлиги | 24.Келишик нормаси |
| 12.Тўғрилиги | 25.Ўзақ ва қўшимча мослиги |
| 13.Адабий тил нормалари | |
| 26.Иккинчи даражали бўлақларни боғланиш қонуниятлари | |





4. Реклама тилининг айрим хусусиятлари тўғрисида.

Ҳозирги кунда реклама урф-одат, кундалик ҳаёт, мода, савдо-сотик соҳаларининг таркибий қисмига айланган. Рўзномалар, ойномалар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари ва ҳатто бадиий адабиётда ҳам реклама тилига анчагина ўрин берилмоқда.

Реклама умумий ахборот воситаси сифатида турли мавзулардаги матнларда маълум аҳамиятга эга бўлиб, нафақат жамиятнинг ихтисодий томонини, балки унинг маънавийлигини, сиёсий дунёқарашини ва бадиий дидини акс эттиради.

Ғарбий мамлакатларда ўтказилган айрим социологик ўрганишлар натижасига кўра, одам ўртача ҳар куни 1500 турли реклама-эълонларга дуч келади ва улардан, фақат 70 тасигина унинг у ё бу маънода эътиборини тортади. Инсоннинг беихтиёрий эътибори танлашга молик. Маълумки, инсон ўзини у ёки бу даражада қизиқтирган ахборотни қабул қилади.

Реклама тилининг хусусияти, унинг сермаънолиги ва сержилолигидадир. Узоқ вақт давомида реклама тили таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўз услубини яратди. Оддий сўз заминида ўта таъсирчан маъноли сўз, турли амалий услубга молик сўзлар, сўзларни кўчма маъноларда қўлланиши ва бошқалар кенг ишлатилади. Асосий мақсад сўзнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини кучайтириш асосида эътиборни ўзига жалб қилишдир.

Тижоратнинг абадий қонунияти “Сотиш керак” ни амалга оширишга даъват этилган савдо рекламаси рекламанинг асосий қисмини ташкил қилади.



Савдо-сотик рекламасининг мақсади харидорда мол сотиб олиш истагини уйғотиш ва бу истакни эҳтиёжга айлантиришдир. Бу мақсадга эришиш учун харидорга эстетик, руҳий, ижтимоий, лингвистик ва бошқа турли усул ва воситалар орқали таъсир кўрсатилади.

Замонавий реклама инсоннинг барча сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, хид билиш) таъсир этадиган қилиб тузилади. Матн ва расмлар кўриш аъзоларига, эшитиш аъзосига нафақат радио ва ойнаи жаҳон орқали бериладиган рекламалар ва махсус айрим овозли рекламалар сезги аъзоларига таъсир этади. Масалан: *Париж кўчаларидан бирига ўрнатилган винони реклама қилувчи электрон қурилма ишша оғзидан отилиб чиққан тиқин ва қуйилаётган винонинг товушини акс эттиради.*

Реклама учун мижозга нисбатан хушмуомалалик ва сертакаллуфлик анъанавийдир. Одатда қўлланиладиган иборалар тури: Реклама “.....га ташрифингиздан бошимиз кўкка етади” каби хушомадларга бойдир. Реклама мижозларнинг касби, қизиқиши, ёши, “салбий томонларини” (ҳаётий кийинчиликлари, ёлғизлигини) ва шунга ўхшаш икир- чикирларига аҳамият беради. Рекламанинг кам таъсирли, аммо кўзга ташланадиган иборалари: “Шошилинг... кеч қолманг...”; “Содик (ишончли, фидойи) мижоз...” “100000-чи харидор — эътиборга молик шахс”, яъни бошқача қилиб айтганда реклама харидорларнинг сони ва сифатини ҳам эътиборидан қочирмайди.

Рекламанинг асосий қонунларидан бири фақат сертакаллуфлик, омманинг заиф томонларини билиб таъсир этишгина эмас, балки омма орасида маҳсулотга нисбатан норозилик пайдо бўлишининг олдини олишдир. Сифати ўртача буюмларни реклама қилишда харидорнинг эътиборини арзон баҳо билангина эмас, балки “қулай”, “чидамли”, “сизга лойиқ кийим”, “қуйиб қўйгандек турадиган кийим” ва шунга ўхшаш ташвиқотлар билан жалб қилинади.

Рекламада хушмуомалалик чегарасидан чиқмайдигантаъсирчан бўрттиришлар, қизиқарли ифодалар, ҳазил-мutoйибалар ҳам учрайди. Рекламанинг руҳияти кенг тарқалган ҳис-ҳаяжон — таннозлик, рашқ, ҳасад ва бошқа ҳолатларга асосланган. Айрим ҳоллардагина реклама яхши одатларга, бурчга, яхшиликка чақиради. Рекламачи насихатгўй эмас — пул қилувчидир. Рақиб маҳсулотининг сифатини ерга уриш, ўзиникини мақташ, юқори қўйиш каби усуллар ҳам қўлланилади.

Ҳар қандай савдогар молининг чиройли томонларини кўрсатишга, реклама ёрдамида маълумотлар бериб, харидорни ўзига жалб қилишга ҳаракат қилади. Харидорга мурожаат қилиш — бу ўзига хос санъатдир. Турли эълон ва даъватларни ўқишга мажбур қилиш учун омма эътиборини кучайтириш, қизиқишларини кўзғаш, кўнглини овлаш, лол қолдириш орқали харидорни бирор молни танлаш ва сотиб олишга мажбур қилиш — мурожаат мақсадларидир.

Савдо-сотик рекламасининг асоси — реклама мўлжалга олган шахс онгига таъсир этиши лозим бўлган матндир. Реклама сарлавҳа ва тарғиб қилинаётган буюмлар номлари алоҳида бўрттириладиган матндан



иборат бўлади. Одатда бу номлар реклама матнида бир неча марта такрорланадиган товар белгиларидир.

Реклама эълони матнининг асосий бўғини — сарлавҳадир. Мижозлар уни матнга нисбатан беш марта кўпроқ ўқийдилар. Психологлар ва реклама мутахассислари далолат беришича, йўловчиларнинг кўзлари эълоннинг чап томоидан кўра ўнг томонига кўпроқ тушар экан. Бу шунга кўра, рекламанинг асосий унсурлари, сўзлари ва расмларни ўнг томонга жойлаштирадilar.

Реклама қилишнинг ўзига хос хусусияти, реклама матни ва мазмунига таъсир этади. Сўз тартиби телеграфда қўлланиладиган сўз тартибига ўхшаш бўлади: отлар кўп ишлатилиб, феъллар (кесимлар) одатда назарда тутилади (“биз таклиф қиламиз...”, “сотувга чиқарилди...”). Кўпинча “кесим” вазифасини реклама тахтасининг ўзи бажаради. Чунки унда мавжуд буюмлар реклама қилинади. Реклама қилувчининг мақсади йўловчининг беихтиёрий эътиборини ихтиёрийлаштиришдан иборат. Ихтиёрий эътиборни пайдо этишга ранг-баранглик сабаб бўлади.

Реклама аниқ маълумотларни (буюмнинг тавсифи, унинг қўлланиши, нархи, манзилгоҳи ва шунга ўхшашлар) назарда тутиши мумкин. Бундай маълумотлар мижозни тўғри йўналтириб, онгли равишда бундай буюмларни харид қилишига эҳтиёж туғдиради. Аммо кўпинча реклама мижознинг ҳиссиётига таъсир этишга мўлжалланади: яъни тежамкорликка (арзон, бир умр эскирмайди ва шу кабилар), хушбичимликка (бекаму-кўст, ёпишиб туради), гўзалликка, ватанпарварликка, экзотика, янгиликка (шу кунги, эртанги услубда, замон билан ҳамоҳанг). Реклама матни эътиборни жалб қиладиган, қизиқарли, лўнда, жиддий, кенг қамровли ва умидбахш бўлиши керак.

Рекламада марказий ўринни буюм белгисининг луғавий ифодаси эгаллайди. Айнан шу луғавий ифода атрофида реклама матни ва расмлари ташкил қилинади. Товар белгилари иложи борица кўпроқ ва кенгрок тарқатилиши керак. Бунинг учун товар белгиси ташвиқот варақаларида, махсус чироқли эълонларда, радио ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида, фильмларда, рўзномаларда, журналларда ва ёдномаларда такрорланиб туради.

Белги эсда қоладиган, таниб бўладиган бўлиши учун уни истеъмолчи хотирасида мустаҳкам қолдириш керак. Шу мақсадда, фирма ўз белгиларини иложи бўлган ҳамма ерда такрорлаб туришга қатъият билан ҳаракат қилади. Натижада товар белгиси “нидо” га айланиб, эътиборни ўзига жалб қилмайди. Ойномалардан товар белгиларининг рекламаси одатда изоҳини қамраб олувчи матнга эга бўлади. Олдиндан яхши маълум бўлган, таниқли ва қадимий товар белгилари изоҳсиз берилиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ифодалилиқ, эътиборни жалб этиш, эсда қолиш, қизиқиш ва мойиллик уйғотишга қодир бўлган товар белгисининг луғавий ифодасига бевосита алоқадордир. Гапнинг шакли, тури ва таркибини айнан товар белгиси аниқлайди. Ўзига хос шиорлар ичида энг қулай таклиф турларидан бири фирма “нидо” си ҳисобланади. Шиорлар анча ихтиёрий



бўлиб, реклама ва савдо-сотиқ соҳасига тааллуқлидирлар. Улар жар солиб, ишонтириб, ташвиқот қилиб харидорни хизматларидан баҳраманд бўлишига ундайдилар.

Тилшунослик нуқтаи назаридан товар белгиларининг ифодаси махсус луғатта мансубдир. Умумий луғат сўзларидан фарқли ўлароқ, махсус луғат сўзларини, улар ёрдамида қандай буюм номлангани аниқ билинмаса, тушуниб бўлмайди. Реклама яратувчилар ўз мақсадларидан келиб чиқиб, табиий луғавий бирликларни янгилайдилар. Улар учун асосийси рухий самарага эришиш бўлиб, бунинг учун реклама қилинаётган буюмнинг эътиборга лойиқ томонини сақлаб қолиш лозим. Бунда асосий талаб: буюмнинг номини айтмай уни билвосита ифодалашдир. Билвосита ифодадаги маълумот-хабар нафақат ақлий, балки ҳиссий тусга эга бўлиши, товар белгисини эслаб қолишни, унинг таъсирчан матнда ўзига хос ажралиб туришини таъминлаши керак.

Реклама тузувчилар сўз доимо бирор нарсани аниқ ифода қилишига ҳаракат қиладилар. Тил нуқтаи назаридан қаралса, товар белгиларининг сўздаги ифодаси шакли ва маъноси жиҳатдан ўхшаш сўзлар билан уйғунликка эш бўлиши лозим.

Товар белгиларини тузишда, сўз маъноси тушунарли бўлишидан ҳам, унинг таъсирли бўлиши ҳақида кўпроқ ўйланади. Шундай қилиб, товар белгиси қанчалик ноодатий бўлса, эътиборни жалб қилиш мақсадига шунчалик тез эришилади. Кўпгина товар белгилари ўзлари мўлжаллаган кишилар назарида маъносиздек, асосланмагандек туюлишининг сабаби шундир.

Товар белгилари мўлжалланган одамлар муаллиф фикрини қисман бўлсада, англашлари лозим. Товар белгилари кимларга мўлжалланган бўлса, айнан ўшаларда ҳиссий сезги, қизиқиш ва шунга ўхшашларни, яъни рекламани яратишда нималар назарда тутилган бўлса, ўшаларни уйғота билиши керак. Шунинг учун ҳам товар белгиларини тузувчилар, уларнинг тушунарлилиқ даражасини, уларни муваффақиятли қўллаш имкониятларини ҳамда улар келтириб чиқарадиган оқибатларни таҳлил қиладилар.

Реклама соҳасидаги амалий тажриба товар белгиларини тузишда эътиборга олинадиган ҳамда фойдаланиладиган, товар белгиларининг муваффақиятли жорий этилишини таъминлайдиган ва улар уйғотиши лозим бўлганфикрларни олдиндан кўриш имконини берадиган анъана, қонун-қоидалар мажмуи, усул ва воситаларини ишлаб чиққан.

Товар белгиси луғавий кўринишининг асосий хусусиятларидан бири, ақлий-мантикий жиҳатдан устун турувчи ҳиссий-муносабат жиҳатидир. Бунда, албатта ижобий муносабатларни назарда тутмоқ керак. Бундай хусусият, қадимдан товарни ўзини айтмай уни номлаш эҳтиёжидан келиб чиққан. Бунинг натижасида сўзлашув нутқида осон ўзлашадиган, сўзлари том маъносида ишлатилмайдиган шамалар тизими таркиб топган. Сунъий ҳосил қилинган сўзлар табиий тил сўзлари билан алоқасини сақлаб қолади. Сўз билан ифодаланадиган товар белгиларининг фирма белгилари тизимидаги ҳолатининг икки хиллиги (биринчидан, товарлар



ассортиментини мавсумий алмаштирилиши туфайли бир товар белгисини иккинчиси билан алмаштириш зарурлиги, иккинчидан, мижозлар мазкур фирманинг янги белгиларини билиб олишлари учун) ўхшаш товар белгилари туркумининг пайдо бўлишига олиб келади.

Маълум товар белгилари келтириб чиқарадиган фикрлар барқарорлигини товар белгиларининг сўздаги ифодалари алмаштирилганда товар номларидаги изчиллик белгилайди, бу фирманинг ўзи реклама қилаётган товарларини мижозларнинг таниб олишларини осонлаштиришга интилишидан келиб чиқади.

Фикрларнинг барқарорлиги товар белгисининг машҳурлиги ҳамда истеъмолчиларнинг тажрибаси ва билимига боғлиқдир. Кенг истеъмол моллари таҳлил қилинганда товар белгиларининг шаклан ва мазмунан бошқа сўз ёки товар белгиларига ўхшашлик ҳоллари учрайди. Бу уларнинг лингвистик асосланганлиги ва тилнинг асосий луғат таркибига мослашганлигидан далолат беради.

Одатда, товар белгилари дуч келган сўз ёки сўз унсурлари эмас, балки маданий-тарихий ахборотга эга бўлган ёки шу маълумотни ўзига осонгина қабул қила оладиган сўзларни қамраб олади. Айнан шунинг учун ҳам товар белгилари таркибида “ажойибот” ларга камтарона ўрин берилади.

Бу маънода, байналминал сўзлар ёки шуларга ўхшаш сўзлар қулайроқ ва маълумотга бойроқдир. Уларнинг маълумот бериш кўлами кенгроқ, улар кўп тиллар учун бегона эмас ва шунинг учун ҳам турли мамлакатларда кенг тарқалган товар белгилари тизимига осон сингиб кетадилар. Улар кўпроқ фикр ва муносабатларга сабаб бўладилар, бунинг устига илмий сўзларни эслатиб, тилда кам урайдиган “ажойибот” сўзларига нисбатан нуфузлироқдирлар.

Товарнинг сўз билан ифодаланган белгилари тижорат соҳасига мансубдир. Булар туркум ишлаб чиқариладиган буюмларни белгилаш ва айнанлаштириш учун миллий ёки байналминал тиллар асосида махсус ясалган сунъий сўзлардир. Уларни “сунъий” сўзлар деб аталиши, улар биринчи марта расмий қайд этилишидан олдин бирон-бир табиий тилда мавжуд бўлмаганлигини ёки бу соҳада ишлатилмаганлигини, ўзига хос янги атамалар эканлигини алоҳида қайд қилишни тақозо этади.

Товарнинг луғавий белгилари атоқли ёки турдош отлардан ташкил топади. Атоқли отлар, турдош отлар учун қабул қилинган айрим қонуниятларга бўйсунмасдан, тилда алоҳида ўрин тутади.

Атоқли отлар маълум буюмлар турига мансуб бўлган ва турдан якка ҳолда ажралиб турадиган алоҳида буюмларга берилади. Ҳар бир атоқли от алоҳида ва якка ҳолда номланган буюмга берилиб, у юридик қайд қилиниш имконига эга бўлади.

Худди атоқли отлар сингари буюмнинг номи унинг мутлақо махсус томонини шахсийлаштиради, яъни кимнингдир шахсий буюми эканлигини билдиради. Товар белгиларининг асосий вазифаси бир мулкдор буюминини иккинчисиникидан фарқлашдир.



Маълумки, атоқли от билан ифодаланиладиган асосий категория буюмийликдир. Ном, доимо бирон-бир буюмга тааллуқли бўлиб, у жонли ёки жонсиз, бир бутун ёки бир турга мансуб ёки ҳар хил турларга мансуб қисмлардан, кўпгина бир хил ёки турли хил буюмлардан эканликларига қарамасдан тўлалигича тушунилади.

Дастлаб товар белгилари билан бундай ҳол содир бўлмагандек туюлади. Булар товоқ-қошиқми ёки спорт оёқ кийимими, барибир бир турли буюмлар таркибига киради. Ваҳоланки, ҳар бир алоҳида буюм ёки бутун бир тур буюмлари, яъни копток — коптоқлар буюмлиги нуқтаи назардан қабул қилиниши керак. Аммо бу ерда бироз бошқачароқ ҳолат юз беради: сизга турли фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган коптоқлар таклиф қилишади, аммо ҳар бир фирманинг ишлаб чиқарган туркум товарлари эса ўзига хос номланади. Бу айнан буюмни шахсийлаштириш демакдир.



Nazorat uchun savollar:

1. Adabiy til va uning og‘zaki va yozma shakli haqida gapiring.
2. Me‘yor (norma) tushunchasiga ta‘rif bering.
3. Adabiy til me‘yorlarini til sathlari bo‘yicha izohlang.
4. Adabiy tilning nutq madaniyati bilan qanday bog‘liqligi bor?
5. Imloviy me‘yor va orfografik me‘yor buzilishiga misol ayting.
6. Leksik-semantik me‘yorning buzilishiga misol ayting.
7. Grammatik me‘yorning buzilishining nutq madaniyatiga ta‘siri nimalarda ko‘rinadi?

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:



1. Mahmudov N. "O'qituvchi nutqi madaniyati". Toshkent, 2007.
2. Alimuhamedov A. Antik adabiyot tarixi. T., 1972.
3. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T. 1992.
4. Rustamov A. "So'z xususida so'z" T. 2010.
5. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
6. Апресян Г. Ораторское искусство. М 1978.
7. Inomxo'jayev S. Notiqlik san'ati asoslari. T. 1982.
8. E. Begmatov, A. Mamatov "Adabiy norma nazariyasi", Toshkent, 1997. 1-qism.
9. E. Begmatov, A. Mamatov "Adabiy norma nazariyasi", Toshkent, 2000. 3-qism.
10. E. Begmatov va b. "Adabiy norma va nutq madaniyati". T.: Fan, 1983.

4-MA'RUZA. NUTQNING ASOSIY XUSUSIYATLARI, KOMMUNIKATIV SIFATLARI(4 soat).

Darsning o'quv maqsadi: nutq madaniyati tushunchasining ko'p ma'nolari, ularning bog'liqligi haqida bilim berish.

Tushunchalar va tayanch iboralar: nutq madaniyati atamasi, real nutqiy hodisa, nutqiy malaka, ko'nikma, madaniy nutq, to'g'ri nutq, madaniy nutq, yaxshi nutq tushunchalari.

REJA:

1. Nutq madaniyatining atama sifatidagi izohi.
2. Nutq madaniyati (NM) – real nutqiy hodisa; NM – nutqiy malaka, ko'nikma; NM – ilmiy muammoga ega soha; NM – lingvistik soha.
3. Nutqning kommunikativ sifatlari (to'g'riligi, aniqligi, sofliigi, boyliigi, mantiqiyliigi, maqsadga muvofiqligi, jo'yaliligi).

Avvalgi ma'ruzalarimizda til madaniyati va nutq madaniyati tushunchalari, ularning farqli va o'zaro aloqador jihatlari haqida fikr yuritilgan edi. Nutq madaniyatining aniq ma'noda til birliklarini nutq jarayonida qo'llashning me'yori, maqsadga muvofiqligini anglatsa ham, umumiy ma'noda ma'lum millatning umumtil madaniyati doirasida qaraladi, deb ta'kidlagan edik.

Nutq madaniyati tushunchasini tilshunos olimlar turlicha izohlaydilar.

Bu haqdagi fikrlarimizni yanada konkretlashtirish uchun nutq madaniyati tushunchasiga tilshunos olimlarimiz tomonidan berilgan turlicha ta'rif va yondoshuvlarga to'xtalamiz.

Nutq madaniyati bir tilda to'g'ri so'zlash va yozishdir.

Nutq madaniyati fikrni sodda, aniq va tushunarli ifodalashdir.



Nutq madaniyati tilning tasviriy va obrazli vositalaridan unumli, o'z o'rnida foydalana bilishdir.

Nutq madaniyati nutqning qisqaligi, ixchamligi, aniqligi va milliyligadir.

Nutq madaniyati nutqning sodda, barcha uchun tushunarli bo'lishidir. Va hokazo.

Mazkur fikrlarga monand qarashlar **nutq odobi** tushunchasida o'z ifodasini topganini, bu haqdagi fikrlar qadimiy yodgorliklarimizda ham bayon etilganini e'tirof etish lozim.

Shuningdek, nutq madaniyatiga yuqoridagi ta'riflarda aks etgan muammolarni o'rganish, hal etishga yo'naltirilgan alohida soha sifatida qaraladi. Tilshunos olim L.I.Skvorsov bu haqda shunday yozadi: «Nutq madaniyati bir tomondan nutqning adabiy til normalariga mos kelish darajasini bildirsa, ikkinchi tomondan bu tushuncha tilshunoslikning adabiy tilni yana takomillashtirish maqsadida uni normalash bilan shug'ullanuvchi sohani ham ifodalaydi».

«Nutq madaniyati» – ko'p qirrali tushuncha. Shunga ko'ra uni quyidagichatalqin qilish mumkin:

- tildagi mavjud til hodisasining nomi;
- nutq madaniyati talablariga javob beruvchi aniq nutqiy jarayonning, ya'ni aniq nutqiy ko'rinishning nomi;
- madaniy nutq va u haqida kishilar ongida mavjud bo'lgan aniq me'yoriy tasavvurlarning nomi;
- tilshunoslikning ilmiy-tadqiqot obyekti bo'lgan nutq madaniyati va uhaqidagi mavjud ilmiy tasvurlarning, muammoning o'ri;
- nutq madaniyati muammosini tadqiq qilish bilan shug'ullanadigan tilshunoslik sohasining - nutq madaniyati sohasining nomi.

Nutq madaniyati – real nutqiy hodisa. Kishilarning muhim aloqa vositasi bo'lgan til qanchalik tariiy ahamiyatga ega bo'lsa, so'zlovchilarning bu tilga munosabati ham shunchalik qadimiydir. Chunki so'zlovchi inson doimo fikrini ta'sirchan qilib so'zlashga, suhbatdoshining e'tiborini tortishga, javob talab qilish uchun tushunarli nutq so'zlashga harakat qilishi obyektiv zarurat hisoblangan. Bunday odat va ko'nikmalar ikki muhim jihatga aloqador bo'lganligi ham shubhasiz: birinchidan, tildagi tabiiy va aslida mavjud imkoniyatlarni egallash, undan o'rinli foydalanishga intilish; ikkinchidan, so'zlovchilarning muayyan nutqiy talablar, normalarga amal qilishi. Birinchi holatda til va uning mavjud ifoda vositalaridan foydalanish malaka va ko'nikmalari shukllana borgan bo'ls, ikkinchi holatda nutqning til bilan bog'liq bo'lmagan boshqa tomonlari ham namoyon bo'la borgan. Masalan, so'zlovchining va tinglovchining muayyan axloq-odob normalariga rioya qilishi, ta'sirchan va chiroyli gapirishga intilish, tilga hurmat, o'z gapi va o'zgalar gapiga e'tiborli bo'lishi, o'rinli so'zlash, so'zlash madaniyati va tinglash madaniyati, suhbat madaniyati, munozara madaniyati, tilga e'tibor va ehtiyotkorlik va boshqalar. Mazkur talablar asosida insonlar orasida nutqiy-axloqiy qonun-qoidalar yuzaga kelgan va bu tilda ham ma'lum normalarning kelib chiqishiga sabab bo'lgan. Qadimda nutq madaniyatining kurtaklari nutq odobi tarzida namoyon bo'lgan.



Nutq madaniyati nutqiy malaka va ko'nikmalarning hosil bo'lishi, bu jarayondagi lingvistik va nolingvistik omillarning o'zaro aloqadorligi bilan vujudga keladi.

Nutq madaniyatining alohida ilmiy muammoga ega sohaligi esa mazkur hayotiy ehtiyojlar asosida uning tushuncha sifatida shakllanishidan birmuncha keyingi bosqichda vujudga kelgan. U fanning muayyan tarmog'i sifatida o'z o'rganish obyektiga ega; tilni ma'lum me'yorlarga solish, so'ngra esa adabiy tilni rivojlantirish va umuman til taraqqiyotiga hissa qo'shish kabi ulkan vazifalarni o'z zimmasiga oladi. Nutq madaniyati sohasining ilmiy muammolari tilning barcha sathlariga, tilshunoslik fanining barcha tarmoqlari bilan aloqador ekanligini ta'kidlash joiz.

Nutq madaniyati avvalo, to'g'ri, adabiy til me'yorlariga amal qilgan holda so'zlashdir. Shunga ko'ra nutq haqidagi quyidagi fikrlarga e'tibor beraylik:

Agar nutqda adabiy til me'yorlariga amal qilingan bo'lsa, bunday nutq **to'g'ri nutq**dir.

Agar nutqda adabiy tilga begona bo'lgan, shu tilga o'zlashmagan so'zlar, gap qurilishlari ... o'rin olmasa, bunday nutq **sof nutq**dir.

Agar nutqda ko'p va har xil adabiy til belgilaridan (ifoda vositalaridan) foydalanilgan bo'lsa, bu nutq **boy nutq** hisoblanadi.

Agar nutqni tashkil etgan so'zlar, so'z birikmalarining ma'nolari ular ifodalagan tushunchalar hajmiga to'g'ri kelsa, mos bo'lsa, bunday nutq **aniq nutq**dir.

Agar nutq tuzilishiga kirgan so'z, so'z birikmalariga xos ma'nolarning aloqasi mantiq qonunlariga, tafakkur qonunlariga zid bo'lmasa, bunday nutq **mantiqli nutq**dir.

Agar nutq til vositalarining yaxshi tanlab joylashtirilishi orqali tuzilib, faqat tinglovchining ongigagina ta'sir etib qolmasdan, unga his-hayajon ham bag'ishlasa, tinglovchining diqqatini tortsa, qiziqtirolsa, bunday nutq **ifodali nutq**dir.

Agar nutq tuzilishi tinglovchi ongiga ta'sir qilish bilan birga unda borliq haqida ma'lum bir aniq tasavvur sezdirsa, o'sha narsani ko'z oldida gavdalantirsa, bu nutq **obrazli nutq** bo'ladi.

Agar nutq tinglovchi ongining ko'p tomonlarini egallab olib, uni so'zlovchiga mahliyo, tobe qilib qo'ysa, bunday nutq **ta'sirli nutq**dir.

Agar nutq o'z o'rnida, o'z vaqtida, o'z janrida, vazifasiga ko'ra tuzilgan bo'lsa, shu sharoit yoki vaziyatlarga mos kelsa, bunday nutq **jo'vali nutq**dir.

Agar nutqning til tuzilishi tinglovchining qabul qilinishini osonlashtirishga xizmat qilsa, bunday nutq **tushunarli nutq** hisoblanadi.

Aytilgan fikrlarga bog'liq holda nutqning asosiy kommunikativ sifatlari borasida to'xtalamiz.

Nutqning to'g'riligi – bosh aloqaviy sifat. Nutqning to'g'ri bo'lishi, eng avvalo, uning adabiy til me'yorlariga muvofiq kelishidir. U asosan ikki normaga - urg'u va grammatik normaga qat'iy amal qilishni talab qiladi. Urg'uning to'g'ri qo'yilishi fikrning to'g'ri tushunilishi bilan bog'liq. Bu - so'z urg'usiga ham, mantiqiy urg'uga ham aloqador fikr. (Qiyos: Onasiz / bola o'ynamas. Onasiz



bola / o‘ynamas.) Grammatik normalarga rioya qilish deganda gap tuzish qoidalaridan to‘g‘ri foydalanish, o‘zak va qo‘shimchalar o‘rtasidagi bog‘lanishning tabiiyligi, ega-kesim mosligi, ikkinchi darajali bo‘laklarning ularga bog‘lanish qonuniyatlari kabilarni e‘tiborga olish kerak bo‘ladi. (-ni/-ning, -ga/-da, -li/-lik va b.)

Nutqning aniqligi – «nutq – voqelik» va «nutq – tafakkur» munosabati asosida belgilanadi. (B.Golovin«Основы культуры речи») Aniqlik – bu so‘zning o‘zi ifodalayotgan voqelikka mutlaqo mos kelishidir. Bunda lug‘aviy birlik (so‘z, ibora)larni tanlashga alohida ahamiyat berish kerak. Uning murakkabligi so‘zlarning ko‘p ma‘noliligida aks etadi. Bu muammoni nutqning uslubiy jihatiga aloqador holda hal etish talab qilinadi.

Nutqning tozaligi. Bunda nutq adabiy til normasiga mos kelishi, g‘ayriadabiy til unsurlaridan holi bo‘lishi kerak. Bunga ta’sir qiluvchi lisoniy unsurlar: dialektizmlar, varvarizmlar, kanselyarizmlar, parazit so‘zlar, vulgarizmlar va boshqalar.

Nutqning ta’sirchanligi. Tinglovchi va o‘quvchi e‘tiborini qozonadigan xususiyatlar e‘tiborga olinadi. Nutqning ta’sirchan bo‘lishiga erishishda nolingvistik shart-sharoitlar muhim o‘rin egallaydi. Eng avvalo, notiqning mavzu doirasida yetarli bilimga ega bo‘lmasligi nutqning ta’sirchan bo‘lishiga to‘siq bo‘ladi. Nutqning ta’sirchanligi deganda asosan, og‘zaki nutq jarayoni nazarda tutiladi. Bunda tinglovchining bilim darajasi, yoshi, hattoki kayfiyatini e‘tiborga olish zarur bo‘ladi. Vaqtning hisobga olinishi ham kerak. So‘zlovchining o‘z nutqiga munosabati ham muhim. O‘ta rasmiyatchilikdan qochish, hayotiy misollarga ham murojaat qilish nutqning ta’sirchan bo‘lishida alohida ahamiyatga ega.

Mashhur rus notig‘i V.Klyuchkovskiy: «Jamoat orasida gapirganingizda tinglovchilarning qulog‘iga, aqliga murojaat qilmang, shundoq gapiringki, ular sizni tinglab turib so‘zlaringizni eshitsin, narsalarni siz bilan ko‘rib, sizning holatingizga kirishsin. Tinglovchilar sizning tasviringizsiz ham aqli, yuragi, fikri bilan shu narsani yaxshiroq kuzatadi. nutqda fikrni rivojlantira borib, dastlab uning tuzilishini tinglovchining aqliga yetkazish, keyin uning tasavvuriga yaqqol taqqoslarni taqdim etish kerak, nihoyat, chiroyli lirik tasvirlar bilan ehtiyotkorona uni tinglovchining yuragiga jo qiling, o‘shanda tinglovchi – asiringiz qochib ketmaydi, hattoki, siz uni erkin qo‘yib yuborsangiz ham, sizning abadiy itoatkor asiringiz bo‘lib qoladi».

Nutqning boyligi va rang-barangligi. Nutqning boyligi va rang-barangligini ta’minlashda lug‘aviy birliklar (so‘zlar), frazeologik birliklar (iboralar) va sintaktik vositalar (sintaktik sinonimlar, sintaktik variantlar, inversiya)dan unumli foydalanishga alohida e‘tibor talab qilinadi. Shuningdek, so‘z yasash imkoniyatlaridan maqsadli foydalanishga, intonatsiyaga ham e‘tibor berish muhim. Bunda nutq uslublarining o‘ziga xos jihatlari nazarda tutiladi. Turli vositalarga boy va eng rang-barang uslub badiiy uslubdir. Turli stilistik figuralardan foydalanish imkoniyati keng, bu esa ta’sirchanlik va mazmuniy ifodaning yuqori darajada bo‘lishiga yo‘naltiriladi.



Nutqning qisqaligi. Aytilayotgan fikrning qisqa shaklda bayon etilishi ham muhim. Haddan ziyod uzun shaklda tuzilgan gaplar ba'zan mantiqan chalkashliklarga olib keladi. Shuningdek, o'quvchi yoki tinglovchini toliqtirish bois zerikarli bo'ladi. Nutq qisqa bo'lsa, tegishli fikr aniq sodda shaklda ifodalansa, ko'pincha maqsadga muvofiq bo'ladi. aforizmlardan foydalanish ham nutqiy qisqalik namunasi hisoblanadi.

Nutqning ifodaliligi (ifodali nutq) Nutqning bu xususiyati uning ta'sirchanligi va samaradorligini oshiruvchi vositadir. Bunda nutqqa ifodalilik va obrazlilik baxsh etuvchi turli tasviriy vositalar (o'xshatish, epitet, metonimiya, metafora, sinekdoxa, allegoriya va b.) bilan birgalikda kontekstual nutqiy vositalar (nutqning tovush tomonidan muvofiqligi, ifodali intonatsiya, nutqni dialoglashtirish va intimlashtirish; intonasion va psixologik pauza) kabilarga e'tibor qaratiladi.

Nutqning maqsadga muvofiqligi. Nutqning bu xususiyati fikrning ijtimoiy asoslari bilan bog'liq. Bunda mavzu va nutqiy muvofiqlikni ta'minlash uchun axborotning mohiyatidan tashqari quyidagilar muvofiqligi muhim sanaladi: nutqiy uslub va nutqiy maqsad muvofiqligi, predmet va mazmun, adresat va auditoriya, til vositalari va adabiy norma, til vositalari va stilistik talab o'rtasidagi muvofiqlik.

Nutqning maqsadga muvofiqligi kommunikatsiyaning muhim sifat belgilaridan biri hisoblanadi.

Nutqning mantiqiyiligi. Nutqning mantiqiyiligi uning asosiy sifatlari – aniqlik va to'g'rilik bilan chambarchas bog'liq. Chunki grammatik jihatdan to'g'ri tuzilmagan nutq mantiqning buzilishiga olib keladi. Mantiqiy izchillikning buzilishi esa tinglovchi va o'quvchiga aytilayotgan fikrning to'g'ri yetib bormasligi, ba'zan umuman tushunilmasligiga olib keladi. Nutq mantiqiy bo'lishi uchun nafaqat lisoniy omillar, balki nolisoniy omillar ham ahamiyat kasb etadi. Bunda so'zlovchi yoki yozuvchidan tilni yaxshi bilishdan tashqari keng dunyoqarashga, mulohaza yuritayotgan mavzu doirasida chuqur bilimga ega bo'lishi talab etiladi.

Nutq mantiqiyiligining asosiy sharti – bu leksik-semantik va sintaktik normaga amal qilishdir. So'z tartibiga amal qilish ham muhim. Xullas, yaxlit bir tizimda, fikriy izchillikda tuzilgan nutqni mantiqiy nutq deb atash mumkin.

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири фикрни тўғри, мазмунли баён қилишдир. Нутқда қўлланадиган ҳар қандай тил воситасининг имконияти, кучи адабий тил меъёрларига таянилгандагина рўёбга чиқади. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик меъёри нуктаи назаридан нутқий тўғрилиқ қуйидаги хусусиятларга эга.

Нутқнинг талаффуз (орфоэпик) маданияти тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқдир. Бунга сўз ва ибораларнинг тўғри дикцияси, сўз ва мантикий урғу, интонация (оҳанг) ҳамда пауза (тўхтам)га эътибор қилиш орқали эришилади. Орфоэпик жиҳатдан нутқнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва гап урғусининг тўғри ишлатилишига боғлиқ. Масалан, рус тилида урғу эркин бўлса, ўзбек тилида урғу боғлиқдир, яъни сўз



Ўзакларига кўшимчалар кўшилганда, урғунинг тушиш ўрни ҳам ўзгариб боради. Ишчи-ишчилар-ишчиларга каби. Демак, талаффузда ана шу меъёрни сақлаш лозим бўлади. Худди шунингдек, сўзлардаги урғунинг кўчиши баъзан унинг маъносини ҳам ўзгартиради: олма-олма, қатлама-қатлама, ҳозир-ҳозир каби қатор сўзларнинг қандай маъно ифодалаши фақап-ина урғу ёрдамида ойдинлашади.

Сўзлар урғусига амал қилмаслик сўз маъноси ва адабий талаффузни бузади: бино-бийно, сино-сийно каби. Маънони таъкидлаб кўрсатишда мантикий урғудан ҳам фойдаланилади. Масалан, “Мен кинога бордим” гапи мантикий урғусига кўра уч хил фикрни англатиши мумкин. Мен бордим (сен эмас), кинога (театрга эмас), бордим (бормадим эмас).

Нутқда мантикий урғудан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, “Семиз папкали киши келди”; “Онасиз бола ўйнамас” каби гапларнинг маъноси урғунинг қайси гап бўлагига тушишига кўра турлича маъноларни ифодалаши мумкин. Нутқ маданияти олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳозирги талаффуз меъёрини аниқлашдир. Маданий нутқда сўзларнинг тўғри талаффуз қилиниши энг муҳим шартлардан биридир. Ҳатто айрим сўзларни эскирган шаклда талаффуз қилиш ҳам нутқ маданиятини хиралаштиради: ишқоп, устоқ пан, паришта (адабий талаффуз: шкаф, стол, фан, фаришта). Худди шунингдек, талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўзларнинг фарқига бормай (шавкат-шафқат) ёки эътиборсизлик натижасида ҳ товуши ўрнида х (моҳир-моҳир, машҳур-машҳур, шоҳ-шоҳ)ни; у товуши ўрнида ў (улкан-ўлкан) талаффуз қилиш ғайримаъёрийдир. Бирор сўзнинг тарихий-этимологик шакли ва грамматик хусусиятини яхши билмай туриб, уни тўғри талаффуз қилиш мумкин эмас.

Эндиликда матбуот саҳифадарида ўзбеклар учун талаффузи қийин бўлган философия, философик таълимот, философик материализм атамалари ўрнида уларнинг маъноларини айнан ифода қиладиган ўзбекча талаффуз меъёрларига мос келадиган фалсафа, фалсафий таълимот, фалсафий материализм каби қадимги вариантларни қўллаш меъёр саналади.


Маълумки, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш нутқдан бошланади. Сўз қабул қилувчи тил ҳар бир сўзни ўз «ғалвири»дан ўтказди ва қонун-қоидаларига бўйсундириб олади. Бундай ҳолат энг аввало, қабул қилинган сўзнинг талаффузида намоён бўлади.

Нутқда бунга риоя қилмаслик орфоэпик хатоларга олиб келади ҳамда нутқни ғализ қилади. Сўзларнинг талаффузида улар таркибидаги товушларнинг фонологик хусусиятга эга эканлиги ҳисобга олинади. Жумладан, араб ва рус тилларидан қабул қилинган сўзлар таркибидаги ф ва ж товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин олганлиги учун бу товушларни нутқда п ва ж тарзида, яъни пойда (фойда), пақир(фақир), пабрика (фабрика), пизика (физика) жўрнал, жўри тарзида талаффуз қилиш хато ҳисобланади. Лекин рус тилидаги ц, щ, ы, товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин ололмаган. Чунки бу товушларнинг фонологик параметрлари бутунлай бошқа. Шунинг учун уларни «с» (эски қабул қилинган сўзларда эса «ч»



тарзида), «ш» ва «ц» тарзида талаффуз қилиш мумкин: цилиндр (цилиндр), сиркул (циркуль), черков (церковь), чоризм (царзим), ши (щи), выставка (выставка) каби. Рус тили учун ундош товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги фонологик аҳамиятга эга. Ўзбек тилида бу ҳодиса аҳамиятсиздир. Шунинг учун рус тилидан кирган сўзлардаги юмшоқ ва қаттиқ товушларни ҳам ўзбек тилида бир хил талаффуз этиш меъёр ҳисобланади: январь, февраль, пальто каби. Оҳанг (интонация) туфайли сўзларнинг маъно ифодалаш имкониятлари кенгаяди. Масалан, «келинг» сўзи айтилиш оҳангига кўра самимият, масхаралаш, норозилик, ўқиниш каби қатор маъноларни ифодалаш мумкин. Тўғри нутқ тузишда тўхтам (пауза) иинг ҳам алоҳида ўрни бор. Тўхтам нутқдаги жумлаларнинг, гапдаги айрим сўз ёки сўз бирикмаларининг чегарасини кўрсатади. Тўхтамни нотўғри қўллаш нутқнинг мазмунини ўзгартириши мумкин. Поезддан уч болали она тушди. Боласи бор битта онами? Ёки ҳар бирида биттадан боласи бор учта онами? Албатта, бундай ҳолларда тиниш белгиси муҳим аҳамиятга эга. Тўғри нутқ тузиш учун фикрни ҳар томонлама мазмунли, ифодали қилувчи сўз ва сўз вариантларини топа билиш, уларни ўз ўрнида ишлата олиш муҳимдир. Бошқача айтганда, луғавий маданият бу сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда синоним, омоним, антоним, пароним, чегараланган лексика ва бошқаларнинг маъно қирраларини тўла англаган ҳолда нутқда қўллай олишдир. Маълумки, ҳар бир сўз ўзига хос маъноси билан нутқда ажаралиб туради. Агар сўз кўп маъноли бўлса, нутқда қайси маъноси билан қўлланилаётгани аниқ бўлиши керак. Сўзнинг луғавий маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади. Бир абитуриент ўз иншосида «Ғофир Солиҳбойнинг қироли эди»- деган жумлани ишлатган. Абитуриент қирол - подшоҳ, қарол эса хизматкор, қул маъносида қўлланишини ажрата олмаган.

Синонимлар нутқни таъсирчан қилиш билан бирга, турли қайтариқларининг олдини олиб, уни равон қилади. Нутқда синонимлардан уларнинг маъно ва услубий нозикликларини тўла англаган ҳолда фойдаланиш лозим. Акс ҳолда нутқий ғализлик вужудга келади. Чунки бир парадигмани ҳосил қилган синоним сўзлар турли сўзлар билан турлича синтагматик муносабатга киришади: Ориқ ва озғин синонимларидан озғин одамларга нисбатан, ориқ эса ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. Яна чоғиштиринг: пухта, пишиқ, мустаҳкам, маҳкам, чидамли каби синоним сўзлар бино, ирода, ғишт, йигит сўзлари билан синтагматик алоқага кириши ҳам, кирмаслиги ҳам мумкин. Буни чизмада қуйидагича кўрсатса бўлади.



Тил луғат бойлигини оширишда бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Аммо чет тилидан қолган сўзларнинг маъно тузилишини етарли англамай нутқда қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, рус тилидан кириб келган «кандидат» сўзининг «сайланадиган шахс» маъносига тилимизда манжуд бўлган «номзод» сўзи тўла синоним бўлиб келади. Бу ҳол нутқий қўлланишларда тўла сақланади: Депутатликка кандидат дейиш ўрнига номзод дейиш ўринли ва маъқул. Аммо амалда кандидат сўзини илмий даража ифодалаш маъносида ҳам қўллашмоқда: филология фанлари номзоди каби. Бизнингча, бу вазифада «кандидат» сўзининг ўзини ишлатиш маъқул. Чунки «кандидат» сўзининг маъно таркиби «номзод» сўзига нисбатан анча кенгдир. Буни «фан доктори» бирикмасини ҳозиргача ўзбекчалаштира олмасликдан ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда сўзлаш маданиятида сезилаётган яна бир тенденция араб ва форс сўзларни зўрма -зўраки ишлатиш ҳисобига чизма ва оғзаки нутқни жимжимадор, дабдабали қилишга интилишдир. Жумладан, сарафроз, зуҳур этмоқ, алҳол, мухтасар, номавзун каби сўзлар ўрнига ўзбекча муқобилларини ишлатиш ўринли бўлади. Худди шунингдек, адабий тил луғат таркибидан ўрин олмаган, фақат сўзлашув нутқида ўринсиз ишлатиладиган гостиница - "меҳмонхона", столовой - "ошхона", больница - "касалхона", библиотека - "кутубхона" каби қатор сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ишлатиш тўғри нутқ меъёрини таъминлайди.

Тўғри нутқ тузиш кишининг руҳий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Жумладан, сен ва сиз кишилиқ олмошлари нутқ вазияти ҳамда сўзловчи ва тингловчи муносабатига кўра турлича маъновий -услубий вазифа бажаради. «Сен» кишиларнинг яқинлигини (ёши ёки қариндошлиги жиҳатидан) кўрсатади. «Сиз» сўзида ҳурмат семаси бўлганлиги учун ёши улуг ёки таниш бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилади ва орада оз бўлсада масофа сақланади. Айнан замонда «сен» қўполлик, ҳурматсизликни, «сиз» эса диққат ва ҳушмуомалаликни ифодалаш ҳам мумкин.

Нутқ жараёнида бирор бир сабабсиз шароитда «сиз»дан «сен»га ва аксинча «сиз» лашга ўтиш ўринли эмас. Чунки «сиз» сўзидан кейин «сен»лаш ноқулайлик туғдирса, «сен»дан кейин «сиз»лаш эса муомалада совуқлик туғдиради. Хулоса қилганда, ҳар иккала ҳолатда ҳам нутқий тўғрилиқ бузилади.

Нутқда ортикча кераксиз сўзларни қўллаш унинг маъносини, таъсиркучини сусайтиради. Жумладан, айрим нотиклар Нутқидаги масалан, *демак, так, ниҳоят, ҳўш, масалан, демоқчиманки, айтайлик, ҳалиги* сўзларининг такрор-такрор ишлатилиши бунга мисол бўлади.

Айрим шахслар ўз нутқида русча сўзларни бепарволик оқибатида эҳтиёжи бўлмаган ўринларда ишлатадилар: ака ўрнига брат, братан, банд ўрнига зайнит, ота ўрнига пахан, бизнинг отец, марҳамат ўрнига пожалиста, яхши ўринда хорошо, отлично каби. Худди шунингдек, баъзи ёшлар жуда чиройли исмларни бузиб, русчага тақлидан талаффуз этадилар: Иродани-Ира, Адолатни -Адол, Алишерни - Алик, Дилбарни- Диля, Улуғбекни - Удик каби.



Юксак нутқ маданиятига эришиш учун шевачиликнинг айрим салбий таъсиридан ҳам қутулмоқ лозим. Ҳозиргача матбуот радио ва телекўрсатувларда шевачилик таъсири сезилади.

Нутқ маданияти, нутқнинг тўғрилиги грамматика билан ҳам узвий боғланган. Грамматик меъёрларни яхши билиш фикрни юқори савияда шакллантиришга ёрдам беради. Грамматик шаклларнинг маъно ва тузилишига нутқда бефарқ қараш вазиятга мос тушмайдиган сўзларни синтагматик муносабатга киритиш, гапларни ўринсиз такрорлаш айтилаётган фикрни хиралаштиради. **Тўғри нутққа** қўйиладиган талаблардан бири унинг грамматик жиҳатдан тўғри шакллантиришидир. Шунинг учун тўғри нутқ тузишда лексик воситалар билан бир қаторда грамматик воситаларга ҳам етарли эътибор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қаратқич келишиги қўшимчасининг шаклини белгили ва белгисиз қўллаш билан боғлиқ муаммолар бор. Қаратқич келишиги қўшимчасини тушириб қолдирганда, гапнинг маъноси, мазмунига зарар етмаса, нутққа ихчамлик, енгиллик беради: Шарқ юлдузи, халқ ижоди, тил олди, тил орқа ва ҳ.к. Баъзи ҳолларда қаратқич келишиги қўшимчасининг тушириб қолдирилиши, ахборотни алоқа жараёнини хиралаштиради, ўқувчи фикрини чалғитади: *Аскар отаси* деб ёзганда, матнни ўқиб чиқмасдан туриб, гап ким ҳақида бораётганлигини билиб бўлмайди; гап аскарнинг отаси ҳақидами ёки аскар бировнинг отасими? Демак, тўғри нутқ тузишда ҳар бир грамматик шаклнинг ўзига хос белгиси ва мазмуни ҳисобга олинади.

Таникли сўз санъаткори А.Қаҳҳор ўзининг «Санъаткор» ҳикоясида ҳам қаратқич ва тушум келишикларини фарқламай ишлатадиганлар учрашини қаттиқ танқид остига олган эди: Пожарний «гугуртни ерга ташламанг», - деди. Режиссёримаз эса «гугуртнинг ерга ташламанг», - деди. Қандай чиройлик!

Тўғри нутқ тузишда синтактик меъёрларга аҳамият бериб, гапда мантикий боғланишларга, жумлаларни ортиқча чўзиб юбормасликка, эгакесим мослиги ҳамда иккинчи даражали бўлақларнига боғланишига диққат қилиш ҳам талаб этилади.

Нутқнинг тўғрилиги, яъни унинг адабий тил меъёрлари (талаффуз, сўз ясалиши, лексик, морфологик, синтактик, услубий меъёрлар)га қатъий мослиги маданий нутқнинг асосий, марказий сифатидир. Аммо ҳар қандай тўғри нутқ маданияти бўлавермайди, у мазкур бошқа коммуникатив сифатларга ҳам эга бўлгандагина чин маънодаги маданий нутқ мақомини олиши мумкин. Бу ўринда йирик рус тилшуноси С.И.Ожеговнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: "Юксак нутқ маданияти — бу ўз фикрларини тил воситалари орқали туғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалай олишдир. Тўғри нутқ деб ҳозирги адабий тил меъёрларига риоя қилиб тузилган нутққа айтилади. Тил меъёрлари — бу ижтимоий-нутқийамалиёт (бадий адабиёт, ўқимишли кишилар нутқи, санъат нутқи, радио ва ш.к.)да умум томонидан қабул қилинган талаффуз, грамматика ва сўз қўллаш қоидаларидир.



Тилдаги лексик, фразеологик ва грамматик воситалардаи ўринли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиб тўғри нутқ тузиш ҳар бир маданиятли кишининг, амал қилиши зарур бўлган ҳолатдир.

Нутқнинг аниқлиги

Аниқлик – бу айтилаётган сўз ёки иборанинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишдир. Аниқлик маданий нутқнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, нутқий тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқий тўғрилиқ бўйича юқорида баён қилинган барча фикрлар нутқ аниқлигига ҳам алоқадор. Нутқ аниқлиги лугавий ва грамматик воситаларнинг тўғри айтилиши ва ёзилиши орқали рўёбга чиқади. Нутқий аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг лисоний алоқа жараёнидаги атамаси бўлган материали ўртасқацимутаносиблик тушунилади. Яхши нутқнинг коммуникатив сифати бўлган аниқликни «нутқ-воқелик», «нутқ-тафаккур» муносабати асосида белгилаш мумкин.

Нутқ аниқ бўлиши учун, энг аввало, сўзда ифодалаётган денотат ҳақида тўғри тасаввур бўлмоғи керак. Шу ўринда тўғри нутқ ва аниқ нутқ ўзаро фарқланади. Тўғри нутқ бу «тил-нутқ» муносабати асосида қурилиб, асосан, лисоний далилларга суянса, аниқ нутқ «нутқ-борлиқ-воқелик» муносабати асосига қурилади ва ҳақиқатни фаҳмлаш, билишга қаратилган бўлади. Тафаккур қилиш, билиш нутқ шаклида рўёбга чиқади. Айтилаётган фикр тингловчилар томонидан қабул қилинса, тушунилса, бундай нутқ аниқ бўлиб ўз мақсадига эришган бўлади. Шунинг учун сўзловчи нима ёки ким ҳақида гапираётганини ҳар томонлама чуқур тушунган бўлиши керак, акс ҳолда нутқ аниқ бўлмайди. Фикр тингловчига тўлиқ бориб етмайди. Фикрий ноаниқликлар куйидаги ҳолларда учрайди. 1. Сўз маъносига етарли эътибор бермаслик натижасида. Масалан: *Эллингчи йилларга келиб турмуш ҳам, халқ маорифи ҳам ўз измига тушиб кетди*. Бу матнда *измига* сўзи ўрнида изига сўзини қўллаш керак эди. 2. Паронимлар маъносини билмаслик натижасида: *У сингисини жудо севар эди. Жудо эмас жуда «Сутхўрнинг ўлими» асарини ўқиди эмас, «Судхўрнинг ўлими» асарини ўқиди каби*. 3. Мантиқий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш натижасида. *Пудратчи тил бўйи гўзасига ишалов берди, Гўзага йил бўйи ишлов берилмайди*. 4. Нутқда бирор сўзни ўз ўрнига қўйиб гап тузолмаслик ҳамда сўз тартибининг бузиб ишлатилиши ҳам жумланинг маъносига путур етказди. Масалан: *Яқиндагина нашриётдан чиққан адабимизнинг янги асарлар тўплами кенг жамоатчиликка манзур бўлди*. (Яқинда нашриётдан адаб чиққанми ёки китоб чиққанми?) *Ариқ бўйидаги тут дарахтига боғланган раиснинг оти кишнади* (Тут дарахтига раис боғланганми ёки от?). 5. Сўзнинг ноўрин танланиши натижасида. *Режиссёр бир қатор умидли сахна усталарит кашф этди*. Сахна усталари кашф этилмайди. Балки танланади ёки тарбияланади. 6. Бир синонимик қаторни ташкил қилган сўзларнинг барчаси ҳам бошқа сўзлар билан



синтагматик муносабат ташкил қилолмайди. Масалан, улуғ, буюк, катта синонимик қатордан *буюк* сўзи тоғ сўзи билан, синтагматик муносабатга киришмайди. Бундай сўзларни зўрма-зўраки бириктириш нутқни бузади. *Тоғлариинг буюкликни кўринарди узодан* (Мирмуҳсин «Қадрдонлар»), *Буюкликни* (Мавҳум маъноли отни) кўринади дейиш ноўриндир. Нутқий аниқлик вазифавий услублар доирасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, *кун*, *айём* синонимик каторидан **айём китобийдир**: Улуғ айём, баҳор айёми каби. Бундай қўлланишларда *кун* сўзини ишлатиб бўлмаганидек, кечаги *кун* яхши ўтди, гапида *кун* сўзи ўрнида айём сўзини ишлатиб бўлмайди.

Илмий нутқнинг бош мезони терминларнинг аниқ бир маънога эга бўлишидир. Бу жиҳатдан қараганда, тилшунослик терминлари орасидаги ҳар хиллик салбий ходисадир: **фёъл даражалари - фёъл нисбатлари, бош даража - аниқ даража; тақлид сўзлар- мимемалар каби.**

Нутқда ихчамликка, аниқликка интилиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, у одатда, оғзаки нутқда кўпроқ учрайди. Ёзма нутқда турли сарлавҳалар, халқ мақоллари ихчам шаклда бўлади. Тобутдан чиккан товуш-Тобутдан товуш; Олтин водийдан эсган шабадалар -Олтин водийдан шабадалар: Дўстимдан келган хат-Дўстимдан хат, Онамга ёзилган хат-Онамга хат; Яхшидан от қолур, ёмондан дод қолур - Яхшидан от - ёмондан дод каби. Бундай қўлланишлар тилнинг ихчамликка интилиш қонуниятини ўзида акс эттиради, шу сабабли улар адабий нутқ эҳтиёжи ҳисобланади. Демак, нутқ ихчамлиги деганда, нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳамда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади.

Кўп сўз нутқий мазмунига, нутқнинг чиройли бўлишшга ҳалақит беради. Жумлаларни қисқа ва тўғри тузиш нутқ аниқлигини таъминлайди.

Кўпинча асоси бир эканлиги сезилиб турган ва маъносида ҳам яқинлик мавжуд бўлган сўзлар фарқданмайди, қориштирилади, оқибатда нутқнинг аниқлигига путур етади. Масалан, *техника* ва *технология* сўзларини олиб кўрайлик. Табиийки, бу сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас, чунки улар алоҳида-алоҳида икки хил маънога эга. Бирор иш бажарадиган машина, механизм, аппарат, мослама қабилар (масалан, юк ташиш техникаси, пахта териш техникаси), шунингдек, бирор иш ёки ҳаракатни бажариш усуллари (масалан, кураш техникаси, рақс техникаси) *техника* сўзи орқали ифодаланади. *Технология* сўзининг маъноси эса "ишлаб чиқариш жараёнлари, усуллари ва воситалари ҳақидаги билимларнинг жами (масалан, металлар технологияси), шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш, ижтимоий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш учун муайян усул ва тартиб билан қўлланадиган *операциялар* мажмуи (масалан, дори ишлаб чиқариш технологияси, илғор педагогик технологиядвр)" демакдир. Шундай экан, тез-тез кўзга ташланаётган *Корхонага янги замонавий технология ўрнатилди* қабилдаги жумлалар ноаниқ ва нотўғридир. Табиийки, "билимлар жами" ва "операциялар мажмуи" моддий нарса эмас, уларниқўлда ушлаб бўлмайди, бинобарин, моддий



бўлмаганнарсга ўрнатилмайди, балки жорий этилади. Мазкур жумла *тўғри* ва демак, аниқлик сифатига эга бўлиши учун *Корхонага замонавий янги технология жорий этилди* тарзида тузилиши керак. *Техникада* моддийлик таъкиди борлиги учун у *жорий этилмайди*, балки *ўрнатилади*: *Корхонага янги замонавий техника ўрнатилди*.

Ўзбектилида талаффузи жихатидан ўхшаш (бир хил эмас), аммо бошқа-бошқа маънога эга бўлган бир қанча сўзлар бор, улар фонетик жихатдан бирикки товушга кўрагина фаркланади. Бундай сўзлар тилшуносликда паронимлар деб юриталади. Масалан: *асл* — *асил*, *садо* — *сазо*, *ўқишли* — *ўқимиш*-ли, *тансиҳ* — *танқис*, *ёнилғи* — *ёқилғи*, *нуфуз* — *нуфус*, *оро* — *аро* (*ора*), *қайда* — *қайдам*, *бола* — *бало*, *хаёл* — *хиёл*, *афзал* — *абзал*, *тип* — *тиф*, *шоҳ* — *шоҳ*, *тахлит* — *тақлид*, *тахрир* — *тахлил*, *ногирон* - *нигорон*, *мурожаат* — *муножот*, *маънавий* - *маъновий* каби. Бундай сўзларни нутққа олиб киришда жуда ҳам хушёр бўлиш, сўзнинг маъносига алоҳида эътибор бериш зарур. Уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш баён қилинаётган фикрнинг бузилишига, жуда бўлмаганда, янглиш англанишига олиб келади. Аниқ нутқ юзага келмайди, фикрнинг аниқлиги ва равшанлиги тамоман йўқолади. Нутқнинг аниқлиги унинг маитиқийлиги билан бевосита боғланган бўлиб, нутқнинг аниқлиги мантиқий нутқни юзага келтиради.

Нутқнинг тозалиги

Нутқнинг тозалиги масаласи йирик сўз санъаткорлари, олимлар ва нотикларни узоқ даврлардан буён қизиқтириб келмоқда.

Тоза нутқ — бу тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.

Маданий нутқнинг тозалиги фонетик, орфоэпик жихатдан сўз ва қўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади.

Нутқнинг софлиги луғавий томондан шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, қўпол манолари сўзларни (вульгаризм) ва жаргон, арголарга хос омма учун тушунарсиз, лексикани ҳамда нутқда эҳтиёжсиз ишлатилиши “бекорчи” сўзларни қўлламаслик билан характерланади.

Юқорида қайд қилинганидек, нутқнинг софлигини билдирувчи номеъёрий омиллардан бири сўз ва қўшимчаларни маҳаллийлаштириб талаффуз қилишдир. Масалан: Илтипот (илтифот), парзан (фарзанд), апанди (афанди), инсоп (инсоф), келопан (келяпман), бордийиз (бордингиз), кўшнийиз (кўшнингиз) каби. Айнакса талаффузда “х” ва “х” товушларининг тўғри айтилмаслиги баъзи ҳолларда фикр маъносини тамоман ўзгартириб юборади. Шоир Ҳ.Олимжоннинг жозибадор:

*Ва кўрдиким ажойиб бир ҳол,
Зайнаб турар қайгули ва лол.*



мисрасидаги “ҳол” сўзи, “ҳол” деб талаффуз қилса, Зайнабнинг аҳволи эмас унинг юзидаги ҳоли тўғрисида гап бораётган бўлиб чиқади ва маъно бузилади.

Ўзбек тили кўп шевалидир. Ҳар бир шевага хос луғавий ва грамматик шакллар мавжуд бўлиб, улар дабий тил меъёри доирасига кирмайди. Фақат сўзлашув ва бадий нутқ услубларида ишлатилади.

Шевали сўз ва грамматик шакллар бадий адабиёт тасвирий восита – маҳаллий колорит яратиш. Қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш вазифасини бажаради, шу билан бир қаторда адабий тилнинг шевалар хисобидан бойиб боришига таъсир кўрсатади.

Аммо шевага хос унсурларни оммавий нутқларда, ўқув ва ўқитиш жараёнида, радио ва телевизор эшиттиришларида қўллаш ман этилади. Бунга асосий сабаб шева сўзларининг маъноси маълум ҳудуд вакилларигагина тушунарли бўлиб, оммафаҳим эмаслигидир.

Чоғиштиринг: буви бир шевада она, бошқасида онасининг онаси маъносидир.

*Додлама, додлама дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди.
Ўлкасидан ўлкая ел каби юрсам
Гунларнинг бирида ёр юзин гўрсам.*

Юқоридаги парча «Қуллар» романининг бош қаҳрамони Раҳимдод, Некқадам нутқидан олинган бўлиб, унинг ўзбек тили ўғуз шеваси вакили эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ўринда диалектизмлар ўзини оқлайди. Аммо кейинги даврларда эътиборсизлик, масъулиятсизлик, оқибатида айрим ёшларимиз нутқи ғайритабиийлашиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан Тошкентга ўқишга ёки ишга келган баъзи ёшларнинг Тошкент шевасида гапиришга интилишларига дуч келамиз:

- *Тошкентда ўқийсизми? - сўраймиз пойтахтлик эмаслиги шундаққина билиниб турган йигитчадан.*
- *Ҳа, ўқивопманг.- дейди йигитча гап бергиси келмай.*
- *Нечанчи курсда?*
- *Биринчи курсда-де!..*

Шўрлик йигит қанчалик чиранмасин, гаплари сохта, нотабиий чиқаверади, деб тўғри қайд қилади тадқиқотчи олим Сиддиқ Мўмин «Сўзлашиш санъати» китобида.

Нутқ тозалигага путур етказувчи луғавий бирликлардан бири **жаргон ва арголардир**. Жаргон ва арголар тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгартириш, бузиб қўллаш, бошқа тилардан сўз ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга махсус маъно бериш йўли билан ҳосил қилинади. Бундай сўзлар руҳонийлар, савдогарлар, ўғри ва фирибгарлар нутқига хос бўлиб, маъновий махфийлиги билан характерланади. Бадий адабиётда баъзи тилларнинг образини яратишда айрим ҳолларда ўринсиз ишлатилган жаргон



ва арголардан фойдаданилади. Жаргон ва арголар тилнибулғайди. Маданий нутқнинг тозалиги ва софлигига путур етказди.

Кейинти пайтларда талабалар ҳамда айрим ёшлар нутқида учраётгая: “дум”, “хачча”, “международный”, “локомотив”, “ништяк” каби маъноси фақат уларнинг ўзларигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Нутқ тозалигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири **вульгаризмлар** ҳисобланади. Вульгаризмлардан бадиий адабиётда айрим қаҳрамонларнинг дағаллигини, маданиятсизлигини кўрсатши учун фойдаланилади. Аммо бундай сўзлар одатий нутқда ишлатилмайди. Нутқий тозалikka риоя қилмаслик унинг таъсир кучини пасайтиради:

-Ҳозирги ёшларнинг бети йўқ,- деди ўрта ёшлардаги бир киши автобусди ўтриб кетаётган ўсмирга ишора қилиб. Амакинга жой берсанг, ўласанми? Ҳолбуки, шу гап “Ука, амакингизга жой берсангиз яхши бўлар эди” шаклида, илтимос оҳангида айтилса, унинг таъсир кучи ниҳоятда ортар эди.

Умумтилда дағал, ҳақорат сўз ва иборалар ҳам мавжуд. Аммо тилшуносликда вульгаризмлар номи билан юритиладиган бундай сўз ва иборалар жамиятда барқарорлашган маънавий-ахлоқий қоидаларга зид бўлгани учун уларни нутққа киритиш нутқнинг софлигини тамоман издан чиқариши билан бир қаторда жамият аъзоларининг ҳамиятига ҳам дахл қилади. Нутқда вульгар сўзларни ишлатиш нутқ тузувчининг тарбияланганлик даражасининг тубанлигини кўрсатади, зотан, тарбияланганликнинг моҳияти шахснинг жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тартиботларга сўзсиз ва мунтазам ҳурмат билан қараши ва демакки, қатъий амал қилишидан иборатдир. Минг йиллик миллий анъаналаримизда ҳам, маънавий-маърифий тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бугунги кунимизда ҳам сўкиниб гапириш инсонга беҳурматлик, нописандлик, ҳатто безорилик сифатида баҳоланади.

Баъзи ҳолларда нутқда **ўзга тилларга хос** ўзбек тилига ўзлашмаган, ўзлашиши учун ҳам эҳтиёж бўлмаган сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти сўз ҳолида (молодец, хорошо, понятно, отец, мамаша), сўз бирикмаси ҳолида (званить қилган, вот, бу бошқа гап, вообщем созванимся, сдавать қилдим, мияни компостировать қилма, отдыхать қилдик, обед қилдик, братишкам бор, передавать қилдим, включать қилиб юбор, аппетитим яхши, Карим привет) турли тилларга хос сўзларнинг, сўз ва ибораларнинг қоришиқ ҳолда тузилган жумлаларидан иборат бўлади. Нутқда учрайдиган бундай сўз, сўз бирикмалари, иборалар тилшуносликда **варваризмлар** деб юритилади. Варваризмлар нутқ сўзланаётган тилга хос бўлмаган унинг луғавий тизимига кирмаган луғавий ҳодисалардир. Шу сабабли варваризмлар луғатшуносликда “ўзлаштирувчи тилга хос бўлмаган сўз ва иборалар”, “Бошқа тилдан олинган, ўзлаштирувчи тилга хос бўлмаган сўз ва ибора” деб изоҳланади.

Ажнабий сўз ва иборалар маданий нутқ тозаллигини бузади. Варваризмлардан, одатда, ўзга ер ва халқларга хос расм-одатларни тасвирлашда, баъзан чет эл маданияти олдида сажда қилувчи



персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришда фойдаланилади. Аммо баъзи шахслар ўз нутқларига эътибор бермай, пала-партишлик билан тилимизга кириб, ўзлашмаган “заявления ёзди”, “бошлиқ зайнит”, “организоват қил”, “документ топширди” каби қолипларда гапираверади. Ҳ.Аҳмедова «Буви» ҳикоясида айрим варваризм (ажнабий) сўзларнинг ноўрин ва номақбул шаклда ишлатилаётганлигини қаттиқ танқид қилади: «Кексайгандан кейин одам аразчи, инжиқ бўлиб қолар экан. Болалари дастурхон устидан оминсиз туриб кетишса, кампирнинг аччғи чиқади ва оғир «уф» тортади. Бу уйда ҳеч кимнинг исми тўлиқ айтилмайди. Санта, Ражда, Мамам, Кампиршо, Баюба, Бабул каби номлар билан чақиривади. Лекин ҳар гал набиралари «Баба» деб чақирганда, беихтиёр лаблари титраб, аччиқланаверади.

- Эна дегил, уйинга бугдой тўлғур ёки ача де, катта ойи де, бабанг нимаси, нима, мен сенга кучукманми?... Худо кўрсатмасин, вақти келиб, омонатимни топширгундай бўлсам, буларнинг биттаси «вой мамул», биттаси «вой бабул», деб овоз чиқаришармикан?».

Айрим шахслар нутқида, аввал ҳам такидланганидек, расмий, сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ноўрин ишлатилиши (маълумки, керак бўлса, биз биламизки); шунингдек, «бекорчи (паразит) сўзлар» деб аталувчи (яъни, масалан, хўш так каби)

луғавий бирликларни меъёрдан ортиқ қўллаш нутқнинг нотабиий ва ишончсиз чиқишига олиб келади. Хуллас, нутқнинг тозалиги учун кураш адабий тил маданияти учун курашдир.



Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари «Нима учун?» схемаси орқали тушунтириш мумкин. Муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири риволанади Қуйидаги мавзуларни «Нима учун?» схемаси орқали тушунтириш яхши самара беради.

1. Нутқий жараёнида нутқ аниқлилигига эришишнинг муаммолари.




2. Тилнинг софлиги учун курашнинг долзарблиги

3. Нутқий жараёнда нутқ тўғрилигига эришишнинг муҳимлиги.



**Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни
режалаштиришнинг
йўл ва воситалари
“Нима учун” схемаси**



1. Қандай пиктограммадан: айлана ёки тўғри тўртбурчак фойдаланишингизни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазалар схема-занжири турини: чизиқли, ночизиқли, спиралсимон (дастлабки ҳолатни марказга ёки четга жойлаштириб) бўлишингизни ўзингиз танлайсиз.
3. Стрелка сизнинг қидирув йўналишингизни белгилайди: дастлабки ҳолатдан оқибатгача.

II. “Қандай” саволларининг изчил берилиши муаммони ечиш имкониятларини, уларнинг амалга ошириш йўллари татқиқ қилиш, босқичма босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлашга имкон беради. Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди, унга янги ғоялар киритиб борилади. Қуйидаги мавзуларни диаграмма орқали тушунтириш мумкин:

1. Адабий тил меъёрлари нутқ тўғрилигини белгиловчи омил.
2. Нутқ аниқлигига эришиш йўллари




3. Нуткий тўғриликка амал қилиш шартлари.
4. Нутқ софлигини таъминловчи омиллар.

“Кластер”(тармоқлар)

Нутқнинг(оғзаки ва ёзма) хусусиятлари

- | | |
|--|----------------------------|
| 1.Таъсирчанлиги | 14.Урғу нормаси |
| 2.Ифодалилиги | 15.Грамматик норма |
| 3.Софлиги | 16.Лексик норма |
| 4.Бойлиги | 17.Талаффуз нормаси |
| 5.Мақсадга мувофиқлиги | 18.Синтактик норма |
| 6.Аниқлиги | 19.Имловий(ёзув) нормаси |
| 7.Ўринлилиги | 20.Шева нормаси |
| 8.Равонлиги | 21.Сўз урғуси |
| 9.Мантиқийлиги | 22.Мантиқий урғу |
| 10.Ёрқинлиги | 23.Эга – кесим мослиги |
| 11.Ўткирлиги | 24.Келишик нормаси |
| 12.Тўғрилиги | 25.Ўзақ ва қўшимча мослиги |
| 13.Адабий тил нормалари | |
| 26.Иккинчи даражали бўлакларни боғланиш қонуниятлари | |



1.Грамматик меъёр деб қандай меъёрларга айтилади?

а-Морфологик меъёр қандай ҳолатни ўз ичига олади?

б-Синтактик меъёр қандай хусусиятларга эга?

в-Сўзларни нутқда қўлланишини тартибга солувчи қоидалар қандай вазиятда бузилади?

г- Қандай синтактик меъёр қандай вазиятда бузилади?

д-Синтактик меъёр қандай ҳолатни ўз ичига олади?

2-Лексик меъёр қандай масалаларни ўрганади?

а-Лексик меъёрларнинг мунтазамлилигига эришиш учун қандай йўл тутиш керак?

б-Адабий тилнинг луҳавий бойлигидан сўзларни қандай қўллаш мумкин?

в-Лексик барқарорликка эришишнинг йўллари қандай?

3-Сўз ясалиш меъёри қандай?

а-Қандай ҳолатда сўз ясалиш меъёри бузилади?

б-Сўз ясовчи қўшимчаларнинг қандай турлари бор?

в-Феъл ясовчи қўшимчалар қандай ясалади?

г- Қандай фаол сўз ясовчи қўшимчалар мавжуд?

4- Талаффуз меъёрида қандай қоидалар назарда тутилади?

а-оҳангнинг ўзгариши қандай юз беради?

б-Урғунинг қандай турлари бор?

в-Мантиқий урғу қандай қонуниятга асосланади?

г- Интонация қандай қонуниятга эга?

д-Нутқдаги айрим товушлар ҳамда қушилмасида қандай ўзгаришлар юз беради?

Юқоридаги диаграммани яна янги маълумотлар, ғоялар билан тўлдириш мумкин, тугамайди.



“Муаммо” технологияси

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда Сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
Нутқ софлигига тўлиқ амал қилмаслик	Нутқ жараёнида софлигига эътибор камлиги	Нутқ софлигига пуур етказадиган ҳолатларни тушунтириш, ўргатиш	Ўз нутқини назорат қилмаслик, яъни ўз устида ишламаслик

Тилнинг софлиги учун кураш муаммоси


Келтирилган муаммо

Асосланган далил

1. Адабий тилнинг лисоний меъёрига тўғри келмаслиги	1. Адабий тил меъёрининг бузилиши
2. Турли тил, ғайриадабий тил унсурларидан холи эмаслиги	2. Нутқнинг ғализлигини келтириб чиқариши
3. Лаҳжафий сўзларни ноўрин ишлатилиши	3. Тилнинг амал қилиш қонуниятларини тушунмаслик ёки эътибор бермаслик
4. Идоравий атамалар, ибораларни сўзлашув ва бадиий нутқда қўлланилиши	4. Нутқнинг нотабиий, ишончсиз чиқиши
5. Вульгар сўзларнинг ишлатилиши	5. Ахлоқ нормаларига тўғри келмаслиги
6. Варваризм каби унсурларнинг қўлланилиши	6. Нутқ жараёнини назорат қилмаслик
7. Ўзлашган сўзлардан ноўрин фойдаланиш	7. Тилга масъулият билан ёндашмаслик



Қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш орқали тилнинг софлигига, уни сифат жихатдан кўтарилишига эришиш мумкин.



Нутқнинг коммуникатив сифатлари


1. Нутқнинг тўғрилиги
2. Нутқнинг аниқлиги
3. Нутқнинг тозалиги (софлик)
4. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги
5. Нутқнинг таъсирчанлиги
6. Нутқнинг мантиқийлиги



“Кластер”(тармоқлар)

- | | |
|--|----------------------------|
| 1.Таъсирчанлиги | 14.Урғу нормаси |
| 2.Ифодалилиги | 15.Грамматик норма |
| 3.Софлиги | 16.Лексик норма |
| 4.Бойлиги | 17.Талаффуз нормаси |
| 5.Мақсадга мувофиқлиги | 18.Синтактик норма |
| 6.Аниқлиги | 19.Имловий(ёзув) нормаси |
| 7.Ўринлилиги | 20.Шева нормаси |
| 8.Равонлиги | 21.Сўз урғуси |
| 9.Мантиқийлиги | 22.Мантиқий урғу |
| 10.Ёрқинлиги | 23.Эга – кесим мослиги |
| 11.Ўткирлиги | 24.Келишик нормаси |
| 12.Тўғрилиги | 25.Ўзак ва қўшимча мослиги |
| 13.Адабий тил нормалари | |
| 26.Иккинчи даражали бўлақларни боғланиш қонуниятлари | |





Нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари мавзусидаги амалиёт машғулотларини ўтиш жараёнида унинг самарали ва натижали бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги педагогик технологияларни қўллаш мумкин(кичик гуруҳларда ишлаш назарда тутилади):

1. Инсерт
2. Б/Бх/Б
3. SWOT – таҳлил жадвали
4. “Нима учун”
5. “Зинама-зина”
6. Учга тўрт(3х4)
7. “Қандай”
8. “Домино”



9. “Муаммо”
10. “Кластер”
11. “ФСМУ”
12. Ассесмент техникаси
13. Тушунча таҳлили
14. “Балиқ суяги”

ДОМИНОтехнологияси

1.Маданий нутқ олдида қўйилувчи асосий талаблар ва мезонлар.	2.Ж.Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқ дейилади.
2.С. Тўғри нутқ назарияси	3.Ж.Аниқлик - бу айтилаётган сўз ва иборанинг ўзи ифода қиладиган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир.



3.С.Нутқ аниқлигига эришишнинг назарий қоидалари.	4.Ж. Мантиқийлик, энг аввало, нутқнинг тафаккур билан алоқасига асосланади. Мантиқийлик гап, хатбоши, бутун бир асарга тааллуқли бўлиши мумкин.
---	---

4.С.Нутқнинг мантиқийлиги ҳодисасинининг ўзига хос илмий назарияси.	5.Ж.Тоза нутқ - бу тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.
---	--

5.С.Нутқнинг тозалиги (софлиги)га эришишнинг қонун-қоидалари.	6.Ж.Тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқ ҳисобланади.
---	---

6.С.Адабий нутқнинг таъсирчанлиги (жозибадорлиги) ни шакллантирувчи назарий	7.Ж.Тил маданияти бу сўз санъаткорлари, зиёлийлар, тилшунослар томонидан қайта
---	--



омиллар.	ишланиб ҳамма тушунадиган ва қўллай оладиган даражага келтирилган, маълум давр учун мосланган ва хосланган барча қонун-қоидалари ва меъёрлари белгиланган, сайқал топган тилга айтилади.
-----------------	---

7.С.Тил маданияти тушунчасининг ўзига хос назарий ва амалий томонлари.	8.Ж. Нутқ маданияти тилдан нутқий амалиётда намунали фойдаланиш жараёни. Нутқ гўзал ва қуруқ, ёқимли ёки қўпол бўлиши мумкин. Буларнинг биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий нутқдир.
---	---

8.С.Нутқ маданияти тушунчасининг амалий ва назарий жиҳатлари.	9.Ж.Тил бойлиги бу сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситаларига ва ифода усулларига қанчалик эга эканлиги билан белгиланади.
--	--

9.С.Тил бойлиги қоидалари ва тушунчалари.	10.Ж.Нутқ бойлиги тилдаги мавжуд имкониятлар, яъни бойликнинг унда қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади.
--	--

10.С.Нутқ бойлиги	1.Ж.Маданий нутқ олдида бир
--------------------------	------------------------------------




тушунчасининг назарий ва амалий томонлари.

неча талаблар қўйилади. Улар:


- 1. Тўғрилиқ.**
- 2. Аниқлик,**
- 3. Мантиқийлик.**
- 4. Тозалиқ(софлик)**
- 5. Таъсирчанлик (жозибадорлик)**

“Ўз ўрнини топ”. Бу ўйин давомида тарқатмаларга нутқнинг асосий хусусиятлари бузилишига оид бўлган сўзлар, жумлалар ёзилган бўлиб, улар тескари ҳолатда қўйилади. Улар аралаштириб юборилади. Доскага 5 та хат жилди ёпиштирилади. Хат жилдлари устига нутқнинг асосий хусусиятлари бир-бир ёзиб қўйи-лади.


Талабалар 2 гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳлар бир кишидан иштирокчи тахта олдида келади ва улар стол устидаги тар-қатмалардан бирма-бир оладилар ва улар қайси нутқ хусусиятига тегишли бўлса, улар тарқатмани “ўз ўрнига”, яъни тегишли хат жилднинг ичига соладилар. Ким тез ва тўғри бажарса, ўша гуруҳ ғолиб саналади. Бунини ўқитувчи текшириб боради.



«Балиқ скелети» схемаси



«Балиқ скелети» чизмаси - Уларни тасдиқловчи муаммочаларни аниқлаш ва тасдиқлаш (лавҳа)



Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Технология – ишлаб чиқариш жараёни, педагогик технология эса – яхлит педагогик жараёндир. Педагогик технологиянинг асосий белгилари: лойиҳалаштириш, амалга ошириш, кафолатли натижа. Педагогик технологиянинг туб моҳияти – кафолатлаган натижага йўналганлиги. Ҳар бир технология, шу жумладан, педагогик технология ҳам ўзининг мезонларига эга: концептуаллик, тизимлилик, самарадорлик, бошқарувчанлик, қайта тикланувчанлик. Педагогик технологияни ўқув жараёнида умумпедагогик, хусусий – методик, модулли йўналишларда қўллаш даражалари аниқланган. Ҳар қандай технология бирон бир ғояни, илмий фикр ёки назарияни ҳаётга татбиқ этиб, уни амалга оширишга йўналтирилган. Шу боис педагогик технология фан ва амалиёт оралиғидаги ўринни эгаллайди.

“БББ”

(Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим)

Мавзу саволлари	Биламан (+)	Билишни хоҳлайман (?)	Билиб олдим (-)
адабийтил	-	?	-
паразит сўзлар	+		
диалект	+		
вульгар сўзлар	-	?	-



канцеляризм	+		
жаргон	+		
сленг	-	?	-
варваризм	-	?	-
сўзлашув тили	+		

Nazorat uchun savollar:

1. Nutqning to'g'riligi nimalarda ko'rinadi?
2. Nutqning aniqligi, sofligi nima?
3. Nutqning boyligi nimalarda ko'rinadi?
4. Nutqning ta'sirchanligi deganda nimalarni tushunasiz?
5. Ifodali nutq talablari nimalardan iborat?

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. Mahmudov N. "O'qituvchi nutqi madaniyati". Toshkent, 2007.
2. Alimuhamedov A. Antik adabiyot tarixi. T., 1972.
3. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T.1992.
4. Rustamov A. "So'z xususida so'z" T. 2010.
5. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
6. Апресян Г. Ораторское искусство. М 1978.
7. Inomxo'jayev S. Notiqlik san'ati asoslari. T. 1982.



5-MA'RUZA. O'ZBEK TILINING VAZIFAVIY USLUBLARI VA NUTQ MADANIYATI(4 soat).

Darsning o'quv maqsadi: O'zbek tilining vazifaviy uslub turlari haqida bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish.

Tushunchalar va tayanch iboralar: uslub, so'zlashuv uslubi, ommabop uslub, badiiy uslub, rasmiy ish qog'ozlari uslubi, ilmiy uslub.

REJA:

1. So'zlashuv uslubuning o'ziga xosligi.
2. Badiiy uslubda leksik va grammatik vositalarning keng qo'llanilishi.
3. Ilmiy uslubning o'ziga xos xususiyatlari.
4. Rasmiy ish qog'ozlar uslubi haqida.

Стиль – грекча сўздан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдиргани барчага маълум. Қадимги римликлар, грецияликлар, стилга одамларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар. Стил сўзининг асл моҳияти ҳозирги кунда ҳам ана шу изоҳлардан унчалик узоқлашгани йўқ. Фақат кейинги даврлардаги талқинларда вазифавий стилга (аслида услуб маъносида) алоҳида эътибор бериб юборилмоқда. Услуб (стил) нутқнинг жамият ижтимоий фаолиятининг маълум томони билан боғланган ўзига хос луғати ва бошқа хусусиятларига эга бўлган кўриниши бўлиб, нутқнинг худди шундай бошқа турларидан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб туради. Ана шу тафовутлар у ёки бу нутқ кўриниши учун асос бўлади. Стил сўзи билан услуб сўзларининг асосий маънолари ҳозирги кундаёса бир-бирига тенгдир. Ёзувчининг ўзига хос услуби (ёки стили), бадий услуби (бадий стиль) ва бошқалар.



Сўзлашув услуби

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби икки асосий турга ажратилади: **адабий сўзлашув услуби** ва **оддий сўзлашув услуби**.

Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий меъёрларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили содда: жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув услуби ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий услуб ҳисобланади. Тилнинг адабий сўзлашув услуби кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади: таълим муассасаларида ўқитиш ишлари шу услубда олиб борилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. Қисқаси, адабий сўзлашув услуби умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал туридир.

Оддий сўзлашув услуби учун нутқ муомаласи жараёнида адабий тил ҳамда шева элементларидан фойдаланиш характерли хусусиятдир. Бу услубда сўзлашув нутқига хос эмоционаллик яққол сезилиб туради. Оддий сўзлашув услуби таркибига содда тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий меъёрларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиш мумкин. Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари сўзлашув услубида, бир томондан, умумадабий тилга хос, иккинчи томондан, оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларни кўриш мумкин.

Нутқнинг характер ва хусусиятларига кўра талаффуз меъёрларини икки турга ажратиш мумкин. Биринчи талаффуз меъёри маърузачилар, актёрлар, дикторлар, нотиклар нутқи учун характерли бўлиб, адабий тил меъёрларига риоя қилишни талаб этади, унда ҳар бир сўз аниқ талаффуз қилиниши шарт. Талаффузнинг иккинчи тил меъёри эса, асосан, сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди. Сўзлашув услубида умумистеъмолдаги адабий-нейтрал сўзларни талаффуз қилишда бирмунча эркинлик сезилиб туради.

Сўзлашув услуби фонетик, лексик ва грамматик ўзига хосликларга эга: -сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашилиши: *тупроқ-турпоқ*, - *дарё-дайро*.

-ўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши: *маориф-мориф*, *чархламоқ-чахламоқ*, *саодат-содат*.

-бирор товушнинг орттирилиши: *рўмол-ўрамол*, *шкаф-шикоп*, *банк-банка*.

-товуш алмашилиши: *тавсия-тафсия*, *чироқ-чирог*, *мактаб-махтаб*.

-сўз тартиби қоидага номувофик бўлиши: *Кеча бордим мен, бозорга*. –

- эга вазиятга кўра нутқда қўлланмайди: *Ана келяпти*.

-кўчма, образли воситаларнинг қўлланилиши: *оғзи қулогиди*, *капалаги учиб кетди*.

-алдоқчи, жиндай, шунақанги каби сўзларнинг кўп ишлатилиши.

-чилик. –гарчилик кўшимчаларининг кенг қўлланилиши: *хафагарчилик*, *иерикчилик*.

-такрорнинг кўп ишлатилиши: *тез-тез кел*, *келиб-келиб сенга айтдимми?*

-тўлиқсиз гаплар ишлатилади.



-диалогик шаклда бўлади.

-имо-ишоралар кўп ишлатилади.

-феъл кесимнинг ишлатилмаслиги: *мен бозорга, биз сизникига.*

Сўзлашув услубининг ўзига хос белги ва фарқларидан қатъий назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга. Сўзлашув услуби ҳам умумхалқ бойлиги ҳисобланади.

Сўзлашув услуби

- Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби икки асосий турга ажратилади: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.
- Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий меъёрларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили содда: жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув услуби ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий услуб ҳисобланади. Тилнинг адабий сўзлашув услуби кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади: таълим муассасаларида ўқитиш ишлари шу услубда олиб борилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади.
- Оддий сўзлашув услуби учун нутқ муомаласи жараёнида адабий тил ҳамда шева элементларидан фойдаланиш характерли хусусиятдир. Бу услубда сўзлашув нутқига хос эмоционаллик яққол сезилиб туради. Оддий сўзлашув услуби таркибига содда тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий меъёрларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиш мумкин.

Бадиий услуб

Бадиий услуб инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши ва умуминсониятга хослиги, тил ва нутқнинг барча воситаларидан фойдаланиши ҳамда ўқувчи ёки тингловчига эмоционал-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бадиий нутқ услубида ҳар бир услубга хос бўлган «ўз доираси билан чегараланиш» йўқ, унда ҳамма услуб материалларидан фойдаланиш мумкин, ҳатто адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳам мумкин. Бу услубда адабий тилга оид сўзлар билан бир қаторда шевага хос сўзлар ҳам, турли касб-хунарга оид сўзлар, архаик - эскирган сўзлар, ҳатто махсус илмий атамалар ҳам ишлатилиши мумкин, бироқ буларнинг барчаси жанрга қараб танланади ва муайян мақсадни ифодалашга хизмат қилади. Бадиий услуб бадиий асар тили сифатида намоён бўлади, шунинг учун эмоционаллик, таъсирчанлик ва образлилик унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Ёзувчи ва шоирлар сўз ёрдамида реал борлиқ манзараларини ўқувчи кўзи ўнгида қайтадан яратади, яъни унинг образини жонлантиради. Бадиий асар, чунончи, фалсафадан шу билан фарқланадики, фалсафа исбот этади, адабиёт эса кўрсатади. Ана шу кўрсатиш, жонлантириш



тилнинг тасвирий-ифодавий воситаларга бой бўлишини талаб қилади. Бадиий услуб, айниқса, сўзларнинг моҳирлик билан танланиши, муаллифнинг имконият доираси жуда кенглиги, ўзига хос йўли, ижодкорлик хусусиятлари билан барча нутқ услубларидан ажралиб туради. Бадиий асардаги ҳар бир сўз тасвирий восита ҳисобланиши мумкин, чунки у асар мазмунига, персонаж хусусиятига қараб танланади. Шунинг учун бадиий асар тилида метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, мажоз, жонлантириш, аллегория, рамз, гипербола ва литота каби тилнинг тасвирий воситалари кўп учрайди, риторик сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплардан, боғловчисиз қўшма гаплар, уюшиқ бўлаклар кўп қўлланади. Гап бўлақларининг эркин тузилиши, инверсияларнинг кўп учраши кузатилади, кўпроқ нутқнинг монологик тури қўлланади. Масалан, эга ва кесим инверсияси, айниқса, шеъриятда кўп учрайди. Бунда вазн, қофия, турок талаби билан кўпинча кесим эгадан олдин келиб, бадиийлик учун, фикр таъсирчанлиги учун хизмат қилади: *Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини, Гасб ила молин олиб, қўймадингиз битини.* (Турди)

Хуллас, бадиий услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан усталик билан фойдаланиши, турли тасвирий воситаларни қўллаши ёки ўзи янгиларини яратиши мумкин.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, бадиий услубнинг имкониятлари, восита ва усуллари жуда кенг, бой ва ранг-барангдир.

Бадиий услуб

- Бадиий услуб инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши ва умуминсониятга хослиги, тил ва нутқнинг барча воситаларидан фойдаланиши ҳамда ўқувчи ёки тингловчига эмоционал-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бадиий нутқ услубида ҳар бир услубга хос бўлган «ўз доираси билан чегараланиш» йўқ, унда ҳамма услуб материалларидан фойдаланиш мумкин, ҳатто адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳам мумкин. Бу услубда адабий тилга оид сўзлар билан бир қаторда шевага хос сўзлар ҳам, турли касб-ҳунарга оид сўзлар, архаик - эскирган сўзлар, ҳатто махсус илмий атамалар ҳам ишлатилиши мумкин, бироқ буларнинг барчаси жанрга қараб танланади ва муайян мақсадни ифодалашга хизмат қилади.

Илмий услуб

Илмий услуб фаннинг турли соҳаларига алоқадор сўз ва терминларни (атамаларни) қўллаши билан, баённинг кўпроқ мантиқий далилларга суяниши билан бошқа услублардан ажралиб туради. Илмий услубда табиат



ва жамият ҳодисалари аниқ, қандайдир қоидалар, формулалар асосида ифодаланади. Илмий баёнда фикр мантиқий ва ашёвий далиллар билан мустаҳкамланиб боради. Илмий коммуникациянинг ўзига хос баён қилиш усул ва йўллари мавжуд ва булар қуйидагилардир:

- ахборотни объектив ва аниқ ифодалаш;
- фикрни мантиқий ва ашёвий далиллар билан асослаш;
- нутқнинг маълумотларга бойлиги;
- фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш.

Бу услубнинг ўз лексикаси ва грамматик қурилиши бўлиб, уни асосан, терминлар ва атамалар ташкил қилади. Илмий услубда тўлиқсиз гаплар, бир таркибли гаплар, сўз-гаплар деярли учрамайди. Сўзлашувнинг қисқа диалог тури ҳам илмий услубда ёзилган асарлар учун бегонадир.

Илмий услубнинг лексик хусусиятлари:

1. Китобий, нейтрал сўзлар тўғри маънода қўлланади.
2. Оддий сўзлашув нутқи унсурлари, шева ва жаргонлардан фойдаланилмайди.
3. Типик нутқий оборотлар қўлланади (хулоса қилиб шунини айтиш мумкинлиги каби).
4. Илмий термин ва атамалар кўп ишлатилади.

Илмий услубнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари:

1. Турли хил тушунчаларни ифодаловчи отларнинг кўп ишлатилиши.
2. Бирлик шаклда қўлланувчи нарсаларни кўплик шаклида ишлатилиши (сувлар, мойлар, тупроқлар).
3. Эргаш гапли қўшма гаплар қўлланади.
4. Кириш сўзлар қўлланади: демак, шундай қилиб, шунингдек каби.
5. Феълнинг мажҳул нисбат шаклидан кўпроқ фойдаланилади: тажриба ўтказилади, материаллар фойдаланилди.

Илмий услубнинг илмий ва илмий-оммабоп кўринишлари бор. Илмий-оммабоп баён ўзининг лексик таркиби ва синтаксиси билан халқ оммасига мўлжалланган бўлади: бунга изоҳли луғатлар, соҳаларга оид луғатлар киради. Илмий услубда эса табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушунтирилади. Бу услуб ўзининг алоҳида махсус вазифасига эга эканлиги билан ажралиб туради. Илмий услуб илмий терминология билан боғлиқ. Одатда, терминлар илмий услубнинг лексикасини ташкил этади. Лекин илмий асарлар тили фақат терминлардангина ташкил топмай, унда мавҳум лексика ва кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлган умумхалқ сўзлари ҳам шартли равишда қўлланади. Илмий услубда яна фаннинг турли соҳаларига оид рамз ва белгилари, рақамлари ҳам ишлатилади.

Илмий услубнинг оғзаки ва ёзма шакллари ҳам мавжуд. Илмий оғзаки услуб тили анча сўзлашув тилига яқин бўлса-да, бироқ ундаги қўлланаётган сўз-терминлар, аниқлик, таъриф ва изчилликлар илмий услуб эканлигини исботлаб туради. Бунда адабий тилнинг оғзаки шакли муҳим ўрин тутди. Илмий услубда фикр юритаётган шахс турли хил тасвирий воситалардан



иложи борича қўлламаслиги лозим. Ҳар бир фикр ўз тасдиғини илмий ва мантиқий асосда топмоғи зарур. Илмий услубнинг ёзма шакли деганда турли хил илмий доирадаги ўқув қўлланмалар тили тушунилади. Бу услубнинг ўз лексикаси ва грамматик қурилиши бўлиб, уни асосан, юқорида айтганимиздек терминлар ва атамалар ташкил қилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, баъзи илмий асарларда термин ва атама тушунчасига турлича қарашлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, термин билан атама илмий услубнинг лексикасидир. Термин илм-фанга тегишли бўлган тушунчаларнинг номи *фонетика, эга, кесим, кислород, водород* каби. Атама эса мавжуд нарсаларга атаб қўйилган ном: *инсон, осмон, китоб, олма* каби.

Илмий услуб тили ёки унинг йўналишини илмий тадқиқот ишларида, маърузада, шарҳ, аннотация кабиларда кузатиш мумкин. Демак, илмий услуб бугунги кунда алоҳида соҳа сифатида шаклланиб келмоқда. Илмий услубга доир қандай иш ёки асар ёзилмасин, унда муҳим мавзунинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилиши шарт.

Хуллас, илмий услуб бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришга қаратилган бўлади, шунга кўра унда таърифлаб бериш, таҳлил қилиш сабабини аниқлаб, исботлаш ва натижаларини баён қилиш асосий ўрин олади. Илмий услуб фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифавий услубдир. У яна илмий-техникавий, илмий-ҳужжат, илмий-оммабоп, ўқув-илмий, публицистик каби жабҳаларга эга. Фаннинг у ёки бу соҳасига оид тушунчаларни ифодаловчи термин ва атамаларга бойлиги илмий услубнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Кўринадикки, илмий услуб адабий тилнинг меъёрларини тўла сақлаш билан ҳам ажралиб туради. Бу услубда нутқнинг ихчам бўлишига интилиш кучли, лекин синтактик қурилма кўпинча мураккаб бўлади.

Илмий услуб

- Илмий услуб фаннинг турли соҳаларига алоқадор сўз ва терминларни (атамаларни) қўллаши билан, баённинг кўпроқ мантиқий далилларга суяниши билан бошқа услублардан ажралиб туради. Илмий услубда табиат ва жамият ҳодисалари аниқ, қандайдир қоидалар, формулалар асосида ифодаланади. Илмий баёнда фикр мантиқий ва ашёвий далиллар билан мустаҳкамланиб боради.



Публицистик услуб

Публицистика- лотинча «ижтимоий» сўзидан олинган. Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади. Бу услубнинг ҳам икки тури, яъни ёзма ва оғзаки кўринишлари мавжуд. Ёзма турига асосан матбуот тили киради. Публицистик услуб ўзбек адабий тилининг нутқ услублари тизимида, асосан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пайдо бўла бошлайди. Чунки бу даврга келиб, яъни 1883 йилнинг бошларидан, ўзбек тилида илк газеталардан - «Туркистон вилоятининг газети», «Ойна», «Садои Туркистон» газеталари чиқа бошлади. XX аср бошида эса нашриёт ва вақтли матбуот ишлари доирасининг янада кенгайиши ҳамда ўзбек демократик ёзувчилари ижодида бадиий публицистиканинг кенг ўрин олиши каби омиллар ўзбек адабий тилида публицистик услубнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида катта аҳамият касб этди. Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг ўзбек адабий тилининг публицистик услуби ҳар томонлама такомиллашди, ўз тараққиётининг юқори поғонасига кўтарилмоқда. Айниқса, мумтоз асарларнинг ўзбек тилига таржимаси, вақтли матбуот ва нашриётда ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган материалларнинг кенг ёритилиши, радио ва телевидение орқали сиёсат ва ижтимоий ҳаёт масалаларига бағишланган публицистик бош мақолалар, фельетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар публицистик услубнинг ёзма туридаги асарларидир. Ўзбек адабий тилининг публицистик услуби матбуот тили ривожига муҳим ўрин тутди. Мазкур услуб орқали омма билан доимий мулоқот олиб борилади ва у оммага оператив тарзда информация бериш вазифасини бажаради. Хорижий сўзларга, том маънодаги профессионализмга, сўзлашув услубига интилиш публицистикага хос хусусиятдир. Улар газетанинг умумлисоний қонуниятларига бўйсунди. Улар омма онгига таъсир этиб, уни тарбиялайди.

Публицистик услубнинг оғзаки турига эса нотиқлик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиқлари кишиларнинг ижтимоий алоқа курали бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида моҳирона фойдаланиб келганлар. Публицистик услубнинг оғзаки турига кундалик воқеаларга доир мақолалар ёки халқаро обзор билан радио ва телевидениеда чиқаётган шарҳловчиларнинг нутқлари ҳам киради. Публицистик услубда нутқнинг образлилиги барқарор характерга эга бўлади. Ибора, тасвирий ифода, истиора, эпитет, ўхшатиш, муболаға, кесатиш каби ҳис-туйғуга таъсир этувчи воситалар умумхалқ тилидан олинади. Публицистикада лексикани танлаш мантикийлик ва эмоционаллик талабига кўра белгиланади. Тил воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари, энг аввало, публицистик нутқнинг жанр турларига, уларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бундан ташқари, публицистик материалларнинг барча турларида, чунончи, памфлет, фельетон ва нотиқликда муаллифнинг ўзига хос индивидуал услуби ҳам сезилиб туради. Публицистик услубнинг синтактик тузилиши ҳам ўзига хос. Яъни унда содда гап турлари ҳам, қўшма гапнинг ўзаро ва, ҳам, ёки тенг боғловчилари



ёрдамида бириккан боғланган қўшма гаплар тури ҳам ишлатилади. Синтактик параллелизмлар ҳам ишлатилади: *ҳуқуқда бўлсин, шараф-шонда бўлсин, оилада бўлсин, ишқ ва вафода бўлсин* каби. Бу каби синтактик такрор фикр ва ҳисни яққол ифодалаш билан бирга, таъсирни кучайтириш учун ҳам хизмат қилади.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, тилни пухта ўрганиш, унинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта эгаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқнинг ички(мазмун) ва ташқи(шакл) кўринишига бирдай эътибор бериш, гўзал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўяди.

“Зўрма-зўраки сўз қидириш кўпинча бутун нутқни бузади. Энг яхши сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келадиган сўзлардир; уларни ҳақиқатни ўзи айтиб тургандек.”

Квинтилиан.

“Нутқ предметни билишдан келиб чиқмоғи ва ривожланмоғи лозим. Агар нотик уни қамраб ололмаган ва ўрганмаган бўлса, ҳар қанча нотиклиги беҳуда, болаларча зўрма-зўраклидир”.

Цицерон

Публицистик услуб

- Публицистика- лотинча «ижтимоий» сўзидан олинган. Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади. Бу услубнинг ҳам икки тури, яъни ёзма ва оғзаки кўринишлари мавжуд. Ёзма турига, асосан, матбуот тили киради. Публицистик услуб ўзбек адабий тилининг нутқ услублари тизимида, асосан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пайдо бўла бошлайди. Публицистик услубнинг оғзаки турига эса нотиклик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиклари кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида мохирона фойдаланиб келганлар.

Расмий услуб



Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳукуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир. Мазкур услуб ҳужжатчилик характери билан бошқа услублардан ажралиб туради. Расмий ёзишма ва ҳужжатлар иқтисодий, юридик ва дипломатик муносабатларда, маъмурий - давлат идораларида ишлатилади. Шунга кўра расмий услубда юридик қонунлар, дипломатик ёзишмалар, фармонлар, қарорлар, кўрсатмалар, буйруқлар, шартномалар, расмий эълон ва хабарлар, ёзишмалар ва шу каби ҳужжатлар ёзилади.



Расмий ёзишма ва ҳужжатлар тилининг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хил бўлганлигидан, унинг таркиби ҳам турличадир. Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий иш қоғозлари услубининг асосий талабидир.

Улар ўзига хос лексик ва грамматик хусусиятларга эга:

- профессионал терминлар (гувоҳнома, далолатнома, баёнот, элчихона, ишончли вакил, қидирув);
- турғун иборалар (имзо чекувчилар, юқорида кўрсатилганлар);
- тилга олинаятган кишилар ўз номи билан аталмасдан, бунинг ўрнига уларнинг белгиси ёки бирор ҳаракати, бирор нарсага муносабатини ифодаловчи отлар қўлланади (гувоҳ, даъвогар, ижрочи);
- ноаниқликка йўл қўймаслик учун отлар олмошлар билан алмаштирилмайди;
- феълнинг мажҳул даражадаги, шарт, буйруқ-истак ва ҳаракат номи шакллари кўпроқ қўлланади (бажарилади, белгилансин, чора кўриш);
- уюшиқ бўлакли содда гаплар кўп қўлланилади;
- шарт эргаш гапли қўшма гаплардан кенг фойдаланилади.

Расмий услубда оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар, диалектизмлар, жаргонлар деярли ишлатилмайди.

Демак, ўзбек тилининг расмий услубига мансуб ёзишма ва ҳужжатлар бошқа услублардан лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятларга кўра бир-биридан фарқланиб туради. Баён қилинган фикрларнинг изчиллик билан узвий боғланган бўлишига алоҳида эътибор қилинади ва танланган



сўзларнинг гап курилишининг расмий муносабатни ифодалашга бўйсундирилганлиги билан изоҳланади.

Хуллас, услубиятнинг тилда тутган ўрни бекиёсдир. Нутқ жараёнида масалага нутқ мавзуси ва хусусияти нуктаи назаридан ёндашилиб, вазифавий услубларнинг амал қилиш қонуниятларини ва талабларини эътиборга олиш лозим бўлади. Услубшунослик меъёрларни шакллантириш, машҳур тилшунос олим Г.О.Винокур таъкидлаганидек, тил маданиятининг ўз олдига қўйган асосий мақсади, унинг энг муҳим вазифасидир. Услубий меъёрни яхши билмасдан, уларни мукаммал эгалламасдан туриб, нутқ маданиятига, маданий нутққа эришиб бўлмайди. Тилда ҳар бир сўзни, грамматик шаклни, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни (тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодаладиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлисини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни ғализликлардан халос этади. Расмий иш қоғозлари услуби вазифавий услублар доирасидаги бошқа услублардан луғавий ва грамматик хусусиятлари жиҳатдан фарқланади. Ушбу услуб лексикаси асосан китобий ва холис сўзлардан иборат бўлиши билан бирга шу услуб бўёғига эга бўлган юқорида кўрсатилганлар, қуйидаги имзо чекувчилар, қабул қилиб олувчи каби сўз ва турғун бирикмаларини ўз ичига олади. Бу услуб лексикасининг яна бир хусусияти унда профессионал терминологиянинг мавжудлигидир. Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий иш қоғозлар услубининг асосий талабидир. Киши ўз фикрини аниқ ва равон ифодалаш учун тилдаги услублардан ҳам хабордор бўлиши, кундалик сўзлашув тилидан ташқари, расмий-иш юритиш тилини ҳам билиши керак. Чуқи оддий ишчими, деҳқонми, тадбиркорми ёки зиёли, барибир, ҳеч бўлмаганда, ариза, тилхат ёки ишончнома ёзишига тўғри келади. У ёки бу даражадаги корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбарининг фаолиятини эса иш юритиш қоғозларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Давлат тили ҳақида”ги (1995 йил 21 октябр) қонунимизнинг ўзак моддалари (8-14-моддалар)да иш юритишнинг тилга алоқадор жиҳатлари қоидалаштирилган.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилган бугунги кунда ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликнинг шаклланиши учун бутун имкониятлар очилди. Муассаса, ташкилот, корхона ва бирлашмалардан ишни ишлаб чиқариш тараққиётига мувофиқ ташкил этишда, умуман, бошқарув соҳасида ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Айни пайтда ҳужжатлар матнини тузиш бошқарув аппарати фаолиятидаги энг сермехнат ва сермашаққат жараёндир. Бу жараённинг оқилоналиги ва самарадорлигини оширмасдан туриб умумий бошқарув маданиятини юксалтириб бўлмайди.



Расмий услуб

- Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатларaro расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир. Мазкур услуб ҳужжатчилик характери билан бошқа услублардан ажралиб туради. Расмий ёзишма ва ҳужжатлар иқтисодий, юридик ва дипломатик муносабатларда, маъмурий - давлат идораларида ишлатилади. Шунга кўра расмий услубда юридик қонунлар, дипломатик ёзишмалар, фармонлар, қарорлар, кўрсатмалар, буйруқлар, шартномалар, расмий эълон ва хабарлар, ёзишмалар ва шу каби ҳужжатлар ёзилади.
- Расмий ёзишма ва ҳужжатлар тилининг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хил бўлганлигидан, унинг таркиби ҳам турличадир. Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий иш қоғозлари услубининг асосий талабидир.

Расмий иш қоғозлари услубининг оғзаки шакли сифатида расмий ахборотларни, иш юзасидан суҳбатларни, учрашувларни, маълумотларни баён этилишини айтиб ўтиш мумкин. Ушбу китобда расмий учрашув чоғида қўлланиладиган иборалар, кўтариладиган масалалар, сўзларнинг лексик жиҳатидан ўзига хослиги, нутқ маданиятининг меъёрларига амал қилиш бўйича 250 та маслаҳатлар берилган¹². Шуларнинг ичидан айрим кўтарилган, тўғрироғи, ёритилган (савол – жавоб тарзида) масалаларни режа тарзида кўрсатишни лозим топдик:

1. расмий учрашув тайинлаш;
2. расмий учрашувда бир – бирини таништириш;
3. расмий учрашувга таклиф қилиш;
4. маҳсулот ҳақида сўраш;
5. маҳсулотга берилган таъриф;
6. бир тўхтамга ёки хулосага келиш;
7. ўзаро тушуниш;
8. йўл – йўриқ кўрсатиш;
9. мақсадни тўғри ифодалаш;
10. нутқнинг кириш қисми;
11. нутқни асосли якунлаш;

¹²Andrew D. Miles “250 ways to say it in business”. Barcelona. 2010.123бет.



- 12.керакли сўзларни қўллаш;
- 13.табрик айтиш;
- 14.таклиф киритиш;
- 15.оммага таништириш;
- 16.буйруқнинг оғзаки шакли;
- 17.буйруқнинг қабул қилиниши ва бажарилиши;
- 18.мантиқли жафоб қайтариш;
- 19.хабарни етказиш;
- 20.шикоятни асосли ифодалаш;
- 21.иш фаолиятида, хусусан, бизнесда ўзини қандай тутиш;
- 22.сўзларни ўринли ишлатиш;
- 23.махсулотнинг фойдали томонларини кўрсата билиш;
- 24.расмий таклиф қилиш;
- 25.ўз қарашини ифодалаш;
- 26.зарур ҳолатда гап бўлиш ва изоҳлаш;
- 27.ўзаро ҳурматга амал қилиш;
- 28.ўз ғоясини ҳимоя қилиш;
- 29.ўз розилигини билдириш;
- 30.асосли фикр айтиш, маслаҳат бериш.



“Муаммо” технологияси 1.

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда Сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
Нутқ услубиятига тўлиқ амал қилмаслик	Нутқ жараёнида услубиятга эътибор камлиги	Нутқ услубиятига путур етказадиган ҳолатларни тушунтириш, ўргатиш	Ўз нутқини назорат қилмаслик.

“Муаммо” технологияси 2.

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда Сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
Ҳужжат турларини ёзишда расмий иш – қоғозлар услубининг ўзига хослигига риоя этмаслик	Расмий иш – қоғозлар услубининг грамматик, лексик томонларини ҳисобга олмаслик, сўзлашув услубининг фаоллиги	Ҳужжат турларини тўғри, аниқ, қисқа ёзишни тушунтириш, ўргатиш, кўникма ҳосил қилдириш	Ўзустида ишламаслик, эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда маънавиятга эътибор нималарда кўринади?
2. Ўзбекистоннинг “Давлат тили ҳақида” ги Қонунининг асл моҳияти нимада?
3. Тилнинг оғзаки ва ёзма шаклининг фарқи нималарда кўринади?
4. Вазифавий услублар қандай турларга бўлинади?
5. Услублар қайси жиҳатларга қараб бўлинган?
6. Расмий иш услубининг ўзига хослиги нималарда кўринади?

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. Mahmudov N. “O‘qituvchi nutqi madaniyati”. Toshkent, 2007.
2. Qo‘ng‘urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T.1992.
3. Rustamov A. "So‘z xususida so‘z" T. 2010.
4. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
5. Апресян Г. Ораторское искусство. М 1978.
6. Inomxo‘jayev S. Notqlik san’ati asoslari. T. 1982.



6- MA'RUZA. TILNING BADIY TASVIR VOSITALARI (4 soat).

Darsning o'quv maqsadi: Badiiy tasvir vositalarini badiiy uslubda keng qo'llanishini misollar asosida tushuntirish va bu borada bilim, malakava ko'nikmalarni shakllantirish.

Tushunchalar va tayanch iboralar: o'xshatish, sifatlash, epitet, mubolag'a, antiteza, gradatsiya, ellipsis, metoteza, sarkazm, ramz.

REJA:

1. Тасвирий восита турлари.
2. Услубий шаклларнинг асосий кўринишлари
3. Антитеза ва градация ҳақида тушунча
4. Риторик сўроқ. Кўп боғловчилик ва боғловчисизлик
5. Эллиipsis, жим қолиш ва такрор ҳақида тушунча

Сўзловчи ёки ёзувчи ўзи баён қилаётган фикрларини тингловчига аниқ, таъсирчан, тушунарли етказишга ҳаракат қилади. Шунда айнан шу фикрни баён қилиб беришда узундан-узоқ гапларни қаторлаштириб ташлашдан қочиб, шу фикрларни бошқа воситалардан (ўхшатиш, сифатлаш, аллегория, метафора, синекдоха, метонимия, рамз, антифраз) фойдаланган ҳолда тушунтирадилар. Бундай воситалар тилшуносликда **ифода тасвир воситалар** дейилади. Улар иккига бўлинади: 1. троплар, 2. услубий шакллар. Ифодалийлик, экспрессивлик ва аниқлиликни таъминлаш мақсадида бирор нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш, ўхшатиш ёки сўзларни шу мақсадда кўчма маънода ишлатиш **троплар** дейилади. Қандайдир хусусияти билан бир-бирига яқин икки тушунчани қиёс қилиш тропга асос қилиб олинади. Эпитет(сифатлаш) грекча “изоҳловчи” деган маънони билдиради. Эпитет – поэтик аниқловчи, у бошқа доимий аниқловчилардан экспрессивлик ҳосил қилиши, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқланади. Доимий эпитетлар: кўм-кўк осмон, қора кўз, олтин куз.

Ўхшатиш – нарс ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини аниқроқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдир. Ўхшатиш – энг қадимий ва кўп қўлланиладиган тасвирий восита – нутқий ҳодиса саналади.

Метафора – грекча “кўчириш” деган маънони билдиради. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб – сўз ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилишидир. Киши умрининг ёшлиги “ғунча”, йигитлик даври “баҳор”, ҳаётдан кўз юммоқ “сўлди”, “ҳазон бўлди” маъноларини англатади. Метафора: 1. содда – гумбаз(осмон), арслон, лочин(кучли одам), илон(совуқ одам). 2. мураккаб – зангори кема, оқ олтин.

Метонимия – грекча сўз бўлиб, “қайта номлаш” маъносини билдиради. Метонимияда ташқи ва ички томондан бир-бирига алоқадор нарс ёки ҳодисаларнинг номи бошқа нарс ёки ҳодисага кўчиради.




Синекдоха – нарсаларнинг сон ёки бутун ва қисмлар орасидаги муночабат назарда тутилади.

Рамз – ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларнинг ифодаси учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўз бирикмаси.(кабутар – тинчлик, қора – совуқлик).

Услубий шакллар ҳақида гапирилганида тингловчига умумий ҳиссиёт таъсир кўрсатувчи, нутқнинг мана шу таъсирини оширувчи махсус синтактик қурилмалар назарда тутилади. Услубий шакллар ҳар доим бир-бирин тўлдирди ва бири иккинчисига аниқлик киритади.

Такрор, тинч қолиш, сукут, риторик сўроқ, антитеза, градация, кўп боғловчилик ва боғловчисизлик, инверсия, эллипсис кабилар услубий шаклларнинг асосий кўринишларидир.



АНТИТЕЗА – грекча сўз бўлиб, қарама-қарши қўйиш маъносини билдиради.

Антитеза ифодаликни кучайтириш учун қарама-қарши тушунчаларни, фикр, образ, нарсаларни, шахсларнинг характерларини қиёслаш ёки бир хил нарса-ҳодисаларнинг даража жиҳатидан қарама-қарши ҳолатини тасвирлаш учун фойдаланилади. Икки қарама-қарши қўйилган белги ёки хусусият эса бири иккинчисини инкор қилади.

Маишатман кайфу сафо бир ёқда
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда.

(Эргаш Жуманбулбул)


Антитеза ҳамма вақт ҳам антонимларга асосланавермайди. Унда кўпроқ фикр қарама-қаршилиги назарда тутилади. Баъзан айни қурилма билан антитезани юзага келтирган сўз ўзаро антоним бўлмаслиги мумкин. Масалан,



Таажжуб, янгича аза, янгича бахм. Кўзларида ёш, лабларида кулгу, Эгиларида қора либос, қўлларида қизил шароб тушқунликнинг мужассам тимсоли (И.Султон, Уйғун “Алишер Навоий”). Ўзбек тилида кулгу ва йиғи, қора ва оқ бир-бирларининг типик антонимлари. Лекин келтирилган мисолда кулгу сўзи билан ёш, қора сўзи билан қизил сўзлари қарама-қарши қўйилиб чиройли антитеза ҳосил қилинган.

Янги бир маъно келтириб чиқариш ниятида юзаки қараганда бирлаштириб қўллаш мумкин бўлмаган, бир-бирларига тамоман зид бўлган икки сўз бирлаштирилади. Бу тилшуносликда аксиморон дейилади: *тирик мурда, виждонли ўғри, аччиқ шодлик* каби.

Антитезада қарама – қарши бўлган икки томон бири иккинчисини инкор қилади, аксиморонда эса икки қарама – қарши маъноли сўз бир-бирига бирлаштирилади.



ГРАДАЦИЯ – лотин тилидан олинган бўлиб, зинапоя, яъни аста-секин юқорига кўтарилиб бориш ёки юқоридан пастга қараб бориш маъносини билдиради.

Градация нарса, белги, хусусият ёки ҳаракатни биридан иккинчиси кучлироқ ёки аксинча кучсизроқ маъно ёхуд бир хилдаги сўзлар воситасида кучайтириб ёки камайтириб бориш орқали тасвирлашдир.

Навбатдаги сўз олдинги сўзнинг маъносини кучайтириб борса **климакс**, деб юритилади:

Бўла

юмшоқ,

семиз

сероб

сийналарида

Янги давр юрагининг ўти кўкарган.....

Ювиб,

тараб,

севиб,

ўпиб,



кучиб,
опичлаб
Эй бахтларни балоғатга етказган она.
(Ҳ.Олимжон. “Бахтлар водийси”)

Агар аксинча, камайтириб борса, **антиклимакс** деб юритилади:

- *Жинни бўлманг! Олинг қўлингизни! Бу нимаси?! Қўйиб юборинг. Қўйиб юбор дейман! Тфу, ахмоқ!* (А.Қаҳҳор. “Йиллар”).

Кўриниб турибдики, градацияда фақат сўзлар зинапояси эмас, балки гаплар зинапояси ҳам бўлиши мумкин.

Градациянинг климакс шакли кўпроқ кўтаринки руҳ билан ёзилган шеърӣ асарларда учрайди. Градициялар ўзига хос махсус оҳангига эга бўлади: агар градиция кўтарилиб бориш характериға эга бўлса, ҳар бир навбатдаги сўз аввалгисидан баландроқ оҳанг билан талаффуз қилинади. Пасайиб бориш характериға эга бўлганда эса ҳар бир навбатдаги сўз ёки иборада товуш тони пасайиб боради.

РИТОРИК СЎРОҚ. Риторик сўроқ услубий метод сифатида ўқувчининг ёки тингловчининг диққатини маълум бир мавзу ёки унинг қисмиға жалб қилиш учун ишлатилади. Одатда сўроқ гаплар тингловчидан жавоб талаб қилади, риторик сўроқлар эса жавоб талаб қилмайди, балки сўров йўли билан тасдиқ ифодаланади. Бундай гапларнинг кесими кўпинча бўлишсиз феъл билан ифодаланади. Риторик сўроқ гапларда оҳанг катта рол ўйнайди. Оҳанг ёрдамида кўпинча сўроқ гапнинг ўзи айни шаклда тасдиқни ифодалаб туради: *Унга гаптириб бўладими?*

Оҳангнинг тасвирийликни оширадиган, таъсирчанликни таъминлайдиган омил сифатида келиши риторик ундовларда янада яққолроқ кўринади.

КЎП БОҒЛОВЧИЛИК ВА БОҒЛОВЧИСИЗЛИК. Нутққа кескинлик, шошинч тус, тезлик характериғни киритиш учун нготиқ ёки ёзувчи гапда лозим бўлган боғловчиларни атайлаб тушириб қолдиради, гап бўлаклари орасидаги алоқа интонация ёрдамида ифодаланади: “... ўз элини, ўз тупроғини, ўз тилини, ўз маданиятини жон дилида кўрмаган одам ўзға халқларни, ўзға ўлкаларни, ўз тил ва ўзға маданиятни кўкларға кўтара олмайди, ҳурмат қила билмайди, йўқ асло!” (С.Азимов. “Сўнгсиз хаёл”).

Кўп боғловчилик вазифа жиҳатидан боғловчисизликка қарама-қарши туради. Яъни боғловчисизлик кескинлик, ҳаракат тезлиғини кўрсатиш учун хизмат қилса, боғловчилар такрорланиши нутққа сокинлик, таъкидлаш маъносини киритиш учун хизмат қилади ва секинлаштирилган оҳанг ҳамда тўхтамлари билан ҳам ўзига хос хусусият акс этади.

ЭЛЛИПСИС – грекча сўз бўлиб, тушириб қолдириш демакдир.

Эллипсис ёзма ва оғзаки нутқда тезлик, кескинлик, шошинчлик хусусиятини белгиловчи воситалардан ҳисобланади.

Нутқий матндан осонгина билиб олинадиган сўзнинг ёзувчи томонидан атайлаб тушириб қолдирилиши эллипсис дейилади.



Эллипсис ихчамликни таъминлайди, унинг энг оддий кўринишлари сифатида: **Олга! Отларга! Бекининг! Ётинг!...** кабиларни кўрсатиш мумкин. Юқоридаги кўринишларга изоҳ, аниқлик киритиш учун хизмат қиладиган *югуринг, мининг, ерга* сўзлари тушириб қолирилган.

Бадий адабиётда эллипсис кўпроқ диолог нутқда кўринади.

Эллипсис халқ мақоллари, ҳикматли сўзларда ҳам тез-тез кўзга ташланади: *ер – олтин, меҳр кўзда, дўстим – белбоғим.*

Эллипсисга оғзаки нутқда кўпроқ мурожаат қилинади. Чунки суҳбатдошларнинг бир-бирларига яқин⁷ туриши, улар фойдаланган имо-ишоралар фикрни аниқ ва тўғри тушунишга ёрдам беради.

ЖИМ ҚОЛИШ. Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши жим қолиш дейилади. У эллипсиснинг бир кўриниши сифатида қаралиши мумкин.

Баъзан сўзловчи айтмқчи бўлган фикрини охиригача етказмайди, яширади, тингловчини ўйлашга мажбур қилади.

*Ишимизни тездан ёнган яхшироқ,
Энди биргина йўл, бир илож қолди.
Мана қогоз, қалам, ёзгин ариза,
Ўз хоғишим билан бўшайман дегин.
Ҳозирча..... бўлмайлик изза,
Бошқа ишга ўзим жойлайман, кейин!*

(С.Абдуқаҳҳор “Каламуш билан сичқон”).

ТАКРОР. Илмий адабиётларда эпифора, рифма (қофия), ассонанс, эпанафора, халқа кабилар бадий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида талқин қилинади.

Такрорланаётган тил ҳодисаларининг материалига, уларнинг жойлашиш ўринларига қараб такрорнинг бир неча хил кўринишлари фарқланади.

Агар гап таркибидаги сўзларда бир хил унли товушлар такрорланса ассонанс дейилади.

Сўзлар охирида унли ёки ундош товушларнинг такрорланишига эпифора ёки товушнинг тугалланиши дейилади.

*Уйда,
Оилада,
Далада, қирда
Оптоқ пахта битган серунум ерда.*

(Ҳ.Олимжон “Маҳорат”).

Такрорнинг яна бир кўриниши – халқадир. Бу ҳодиса асар бошидаги қандайдир унсур унинг охирида, мисра ва байт, банд охирида ёки бошланишида ишлатилган товуш, сўз ва сўз бирикмаларининг такрорланишидир.

Товуш такрорланиши:

*Борлигимни исмингни айтиб
Чулгаб олар бир гўзал ҳаёт.*

(Ҳ.Олимжон “Соғинганда”)



Сўз такрорланиши:

*Наҳотки йўқ бўлиб кетса шунча қон,
Фашист ҳоким бўлса бизларга **наҳот**?!*

(Ҳ.Олимжон “Шарққа кетганда”)

Халқанинг тескари кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, унда биринчи мисра охирнидаги товуш ёки сўз иккинчи мисра бошида такрорланади. Бу ҳодиса **уланиш, бирикиш** деб ҳам юритилади. Умуман бунда анафора ва эпифора қўшилгандай бўлади. Шу сабабли бу ҳодиса **эпанафора** деб юритилади.

*Она ўз ўғлини севади **фақат**,
Фақат севадию эртас айтас.*

(Ҳ.Олимжон “Она”)

Abdulla ORIPOV **BIRINCHI MUHABBATIM**

Kecha oqshom falakda oy bo'zarib botganda,
Zuhra yulduz miltirab, xira xanda otganda,
Ruhimda bir ma'yuslik, sokinlik uyg'otganda,
Men seni esga oldim, birinchi muhabbatim,
Eslab xayolga toldim, birinchi muhabbatim.

O'tdi yoshlik zavq bilan, gohi to'polon bilan,
Gohida yaxshi bilan, gohida yomon bilan,
Ayro ham tushdim ba'zan? qalb bilan imon bilan,
Lekin seni yo'qotdim, birinchi muhabbatim,
Mangu g'aflatda qotdim, birinchi muhabbatim.

Dunyo degan shundayin anglab bo'lmas sir ekan,
Goh keng ekan, gohida tuynuksiz qasr ekan,
Lekin inson hamisha bir hisga asir ekan,
Nechun bilmovdim avval, birinchi muhabbatim,
Parvo qilmovdim avval, birinchi muhabbatim.

Xolbuki orzulardan judo ham bo'lganim yo'q,
Yulduzday kuyganim yo'q, oy kabi to'lganim yo'q.
Erta xazon gul kabi sarg'ayib, so'lganim yo'q,
Seni eslab yig'layman, birinchi muhabbatim,
Eslab bag'rim tig'layman, birinchi muhabbatim.

Yo'lin yo'qotsa odam – muhabbatga suyangay,
G'ussaga botsa odam – muhabbatga suyangay,
Chorasiz qotsa odam – muhabbatga suyangay,
Men kimga suyangayman, birinchi muhabbatim,
Faqat eslab yongayman, birinchi muhabbatim.




Nido bergil, qaydasan, sharpangga quloq tutdim,
Sirli tushlar ko'rib men bor dunyoni unutdim,
Tongda turib nomingga ushbu she'rimni bitdim,
Dildagi oxim mening, birinchi muhabbatim,
Yolg'iz Ollohim mening, birinchi muhabbatim.

Nazorat savollari:

1. Тасвирий восита турларига мисоллар келтиринг.
2. Услубий шаклларнинг асосий кўринишларини мисоллар орқали тушунтиринг.
3. Антитеза ва градация нима?
4. Тасвирий воситалар билан услубий шаклларнинг ўзига хослиги ва зарурлиги нимада?

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. Mahmudov N. "O'qituvchi nutqi madaniyati". Toshkent, 2007.
2. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari, T. 1992.
3. Rustamov A. "So'z xususida so'z" T. 2010.
4. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. 1994.
5. Inomxo'jayev S. Notiqlik san'ati asoslari. T. 1982.



АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-МАВЗУ. Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари

Режа:

1. Нутқ маданиятини эгаллаш босқичлари
2. Адабий тилни ўрганиш ва эгаллаш йўллари
3. Нутқ маданиятининг ёзма ва оғзаки шакллари эгаллаш усуллари

*“Нутқ маданиятини барча
сўзловчилар эгаллашлари лозим”*

И.Белолед

Тил қонуниятларини эгаллаган, яъни гапираётган шева ёки лаҳжасининг меъёрий шакллари асосида ёшликдан сўзлай олиш малакасига эришган ҳар бир киши ҳеч қандай ёрдамсиз ўша тилда фикрлаша олади. Аммо шахснинг ўзи эгаллаган тилни қайси даражада билиши ушбу шахснинг ўз фаолияти, интилишлари, ҳаётий тажрибаси ҳамда ҳаётий эҳтиёжига боғлиқ бўлган масаладир.

Демак кишиларда табиий ва анъана тусига эга бўлган она тилини ёшликдан эгаллай олиш ва ундан ўринли, танқидий фойдалана олиш қобилияти бор экан, унда нутқ маданияти соҳаси кимларни кўзда тутиб иш олиб боради, деган қонуний савол туғилиши табиийдир. Бу саволга берилган жавоблар ҳозирги замон тилшунослигида жуда кам. Мавжуд жавобларда эса ушбу масала турлича талқин этилганлигини кўрамиз. Булар ичида учтаси характерлидир:

1. Нутқ маданияти соҳаси бутун миллатни (халқни) кўзда тутиб иш олиб боради.
2. Нутқ маданияти фақат зиёлилар нутқини яхшилашни кўзда тутди.
3. Нутқ маданияти соҳаси биринчи навбатда ёш авлод нутқини тўғирлашни кўзда тутиб иш олиб боради.

Нутқ маданияти тушунчаси ҳозирги илмий маънода адабий тил билан боғлиқдир. Шу туфайли адабий тилни эгалламаган, унда сўзлай олмайдиган кишининг нутқий маданияти ҳақида гапириш ҳам ортиқчадир. Демак, олдин ҳам қайд этилганидек, нутқ маданияти соҳаси адабий тилда гапирувчилар, адабий тилни эгаллаган ва эгаллаётганлар нутқини, нутқий фаолиятини кўзда тутган ҳолда иш кўради.

Нутқ маданияти тушунчаси ҳозирги илмий маънода адабий тил билан боғлиқдир. Шу туфайли адабий тилни эгалламаган ва унда сўзлай олмайдиган кишининг нутқий маданияти ҳақида гапириш ҳам ортиқчадир. Чунки бугунги кунда адабий тил умумхалқнинг сўзлашув куралига айланган бир даврда инсонлар ўртасида маҳаллий лаҳжа ва шеваларда ёки адабий тил билан ўз шеваларининг қоришмасидан иборат бўлган бир тилда сўзлашадилар. Мана шунда келиб чиққан ҳолда кишиларнинг ўзбек адабий тилидан қай даражада фойдаланаётганлигига кўра уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:



1. Ўзбек адабий тилида тўлиқ гапира оловчи ва ёза оловчи кишилар гуруҳи;

2. Ўзбек адабий тилида ёза оловчи аммо оғзаки нутқда адабий тил нормаларига тўлиқ амал қилмайдиган кишилар гуруҳи;

3. Расмий доираларда адабий тилда сўзлай оладиган, аммо оддий сўзлашувда, оилада шевада ёки шева билан адабий тилнинг аралашмасидан иборат бир тилда гапирувчи шахслар гуруҳи;

4. Маҳаллий шеванинг кучли таъсири сезилиб турадиган нутқ эгаси бўлган кишилар гуруҳи;

5. Маҳаллий шеванинг кучсиз таъсири (асосан талаффузда ёки айрим сўзларни айтишда) сезилиб турадиган тилда сўзлашадиган кишилар гуруҳи;

6. адабий тилни “билмайдиган” ва ўз маҳаллий шевасида гаплашадиган кишилар гуруҳи.

Кишилар “адабий тилни билмаслиги” нисбий тушунча бўлиб, у адабий тилни умуман тушунмайди деган маънода эмас, балки улар адабий тилдан тўла маънода фойдаланмайди, бу тилга гапиришга ва ёзишга одатланмаган деган маънони англаш мумкин.

Адабий тилда гапирувчи инсон учун ҳам унинг адабий тил нормаларини қанчалик билиши нисбийдир. Чунки ҳар қандай одамнинг адабий тил нормасини қай даражада эгаллаганлиги унинг умумий маданий савияси билан белгиланади.

Нутқ маданияти ижтимоий-маданий ҳаётнинг қонуний талаби бўлса-да, уни эгаллаш аслида ҳар бир шахснинг маданий савияси, онг ва билимига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан жамиятдаги барча шахсларни бир вақтнинг ўзида бир хилда юксак маданият даражасига эришган дейиш мумкин бўлмаганидек, аниқ шахсларнинг барчасини ҳам билим ва маданий савияси жиҳатдан нутқ маданиятини эгаллашга бир хилда ҳозирланган, қобилятли одам дейиш қийин.

Шундай қилиб, нутқ маданияти соҳаси бир даврнинг ўзида жамият аъзоларининг барчасини маданий нутқий тарбия остига ола олмайди. Ушбу маънода маданий нутқий тарбия маълум чегарали томонларга эга. Нутқ маданияти соҳаси асосан, адабий тилни эгаллаганлар, унда сўзлаш ва ёзишни истовчиларни ҳамда ёш авлод нутқини тўғирлашни кўзда тутди. Лекин нутқ маданияти бу билан чегараланиб қолмаслиги керак албатта. ***Нутқ маданияти соҳасининг тўлиқ, яъни пировард мақсади барча халқ оммасининг нутқини адабий тарбияга олишдек мақсадни кўзда тутмоғи лозим.***

Ҳар қандай ҳолда ҳам нутқ маданияти - бу аввало нутқий кўникма, нутқий малака ҳосил қилишдир. Бу кўникма нутқий-амалий жараён бўлиб, махсус меҳнат ва машқ эвазига, ўқиш ва уқиш орқали эришиладиган қобилият, маҳоратдир.

Инсон алоқа қуроли бўлмиш тилни, жумладан адабий тилни ўрганиш ва эгаллаши тўрт хил йўл билан амалга ошади, дейиш мумкин:

1. **Тилни табиий ҳолда эгаллаш.** Бунга боланинг ўз она тилини оила муҳитида, шунингдек атроф-муҳит таъсирида ўрганиши ва билиб олиши



киради. Бола тилни ота-онадан, оила аъзоларидан, дуч келган кишидан табиий ҳолда эшитиш ва ўзлаштириш орқали эгаллайди.

2. Тилни ўқитиш ва ўргатиш орқали эгаллаш. Бунга асосан ўрта, ўрта махсус ва олий мактаб таълими киради. Шунингдек, қисман болалар боғчасидаги таълимни ҳам шу омилга қўшиш мумкин.

3. Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш, шуғулланиш орқали ўрганиш. Тилни ва нутқ маданиятини эгаллашда мустақил ўқиш, тил ва нутқ устида мустақил ишлаш муҳимдир. Бу иш икки хил характерлидир. Биринчиси, киши тилга оид махсус адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмалар, луғатларни ўрганади. Ундаги тил ва нутққа оид қонуниятларни эгаллайди.

Иккинчиси, нолингвистик адабиётларни мустақил ўқийди ва бу ҳол киши нутқининг ўсишига, адабий тил нормаларини эгаллашига туртки бўлади. Мустақил шуғулланиш адабий тилни эгаллаш, нутқ маданияти малакасини ҳосил қилишнинг муҳим омилдир. Чунки бунда адабий тил нормалари ихтиёрий, онгли равишда ўзлаштирилади. Бу йўл билан ҳосил қилинган нутқий малака эса мустаҳкам бўлади.

4. Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг кўринишларидан бири нутқий тақлидир. Ҳар бир киши ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва ўткир гапирадиган кишилар нутқига ҳавас билан қараши ва унга тақлид қилишга интилиши мумкин. Бу ҳолда нутқий тақлид – намунали тил, нутқ маданиятини эгаллашга интилишнинг омилларидан бирига айланади.

Келтирилган барча ҳолларда нутқ маданиятини эгаллаш – бу онгли равишда интилиш ва тинимсиз меҳнатдир. Чунки нутқ маданияти малакасини бусиз ҳосил қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, тилни, нутқ маданиятини эгаллашнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- оила ва атроф-муҳитдан ўрганиш;
- боғча таълими;
- ўрта мактаб таълими;
- ўрта махсус таълим;
- олий мактаб таълими;
- тил устида мустақил шуғулланиш.

Нутқ маданияти шахснинг умуман тилни билиш даражаси билангина эмас, балки адабий тилни намунали билиши ва ундан нутқнинг оғзпаки ва ёзма кўринишларида намунали фойдалана олиши даражаси билан ўлчанади.

Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллаш учун инсонлар қуйидаги томонларга ҳам эътибор бермоқлари керак:

- ҳар бир киши ўзининг кундалик тилига эътибор қилиши, ундаги ютуқ ва нуқсонларни сеза олиши лозим;
- инсонлар тилга, унинг қонун – қоидаларига онгли ва илмий муносабатда бўлишлари керак. Бунинг учун эса тил грамматикасини, фонетикасини, лексикологияси ва стилистикасини яхши билиш лозим;
- киши ўз ёзма ва оғзаки нутқи устида онгли равишда назорат ўрнатиши ҳамда нутқидаги ютуқ ва камчиликларга танқидий ёндаша олиш кўникмасини ҳосил қилиши керак;



- ҳар бир кишида нутқий дид, тилнинг ўзига хос нозик томонларини сеза олиш хусусиятлари шаклланган бўлмоғи керак.

- нутқ маданиятини эгаллашнинг энг муҳим шартларидан бири бу тилга ҳурмат ва унга муҳаббат тўйғуси билан қарашдир.

- тилни ўрганиш ва нутқ маданиятини эгаллаш инсон ҳаётининг маълум даврига тўғри келадиган вақтинчалик иш эмас, балки доимий интилиш ҳамда шуғулланиш, шу билан бирга ҳаёт давомида такомиллаштирилиб боровчи ҳодисадир.

Хуллас, нутқ маданиятининг чинакам соҳиби бўлиш учун нутқ маданиятининг ҳар иккала босқичини мукамал эгаллаш лозим. Ушбу даражага эриша олган ҳар бир киши, ўз навбатида ўзбек адабий тилининг меросхўригина эмас, балки ўзбек тилининг софлиги ва янада ривожини учун фаол курашувчи шахсга айланиши шубҳасиз.

2-МАВЗУ. Оммавий маърузаларда нутқ маданияти масалалари

Режа:

1. Нутқнинг намунали бўлиши ва уни таъминловчи омиллар
2. Тилнинг тасвирий воситалари ва улардан нутқ жаранида фойдаланиш
3. Таълим жараёнида ўқитувчи нутқининг овоз томонлари

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги нутқининг ўринлилиги ижтимоий жиҳатдан жуда муҳим, чунки бизнинг нутқимиз ҳозирги кунда етук мутахассислар тайёрлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Таниқли нотиклар ўз нутқларининг намунали бўлишини таъминлашда қуйидаги асосий ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

- ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш;

- ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш;

- мавзуга маъсулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш;

- маърузалар, оммавий чиқишлар вақтида тингловчилар билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқатни таъминлаш. Тингловчиларнинг кайфиятларини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларнинг маърузачи фикрларини фақат тушуниб олишларинигина таъминламасдан, бу фикрларга ишонтира олиш;

- ҳар бир нутққа жиддий тайёргарлик кўриш, жумладан, маърузани нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларни ўртага ташлаш кетма-кетлигини яхши белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаши, маълум режалар тузиб олиб ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиши зарур бўлган ўринларни белгилаб олиш.

Намунали нутқни таъминловчи асосий омиллар юқорида санаб ўтилганлар билан чекланмайди, албатта. Шу омилларни юзага келтиришда



бекиёс аҳамиятга эга бўлган яна бир омил ҳам борки, бу юқорида айтганимиз, тилни яхши билиш, унда ўринли ва тўғри фойдаланиш малакасига эга бўлиш – нутқ маданиятини эгаллашдир. Мавзуни чуқур билиш, масалаларни тўғри англаш, уларга муносабат, тушунарлиликни, таъсирчанликни, аниқлик ва мантиқлиликни, таъминлаш, тингловчилар диққатини тортиш, фикрларни қандай баён қилиш кабиларнинг ҳаммаси тил орқали, унинг бевосита иштирокида амалга ошириладим.

Ҳар қандай нотиқ нутқининг маданиятли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало ўз она тилининг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиши, сўз қадрига ета билиши керак. Бундан ташқари нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олийжаноб бўлиши учун кишининг ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак. Чунки ҳамма вақт ҳам чиройли сўзларни айтиш, баландпарвоз жумлаларни тузиш билан маданий нутққа эришиб бўлмайди.

Кўринадики, сўзловчи тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда тингловчи онгига ва кайфиятига таъсир қила оладиган, уни ишонтира оладиган, кўтарилаётган масалаларни тўғри ва аниқ, осон англаб олишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Шундай қилиб нотиқлик санъатини қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий чиқишлар тили;
- тарғиботчи ва ташвиқотчилар нутқи;
- академик нутқи;
- суддаги нутқ;
- махсус сўз усталарининг чиқишлари.

Нотиқ ўз нутқининг грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши, шу давр адабий тил нормасига мос келиши, мазмунли ҳамда содда, аниқ ва мантиқли бўлишига жиддий эътибор бериши керак. Шундагина унинг нутқи оммага тушунарли бўлади. Бироқ тушунарлиликнинг ўзи ҳали етарли эмас. Нутқ таъсирчан ҳам бўлиши керак. Таъсирчанликни эса юқорида санаб ўтилган грамматик жиҳатдан тўғрилиқ, соддалиқ, аниқлик, мантиқийлик кабилар таъминлай олмайди. Таъсирчанликни таъминлаш учун улардан ташқари тилнинг тасвирий воситаларини мукаммал билиш ва улардан фойдалана олиш зарурдир. Тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метофора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, такрор, адабий кўчирмаларнинг ўрни бекиёсдир.

Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақоллар, маталлар, ҳикматлар, сўз ва иборалар ҳамда айниқса, фразеологизмлардан кенг фойдаланиш зарур.

Шунингдек, нотиқ доимо тежамликка, эътибор бериши, зарур бўлмаган сўзларни қўлламасликка ҳаракат қилиши, ортиқча такрорларга берилмаслиги керак. Нутқнинг чўзилиб кетиши, унда такрорлар бўлиши, зарур бўлмаган сўзларнинг кўп учраши нутқни сайқаллаштиради, уни зерикарли қилиб кўяди, ғализлаштиради. Буни яхши ҳис қилган кўпгина ёзувчилар каттагина мазмунни бир нечта жумлада ёки бир нечта сўз иштирокида ифодалай



оладилар: “*Кампир тонг қоронгисиди хамир қилгани туриб ҳўкизидан хабар олди. Ў!... Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган.... Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн беи хода, бир арава қамиш-уй, ҳўкиз топиш учун неча зомонлар қозонни сувга ташлаб қўйиши керак бўлади*” (А.Қаҳҳор “Ўғри”).

Бу парчадаги бирорта сўзни олиб ташлаб ҳам бўлмайди, ўзгартириб бўлмайди ёки бирор сўзни қўшиш мумкин эмас. Ёзувчининг моҳирлиги ҳам шунда.

Хуллас, ўз нутқи учун зарур бўлган энг муҳим белгиларга албатта эътибор бериш керак. Оғзаки ёки ёзма, публицистик ёки бадиий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа нутқларнинг энг муҳим белгилари грамматик жиҳатдан тўғрилиқ, адабий тил қоидаларига мос келиш, содда-иҳчамлик, аниқлик, мантиқан тўғрилиқ кабилардир. Булар нутқнинг тушунарлилигини таъминлаб туради. Тилнинг бадиий тасвир воситалари ҳам нутқ учун энг муҳим белгилар бўлиб, улар нутқнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Ўзбек ўқитувчисининг шахсида ёрқин намоён бўлувчи, алоҳида, ўзига хос хусусиятларидан бири - кўп асрлар давомида ўзбек зиёлиларининг шакли шамойили ва қонига сингиб кетган хушмуомалалиқ, хушфеъллик, юксак ахлоқийлик, ширинсуханлик каби хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган инсонлардир. ўқитувчи таълим жараёнида фикрни ифодалашнинг хилма-хил шакллари ва услубларидан фойдаланади. Уларнинг ҳар бири нутқий материаллар асосида юзага келади. Нутқ, тил ва овоз алоҳида ҳодисалар бўлса ҳам уларни бир-биридан ажратиб, тушунтириб бўлмайди. ҳар қандай нутқ маълум матндан иборат бўлади.

Ўқитувчилик касби бевосита таълим жараёнида ўқитувчининг овоз хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз ўқувчиларини овозининг ширадорлиги билан ҳам аср этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун, ўқитувчи ўз овозининг кучини, тезлигини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда улардан фойдаланиб, билим бериш малакасига эга бўлиши керак. ўз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилиши лозим.

Овоз ўқитувчининг таълим жараёнидаги биринчи қуроли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ундан тўғри фойдаланиши, уни асраши лозим бўлади. Ортиқча бақир-чақирини овоз пайчаларининг зарарланишига сабаб бўлади.

Ўқитувчининг таълим жараёнида нутқдан фойдаланиш жараёнида нутқнинг тезлиги ошиб ёки пасайиб туриши керак. Бу ифодали сўзлашишга хос хусусият бўлиб, тингловчи хулқига таъсир этишини, нутқнинг яхши етиб боришини таъминлайди. Нутқнинг ифодалилиги нутқнинг ажралмас бўлагидир. Бир маромда айтилган нутқ ланж, сўлғин, таъсирсиз бўлади. Сўзлаганда баъзи ўринларда нутқнинг тезлигини ошириб бориш, шошиб ёки ҳовлиқиш эмас, балки нутққа оҳанг жилосини бериш, жонлантириш тингловчилар диққатини жалб этишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги нутқига киритилган сўзлар ўз маъносига кўра шу гап учун мос бўлсагина, у матн маъносини юзага чиқаришда ўз ҳиссасини қўша олади. Акс ҳолда, уни вайрон қилади. Чунки,



матн сўзларнинг тасодифий йиғиндиси бўлиши керак эмас. ўқитувчи таълим жараёнида матннинг мазмуни ва шу мазмунни пайдо қилувчи ифодали воситаларга, услубга, оҳангдорлигига эга бўлган нутқдан фойдалана олиши керак. Тилда бир канча сўзлар борки, уларнинг қайси нутқ услубига хослигини белгилаб олиш мумкин. Ана шундай сўзлар маълум бир фикрлар алмашув шароитида матндаги бошқа сўзлар билан бирга аниқ бир услубнинг юзага чиқиши учун хизмат қилади ва бу матн учун зарур ҳисобланади.

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги нутқи имкони борица синтактик жиҳатдан содда, жозибадор, таъсирчан тузилишга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларига таълим-тарбия бериш жараёнида нутқи жуда катта аҳамиятга эга. У ўз ўқувчиларига, талабаларига мутахассисликка оид фикрларнинг, маълумотларнинг асосий қисмини нутқи орқали баён этади. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вақт ғоявий юксак, равон, дилкаш бўлиши лозим.

Фаробийнинг фикрича, таълим - сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилади.

Сўз тарбияси ҳақида А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бундай деб таъриф бериб ўтади: «Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлиб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқарадурғон бўлмаса, асаларилар орасида гунғиллаб юрган қовоқари каби куруқ гўнғулламоқ фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдир. Бошимизга келадурғон қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун: «кўп ўйла, оз сўйла», - демишлар».

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, таълим жараёнида нутқ маданияти ҳар бир соҳа вакилларида юксак даражада тараққий этиши лозимлигини кўрсатиб ўтади.

Ўқитувчининг таълим жараёнида ўқувчи билан кўпол муомаласи ўқув материалларини ёмон ўзлаштиришга сабаб бўлишидан ташқари, ўқувчиларни ўзидан бездиради ҳам. кўпол сўзли ўқитувчининг ўқувчилари уни юракдан севмайдилар. ўзларига яқин тутмайдилар. ўқувчилар севмаган ўқитувчининг иши, ютуқлари қандай бўлиши ҳаммага маълум. Шунинг учун бизнинг нутқимиз тингловчига қандай таъсир этиши ҳақида ўйламоғимиз даркор. Нутқнинг кўполлиги ўқувчи қалбини жароҳатлайди, унинг шахсиятини ерга уради.

Сўзларнинг аксарияти одатда кўп маъноли бўлади, чунки жамият тараққиёти давомида кўплаб янги ҳодисалар тушунчалар вужудга келади. Уларни ифодалаш учун у ёки бу тилда баъзан янги ўзлар яратилади, баъзан эса бошқа тиллардан атамалар қабул қилинади. Лекин бу ҳам баъзида эҳтиёжларни қондирмайди ва натижада шу тилдаги мавжуд сўзлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Бу эса ўз – ўзидан мавжуд сўзнинг кўп маъноли бўлишини келтириб чиқаради. Масалан, кўз, қулоқ, бош, қош, оёқ, бел сўзлари дастлаб киши аъзоларидан бирини ифодалаб келгани, кейинчалик эса ёғочнинг кўзи, столнинг оёғи, қозоннинг қулоғи, ишнинг бели типидagi бирикмалар таркибида бошқа маъноларда қўлланиб, бошқа тушунчаларни ифодалаш, сўзнинг бундай хусусиятга эга бўлиб қолишида



нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асос қилиб олнганлиги кўзга ташланади.

Сўзлар тушуняаларни ифодалаш билан бирга кишиларнинг ҳис-туйғуларини, нарсаа-ҳодисаларга бўлган муносабатларини ҳам ифодалайди. Атамаларни қўллашда ҳам маълум камчиликлар мавжуддир:

1. Нутқ муаллифи атаманинг туб маъносини тўғри англаб етмайди;
2. Муаллиф ўз нутқига жиддий эътибор бермайди, уни кузатмайди ва унга баҳо бера олмайди;

3. Тилни чуқур билмаслик, унинг имкониятларини тўлиқ эгалламаслик натижасида нутқда терминлар нотўғри ишлатилиб юборилади.

4. Сўз ясалиши, жумладан атамаларнинг ясалиш қонун-қоидаларини яхши билмаслик натижасида нотўғри атамалар ҳосил қилинади ва уларнинг нутқда ишлатилиши сўзловчи ва тингловчи ўртасида алоқани қийинлаштиради.

5. Баъзан мавжуд атама бор бўлгани ҳолда, уни билмаслиги оқибатида бошқа атамалар ҳосил қилиш ёки мавжуд терминни ўз мустақил қарашларига мос равишда ўзгартириш ҳоллари учрайди.

Демак атамаларни чуқур билиш, мавжуд луғатлардан кенг фойдаланиш, сўз ва атамалар маъноларини чуқур англаш ҳар бир фан мазмун моҳиятини талабаларга етказиб беришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу боис, илмий тадқиқотларда, таълим жараёнида бевосита ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри ва мукммал изоҳлаб бериш сўз қўллаш соҳасидаги юксак нутқ маданиятини таъминлайди.

3-МАВЗУ. Фикрни оғзаки ва ёзма баён этиш усуллари.

Режа:

1. Дарс ўтиш жараёнида оғзаки нутқ аҳамияти ва хусусиятлари
2. Нутқ фаолиятида монолог, диалог ва пилолог тушунчалари
3. Нутқ одоби умумий ахлоқни белгиловчи мезон

Маълумки нутқ оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Оғзаки нутқ сўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан нутқ ҳам тугайди. Аммо нутқ таъсирида уйғонган хаёлан берилган ахборотни маълум вақтга тингловчи онгида сақланиши, унинг ҳулқига тасир этиш мумкин.

Оғзаки нутқ хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

Оғзаки нутқ тезкорлик билан (автоматик тарзда) амалга ошади. Тушунчалар билан унинг либоси бўлган сўз биргаликда яшин тезликдاتилга кела бошлайди. Баъан тушунчани ифодаловчи сўзни ўша тезликда сўзловчи топа олмай қолади. Унга яқин ёки ўйланган тушунчани ифодалай олмайдиган сўзларни ишлатиб юборади. Натижада, айтилган нутқ (гап, гаплар) кўзланган



мақсадни (фикрни) тўлиқ рўёбга чиқармайди. Бундан тингловчи ҳам сўзловчи ҳам зарар кўради.

Оғзаки нутқда сўз бирликлари ва гапларни модуллари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилишини, моделларини, ақл назорат қилиб боради. Фикрни айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади. Агар хотира озгина ёдангасаликъл қилса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланмай қолади. Чунки янги қисм аввалги қисмни унутилгани учун у билан мослаша олмайди. Масалан: «Устоз, сизни ... ҳалқ олдида қилган улкан хизматларингиздан биз миннатдормиз». Мисолда сўзловчи нутқнинг «Устоз, сизни... » қисмини айтгандан сўнг уни қандай ривожлантириш устида қилган мулоҳазаси жараёнида аввалги қисмни, ўйланган моделни унутиб қўйган. Шу сабабли тушум келишигида келган сўз кейинги қисмлар билан грамматик ва мантиқан боғланмай қолган.

Оғзаки нутқ таҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади.

Оғзаки нутқда, одатда, мулоқот учун энг зарур нарсаларайина зухур этилади. Бу бир томондан вақт иқтисоди билан, иккинчидан, нутқ кучини тежаш билан боғлиқ. Шунга кўра унда узундан-узоқ кириш кенг изоҳлар кам учрайди. Айниқса, ҳодисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчи ва сўзловчиларга равшанлиги даражаси ҳисобга олинади. Фақат зарурат ҳис этилгандайгина, аввалдан маълум нарсаларга изоҳ берилади.

Оғзаки нутқ сўз бойлиги жиҳатдан ёзма нутққа нисбатан онги камбағал бўлади. Унда бир хил сўзлар, бир хил шакллар бир қадар кўпроқ такрорланади. Бу ҳол тил воситаларни танлаш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

Оғзаки нутқда сўзловчининг фаол тутқий ҳаракати тўхтам (пауза), оҳанг, урғу, турли хил имо-ишоралар фикрни тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади.

Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: нутқ ёзаётганда муаллиф вақт жиҳатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. У ўз нутқининг қисмларини ва бутун нутқни қайта-қайта таҳрир қилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаши, гап тузилишини қулайлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан равондир.

Кишиларнинг нутқий фаолияти *монолог, диалог, полилог* кўринишда амалга ошади.

Монолог. Монолог сўзловчини ўзига ёки тингловчиларга қаритилган нутқидир. Монолог нутқида сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ҳодисалар, ўз ички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Монолог нутқ тингловчилари суҳбатга фаол аралашувига ундамайди; улардан айтилганларга жавоб талаб қилмайди. Синтетик жиҳатда монологик нутқ мураккаб тузилган бўлиб, кенг камровлидир.



Монолог нутқ ўз хусусиятларига қараб, бир неча кўринишда бўлиши мумкин: **ички монолог ва ташқи монолог**. Ташқи монологнинг драматик монолог, лирик монолог, хабар монологи каби турлари бор.

Ички монолог бадиий адабиётда қўлланувчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқ воқеаларни уларнинг таъсирида қаҳрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имконини беради. Ички монолог сўзловчининг нуткидир.

Мисол сифатида (А.Орипов. «Жаннатга йўл») асарини олиш мумкин.

Ташқи монолог; сўзловчининг ташқи нуткидир. Унда тил имкониятлари ҳақиқатга айланади.

Сўзловчининг нутқ мазмунини етказишга кўмаклашувчи турли хил ҳаракатлари ёрдамида баён этиладиган монологи драматик монолог дейилади. Драматик монолог-сўзлаётган шахснинг қўли, гавдаси, қоши, боши каби аъзолари зарурат туғилганда ҳаракат қилади. Турли тарздаги маъноли ҳаракатлар фикрнинг тингловчи томонидан яхши тушуниб олинишига кўмаклашади.

Сўзловчининг ички ҳис-туйғуларини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи ташқи монологик нутқ лирик монолог дейилади. Лирик монологда шахснинг орзу-умидлари, ташқи дунёдан олган таассуротлари, келажак режаларини акс эттиради.

Мисол сифатида (./улом «Чўтир хотининг толеи»). Сўзловчининг юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиб бериши хабар монологи ҳисобланади. Хабар монологига воқеилик равий тилидан баён этилади. Хабар монологи ҳикоячилик, қиссачиликда кўпроқ қўлланилади. Масалан, П.Қодировнинг «Қадрим» қиссасидаги воқеаларнинг асарнинг қаҳрамони Искандар сўзлаб беради:

Диалог. Диалог нутқ шаклларида бири бўлиб, унда ҳар бир фикр тўғридан-тўғри суҳбатдошга қаратилган бўлади. Диалогик нутқнинг синтактик қурилиши монологик нутққа қараганда содда тузилади. Диалогик фикрларнинг қисқалилиги билан бошқа фикрлардан ажралиб туради. Унда суҳбатни давом эттириш учун энг зарур нарсаларгина ифодаланади, воқеалар кенг изоҳланмайди. Шу жиҳатдан ҳам диалог монологга ўхшамайди. Диалог сўроқ, буйруқ ва дарак гаплардан ташкил топади.

Полилог. Иккидан ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилган суҳбат полилогдир. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жиҳатидан диалогнинг ўзидир. Фақат унда суҳбатдошларнинг сони кўпроқ бўлади. Сўзловчи ўртага ташлаган муаммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрларини билдириши мумкин.

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шаклларида фойдаланади. Қуйи синфларда кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли ўринлидир, чунки суҳбат усули шунга асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф, характеридагит мавзуларни баён этишда фойдаланади. Монологик нутқ тарих, адабиёт дарслари учун хос бўлганидек, диалог нутқ она тили, математика дарсларида қўл келади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг ҳамма шаклларида фойдаланиши лозим.



Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ва материал талабаларга тўла етиб бориши, уларнинг хулқига таъсир этишини кўзда тутган ҳолда айтилаётганларга мос ҳаракатлар ҳам қилади: кўз, қош, қўл, юз, бош, кифт ҳаракатларини ишга солади. Бундай ҳаракатлар тасдиқни, инкорни ёки мазмунликни ва ҳоказоларни ифодалаши мумкин. Ҳаракат ўз ўрнида бўлса, ёқимли кечса фойда келтиради. Аммо ҳадеб ўринли-ўринсиз ҳаракатлар қила бериш талабани зериктириб юборади.

Нутқ одоби инсоннинг умумий ахлоқини белгиловчи асосий мезондир. Ўрта Осиёда ахлоқий тарбия ўз анъаналарига эгадир. Ахлоқ ҳақидаги ибратли фикрлар қадимги туркий ёдномаларда, буюк алломаларнинг асарларида ва бошқа ёзма ёдгорликларда бизгача етиб келган.

Ахлоқ фан сифатида ўрта асрларда юзага келди. Бу фаннинг эҳ олимлари пайдо бўлди, назарияси яратилди. Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Носириддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Ғиёсиддин Мансур кабилар ахлоқ фанининг мавзуи, вазифалари, мақсадининг назарий ва амалий жиҳатларини асослаб беришга ҳисса қўшдилар. Кўп йиллар давомида йиғилган бу мерос бугунги кунга келиб оммалаштирилди, йирик олиблар томонидан ўрганилди. Чунки инсоният тарихининг ҳамма даврларида бу фан тараққий этиб, янги-янги асарлар, ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасидаги илмий тадқиқотлар юзага келган. Ибн Арабийнинг (XIII аср) “Тахзубил ахлоқ” (“Хулқий тарбия ҳақида”) ва “Китобул ахлоқ” (“Ахлоқ китоби”), Абу Бакр Қаландарнинг (XIII аср) “Қаландарнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (XV аср) “Ахлоқи Муҳсиний”, Пошшоҳўжа Абдувоҳобхўжанинг (XVI аср) “Гулзор”, “Мифтоҳул адл” (“Адолат калити”), Абдурахмон ибн Абдукаримнинг (XVII аср) “Муфтоҳул ахлоқ”, Ҳаким Қаонийнинг (XVIII аср) “Паришон”, “Тулистон”, Абу Тоҳир Хўжанинг (XIX аср) “Ахлоқи Музаффарий” ва “Ахлоқи Муҳаммадий”, Абдурахмон Шарафнинг (XIX аср) “Илми ахлоқ”, Абдурахмон Сайёҳнинг (XIX-XX аср) “Меъёри ахлоқ” (“Ахлоқ меъёри”) китоблари ана шулар жумласидандир.

Нутқ одоби инсоннинг умумий ахлоқини белгиловчи асосий мезондир. Ўрта Осиёда ахлоқий тарбия ўз анъаналарига эгадир. Ахлоқ ҳақидаги ибратли фикрлар қадимий туркий ёдномаларида, буюк алломаларимизнинг асарларида ва бошқа ёзма ёдгорликларда бизгача етиб келган.

Ахлоқ фан сифатида ўрта асрларда юзага келди. Бу фаннинг ўз олимлари пайдо бўлди, назарияси яратилди. Ибн Мунаввейх, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Сабзаворий, Ғиёсиддин Мансур кабилар ахлоқ фанининг мавзуи, вазифалари, мақсадини назарий ва амалий асослаб бердилар. Афсуски, кўп йиллар давомида меросни ўрганиш, оммалаштиришга имкон бўлмади. Жуда кўп йирик олимларимиз ҳамон халқ учун номаълум бўлиб келмоқда. Аслида эса деярли ҳамма даврларда бу фан тарққий этиб борди, янги-янги асарлар пайдо бўлди; ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасида илмий тадқиқот олиб борган жуда кўп олимлар етишиб чиқди. Қатор мутахассисларнинг асарлари асоссиз равишда ўрганилмай келинди.

Кишининг одоби энг аввало, унинг нуткида кўринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини хурмат



қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади. Ҳар қандай хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил нормаларини мукамал билиши лозим. Мулойим, ёқимли, ободли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшликдан онгли машқлар қилиш, тилнинг луғат бойлигини эгаллаш, бу борада нутқи ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Талаба учун энг яхши намуна бу ўқитувчи нутқидир. Буни ўқитувчи ҳар доим ўзида ҳис этиб туриши, ўз нутқида ҳеч вақт одоб-ахлоқ, нутқ маданияти нормаларидан чиқмаслиги лозим.

Нутқий муомала саломлашишдан бошланади. Саломлашишдаги хушмуомалалик ундан кейинги яхши суҳбатга дебоча бўлади. Тингловчида яхши кайфият пайдо қилади. Агар саломлашиш куруқ, илтифотсиз бўлса, кейинги суҳбатга салбий таъсир этиши мумкин. Кўп асрлик одатий анъаналаримизга кўра, «Ассалому алайкум» нинг жавоби «Ваалайкум ассалом» дан иборат. Кейинги даврларда ёшлар орасида салом ҳам, алик ҳам тўмтоқлашиб кетди, яъни салом бериш учун ҳам, алик олиш учун ҳам «салом» сўзи ишлатиладиган бўлди. Бу тарихий анъаналаримиздан четлашишдир.

Маданиятли киши ўз айбини бўйнига ола билиши, айби учун кечирим сўрашни ҳам билиши зарур. Ўз айби учун кечирим сўраш, ўз ғурурини ерга уриш эмас, балки одоблилик, хушмуомалалик аломатидир. «Кечирасиз, мендан ўтибди» ёки «Авф этинг, бундан сўнг такрорланмайди» дейиш билан киши ўзининг одоблилигини намойиш этади, холос.

Етук кишига хос фазилатлардан яна бири хайрлашув одобидир. Тилимизда хайрлашишда ишлатиладиган «Хайр, соғ бўлинг», «Хайр, кўришгунча», «Хайр, омонликда кўришайлик» каби таъсирчан иборалар мавжуд. Ўқитувчи синфдан чиқаётганда «Хайр, соғ бўлинглар», «Хайр, яхши қолинглар» иборасини ишлатса, ўринли бўлади.

Болага яхшилик қилган, айтилган юмушни, илтимосни бажарган кишиларга миннатдорчилик билидириш одобини ҳам ўргатиб бориш лозим. Тилимизда рағбатлантиришни, миннатдорчиликни ифодаладиган чиройли ифодалар бор. Уларни кундалик муомалага киритиш, ўз ўрнида ишлатиш киши хулқини нақадар безайди. Ўқитувчи топшириқни яхши ўтганаётган талабаларни “офарин”, “баракалла”, “раҳмат”, “отангизга раҳмат”, “миннатдорман” каби сўзлар билан рағбатлантириши мумкин.



4-МАВЗУ. Мақол, ибора ва нутқ маданияти

Режа:

1. Нутқ маданиятини ўстиришда халқ оғзаки ижодининг ўрни
2. Мақолларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан турлари
3. Нутқда мақоллар ва иборалардан фойдаланиш йўллари

Халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг нутқ маданияти учун аҳамияти катта. У мазмун ва таъсирчан кучга ҳамда нутқда кенг қўлланувчи тарбиявий аҳамиятга эга. Талаба халқ оғзаки ижоди орқали ўз халқининг ўтмиши, орзу-истаклари билан яқиндан танишади.

Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди ва ушбу тажрибани ўз урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, удумлари орқали келажак авлодга мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилади.

Америкалик метеоролог Френк Форрестер мақоллар ҳақидаги фикрларида: «замонлар ўтган сайин инсон иқлим ва об-ҳавонинг ўзгаришини муайян изчиллик ҳамда ритм асосида пайдо бўлишини пайқай бошлаган. Гарчи у ҳали об-ҳавонинг ўзгариш сабаблари ва қонуниятларини аниқлай олмаган бўлса ҳам, ҳодисаларнинг такрорланиши тўғрисида баъзи бир дедуктив хулосалар чиқаришга қодир бўлган. Бу дастлабки, кузатишлардан келиб чиққан хулосалар бирин-кетин кўпая борган ва авлоддан-авлодга ўтиб, замонлар оша ҳикмат дурдоналарига айлана борган. Сон-саноксиз мақол ва ибораларда ўз инъикосини топган бу фольклор бизнинг замонамизгача етиб келган. Уларнинг кўпчилиги билимсизликнинг, тасаввур ва уйдирманинг самараси бўлиб, асоссиздир. Аммо об-ҳаво тўғрисидаги айрим мақолларда шундай боғланишлар топа олинганки, эндиликда фан уларни тасдиқламоқда», деб эътироф этади.¹³

Чунончи, ҳеч бир нарса асоссиз вужудга келмайди. Мақоллар тўғрисида гапирилганда мана шу фикр нечоғлик тўғри эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Халқ томонидан яратилаётган оғзаки ижоддаги ҳар бир жанр инсонларнинг кишилиқ жамиятида маълум маънода тўқнаш келган воқеа ва ҳодисалар, шу билан бирга, тўпланган бой ҳаётий тажрибалар натижасида яратилган. Жумладан, мақолларда ҳам одамларнинг кундалиқ ҳаёт фаолияти, яшаш тарзи, ташқи оламни тушуниши, табиат ва жамиятдаги ўзгаришларга ўз муносабатини билдириши ва ҳаётий тажрибалар асосида хулосалар чиқариб олиши ўз аксини топган.

Фольклоршунос олим М.Жўраев тақвимнинг яратилиш тарихини ўрганиш давомида халқдаги мавжуд мақоллар ичида фасллар ва ойлар билан боғлиқ мақоллар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирган. Олимнинг маълумотларига кўра, «халқимиз йил фасллари ва ойлар, ўлкамизнинг табиий иқлим шароити ҳақида жуда кўплаб мақол, матал, ва эътиқодий қарашларни яратганлар ҳамда уларни ёдда сақлаб, кундалиқ турмушда қатъий амал қилганлар».¹⁴ Чунки, мақоллар, маталлар ва эътиқодий

¹³ Ф.Форрестер. Тысяча и один вопрос о погоде. - Ленинград, 1968, 271-бет.

¹⁴ Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. - Тошкент, 1994. 6-бет.



карашларда инсон ҳаётининг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томонлари ўз аксини топган.

Ўзбек халқ мақоллари кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турлича тасниф қилинган. Жумладан, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадраҳимовалар томонидан тузилган «Ўзбек халқ мақоллари» китобида мақоллар маъно ва мазмунан қўлланиш жиҳатидан бир неча турларга бўлиб, таснифланган.

Халқ томонидан яратилган мақолларни ўз навбатида иккита катта қисмга ажратиш мумкин:

I. Инсоний сифатлар тўғрисидаги мақоллар.

II. Табиат билан боғлиқ мақоллар.

Инсоний сифатлар тўғрисидаги мақолларга:

а) ахлоқ - одоб

б) дўстлик

в) ота-она ва оила

г) яхшилик ва ёмонлик

д) Манманлик ва камтарлик тўғрисидаги мақолларни,

табиатга дахлдор мақолларга эса йил фасллари ва ойлар билан боғлиқ халқ мақолларини киритиш мумкин, яъни уларни

а) йил фасллари ва ой номлари билан боғлиқ мақоллар;

б) само ёритқичлари ҳаракати билан боғлиқ мақоллар тарзида таснифлаш мумкин.

Чунки, мақолларни бундай таснифлаб ўрганиш уларнинг бадиий ва илмий аҳамиятининг янада ёрқинроқ очиб берилишида яхши самара беради. Фасллар ва ойлар билан боғлиқ халқ мақолларининг аксарияти вақтни белгилаб беради, яъни тақвимга бориб тақалади. Бундай мақоллар асосан кундалик ҳаётий талаблар асосида инсониятни астрономик ва метеорологик кузатишлар олиб боришга, вақт ҳисобини юритишга, бу соҳадаги тўпланган тажрибалардан муайян хулосалар чиқариб, шунга яраша иш тутишга ҳамда шунга мослашишга ва одатланишга мажбур этганлигини кўриш мумкин.

Мақол халқ оғзаки ижодининг кўп тарқалган турларидан биридир. Мақоллар одамларнинг ҳаёти ва турмуш жараёнида тўпланган тажрибаларни, дунёқараши, ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, ўтмиш ҳаёти ва унинг ибратли сабоқлари, шахснинг руҳий ҳолати, умид ва орзуларини ифодалайди. У халқ донолиги ифодаланган қисқа ҳикматли сўзлардан, чуқур маъноли ифодалардан иборатдир.

Мақолларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзбек халқ мақоллари асосан иккинчи шахснинг тингловчига нисбатан ўғит – насиҳати йўсинида бадиий ўхшатишлар орқали айтилади.

Халқимиз томонидан яратилиб келинган мақоллар халқ донишмандлигининг ёрқин намунаси нутқ маданиятимизнинг кўрки, унинг ажойиб дурдоналаридир. Мақоллар чуқур ва мукаммал мазмунга эга бўлиб, миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштиради. Улар нутқ жараёнида бирор вазият муносабати билан фикрни лўнда, содда, таъбирли тарзда ифодалашда жуда қўл келади. Халқ яратган мақолларда асосан халқ донишмандлиги теран



мазмунда енгил, равон ва жонли тилда яратилган бўлиб, барқарор, ниҳоят ихчам шаклга эга бўлиб, қисқа ва чуқур маънолидир.

Асрлар давомида яратилган бу мақолларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтга қадар ҳам ўз асл маъносини сақлаган ҳолда давр кишиларининг ватанпарварлик, меҳнатсеврлик, дўстлик каби юксак фазилатларини, ахлоқ ва одобларини камол топтириш учун хизмат қилмоқда.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида тўпланган жуда катта ҳаётий тажрибаси турли хил воситалар билан, жумладан, мақоллар воситаси билан келажак авлодга қолдирилади. Шунинг учун ҳам дунё илмига катта ҳисса қўшган барча машҳур олимлар, шоирлар, адабиёт даҳолари ва кўплаб истеъдодли педагоглар халқ мақолларини юксак баҳолаганлар ва ўз асарларида моҳирона фойдаланганлар.

М.Горький мақоллар сўзларнинг содда ва қисқа бўлишлигига қарамай, улардаги жозиба энг улуғ донолик ифодаси эканлигини таъкидлаган, кичик бир мақолда катта китоб мазмунига тенг келадиган фикрлар мужассамлашиши мумкинлигини кўрсатиб берган эди. Шунингдек, “Ҳар бир мақолда, - деб ёзган эди машҳур рус ёзувчиси Л.Н.Толстой, шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман”, деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам боболар бисотини ёшларга, хусусан талабаларга тақдим этиш кўп наф келтиради. Халқнинг, бинобарн, турли халқнинг донишмандлиги унинг ўз мақолларида аниқ ифодаланган.

Нутқ маданиятини ўстиришда халқ оғзаки ижодидан, шу жумладан, мақоллардан фойдаланиш талабаларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, ростгўйлик, инсонга ҳурмат руҳида тарбиялашда энг муҳим омиллардан биридир.

Ўқитувчи мақоллардан ўрни билан фойдалана билиши нутқининг маданийлиги ва тафаккурининг чуқурлигидан далолат берувчи белгидир. Бинобарин, ўқитувчи олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – ўқувчиларга мақоллар мазмунини тушунишга ўргатиш, уларнинг халқ оғзаки ижодида тутган ўрнини баҳолай билиш ва мақоллар юзасидан кўникма ҳосил қилишдан иборат. Мақол тилимизнинг нодир намунаси бўлибгина қолмай, халқимизнинг ажойиб маънавий бойлиги ҳамдир.

Мақоллардан талабаларнинг ёшига, мутахассислигига, дунёқарашига қараб, ўз ўрнида оқилона ишлатиш лозим. Таълим жараёнида ўқитувчиларнинг сўз бойлиги қанча кўп бўлса, уларнинг нутқи ҳам шу даражада равон, ифодали ва таъсирли бўлади. Сўз таъсирчанлигини ошириш учун ҳар бир ўқитувчи таркибан ихчам ва мазмунли халқ мақолларидаги маълумотлар билан боғлаб ўтса, жуда яхши самара беради. Мақоллардан машғулот жараёнида ўрни билан фойдалана билиш ўқувчилар нутқий малакаларини шакллантиради ҳамда дунёқарашини бойитади.

Халқ мақоллари нутқимизни безовчи, тасвирли фикрлашнинг, сўзга нисбатан талаба муносабатининг яхшиланишининг гўзал намунаси ҳисобланади. Чунки мақоллар бевосита талабалардаги бадиий дидни, завқни тарбиялашга таъсир кўрсатувчи ҳамда ўз тафаккури ва нутқига нисбатан маъсулиятни, талабчанликни оширувчи омил ҳисобланади.



Мақолни нутқда қўллашнинг намуналарини ўқувчиларга намоёниш қилиш, уларнинг диққатини худди шундай мисолларни излаб топишга ўз нутқларида ҳам мақол ишлатишга қизиқтириш, рағбатлантириш – бу соҳадаги асосий камчилигимизни бартараф қилишдаги муҳим тадбирлардан биридир. Шу билан бирга ўқувчилар ўзлари ўқиган асарларида учраган, шунингдек, бошқалардан эшитган мафолларини ёзиб боришлари айтилган муддаодир.

Ўқитувчининг муҳим вазифаси тегишли мавзуда талаба савиясига мос мақолар танлаб, уларнинг мазмунини талабаларга аниқлатишдир. Нутқ жараёнида сўз кўрки мақоллардан фойдаланиш талабалар бадиий дидини оширишга нутқнинг гўзал ва равшан бўлишига имкон беради.

1-слайд

Мақол ва нутқ маданияти

Режа:

1. Нутқ маданиятини ўстиришда халқ оғзаки ижодининг ўрни
2. Мақолларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан турлари

2-слайд

- * мақол нима?
- * мақол ва маталнинг фарқи нимада?
- * мақоллар миллий анъаналарнинг қайси жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган?
- * педагогик фаолиятда мақолларни ўрни нимада?
- * ўқитувчи нутқининг қайси жиҳатларини мақоллар ёрқинроқ ифода этишга ёрдам беради?

3-слайд

«Замонлар ўтган сайин инсон иқлим ва об-ҳавонинг ўзгаришини муайян изчиллик ҳамда ритм асосида пайдо бўлишини пайқай бошлаган. Гарчи у ҳали об-ҳавонинг ўзгариш сабаблари ва қонуниятларини аниқлай олмаган бўлса ҳам, ҳодисаларнинг такрорланиши тўғрисида баъзи бир дедуктив хулосалар чиқаришга қодир бўлган. Бу дастлабки, кузатишлардан келиб чиққан хулосалар бирин-кетин кўпая борган ва авлоддан-авлодга ўтиб, замонлар оша ҳикмат дурдоналарига айлана борган. Сон-саноксиз мақол ва ибораларда ўз инъикосини топган бу фольклор бизнинг замонамизда янада кўпайиб кетган. Уларнинг кўпайиши



Мақоллар ўз навбатида иккита катта қисмга ажратилади

**Инсоний сифатлар тўғрисидаги
мақоллар**

- * ахлоқ-одоб ҳақидаги мақоллар
- * дўстлик ҳақидаги мақоллар
- * ота-она ва оила ҳақидаги мақоллар
- * яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги

Табиат билан боғлиқ мақоллар

- * йил фасллари ва ой номлари билан боғлиқ мақоллар
- * само ёритқичлари ҳаракатлари билан боғлиқ мақоллар

Ўқитувчи фаолиятида
мақолларнинг ўрни

- * мақоллардан ўрни билан фойдалана билиш нутқининг маданийлиги ва тафаккурининг чуқурлигидан далолат;
- * талабаларга мақоллар мазмунини тушунишни ўргатиш, уларнинг халқ оғзаки ижодида тутган ўрни баҳолай билиш мақоллар юзасидан кўникмаҳосил қилишдан иборат;

- * сўз таъсирчанлигини ошириш учун таркибан ихчам ва мазмунли мақолларни мавзуга боғлаб ўтиш юқори самара беради
- * мақолларнинг машғулот жараёнида қўлланиши талабалар нутқий малакаларининг шаклланишига ва дунёқарашининг




Кластер техникасининг қоидаси билан танишади ва берилган вазифани бажаради.

Кластер техникасининг қоидаси:

- Кластер – парчаланиш, майдаланиш маъносини англатади.
- Мавзудан чиққан ва чиқмаган холда сўз ўзагини маъно мазмунини давом эттиради. Сўзлар тармоқланади.
- Кластер услуби дарснинг бир қисмида (бошида, ўртасида, охирида) қўлланилади.
- Гуруҳларга бир хил савол берилса, тармоқ бажарилгандан сўнг бир хил терминлар ўчирилади, кимда ўчирилмаган терминлар кўп қолса, ўша группа ғолиб хисобланади.
- Ўқитувчи ўз вариантыга эга бўлиши керак.
- Сўзларнинг классификацияси рўй бермаслиги керак.

Кластер учун вазифа: мақол, матал, ҳикматли сўз, дарс, ўқитувчи, талаба, билим



Мустақил ишлаш учун топшириқлар

1. Ўзбек халқ мақолларидан намуналар ёзинг
2. Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор асарларида ишлатилган халқ мақолларидан намуналар топинг
3. Лирикада мақолларнинг аҳамиятини тушунтиринг. Мисоллар келтиринг
4. Мақол ва масалнинг фарқли жиҳатларини тушунтиринг, мисоллар келтиринг

“УМРИНГДАН БАРАКА ТОП, ҚИЗИМ!”



Нафис жарангдор жумла қулоғимизда бутун умр қолади. Гапдан олқиш эгасининг қандай характерли инсонлиги, дунёқараш қандайлигини билиш қийин эмас.

“НИЯТИНГГА ЕТ!”

“Шошма, эслаб кўр!”, “Шубҳасиз тўғри, баракалла!”, “Отанга раҳмат, ўғлим!”

- Бу каби ибратга ундовчи этикетлар устознинг олий ўқув юртидаги кадр-қиммати, салоҳият даражасини белгилайди. Устоз ўзининг гапириш оҳанги, тони, дикция, стили, тактика эътибор бериши, яъни педагогик мулоқотини таъсир этиш оловчиларга таъсир этиш қуроли сифатида такомиллаштириб бориши зарур.



«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ» НИНГ МАЪНОСИ - ТЕРАН.

- «Раҳмат!», «Кечирасиз!», «Ўзр», «Баракалла!», «Хуш келибсиз!», «Марҳамат», «Илтимос», «Майли», «Бормисиз?», «Яхшимисиз?», «Барака топинг!», «Омон бўлинг!», каби этикет шакллари қайси вазиятларда қайси турини айнан ишлатишни билиш муҳимдир

- “Воиз аввал элнинг юрагига қулоқ тутиб, томирини тинглаб, дардини қаерда эканини обдон ўрганади, сўнг унга дори куйиш учун минбарга чиқади”,- дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира, ёзувчи ва маданият тарғибчиси Турсуной Содикова.

«ЛАТИФ ЖУМЛАЛАР БАРЧА ДАВРАЛАРДА ҚАДРЛАНАДИ».

- «Эртанги мутахассис нафақат ҳаётдан, балки ўзининг атрофидаги яқинлари, устозлари, раҳбарлари, жами фаолиятлар жараёни, жами борлиқ, турфа хил воқеликлардан тинмай илм олиб, фазилат ўрганиб, касбий нутқи мукаммаллашиб боради».



5-МАВЗУ. Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси

Режа:

1. Ёзма нутқ техникаси ва оғзаки нутқ техникаси
2. Нотиқ овозидаги ўзига хос ҳолатлар
3. Нотиқ овозининг хусусиятлари

Ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз талабаларини овозининг ширадорлиги билан асир этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўз овозини кучини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда ундан фойдалани билиш малакасига эга бўлиши керак. Ўз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида ҳамма вақт узлуксиз машқ қилиб бориши лозим бўлади. Чунки бир-икки машқ билан овозни яхшилаб бўлмайди.

Ўқитувчининг овозида қуйидаги ҳолатларни бўлиши униянада ёқимлироқ ва жозибалироқ бўлишида хизмат қилади:

- жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);
- кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);
- ҳаводорлик (еркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);
- ихчамлик, ҳаракатчанлик;
- чидамлилиқ (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиши);
- мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эштилиш шароитига мослаша олиши);
- қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (ҳалақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);
- суггестивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаш ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар, тингловчининг ҳулқига таъсир қилиш хусусияти).

Нутқ техникаси дейилганда, нутқнинг тингловчи ёки талабага етказишда қўлланиладиган воситалар тушунилади. Нутқ икки хил кўринишда бўлганидан, унинг техникасини ҳам икки хил кўрсатиш мумкин: 1. Оғзаки нутқ техникаси; 2. Ёзма нутқ техникаси.

Оғзаки нутқ техникаси товуш, бўғин, сўзларни, унинг шаклларини талаффуз этишни яхшилаш борасида нутқ органларини фаоллаштирувчи машқларни англатади. Бунга нафасдан фойдаланиш, товуш тембрларини яхшилаш, фиктсияга эътибор бериш, товушларнинг паст-баланд товланиб туриши, унли ва ундошларни талаффуз этиш, оҳанг кабилар киради.

Ўзбек адабий тили оғзаки нутқ техникасининг ривожига ўзбек маданиятининг атоқли намоёндалари, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, актёрлар катта ҳисса қўшдилар. Бу борада Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Ҳ.Ғулом, актёрлардан: А.Ҳидоят, Ш.Бурхонов, О.Хўжаев, С.Ешонтўраева, Р.Ҳамроев, Ҳ.Умаров, сухандонлардан: У.Бурхон, Т.Юнусхўжаева, Қ.Махсумов, Н.Қамбарова, Ў.Жобиров сўз устаси: М.Ҳамидовларнинг



хизматларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Улар ўзларининг ширали овозлари билан тингловчиларни мафтун қилиб келганлар.

Ҳозирги шеър ўқиш техникасида икки хил йўналиш мавжуд. Бу шеърхонликда яққол сезилиб туради. Бири анъанавий шеър ўқиш бўлиб, унда асосан шеър туроқларга, шеър бирикмаларига бўлиб ўқилади. Бу усул кеска шоирларнинг шеър ўқиганида эшитамиз.

Иккинчи хил шеър ўқишни эса, шоир А.Орипов ва Ҳ.Худайбердиевалар бошлаб берди. Бу усулда, асосан мисрадаги ҳар бир сўзга алоҳида урғу берилади, сўзлар бир-биридан кичик пауза билан ажратиб ўқилади.

Ёшлар орасида кейинги йўналишга, усулга эргашиш кучлидир. Бундай янгича шеър ўқиш усуллари мутахассислар томонидан ҳали баҳо ва ном берилган эмас.

Ёзма нутқ техникаси ўз моҳиятига кўра икки турга бўлинади.

Ҳар қандай ёзма нутқ учун зарур бўлган техник хусусиятдир.

Иш қоғозларига хос бўлган техник хусусиятдир.

Ёзма нутқ ҳам худди оғзаки нутқ каби тингловчи (талаба) учун яратилади. Унинг қулайлигидан, талабага тез ва бутун моҳияти билан етиб боришидан ёзувчи ҳам, талаба ҳам манфаатдор. Шунинг назарда тутганда ёзма нутқ техникаси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) ҳар қандай ёзма нутқ хат бошидан, бош ҳарф билан бошланиши керак, ҳар бир гап мазмунан нисбатан тугалланган бўлиши, ёрқин фикр аниқланиши керак. Гап тугагандан кейин мазмунга кўра тегишли тиниш белгилари қўйилган бўлиши керак;

б) маълум бир фикр баён этилгандан сўнг, нутқнинг таркибий қисми бўлган бошқа фикр ҳам бошидан бошланиши зарур. Хат бошилар (абзацлар) бир-бири билан мантиқий боғланган бўлиши лозим;

в) диалоглардан ташкил топган ёзма нутқда ҳар бир шахснинг гапи тире орқали ёзилади;

г) кўчирма гаплар, кўчирмалар, ўз маъносида ишлатилмаган сўзлар, бирикмалар қўштирноқ ичига олинади;

д) нутқ учун иккинчи даражали ҳисобланган, ундаги гапларнинг таркибий қисми ҳисобланмайдиган нарсалар тире ёки қавс билан ажратилади;

е) от, кесим (боғламасиз бўлганда), изоҳловчи, ундалма, ажратилган бўлақлар тегишли тиниш белгилар билан ажратилади;

ж) нутқнинг хат бошидан йирик қисмлари бобларга бўлиб кўрсатилади.

Иш қоғозлари ҳам ёзма нутқ ҳисобланади. Уларнинг ёзилиши ҳам нутққа хос умумий талаблардан четга чиқмайди. Иш қоғозлари ҳам талабага мўлжаллаб ёзилади. Иш қоғозлари мазмун ва шакл жиҳатидан турли-тумандир. Масалан, ариза, маълумотнома, тилхат, қарор, буйруқ (фармон), аннотатсия, тақриз, ишонч қоғози, тавсифнома, тавсиянома, ҳисобот, раҳматнома, муносабатнома, телеграмма, ахт, саломхат ва ҳ.к.

Иш қоғозларининг катта қисми ўзининг қатъий техник шаклига эга. Бундай қатъий шакл уларни тайёрлашни енгиллаштиришдан ташқари талаба учун ўзида баён этилган фикрнинг тезроқ ва ёрқинроқ аниқлашга ҳам ёрдам




беради. Ҳамма техник қоидаларга амал қилиб ёзилган иш қоғозларга ўз ташқи кўриниши билан чиройли, мазмунан равшан бўлади ва талабада қандайдир даражада завқ уйғотади.

Ҳар бир иш қоғози луғавий таркиби билан бошқасидан ва ўзга нутқ кўринишларидан ажралиб туради. Масалан, маълумотнома учун хос бўлган сўзлар, тавсифномага ёки қарорга мувофиқ бўлмайди. Иш қоғозларида гаплар кам сўзли, ҳар бир сўз эса, аниқ мақсадни кўзлаган бўлади. Иш қоғозларида бадиий адабиётга хос қочиримлар, ўхшатишлар, сўз ўйинлари деярли ишлатилмайди.

Ҳар бир иш қоғозининг бошқасидан ажратиб турадиган ўз шакли (ташқи кўриниши) бўлади. Масалан, маълумотномага чап томондан штампга жой қолдирилади, сарлавҳа сифатида биринчи бўлиб, маълумотнома сўзи ёзилади. Аризада эса, аввал ариза бериладиган ташкилот, раҳбарнинг номи, сўнгра сатрнинг ярмидан аризачининг манзилгоҳи, ташкилоти, фамилияси ёзилиб, «Ариза» сўзи ўртадан бош харф билан бошланади ва ҳ.к.

Нафас олиш икки хил бўлади оддий нафас олиш ва фонацион нафас олиш. Фонацион нафас олишнинг оддий нафас олишдан фарқи нима?

Оддий нафас олишининг вақтида бурун орқали олаётган ва чиқараётган нафаснинг олиниши ва чиқарилиш вақтида бурун орқали олаётган ва чиқараётган нафаснинг олиниши ва чиқарилиш вақти тенг ва қисқа бўлади. Оддий физиологик нафас олишда изчиллик бу нафас олиш, нафас чиқариш, тўхташдан иборат.



Овоз нафас чиқаришдан ҳосил бўлади. Шунинг учун доимий сўзлайдиганлар учун нафас олишдаги изчиллик – нафас олиш, тўхташ ва узокроқ давом этган нафас чиқаришдан иборат бўлиши керак.

Ўқитувчининг нафас олишини тартибга солиш учун жуда кўплаб машқлар белгиланган. Шулардан бири, ерга чалқанча ётган ҳолда бурун орқали узок вақт давом этадиган чуқур нафас олиш ёки шу ҳолатни тик турган ҳолда қайтариш нақас олиш органларини тўғри ишлашига ёрдам беради.

Кўпчилик ўқитувчилар ўртасида табиий овозга, яъниҳам жарагдор, ёқимли овозга эга бўлганларини учратиш мумкин. Лекин табиий овоз ҳам вақти билан ўзгичани йўқотади, ўзгаради. Яъни шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир инсон овози кучли, ўзгарувчан ва жарангдор бўлиши мумкин.

Ўқитувчи овозининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Овознинг кучи. Овоз кучи товуш органларини ишига, уларнинг фаолиятига ҳамда нафас чиқаришга боғлиқдир.



2. Товушнинг қанча масофага етказилиши. Бу билан мутахассислар ўқитувчи овозини қай масофага етказа олиши ва уни қай йўл билан созлашини аниқлаб олади.

3. Ўқитувчи нутқида овознинг ҳаракати ва ўзгарувчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Товуш ҳаракати унинг баланд-астлигига боғлиқ. Одам овози осонгина 2 октава баландлигида ўзгариб туриши мумкин, аммо кундалик нутқимизда 3-5 нота кучида овоз ишлатилиши мумкин.

4. Диапазон – овоз кўлами, кенглиги. Унинг чегараси товушнинг қанчалик паст ёки баландлигига боғлиқ. Овоз чегарасининг кичрайтиши бир хил оҳангдаги нутқга айланади.

5. Товушнинг ўзига хос сифатлари бевосита овоз тембрига боғлиқ, яъни майин, аниқ, жарангдор овоз бўлишига боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганлар йиллар давомида тажриба асосида амалга оширилади. Овозни тарбиялаш – бу узок давом этувчи ҳамда якка ҳолда амалга оширувчи жараён дир.

6. Ўқитувчи овозининг гигиенаси. Мутахассисларнинг ўтказган махсус илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, доимо нутқ билан боғлиқ бўлган касб эгалари орасида товуш органларининг касалланиши жуда кўп дир. Ўқитувчилар орасида бундай касалланганлар 40,2% ташкил этади.

Овоз бузилишининг сабаблари хилма-хил дир. Асосан тўрттаси жуда кўп учрайди:

- ҳар куни овозга бериладиган ортиқча ҳаракат, нагрузка;
- овоздан тўғри фойдаланмаслик;
- овоз гигиенасига амал қилмаслик;
- овоз органлари кучининг туғма пастлиги.

Профессional каалликни олдин товуш гигиенаси билан шуғулланиш ва шу жойида мактабда баъзи шароитларга риоя қилиш керак. Ўқитувчи ҳар кунги ишдан сўнг 2 – 3 соат узок гапиришдан ўзини тийиши керак. Шунинг учун бир қаторда ўқитувчилар нафас олиш йўли, нерв системаси, овқатланиш тартибига ҳам эътибор бериши керак. Жуда ҳам совуқ ёки иссиқ, аччиқ, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш: чекиш оғиз бўшлиғи ва товуш органларига салбий таъсир этади.

Оғиз бўшлиғи ва товуш органларини кўриб касалланишини олдини олиш учун ош содаси ва йодни аралаштириб ҳосил бўлган суюқлик билан оғизни вақти-вақти билан чайқаб туриш керак.

Шу борада яна бир маслаҳат:

- бир оҳангдаги нутқ овоз бериш аппаратларини тез чарчатади, чунки бу вақтда товуш органларидан фақат бир гуруҳ мускуллар ишлайди. Нутқ қанча ифодали бўлса, овоз шунча соғлом бўлади;

- дарсдан сўнг ўқитувчи совуқ ҳавода тез юриб бўлмайди, чунки совуқ ҳаво нафас олиш ва товуш органларига салбий таъсир кўрсатади.

Дикция – талаффуз тарзи, талаффузнинг аниқ равшанлиги даражаси бўлиб, ўқитувчи учун тўғри талаффуз энг керакли курул ҳисобланади, чунки ўқувчилар ўқитувчи тушуниши учун нутқи, талаффузи равон, ҳар бир бўғин, сўз ва товушларни аниқ айтиши керак.



Ритмика – овоз мароми ёки вазн. Баъзи бир сўзларнинг, бўғинларнинг талаффузи, уларнинг тезлиги – нутқнинг суръатини ташкил этади.

Овоз тезлиги ҳар бир ўқитувчининг фазилати нутқ мазмуни ва муомала вазиятига боғлиқ.

Пауза темп ва нутқнинг ёқимли бўлиши нутқ оҳангини ташкил этади.

Бир оҳангда нутқ зерикарли бўлиб, қизиқиш ва диққатни пасайтиради.

Демак, нутқ техникаси ҳақидаги тушунчага эга бўлгач энди доимий машқ қилишга ўтиш керак. Нафас олишни бир маромга келтириш, талаффузнинг аниқ равшанлиги даражасини машқ қилиш, товуш органларини мустаҳкамлаш керак.

Ўқитувчи овози равон, жарангдор, аниқ ва ўзига жалб этадиган бўлиши керак. Ўқув материални қийин жойларини ўқитувчи овозини секинлаштирган ҳолда тушунтириб, қолган вақтда тезроқ гапириши мумкин.

Айниқса мавзу асосида хулоса вақтида, яъни қоида, қонун, ақидаларини ифодалашда овоз тезлигини камайтириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ўқитувчида нутқ маданияти бўлиши зарур, чунки ҳар бир педагог ўз нутқи, чиройли ва равон ўқиши, муомала маданияти билан ўқувчиларга намуна бўлади. Ўқитувчи доимо ўзининг нутқ маданияти устида ишлаши ва такомиллаштириб бориши лозим.

6-МАВЗУ. Тилнинг нутқда миллий хусусиятга эга эканлиги ва нутқ маданиятида луғатларнинг ўрни

Режа:

1. Тилнинг миллийлик хусусияти
2. Тилнинг ички ва ташқи имкониятлари
3. Тилнинг луғат таркиби ва бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳисобига бойиши

Тил нутқда миллий хусусиятга эга. Ҳар бир миллатнинг ўз тили бор. Шунинг учун ҳам у миллий тил деб юритилади. Албатта ҳар қандай нутқнинг, ҳар бир тилнинг ўз қонун-қоидалари, грамматик шакл тузилишлари мавжуд. Миллий тил ҳам ўз қонуниятлари асосида, тил қонуниятига кўтарган даражада софлиги билан тараққий этиши керак. Лекин қонун-қоидасиз, грамматик даражаларсиз инсон тилини тасаввур этиб бўлмайди.

Инсон онгида пайдо бўлган фикрларни мужассамлаштирган ҳолда морфемаларни қабул қилиб, сўз шаклларига айлантириб фикрни баён этади. Бу жараёнда тил руҳий ҳодисадан моддий ҳодисага айланади ва бу жараён тугаши билан тилга тегишли нарсалар яна алоҳидалик ҳолига қайтади ҳамда онгда аввалгидек сақланади. Демак маълум тил жамоасидаги кишилар онгида товуш образлари сифатида сақланадиган ва ҳамма вақт ҳақиқатга айланишга тайёр турган сўз, фонема, турли лисоний қоидалар, гапларнинг моделлари тилга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1 боб 4-моддасида “Ўзбекистон республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб ёзиб



кўйилган. Давлат тили – муайян давлатнинг барча муассасалари тизимида иш юритиш тили ва шу мамлакатнинг барча жамоат ташкилотлари ташқи ахборот алмашуви тили, шу давлатнинг давлат тили дейилади, яъни миллий давлатнинг туб миллат вакиллари учун барча жамоат ва давлат соҳаларида иш юритишда жамоат ташкилотлари ташқи ахборот алмашуви ўз она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи тўла таъминланган бўлиши керак.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1992 йил сентябрда латин графикаси асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида Олий Кенгашнинг қарори чиқарилди, 2005 йилда эса яна қайта ўзгартиш киритилди. 1995 йил 24 августда янги алифбога ўтилиши муносабати билан “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш” қарори қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши давлатимизда давлат ишларининг шу тилда олиб борилиши катта имконият яратади. Тилга бўлган муносабат тубдан ўзгаради, унинг барча имкониятларини ўрганиш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти.

Ҳозирги ўзбек тили адабий тил шаклида узоқ ривожланиш тарихига эга бўлиб, қуйидаги тараққиёт босқичларни босиб ўтган:

1. Энг қадимги туркий тил (X аср)
2. Қадимги туркий тил (VI-X асрлар)
3. Эски туркий тил (XI-XIV асрнинг биринчи ярмигача)
4. Эски ўзбек адабий тили (асрнинг иккинчи ярмидан XX асргача)
5. Ҳозирги ўзбек адабий тили (XX асрдан кейинги давр)

Ўзбек тили тўғрисида ёзилган дастлабки илмий асар М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари бўлиб, унда туркий тилларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбек тилига бағишланган кейинги йирик асарлардан бири Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Муқаддимат-ул адаб” асари бўлиб, бу асарда арабча сўзлар форсча ва мўғулча таржималари билан туркийчага ҳам таржима қилинган. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари ҳам бевосита ўзбек тили тўғрисидаги асардан бири ҳисобланиб, бунда ўзбек ва форс-тожик тиллари ҳамда уларнинг луғат таркиби таққосланган.

XX асрнинг бошларида ўзбек тилини ва ёзувини жонли халқ тилига яқинлаштириш, форсча сўзлар ўрнида халқ тили бойликларидан унумли фойдаланиш масаласини Абдурауф Фитрат кўтариб чиққан

Ҳар бир тилнинг ички имконияти асосида янги сўзларнинг ҳосил қилинишида шу тилда мавжуд бўлган сўзга сўз қўшиш усули катта аҳамиятга эга. Тиллар ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини бойитиш йўли билан ривожланади. Худди шу сабабли она тилимизга бошқа тиллардан айниқса, рус тилининг самарали таъсири борлиги сезилиб туради. Чунки Абдулла Қодирий айтганидек, “Тиллар бир-бирларидан қарз олмасдан яшай олмайди”. Тил қандай бойишини билиш учун бошқа тилларни қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тилга оид нарсалар чегараланган миқдордадир. Уларнинг сони турли тилларда турлича бўлади. Қайси тил воситалари нисбатан кўп бўлса, ўша тил бой ҳисобланади. Жамоа ҳаётининг бутун соҳаларини ўзида қамраб олган тил жамият тараққиёти билан ривожланиб боради. Жамият эҳтиёжига



жавоб бермай қолган сўзлар ўз-ўзидан истёъмолдан чиқа бошлайди, уларнинг ўрнида янги сўзлар пайдо бўла бошлайди.

Тилда пайдо бўлган сўзлар дастлаб айрим шахслар нутқида кўринади, сўнгра эса аста-секинлик билан бутун жамоа онгига сингиб боради. Шундан кейин барча инсонлар бу сўзнинг моҳиятини англаб, уни ўз фаолиятларида қўллай бошлайдилар ва бу сўз тил ихтиёрига ўтади. Акс ҳолда эса алоҳида шахснинг нутқида хос бўлиб қолаверади.

Ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир талаба ўз билимини ошириб борар экан, ўтмиш ва ҳозирги воқеликни таққослашда олий даражадаги ишончли манба – луғатларга мурожаат қиладилар. Луғатлар халқ вакиллари учун тилдан фойдаланиш йўллари кўрсатувчи ўзига хос қонунлар мажмуасидир. Масалан, абзац ўрнига сатр боши, хат боши, автор ўрнига муаллиф, синтаксис ўрнига нутқ илми, текст ўрнига матн, “зачёт” (зачтено) ўрнига “синов” синалди – ўтди, морфология ўрнига сўз илми, стиль ўрнига услуб дейилса, ҳақиқат бўй-басти билан намоён бўлади. Зарур бўлган ўринларда янги атамалар яшашга уринишни ўйлаб кўриш ҳам керак бўлади.

Тил доимо ўзгариб, ривожланиб турувчи ҳодиса ҳисобланади. Унда ҳар бир тарихий давр, ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичи ўз аксини топади, маълум из қолдиради. Буларнинг барчаси хилма-хил луғатларда пайдо бўлади. Тилнинг битмас-туганмас сўз бойлиги жамланган луғатлар барчага, яъни ўқувчига ва тингловчига бир хиллиги билан характерланади.

Нутқ маданияти сифатларидан бири унинг бойлигидир. Нутқнинг бойлиги тилнинг луғат бойлигини таъминлайди, шу боис ҳам тилда луғатлар ўзига хос ўринга эгадир. Чунки сўзловчи унинг имкониятларидан ўринли фойдалана олсагина ўз нутқининг бойлигини таъминлай олади. Луғат ҳар бир тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) ёки бошқа бирор йўналиш бўйича жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган сўзлар тўпламидир. Ўзбек тили изоҳли луғатининг асосий вазифаси ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга, унинг қонун – қоидаларни белгилаш, мустаҳкамлаш, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилишини таъминлашдан иборатдир. Айни вақтда у нутқ маданиятининг юксалишида ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Миллий тилнинг қай даражада тараққий этганлиги унинг алоқа воситаси сифатида жаҳон тиллари орасида тутган ўрнини белгиловчи асосий мезони, ўлчови шу тилнинг луғат таркибидаги сўзлар ва уларнинг вазифавий-услубий имкониятларига қараб белгиланади.

Луғатларнинг вазифаси сўз ҳақида маълумот бериш ёки унинг маъноларини тушунтиришдир. Академик В.Виноградов: “миллий тилнинг изоҳли луғатлари нутқ маданиятининг қудратли қуролидир, шу билан бирга унинг маҳсули ҳамдир”, - деган эди.

Таълим жараёнида луғатлардан фойдаланиш, ёинки, дарсда луғат устида ишлаш кам вақт олиши, дарснинг асосий мавзусидан ўқувчилар диққатини чалкаштирмаслиги лозим. Бунинг учун ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган вақтда, шу мавзуга оид нотаниш сўзлар ва атамаларнинг



маъносини белгилаб қўйиши ҳамда маъносини тушунтиришнинг энг қулай усуллари танлаб олиши керак.

Маълумки, тил тараққиёт қонунларини ижтимоий ўзгаришлар белгилайди. Жамиятда ҳар қандай ўзгариш дастлаб тилнинг луғат таркибида, терминологик лексикасида ўз ифодасини топади, чунки тилнинг луғат таркибини яхши билмасдан туриб бой нутққа эришиб бўлмайди. Халқ ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида маълум халқлар билан алоқада бўлар экан, бу алоқа унинг тилида ўз аксини топади ва бу эса диалектик қонуниятдир. Шубҳасиз ҳар қандай тил ҳам бошқа тилдан ёки бошқа тил воситасида, яъни ўзга тилдан кирган байналминал сўзлар ҳисобига бориб бориши табиий ҳолдир.

Ҳар бир тилнинг лексик таркиби нафақат она тилининг луғат бойлиги ҳисобига, балки бошқа тилдан ўзлашган сўзлар ҳисобига ҳам бойийди ва ривожланади. Ўзбек халқи жуда кўп халқлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлган ва бўлиб келмоқда. Натижада ўзбек тилига турли даврларда ўзаро тарихий алоқалари натижасида бошқа қардош ва ноқардош тиллардан анчагина сўз ўзлаштирилгани, бундай сўзларнинг кўпи анча серистеъмол луғавий жамғарма экани маълум. Шунинг учун ҳам халқимизда икки тиллилик ва кўп тиллилик тарихий илдизлари узоққа бориб тақалади. Сўз олиш азалдан тил бойитишнинг бир йўли ва халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг кучли восита ҳисобланади.

7-МАВЗУ. “ҚОБУСНОМА” асарида нутқ одоби, суҳандонлик масалалари РЕЖА:

1. “Қобуснома” даҳам нотиқлик ва нотиқ одоби ҳақида.
2. Асарда сўз одоби ҳақидаги панд насихатларни воқеалар орқали берилиши.
3. “Қобуснома” асарининг тарбиявий аҳамияти.

Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири “Қобуснома” да ҳам нотиқлик ва нотиқ одоби ҳақида ибратомуз гаплар айтилган бўлиб, улар ҳозир ҳам маълум даражада аҳамиятини йўқотмагандир. **“Қобуснома” Кайковус** томонидан 1082-1083 йилларда яратилган бўлиб, 44 бобдан иборат.

Унинг 6-7-боблари сўз одоби ҳақидадир. Асар муаллифнинг фарзандига қилган насихатлари сифатида ёзилгандир. У фарзандини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди: *Яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки, қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапирди. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам, ёмон кўринади*. *“Киши суҳандон ва нотиқ бўлиши лозим”*. *Ҳар бир нотиқ ўз нутқи устида кўп машқ қилиши,*



халқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва бамаъни гапириши, халқнинг эътиборини қозониши зарур. “Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади”.

Нотик сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб ҳисоблайди **Кайковус**. “Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!” Нотик халқ тилини, халқнинг фикрини, руҳиятини билиши керак. “Шундай кишини нотиқ (сухангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин”. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосани кўз олдига келтириб гапирган нотик пушаймон бўлмайди. “Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан”.

8-МАВЗУ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” асарида нотик одоби, муомала маданияти масалалари.

РЕЖА:

1. “Қутадғу билиг” асарида одоб-ахлоқ қоидаларининг ёритилиши.
2. “Қутадғу билиг” асарининг тарбиявий аҳамияти.
3. Асарнинг барча замонларда учун дастурамал сифатида қўлланиши.

“Қутадғу билиг” асарининг бир неча боби бевосита одоб-ахлоқ қоидаларига бағишланган бўлиб, унда нутқ одоби талабларини тушунтириш алоҳида ўрин тутди. Асарда “Тил ардами” (“Тил одоби”) дейилган махсус боб бўлиб, унда тилнинг аҳамияти, нутқ одобида оид мулоҳазалар баён қилинади. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарининг қисмларидан бирида тилнинг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Унинг фикрича, тил кишини билим-маърифатга, эъзоз ва ҳурматга эриштиради: *Ақлу идрок, билим таржимони – тил,*

Улуғловчи мардни равон тилни бил

Тил-ла киши бўлур улуг, бахтиёр,

*Тил-ла беқадр эр, ғамга гирифтор.*¹⁵

¹⁵Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Академнашр, 1915. – Б.29, 30, 99.



Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, кўп сўз сўзлаган кадрсиз бўлиши, топиб сўзлаган киши эса иқбол топади: *Билиб сўзланган ҳар сўзда иқбол бор,*

Билимсиз сўз-ла ўз бахтин қилур хор.

Тилнинг ақл ифодачиси эканлиги, тил билан дил бир бўлиши, ҳақиқатнинг доимо инсонларга фойда келитиришини уқтиради:

Сўз дилда яралар, тилда тугилар,

Эгри сўздан поклик куяр, бўғилар.

Тўғри сўзланган сўз кўп фойдали иш,

Гар эгри сўзланса, барчаси сўкиш.

Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг, нутқий одобнинг инсон ҳаётидаги ролини шу даражада юксак баҳолайдики, бунга кўра киши тили туфайли подшоҳликка эришиши, аксинча, “яшил кўк”ка, яъни қанчалик юксакликка эришган бўлса, ундан жудо бўлиб, ерга кулаши мумкин:

Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги,

Яшил кўкка юксалади, тўрға чиқади.

Агар тил сўзни уддалаб сўзлай олмаса,

Яшил кўкда бўлса ҳам, у кишини настга туширади, кўр¹⁶.

Шундай қилиб, донишманд шоир Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида мансабдор шахсларнинг нотиклик санъати сирларидан, яъни тилнинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта ўрганиш, нутқнинг ички ва ташқи шаклига бирдай эътибор бериш, мантиқли, гўзал ва таъсирчан нутқ туза олиш, тил бирликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларидан хабардор бўлишларини қайд этган.




¹⁶Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. – Б. 205.




Слайдлар

1-ILOVA

MADANIYAT



O'QITUVCHI NUTQI MADANIYATI FANINING VAZIFALARI





NUTQ MADANIYATI VA BOSHQA FANLAR



NOTIQLIK SAN'ATI TARIXI







QADIMGI SHARQ NOTIQLARI

QADIMGI SHARQ NOTIQLARI

**BAHOVUDDIN
VALAD**

BEHBUDIY

**JALOLIDDIN
RUMIY**

IBRAT

**XUSAYIN
KOSHIY**

FITRAT

MUYIN VOIZ


CHO'LPON

**ALISHER
NAVOIY**


**ABDULLA
AVLONIY**



QADIMGI SHARQ VOUIZLARI



UYG'ONISH DAVRI NOTIQLARI




OZBEK TILI MEYURLARI‘

O‘ZBEK TILI
ME‘YORLARI


O‘ZBEKTILINING
DIAXRON –
TARIXIY
ME‘YORI

O‘ZBEKTILINING
SINXRON –
ZAMONAVIY
ME‘YORI





NOTIQLIK SAN'ATINING TURLARI



<i>Notiqlik turlari</i>	<i>Nutq ko‘rinishlari</i>
I. SIYOSIY-IJTIMOY NOTIQLIK	➤ <i>Siyosiy-ijtimoiy va siyosiy-iqtisodiy mavzudagi ma’ruzalar.</i> ➤ <i>Anjumanlardagi hisobot ma’ruzalari.</i> ➤ <i>Siyosiy nutq.</i> ➤ <i>Diplomatik nutq.</i> ➤ <i>Siyosiy axborot.</i> ➤ <i>Harbiy vatanparvarlik nutqi.</i> ➤ <i>Tashviqotchi nutqi.</i> ➤ <i>Ilmiy-ommabop nutq.</i>
II. AKADEMIK NOTIQLIK	➤ <i>O‘quv yurtlari ma’ruzalari.</i> ➤ <i>Ilmiy ma’ruza.</i> ➤ <i>Ilmiy axborot.</i>
III. SUD NOTIQLIGI	➤ <i>Qoralovchi nutqi.</i> ➤ <i>Jamoatchi qoralovchi nutqi.</i> ➤ <i>Oqlovchi nutqi.</i> ➤ <i>Jamoatchi-oqlovchi nutqi.</i> ➤ <i>O‘z-o‘zini himoya qilish nutqi.</i>
IV. IJTIMOY-MAISHIY NOTIQLIK	➤ <i>Madhiya (yubiley, maqtoV nutqlari)</i> ➤ <i>Ta’ziya (motam) nutqi.</i> ➤ <i>Tabrik nutqi.</i>
V. DINIY NOTIQLIK	➤ <i>Xutba.</i> ➤ <i>Va’z.</i>




NUTQNING ASOSIY KOMMUNIKATIV SIFATLARI




NUTQNING ASOSIY KOMMUNIKATIV SIFATLARI



NUTQNING ASOSIY KOMMUNIKATIV SIFATLARI




NUTQNING ASOSIY KOMMUNIKATIV SIFATLARI



NUTQ TAYYORLASH BOSQICHLARI



NUTQ MATNLARI



Шарқда муомала одоби ва оғзаки нутқ		
ОИЛАДА	ОТМда	КЎЧАДА
?	?	?



Риторика фан сифатида

1-илова

“Риторика” фани нафосат, гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб, эстетика, адабиёт назарияси, адабиётшунослик билан ҳам алоқадордир. Бу алоқадорликнинг умумий шакли инсон нутқининг шаклланиши ва тингловчига таъсирини белгилаб беради.

Риторика — бу амалий жиҳатдан фикр ифодалаш жараёнида чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил меъёрлари ва уларнинг нутққа таъсири, нутқнинг сифатлари, нутқий қоидалар ва улар билан боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни ўрганади. Шунингдек, нутқда учраши мумкин бўлган нуқсонлар ва талаффузга доир муаммоларни ҳал этиш юзасидан баҳс юритади. Энг муҳими, нотиққа ўз билими ва дунёқарашига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўлларини ўргатади.



1. X-XV АСР ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ

2-илова

Мовароуннаҳрда бадиий, илмий ижоднинг тараққиёти, шунингдек, ваъзхонлик, “Қуръон”ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши илмий ва назарий қоидалар айтилган.

Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматика ва мантик, тилшуносликка бағишланган асарлар ёздилар

3-илова

Алломалар сўз хусусида

→ **Юсуф Хос Ҳожиб** – Туғилган одамдан қоладиган мерос – сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

→ **Кайковус** – Сўзни бағоят улуғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг, жойини ўткармай айтғил, вақтни зое қилмағил, йўқ эрсадонишга ситам қилғон бўлғайсан.

→ **Алишер Навоий:**

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин.

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

2. X-XV АСР ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВАКИЛЛАРИ

4-илова



Юсуф Хос Ҳожиб дурдоналаридан

5-илова

Ўқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади, буни яхши билиб олиш керак: Тилингни авайла – омондир бошинг. Сўзингни авайла – узаяр ёшинг.

Тил арслон мисоли ётар қафасда,


Беҳабар бошини у ер нафасда.

Тилидан тутилган не деяро, эшит,

Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт (12-бет).

“Саодатбахш руҳ зулолига матлаъ ҳам тил. Тилга ихтидорлиғ — ҳакими хирадманд; сўзга ихтиёрсиз — лайни нажанд. Тилки фасиқ ва дилназир бўлғай, кўброқ бўлғай агар кўнгил била бир бўлғай” (“Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) аъут подшосидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган, паст (киши)дир”. Тил гўзал ва дилларни оловлантирувчи бўлиши билан бирга (сўзловчининг) дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”) (“Махбубул-қулуб”).

2. Воизлар фикрича



3. Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади:

1. Ёлғон гапиришдан сақлан, зеро, ёлғончи худонинг душманидир.


2. Ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан.

3. Ғийбат ва бўхтон гаплардан (чунки бўхтон фосиқлар ишидир).

4. Беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қидиришдан ва гап ташишдан (булар шайтон васвасасига киради).


4. Шарқ воизлари

8-илова



Нутқнинг асосий хусусиятлари ва адабий тил меъёрлари

1-илова



Фонетик меъёр

1. ...Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади... Санъаткор уйига кетгани извошга ўтирганида яна тутақиб кетди: "Ҳеч бўлмаса, айтадиган ашулангни ўрган, сўзларини тўғри айт" эмиш!.." Хизматчиси савод мактабида ўқиётган бир кишини тракторист саводсиз деса, алам қилмайдими? - деди санъаткор ўзича бўғилиб, - "лабингдан бўлса олсам, э шакарлаб" деганим у кишига ёқмапти, "бўлса" эмас, "бўса" эмиш! Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куюман! Сенга ўхшаган саводсизлар "бўса, бўмаса" дейди. Артист културний одам -гапни адабий қилиб айтади - "бўлса, бўлмаса" дейди.
2. ошни - ошши, қорни -и қорри, юзни - юззи. Уй вазифасини бажардин гизми? Ўртоғин-гизга ёрдам бердин-гизми? Ўрнин-гиздан туринг!
3. тонна, нота, ток, талон, торт, футбол, бокс.
4. январь - йинварь, Япония - Йипония, декан - дэ'кан, факультет - фидультет

Лексик меъёр

- 1. илмгоҳ, билимгоҳ, таҳсилгоҳ (институт)
- 2. партия — фирқа, математика — риёзиёт, астрономия — фалакиёт, водород — мувалидулалмаъ — сувтуғдирғич, кислород — мувалидулҳамуза — аччил, углерод — ҳомзи корбун — кўмирчил ва ҳ.
- 3. Аэропорт - тайёрагоҳ, газета - рўзнома, журнал - мажалла, факультет - куллиёт, филология - суханшунослик, район – ноҳия; автор, гонорар, группа, министр, область, программа, план, редактор, секретарь, текст, тема муаллиф, қалам ҳақи, гуруҳ, вазир, вилоят, дастур, режа, муҳаррир, котиб, матн, мавзу.
- 4. икра сўзи: 1) "Балиқнинг уруғи"; 2) "Балиқнинг тухуми" (увулдуруқ).
- 5. Германияда давом этаётган 18-жаҳон чемпионати ишқибозларни ўзига жалб этиши билан ўтган мундиал (?) лардан фарқ ҳилади ("Халқ сўзи", 2006, 8 июль). 2. Яхши актриса ҳисобланмасам-да, ўзини севганлардан бири сифатида ушбу олийгоҳ (?) ни битирдим ("Бекажон", 2006 йил 24 август). 6. У Ҳарвард университетида кириш учун тайёр эди. 1972 йили ана шу илмгоҳ (?) нинг ихтисодиёт факультетига ўқишга кирди ("Даракчи", 2006 йил 24 август). 7. Муборак тумани марказидаги Баҳром Вафоев номли ўйингоҳ(?) да уюштирилган кураш турнири ана шундай шиор оstdа ўтди ("Ўзбекистон овози", 2006, 15 апрель). 8. Тарбиячи хаттахта (?) олдига икки нафар болани чаҳиради.



• Морфологик меъёр

- 1. Таниқли тилшунос А.Ҳожиев ўтган аср бошларидаги босма манбалар тилини ўрганар экан, *-нинг* ўрнида — *ни* қўшимчасини қўллаш анча кенг тарқалганини айтади. Ҳатто ўтган асрнинг 50-йилларида шеваларга суюнган ҳолда —*ни* қўшимчаси билан ифодаланадиган қаратқич-тушум келишигини меъёрлаштириш таклифи ҳам ўртага ташланган. Заҳматкаш тилшунос А.Маъруфов "Бу икки шаклни бирлаштириш синтаксисга ортиқча юк бўлади, фикрни тўғри англашга халақит беради, стиль равлонлигини бузади" деган ҳақли фикрни билдирган.¹ **(Маъруфов А. Ўзбек адабий тилидаги икки келишик формаси ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958, Ш, 45-бет**
- 2.Унда (мулоқотда) вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этишди ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 29 июнь).
- 3.Сенга битта гапим бор, ҳали поездга айтаман.
- 4.Тилни ёрай дейди-я, тилни, - деб мулла узумдан паққос туширди (С.Равшанов).
- 5.Ҳаёт илдизи экила бошланди. 2. Чўллар ўзлаштира бошланди. 3. Қовок, уруғи қадимдан қўлланиб келинган. 4. Пахта терида бошланди.
- 6.Исроил армияси ушбу ҳудудда ҳарбий техникаларни кўпайтирганлар. ("Халқ сўзи", 2006 йил 30 июнь)
- 7.Ҳозир вилоятимиздаги 80 та касб-ҳунар коллежларида 55 мингдан зиёд ўқувчи таълим оляпти ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 29 июнь).

Синтактик меъёр

- 1.Мне десять лет - Менга ўн ёш деб (Менинг ёшим ўнда ёки Мен ўн ёшга кирдим)
- 2.Республика аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжи 32 фоизга бажариляпти, холос ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 15 июнь) ...Республика аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжи 32 фоизга қондириляпти, холос.
- 3.Қисқаси, ушбу анжуман ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишишингиз мумкин ("Маърифат", 1998 йил 28 март) Қисқаси, ушбу анжуман тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишишингиз мумкин.
- 9. Тарбиячи расм устида сўзлаб беради. Шундан кейин болалардан аввал якка-якка ҳолда сўзлаб бериш таклиф этилади (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров).



• Услубий меъёр

- 1. — Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчаҳчаҳ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил бўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга... Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало шунини таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб ҳолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар.

)

Грамматик хатолик

1. “Бирдан синф эшиги очилади ва ичкарига ўша тортинчоқ хатти-ҳаракатли ўқувчи кирди”.
2. “Ишни маслаҳатлашиб қилмоқ ожизлик эмасдир, аксинча юксалтирар”.



Мантиқий хатолик

1. “Ҳар ким ҳаётини ўқиб яратади”.
2. “Барча жонзотлар каби инсонлар ҳам жамият ҳолида яшайди”.

Аниқликнинг бузилиш ҳолати

1. “Жигарлардан отилиб чиққан овоз билан хайқирди”.
2. “Тушган чақмоқ сабабли икки чўпон ёниб кўмирга айланди”.
3. “Ёшлик хотираларим амалга ошди”.

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Нутқнинг тўғрилиги ҳақидаги умумий тушунча	Адабий тил меъёрларининг турлари ва уларнинг вазифалари ҳақида	Нутқнинг тўғрилигини белгилловчи омил – адабий тил меъёрига мувофиқ келиши ⁴



«ФСМУ» технологияси

- **Вазифа:** Нутқнинг тўғрилиги – нутқнинг алоқавий шартини белгиловчи бош омил мавзуси бўйича фикр баёни.
- **ФИКР.** Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг сўзловчи ва тингловчининг ёзувчи ва ўқувчининг бир бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлаёди. Агар нутқ тўғри бўлса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантиқий ҳам бўлмайди.
- **САБАБ.** Нутқнинг тўғрилиги деганда бадий тилининг маълум пайтда қабул қилинган меъёрига мувофиқ келиши унинг талаффуз, имловий лўғат ва грамматик нормааларини эгалланиши назарда тутилади. Сўзлардаги айрим бўғинларнинг зарб билан айтилиши, айрим сўзга тушадиган урғуларга аҳамият бериш зарур.
- **МИСОЛ.** Уруғ сўздаги маънонинг аниқланишига кўмаклашади – олма сўзида биринчи бўғинга тушганда ҳаракат, иккинчи бўғинга тушганда меванинг тури. Мантиқий урғу – онасиз бола ўйнамас. Охангда маъно ифодалаш имкониятлари кенгайда маъно ўзгариши кузатилади. Келишик қўшимчалари фарқламаслик (қаратқич ва тушум келишиги, синтактик ҳолатда бўлган аффиксларнинг биринчисининг ўрнига иккинчисини қўллаш (-дан ўрнига –лик) кутилган натижа олиб келмайди.



IV.КЕЙСЛАР БАНКИ

“Риторика(нотиклик) илмининг вужудга келиши. Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари. Ғарб нотиклигининг ўзига хос томонлари” мавзуси

бўйича кейс-стади

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
Ўқитувчи	Ўқувчи	
1-босқич. Кириш (5 мин.)	<i>Ташкилий бошланиш.</i> 1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Баҳолаш мезонларини эълон қилади	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (80 мин.)	<i>Талабалар билимини фаоллаштириш.</i> 2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади (1-илова).	Саволларга жавоб берадилар
Жавобларни слайдли тақдимот асосида изоҳлайди. <i>Кейс-стади мазмуни билан танишиш.</i> 2.2. Талабаларга кейс-стади материалларини тарқатади. <i>Кейс-стади билан яқка тартибда ишлашни ташкил қилиш.</i> 2.3. Кейс-стадида материаллар муҳокамасини ташкил қилади, кейс-стади билан ишлаш қоидаларига эътиборни қаратади, муаммога, вазифаларни аниқлаш, уни ечиш алгоритмига эътиборни қаратади. Кейс-стадини мустақил ечишни таклиф қилади. <i>Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.</i> 2.4. Таълим олувчиларни 2та гуруҳга бўлади. Кейс-стади билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда муҳокамасини ташкил қилади. 2.5. Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.		Кейс-стадини мустақил тарзда ечимини топадилар. Гуруҳларда ишлашади, кейс-стадини ечишадива вариантларини биргаликда муҳокама қилишади, оптимал ечиш вариантини танлашади. Гуруҳ ишининг тақдимотини тайёрлашади. Гуруҳ сардорлари кейс-стади ечимининг тақдимотини ўтказишади.



2.6.Биргаликда танланган кейс-стадини ечиш вариантнинг тақдимотини тайёрлашни таклиф қилади. 2.7. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳ сардорларига кейс-стадини ечиш бўйича ишлар натижасини тақдимотини ўтказишни таклиф қилади. 2.8. Тақдим этилган ечимларни ўзаро баҳоланишини ташкил қилади. 2.9. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижаларини умумлаштиради, хулосалар беради.		
3-босқич. Якуний (5 мин.)	Якуний умумий хулоса. 3.1. Таклиф қилинган кейс-стади ечимларини изоҳлайди. 3.2. Яна бир бор кейс-стадининг мақсади ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини билдиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: кейинги маъруза машғулотида тайёргарлик кўриш.	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.

1-илова

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	1. ”Риторика”, “Амалий риторика” терминларини қандай тушунасиш?	Нотиклик санъатининг назарий асослари ҳақидаги фан. Риторика деганда 2 маъно англашилади: нотиклик санъатининг амалий миқёси ва унинг назариясига оид илмий адабиёт. Риторика — бу амалий жиҳатдан фикр ифодалаш жараёнида чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил меъёрлари ва уларнинг нутққа таъсири, нутқнинг сифатлари, нутқий қоидалар ва улар билан боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни ўрганади.
2.	Нотик (Оратор), ритор, нутқ, аудитория терминларининг маъносини изоҳланг.	Нотик сўзи араб тилидан олинган бўлиб, у нутқ, мантик сўзлари билан ўзакдошдир. Нутқ сўз ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Нотик бошқа одамлар хулқ-атворида ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга сўз орқали таъсир этувчи шахсдир. Ритор – лот.rhetor –нотик, оратор. Юнонистон ва Қадимги Римда чиройли сўзлайдиган киши. Нутқ-арабча сўзлаш, нутқ, гапириш қобилияти. Тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши;



		Сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи. Аудитория – лот. Тинглаш жойи. Машғулот, маърузарларни тинловчилар, шунингдек, радиотингловчилар, телетомошабинлар.
3.	3.Равон, чиройли ва таъсирчан гапиришни туғма иқтидор дейиш мумкинми?	Равон, чиройли ва таъсирчан гапиришни туғма иқтидор дейиш мумкин, лекин Цицерон “Одам шоир бўлиб туғилади, нотик бўлиб етишади” деб айтганидек кўп меҳнат ва машқ қилиш натижасида ҳам равон, аниқ ва таъсирчан гапиришни ўрганиш мумкин.
4.	4.Риторика предмети тушунтиринг.	Кластер:Риториканинг асосий тушунчалари: 1.Нуткни тўғри тузиш, сўзларни мақсадга мувофиқ ва ишонарли тарзда қўллай олиш санъати ҳақидаги фан. 2.Тил бирликларини ўзига хос тарзда ифодалаш. 3.Тинглашга ва аудиториянинг қабул қилиш реакциясига боғлиқ бўлган нутқ тури. 4.Нотик учун зарур бўлган шахс хусусиятлари. 5.Нотик юз-кўзлари ифодасидаги ва қад-қоматидаги муҳим ҳаракатлар. 7.Жамият учун муҳим бўлган ғоялар муҳокамасига лойиқ бўлган фикр. 8.Бирор бир ечимга эга бўлган чиқиш. 9.Тингловчига исботлаш ва асослаш манбаини кўрсата олиш жараёни.

1. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

1-Вазият:

М.В.Ломоносов ритор сифатида барча нотикларни нутқ матнини ёд олишга даъват этади. Ана шундагина нотик равон, хотиржам ва ишонч билан гапиради. Акс ҳолда матни ёд билмаслик натижасида қоғозда акс эттирилган баркамолликка зарба бериб қўйиш, тўла ишонч билан гапира олмаслик мумкин.

Муаммо: М.В.Ломоносовнинг фикрига қўшилмасизми?

1-вариант: Матни бутунча ёдлаб олинса, оммага унинг таъсир кучи кутилганидек бўлмайди. Нутқ матнини онгли равишда чуқур ва мустаҳкам ўрганиш зарур.

2-вариант: Нутқ ёдлаб олинса, унинг композицион кетма-кетлиги ҳам бузилмайди.

III. Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар



Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,

“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммонинг олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Ўқувчилар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б	Жами макс.20 б

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол Макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б	Жами макс. 10 б

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.



Ўқув-методик ҳужжатлар

Риторика- нотиқлик санъатининг назарий асосларини ишлаб чиқувчи илмий-назарий фан.

Ритор – нотиқлик санъати асосларини ишлаб чиқувчи ва шу соҳадан дарс берувчи ўқитувчи.

IV.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианты **Кейс-стадидаги асосий муаммо**

Нотиқ нутқ матнини ёдлаб олсам бўлди, бемалол аудитория олдида чиқиб ҳаммасини айтиб бера қоламан, деб ўйлайди.

Муаммони тасдиқловчи далиллар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жамиятимизда учраб турадиган салбий иллатларни аниқлаймиз.

1. Билимларни юзаки ўрганиш.
2. Нотиқлик илмини ўрганмаслик.
3. Меҳнат ва машқ қилмаслик.
4. Фанлар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлмаслик.

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:

Нотиқнинг интилиши сушт, масъулияти кам бўлса, нима ҳақида гапиришини олдиндан ўйлаб, пишитиб, олмаса, режалаштирмаса, омма олдида ўзини дадил тута олмайди. Қоғозга ёзиб олиш, қуруқ ёдлаб олиш билан иш битмайди.

Муаммонинг олдини олишда қуйидаги йўлларга амал қилиш керак:

- 1.Нотиқлик илмини чуқур билиш.
- 2.Меҳнат ва машқ.
3. Кенг билимга эга бўлиш.

Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:

Зеҳн, хотирани чарҳлаб, махсус тайёргарликдан сўнг профессионал нотиқ бўлиб етишишлари учун замин пайдо бўлади. Риториканинг барча техник, эмоционал асослари, уларнинг ифодали хусусиятлари ва қўллаш меъёрини ўзлаштириш; нутқ матни устида сабр-тоқат ва кунт билан ишлаш; ўз замонасидаги етакчи фанлар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш.

Якуний хулоса

Муаммонинг ечими: Нотиқликни ёшлигидан тарбиялаб бориш лозим. Риторика илмининг барча сир-асрорларини пухта ўрганиш мустақил фикрлашга, фикрларини эркин, мантикий изчилликда, чиройли, саводли тил ва услубда ифодалашга ёрдам беради.

Ўқув машғулотининг технологияси модели <i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони: 25 –30 гача
Машғулот шакли ва тури	Амалий-билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулот



Ўқув машгулот режаси	1. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц - сўров ўтказиш. 2. Кейс-стади мазмунига кириш. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. 3. Кейс-стадини гуруҳларда ечиш. 4. Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтказиш. 5. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра талабалар фаолиятини баҳолаш
Ўқув машгулотининг мақсади: Ёзма нутқ ёки иншо-нотиклик санъатининг бир қирраси	
Педагогик вазифалар: - кейс-стади вазияти билан таништириш, муаммони ва уни ечиш вазифаларини ажратишни ўргатиш; - муаммони ечиш бўйича ҳаракатлар алгоритминини тушунтириш; - Оғзаки ва ёзма нутқни қиёсий таҳлил этишни тушунтириш. - мантикий хулоса чиқаришга кўмак бериш	Ўқув фаолиятининг натижалари: - кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; - вазиятга қараб муаммони ва уни ечиш бўйича вазифаларни таърифлайди; - муаммони ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди: -Оғзаки ва ёзма нутқни ўрганади; -уларни қиёсий таҳлил қила олади; - муаммони вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; - якуний мантикий хулосалар чиқаради.
Ўқитиш методлари	Кейс-стади, ақлий ҳужум, кластер, мунозара, амалий усул
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Ўқув материали, талабага услубий кўрсатмалар, тақдирот, флипчарт
Ўқитиш воситалари	Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория
Қайтар алоқанинг йўли ва воситалари	Блиц-сўров, тақдирот, кузатув

“Қадимги Рим ва Грециядаги нотиклик мактаби вакиллари. Қадимги Рим ва Грециядаги нотиклик мактаби вакилларининг нотиклик ҳақидаги қарашлари” мавзуси бўйича кейс-стади

1-вазият

Юнонистон тупроғидан македониялик Филиппни қувиб чиқаришда давлат арбоби ва ҳарбий нотик сифатидаги фидоийлиги ва жасорати учун Демосфен



3-марта олтин гулчамбар билан тақдирланади. Шу муносабат билан сўзлаган “Гулчамбар ҳақида” номли нутқида рақиби нотик Эсхинга қарата шундай дейди: “Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мақтовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнарддинг, мен бўлсам ҳуштак чалардим”.

Муаммо: Нотик Демосфеннинг нутқ услуби, яъни тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотиқлик маҳорати қандай?

1-вариант: Демосфен нутқ матнида ҳам, нутқ жараёнида ҳам архаизмдан қочган, жуда латиф ва жозибадор сўзларни қўлламаган, янгича сўз ва ибора ва терминларни тўқимаган. Гоҳ-гоҳида ҳикматли сўзлардан ва мақол-маталлардан фойдаланган. Нутқида синонимлардан кўп фойдаланган. У нутқида қисқа бўғин, калта-калта жумлаларни ишлатмаган, аксинча, чўзиқ бўғинларни қўллаган.

2-вариант: Нутқда муסיқийлик ва таъсирчанликка эришиш учун жумлаларнинг охири насрий шеър билан, муайян вазн билан тугашига алоҳида эътибор берган. Сўз ва жумлаларни қарама-қарши қўйиб ифодавийлик ва образлиликка эришган, жумладан, “Гулчамбар ҳақида” номли нутқида Эсхинга қарата дейди: “Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мақтовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнарддинг, мен бўлсам ҳуштак чалардим. Риторик саволлардан унумли ва ўринли фойдаланган, масалан, “Хўш, бунинг ҳаммасига сабаб нима?”, “Нега энди мен буни ҳозир гапиряпман?” каби риторик саволлар кўплаб учрайди.

3-вариант: Демосфеннинг нутқлари энг аввал ўзининг мазмунлилиги, сиёсий ўткирлиги билан диққатга сазовордир. У нутқ талқини жараёнида эмоционал ҳаяжон, жестикуляция, мимика каби психофизик ва ташқи ифода воситаларидан унумли фойдаланганлиги унинг қўллаган жумлаларида кўриниб турибди. Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантикий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни қўйган. Демосфен ўзининг нотиқлик миссиясини фақатгина Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишдан иборат деб билган.

III. Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар
Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси



1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,

“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммонинг олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б	Жами макс.20 б

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол Макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б	Жами макс. 10 б

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

Ўқув-методик ҳужжатлар

IV.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианты **Кейс-стадидаги асосий муаммо**

Демосфен Афина нотиқлигининг йирик намояндаси бўлиб, унинг техник машқлари, нутқ талқини жараёнидаги приёмлари, нутқ устида ишлаш



услуглари, тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотикликнинг талқиний ифода воситаларин моҳирона ишга солиш каби фазилатлари ҳозирги давр нотиклиги учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Муаммони тасдиқловчи далиллар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жамиятимизда учраб турадиган салбий иллатларни аниқлаймиз.

1. Талабалар ўз мустақил фикрини эркин баён қила олмайди..
2. Сўз бойлиги жуда камбағал.
3. Услубий ғализ жумлалар тузади.
4. Нотиклар услуби ҳақида тўла маълумотга эга эмас.
5. Тасирчан ва ишонарли нутқ туза олмайди.

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:

Эсхин камбағал оиладан бўлганлиги туфайли нотиклик санъати асосларини махсус мактабларда эмас, мустақил ўрганган. Ватанпарвар Демосфен Афина халқига хиёнат қилаётган нотик Эсхинни қоралайди ва унга қакшатқич зарба беради.

Муаллиф ўз мақоласида муаммонинг олдини олишда қуйидаги йўлларни кўрсатиб берган:

1. Демосфен нутқ матнида ҳам, нутқ жараёнида ҳам архаизмдан қочган, жуда латиф ва жозибадор сўзларни қўлламаган, янгича сўз ва ибора ва терминларни тўқимаган.
2. Нутқида синонимлардан кўп фойдаланган.
3. У нутқида қисқа бўғин, калта-калта жумлаларни ишлатмаган, аксинча, чўзиқ бўғинларни қўллашни хуш кўрган.
4. Нутқда мусиқийлик ва таъсирчанликка эришиш учун жумлаларнинг охири насрий шеър билан, муайян вазн билан тугашига алоҳида эътибор берган.
5. Сўз ва жумлаларни қарама-қарши қўйиб ифодавийлик ва образлиликка эришишни ёқтирган.
6. Риторик саволлардан унумли ва ўринли фойдаланган, масалан, “Хўш, бунинг ҳаммасига сабаб нима?”, “Нега энди мен буни ҳозир гапиряпман?”

Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:

Демосфеннинг нутқлари энг аввал ўзининг мазмунлилиги, сиёсий ўткирлиги билан диққатга сазовор эди. У нутқ талқини жараёнида эмоционал ҳаяжон, жестикуляция, мимика каби психофизик ва ташқи ифода воситаларидан унумли фойдаланган. Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантикий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни қўйган. Демосфен ўзининг нотиклик миссиясини фақатгина Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишдан иборат деб тушунган.

Якуний хулоса

Муаммонинг ечими: Нотик Демосфен нутқ услубини ўзлаштириш орқали талаба нотикнинг матн устида ишлаш услубини мустаҳкам ўрганади ва ўз фикрини тўғри, аниқ ва мантикий изчилликда ҳамда ифодали тарзда сўзлаш қобилиятига эга бўлади.



Ўқув машғулотининг технологияси модели <i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони: 25 –30 гача
Машғулот шакли ва тури	Амалий-билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулот
Ўқув машғулот режаси	1. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц - сўров ўтказиш. 2. Кейс-стади мазмунига кириш. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. 3. Кейс-стадини гуруҳларда ечиш. 4. Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтказиш. 5. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра талабалар фаолиятини баҳолаш
Ўқув машғулотининг мақсади: Нутқ маданияти ва нотиклик тарихи	
Педагогик вазифалар: - кейс-стади вазияти билан таништириш, муаммони ва уни ечиш вазифаларини ажратишни ўргатиш; - муаммони ечиш бўйича ҳаракатлар алгоритминини тушунтириш; - Оғзаки ва ёзма нутқни қиёсий таҳлил этишни тушунтириш. - мантикий хулоса чиқаришга кўмак бериш	Ўқув фаолиятининг натижалари: - кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; - вазиятга қараб муаммони ва уни ечиш бўйича вазифаларни таърифлайди; - муаммони ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди: -Оғзаки ва ёзма нутқни ўрганади; -уларни қиёсий таҳлил қила олади; - муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; - якуний мантикий хулосалар чиқаради.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Кейс-стади, ақлий ҳужум, инсерт, мунозара, амалий усул
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Ўқув материали, талабага услубий кўрсатмалар, тақдирот, флипчарт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шароити</i>	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Блиц-сўров, тақдирот, кузатув



Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Юнон нотикларидан кимларни биласиз? Аттикалик нотиклар Кластерини чизинг	
2.	Нотик қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?	Нотик тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотикликнинг талқиний ифода воситаларини моҳирона ишга сола билиш каби фазилатларга эга бўлиши керак.
3.	Рим нотиклари вакиллари айтинг.	Цицерон, Катон, ака-ука Гракхлар, Марк Антонийлар Рим нотиклик санъати вакиллари.
4.	Нотиклик нима сабабдан юзага келган?	Грецияда кенгаш ва халқ мажлисларида ўз нуқтаи назарларини эркин тарзда ҳимоя қилиб, ҳар томонлама асослаб, узундан-узоқ нутқ сўзлаш имконияти, демократиянинг юзага келишидан нотиклик санъати пайдо бўлди ва ривожланди.

2.3.“Шарқ нотиклик санъати тарихи ҳақида маълумот. Шарқ алломалари ва нотикларининг нотиклик ҳақидаги қарашлари” мавзуси бўйича кейс-стади

1-вазят: Алишер Навоийнинг фикрича, воиз қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1.Воиз керакки “Қолаллоҳ” сўз айтса.

2.Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насихатин қабул этган мақбул кишидур.

3.Воизким, бўлғай олим ва муттақийанинг насихатидин чиққан шақий.

4.Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.



5.Ўзи киргондин сўнгра насихат била элни ҳам кивурса. Юрумагон йўлга элни бошқармоқ-мусофирни йўлдин чиқармоқдур ва биёбонга кетурмак ва бодияда итурмакдур.

6.Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва холи кирган тўлғай.

Муаммо:Воиз (нотик) қандай хусусиятларга эга бўлиши лозим? Бугунги кун нотикларига ҳам шу хусусиятлар тегишлими?

1-вариант: А.Навоийнинг фикрича, воиз доимо ҳақиқатни сўзлаши лозим, шунда унинг сўзлари таъсирчан ва фойдали бўлади. У янги билимлар хабарчиси, билимдон, дунёқараши кенг киши бўлиши кераклиги таъкидланади. Воизнинг сўзи билан иши бир бўлиши зарур, акс ҳолда унинг сўзларининг ҳеч нафи бўлмайди.

2-вариант: Бизнингча, мутаффикиримиз А.Навоий воизлар ҳақ сўзни айтувчи, ўзи барча билимлардан хабардор, уларни пухта эгаллаган инсонлар бўлиши кераклигини, билган илмидан гапириб, одамларни тўғри йўлга бошлаш кераклигини айтади. Воизлар нутқини шундай сўзлаши керакки, уни тинглаган кишилар бирор бир янги билимларни билиб олсин, тўлиб кирган, яъни бир масаланинг ечимини тополмаганлар эса ўша муаммонинг ечимини топиб чиқсинлар дейди.

2-вазият: Эй фарзанд, билгилки, халойиқ уч турли бўлади, нутқ эса тўрт хил бўлади:

Халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади..., бири шуки, билади, билганини билмайди; бири шундайки, билмайди, билганини ҳам билмайди.

Сўз тўрт нав бўлади: биринчиси билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар, иккинчиси, билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар, учинчиси, билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар, тўртинчиси билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар.

Бу тўрт хил сўзнинг икки томони бордир: бири гўзал томони, иккинчиси хунук томонидир. Сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил. Ҳамма вақт тўғри гапир, билмаган илмдан гапирмагин. Кўнгилларга севимли бўлишни истасанг, халойиқнинг мақсадини кўзла, ёлғонга ўхшаган ростни сўзламагил.

Муаммо: “Қобуснома” асарининг муаллифи сўз (нутқ) ва одамлар ҳақида нима деган?



1-вариант: Муаллиф билади, билганини ҳам билади жумласида, бундай кишилар олимдир, уларга кулоқ солиш керак дейди. Иккинчиси, билади, билганини билмайди улар уйкудаги одамлар, бедор қилиш керак, учинчиси билмайди, билганини ҳам билмайди- у жоҳилдир, ундан қочиш керак дейди.

Билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар барча одамлар учун фойдалидир, бундан айтувчи ҳам, эшитувчи ҳам манфаатдордир. иккинчиси, билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар эса дағал ва кўпол, ҳамда паразит сўзлардир. Билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар шевага хос сўз ва кўшимчалар, жаргон кабилар, тўртинчиси билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар –бу бировнинг сирини айтмаслик.

2-вариант: Тўрт хил сўзнинг гўзал ва хунук томони деганда сўзни шаклига эътибор бериш назарда тутилади (Хорун ар-Рашид туши ҳақидаги ҳикоят(38-б.), Сўзнинг юз ва орқа томони эса маъноли гапириш, сўзнинг маъносини тушуниб гапириш назарда тутилади. Ҳамма вақт тўғри гапиришни, билмаган илмидан гапирмасликни (Абузуржмеҳр ҳақидаги ҳикоят 39-б.), халқнинг мақсадини кўзлаб гапиришни, ёлғонга ўхшаган ростни, яъни исбот талаб қиладиган ростни ҳам гапирмасликни таъкидлайди(Муаллиф ҳақидаги ҳикоят, 37-б.).

III. Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,

“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммонинг олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.



Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б	Жами макс.20 б

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол Макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б	Жами макс. 10 б

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

Ўқув-методик ҳужжатлар

Воиз – арабча “ваъз” сўзидан олинган бўлиб, “даъват” маъносини англатади. Воиз одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахсни билдиради.

IV.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианты

Кейс-стадидаги асосий муаммо

Нотиқ нутқ матнини ёдлаб олсам бўлди, бемалол аудитория олдида чиқиб ҳаммасини айтиб бера қоламан, деб ўйлайди.

Муаммони тасдиқловчи далиллар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жамиятимизда учраб турадиган салбий иллатларни аниқлаймиз.

1. Воизлик тарихини билмаслик.
2. Олимларнинг воизлик санъати тўғрисидаги илмини ўрганмаслик.
3. Ўз устида ишламаслик.
4. Шарқ воизлари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлмаслик.

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:

Воизнинг интилиши суст, масъулияти кам бўлса, нима ҳақида гапиришини олдиндан ўйлаб, пишитиб олмаса, кенг билимга эга бўлмаса ҳамда янги билимлар хабарчиси бўлмаса, омма олдида ваъз айтишга ҳақли эмас.

Муаммонинг олдини олишда қуйидаги йўлларга амал қилиш керак:



1. Чуқур билимга эга бўлиш.
2. Сўзнинг қадрини билиш.
3. Мустақил фикрга эга бўлиш.

Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:

Шарқда Уйғониш даври нотиқлик санъати тарихи ҳақида билимларга эга бўлиш.

Якуний хулоса

Муаммонинг ечими: Яхши воиз бўлиш учун нафақат барча дунёвий ва диний билимлардан хабардор бўлиш, балки уни такомиллаштириш қобилиятига эга бўлиш, нутқни таъсирчан ва мазмунли ифодалаш, халқ тушунадиган усулда гапириш, мисоллар асосида исботлаш, ҳақиқатни гапириш.

1-илова

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Ваъз нима?	Нутқнинг имон-эътиқод, ватан ва халқ, одоб-ахлоқ каби мавзуларида сўзланадиган турига ваъз дейилади.
2.	Воиз деб кимга айтилади?	Воиз хушовоз, ишонтирадиган, таъсирчан гапирадиган, талаффузи аниқ, юксак билимли ва маданиятли, бир неча тилларни эгаллаган шахс бўлган. Воиз халқни имон-эътиқодга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, маънавий камолотга даъват этиб нутқ сўзлаган.
3.	Нотиқликнинг воизликдан нима фарқи бор?	Нотиқ бошқа одамлар хулқ-атворида ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга сўз орқали таъсир этувчи шахсдир. Воизликда асосан исломий мавзуда маърузалар қилинган.
4.	Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?	Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти билан Абу Райхон Беруний, Фаробий, Абу али ибн Сино, М.Кошғарий, юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Кайковус, Замаҳшарий, А.Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий каби олимлар шуғулланган.

1-илова

Мавзу бўйича дайджест тақдимотлари

Дайджест юзасидан саволлар:

1. Нотиқлик фанининг моҳияти?
2. Риторика тарихи деганда нимани тушунасан?
3. Аристотелнинг “Риторика” асарининг моҳиятини биласизми?
4. Демосфеннинг нотиқликка қўшган ҳиссасини биласизми?
5. Цицероннинг нутқларини биласизми?



6. Ғарб нотиклик мактаби неча турга бўлинади?
7. Шарқ нотиклик мактаби вакиллари биласизми?
8. Навоийнинг нотикликка қўшган ҳиссаси нимада?
9. Ибн Сино нотикликни нимага қиёслайди?
10. Шарқда одобнома тушунчаси нима билан боғиқ бўлган?

2-илова

МУАММО ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу: Ғарб ва шарқ нотиклик мактаби вакиллари
иждодий фаолиятини ўрганишдаги муаммолар

- 1.Муаммо технологиясининг мақсади.** Ўқувчиларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммо, масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатиш, уларнинг муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларини шакллантириш. Ҳар қандай муаммолит вазиятлардан чиқиб олишларига ўргатиш.
- 2. Машғулотни ўтказиш тури.** Гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштирган ҳолда, машғулотнинг тартиб-қоидаларини тушунтирган ҳолда ўтказилади. Ўқитувчи томонидан тарқатилган вариантлардан бирини танлаб олган ҳолда таҳлил этишган муаммони ёзишади.

№	Муаммонинг турлари	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
1.	А.Навоий асарларини тўлалигича таҳлил этиш муаммоси	Олий ўқув юртларида мумтоз адабиёт дарсларининг йўқлиги	Қисқа бўлсада маълумотлар берилмоқда	А.Навоий асарларининг изохли луғатининг кўп томлигининг йўқлиги
2.	Ғарб нотиклари ҳақидаги батафсил маълумотларнинг камлиги	Риторика илми бўйича манбаларнинг ўзбек тилида йўқлиги	Ғарб нотиклари ҳақидаги манбаларни талабаларга ўзбек тилида тушунтириб беришга ҳаракат қилинмоқда	Талабаларга тўлиқ маълумот беришда ажратилган соатларнинг камлиги
3.	Шарқ нотиклиги тарихи ҳақидаги маълумотларнинг камлиги	Шарқ нотиклиги, ваъз ва воизлар ҳақидаги маълумотларни билмаслик	Мавжуд манбалардан маълумотлар беришга ҳаракат қилинмоқда.	Тўлиқ маълумотлар бериш учун соатларнинг камлиги



ЧАРХПАЛАК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу: Нотикларнинг нутқ ва нотик ҳақидаги қарашлари

- 1. Технологиянинг тавсифи:** Ушбу технология ўқувчиларга ўтилган мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.
- 2. Технологиянинг мақсади:** ўқувчиларни дарс жараёнида мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқкава гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини таналаб олишга ўргатиш.
- 3. Технологиянинг қўлланиши:** Бу технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган.
- 4. Машғулотни ўтказиш тартиби:**
 - ўқувчиларни гуруҳларга бўлади;
 - ўқувчиларга ўтиладиган машғулотнинг қонун-қоидалари ва талабларини тушунтиради;
 - тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади;
 - ҳар бир игуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини қўяди;
 - гуруҳлар томонидан бажарилган вазифа бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” шаклида алмаштирилади;
 - Гуруҳлар томонидан қайта кўриб чиқилган материал ўз гуруҳларига қайтарилади ва бошқа гуруҳ аъзоларининг фикрлари таққосланади;
 - ўқитувчи тайёр материалларни ўқувчилар билан биргаликда ўқийди ва тўғри жавобларни аниқлаб беради;
 - ўқувчилар аниқланган жавобларга қараб ўз билимларини аниқлайдилар ва ўзларига баҳо қўядилар.

№	Нутқ ва нотиклик ҳақидаги қарашлар	А.Навий	Цицерон	Демосфен	Кайкабус	Ибн Сино	Фаробий	Аристотел	А.Қодирий
1.	Биз нутқни эмас, гапираётган инсонни тинглаймиз. Мен сени билишим учун сўзла							*	



2.	Нотикликнинг энг улугъ фазилатларидан бири зарур нарсани айтишдагина эмас, балки нозарур нарсани айтмаслигида ҳамдир.		*						
3.	Нуткнинг бош фазилати аниқлик ва равшанликдир							*	
4.	Тили ёмон одам –халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офот етказди	*							
5.	Сўздурки, нишон берур ўликка жондин, Сўздирки, берар жонга хабар жонондин	*							
6.	Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотик бўлади				*				
7.	Насиҳатга (ваъзхонликка) кўп берилмаслик керак, уни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак					*			
8.	Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси, жисмларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман						*		
9.	Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак								*
10	Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улугъ ҳодисалар ҳақида эса завқ- шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади.		*						



РЕЗЮМЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Магистратура бўлимида “Нутқ маданияти” фани бўйича Мавзу: Ғарб ва шарқ нотиқлиги ҳақида

1. Технологиянинг тавсифи: Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Бу технологияда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Шунингдек, уларнинг айрим элементлари муҳокама қилинади. Ижобий ва салбий, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади

2. Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни эркин, мустақил, иланқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга, керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, ўтилган мавзулар юзасидан олган билимларини муаммоли жараёнда қўллай олишга ўргатади.

3. Технологиянинг қўлланиши: Маъруза дарсларида, семинар ёки машғулотларда ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, якка ёки гуруҳлар асосида ўтказиш мумкин. Уйга вазифа сифатида ҳам бериш мумкин.

4. Машғулотни ўтказиш тартиби:

- Ўқитувчи алоҳида ҳам гуруҳни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ҳам ўтказиши мумкин:
- гуруҳ томонидан тайёрланган материал гуруҳ ичидан бир ўқувчи томонидан таҳлил этилади.
- агар якка ҳолда ўтилса, унда ҳар бир ўқувчи тайёрлаган материални ўзи таҳлил этиб беради.
- ўқитувчи берилган материалга қараб гуруҳ ўқувчиларини баҳолайди.

№	Демосфеннинг нотиқлик борасидаги Қарашларининг		Цицероннинг нотиқлик ҳақидаги қарашларининг		Қобуснома асарининг ёшлар онгига таъсир этишнинг	
	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги



V.ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг изоҳи
Риторика	Rhetoric - the art of effective or persuasive speaking or writing, especially the exploitation of figures of speech and other compositional techniques.	Риторика - филологическая дисциплина, изучающая искусство речи, правила построения художественной речи, ораторское искусство, мировоззрение, красноречие.	Нотиклик назарияси ҳақидаги таълимот. Нотикқа ўз билими ва дунёкарашига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўллари йўргатади.
Этос	The distinguishing character, sentiment, moral nature, or guiding beliefs of a person, group, or institution	Этосом принято называть те условия, которые получатель речи предлагает ее создателю .	Ғоят мулойим, меъёрли ҳис-ҳаяжон.
Эълон	Advertisement - a notice or announcement in a public medium promoting a product, service.	Объявление - печатное сообщение, извещение о чем-нибудь, публикация	Кўпчиликни ёки маълум гуруҳдаги шахсларни яқин орада бўладиган бирон- бир тадбир ҳақида хабардор қилиш учун қўлланувчи ёзма ахборот.
Таклифнома	Invitation card - a written or verbal request inviting	Пригласительное – письменный текст	Бирор бир тантанали таклиф этиш учун қўлланиладиган



	someone to go somewhere or to do something	содержащий в себе приглашение	ёзма ахборот.
Тавсиянома	Recommendation - a suggestion or proposal as to the best course of action, especially one put forward by an authoritative body	Рекомендация - благоприятный отзыв о ком-чём-нибудь в письменной форме	Бирор шахсни маълум лавозимга ёки турли ташкилотларга аъзо бўлиш учун тавсия этиш мақсадида тузиладиган расмий хужжат.
Таржимаи ҳол	Autobiography - an account of a person's life written or otherwise recorded by that person	Автобиография - последовательное изложение самим говорящим или пишущим основных этапов его жизни	Маълум бир шахс томонидан ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида баён қилинган ёзув.
Профессионализмлар	Professionalisms - the competence or skill expected of a professional	Профессионализмы - слова и выражения, свойственные речи какой-либо профессиональной группы	Касб-хунарга оид сўзлар (Маълум касб-хунарга: деҳқончилик, чорвачилик, кулолчилик ва бошқа соҳаларга оид сўзларнинг қўлланилиши).
Ёзма адабий тил	Written literary language – the common form of language that has lexical and grammatical norms	Письменный литературный язык - обработанная форма общенародного языка, обладающая определенными нормами в грамматике,	Китобий тил бўлиб, адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади.



		лексике, произношении и т. п., противостоящая диалектному языку и просторечию по своему культурному и социальному статусу	
Омонимлар	Homonyms - each of two or more words having the same spelling or pronunciation but different meanings and origins	Омонимы - слова, характеризу- ющиеся одинаковым написанием с другим словом или с другими словами, но имеющие разные значения	Талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади.
Паронимлар	Paronyms - a word which is a derivative of another and has a related meaning	Паронимы - разные по смыслу, но близкие по звучанию слова	Талаффузи бир- бирига ўхшаш, шакли ва маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар паронимлар дейилади.
Антонимлар	Antonyms - a word opposite in meaning to another	Антонимы - слова, имеющие противополож- ное значение	Қарама-қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади.
Метонимия	Metonymy - the substitution of the name of an attribute or adjunct for that	Метонимия - замена одного слова другим на основе связи их	Грекча «қайта номлаш», «алмаштирмақ» демакдир. Предмет ва ҳодисаларнинг



	of the thing meant	значений по смежности	ўзаро макон ва замонда боғлиқлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчишидир.
Метафора	Metaphor - a figure of speech in which a word or phrase is applied to an object or action to which it is not literally applicable	Метафора - оборот речи, заключающийся в употреблении слов и выражений в переносном значении для определения предмета или явления на основе аналогии, сравнения или сходства	Грекча «кўчириш» демакдир. Бирор предмет, белги, ҳаракат, ходисанинг номини нисбий ўхшашлиги асосида бошқасига кўчиши.
Кафолат хати	Letter of indemnity – a letter stating that the organization issuing it will compensate the person to whom it is addressed for a specified loss	Гарантийное письмо – документ составленный с целью гарантировать что-либо	Муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиқлаш мақсадида тузилади.
Фармойиш хати	Circular letter	Циркулярное письмо	Бир тармоққа тегишли қуйи муассасаларнинг барчасига йўлланган расмий ҳужжат.
Далолатнома	Indictment - a formal charge or accusation of a serious crime	Акт – документ составленный с целью проаргументи	Аниқланган муайян ходиса ёки бирон бир фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи



		ровать какой либо факт	хужжат.
Мураккаб хужжат	Complex document - a piece of written, printed, or electronic matter that provides information or evidence or that serves as an official record	Сложный документ – документ включающий в себя две или более темы	Икки ёки ундан ортиқ масалани ўз ичига оладиган хужжатнинг мазмунига кўра тури.
Гувоҳнома	Identity card - a card that establishes a person's identity	Удостоверение - документ, свидетельствующий личность предъявителя и его правовой статус	Муайян шахснинг хизмат ва бошқа ҳолатларини, бирор ишга оид ваколатини кўрсатувчи хужжат.
Йўриқнома	Instruction - a direction or order	Инструкция - указание о порядке и способах выполнения какой-либо работы, пользования машиной, прибором и т. д.	Қонун ёки бошқа меъёрий хужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳукукий хужжат.
Ариза	Declaration - a formal or explicit statement or announcement	Заявление - официальное высказывание, сообщение в устной или письменной форме с изложением точки зрения по какому-либо вопросу.	Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий хужжат.



Ишончнома	Proxy - the authority to represent someone else, especially in voting	Доверенность - письменно оформленное уполномочие, выдаваемое одним лицом другому лицу для представительства перед третьими лицами	Муайян ёки айрим шахс ўз номидан иш кўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли хужжат.
Маълумотнома	Reference - the action of mentioning or alluding to something	Справка - сведения, сообщаемые кому-либо, получаемые кем-либо в результате запроса, поисков и т.п.	Бўлган воқеа ёки мавжуд ҳолатларни билдириш – ахборот бериш мазмунида ифодаланиладиган хужжат.
Монолог	Monologue - a long speech by one actor in a play or movie, or as part of a theatrical or broadcast program	Монолог - речь (от Моно... и греч. λόγος — слово, речь), вид речи, совсем или почти не связанной (в отличие от диалогической речи; см. Диалог) с речью собеседника ни в содержательном, ни в структурном отношении.	Грекча “монос” - бир неча ва “логос” сўзларидан олинган бўлиб, бадий асарларда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нуткидир.
Диалог	Dialogue - a conversation between two or	Диалог - форма устной речи, разговор	Бир неча шахс нутқи бўлиб сўзловчи ва



	more people	двух или нескольких лиц	тингловчи орасидаги фикр алмашиш жараёни, уларнинг ўзаро савол-жавобларини баён қилади.
Матн	Text - a book or other written or printed work, regarded in terms of its content rather than its physical form	Текст - словесное произведени, напечатанное, написанное или бытующее в устной форме	Ўзаро мантикан боғлиқ гаплардан ташкил топади.
Кичик матн	Short text -	Короткий текст	Битта абзацдан ташкил топган матн дейилади.
Адабий тил	Literary language – oral and written type of language that was formed and normed by scientists	Литературный язык - обработанная форма общенародного языка, обладающая в большей или меньшей степени письменно закрепленным и нормами	Оғзаки ва ёзма шаклга эга бўлган, тилшунос олимлар томонидан қайта ишланган, шакллантирилган, меъёрлаштирилган тил.
Сўзлашув услуби	Conversational style - appropriate to an informal conversation	Разговорный стиль - речь носителей литературного языка при их непосредственном и непринужденном общении	Кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликарининг ўзига хос амал қилишидир.
Илмий услуб	Scientific style - based on or characterized by the methods and	Научный стиль - основанный на принципах	Фан ва техникага оид асарлар, дарслик ва қўлланмалар илмий



	principles of science	науки, отвечающий требованиям науки	услуг намуналаридир.
Расмий услуб	Official style - relating to an authority or public body and its activities and responsibilities	Деловой стиль - относящийся к общественной, служебной деятельности, к работе	Ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва юридик ишларда амал қиладиган бир кўринишидир.
Оммабоп услуб	Common style - belonging to or shared by two or more people	Общественный стиль - относящийся к работе, деятельности по добровольному у обслуживанию политических, культурных, профессиональных нужд коллектива	Бу услуб кундалик ҳаёт кўзгуси ҳисобланади. Публицистика «халқ» сўзидан келиб чиққан бўлиб, халқчил деган маънони беради.
Бадиий услуб	Literary style - concerning the writing, study, or content of literature	Литературный стиль - относящийся к художественной литературе; связанный с ее изучением	Бадиий асарлар бадиий услубни ташкил қилади. Бадиий услуб адабий тилининг ривожланиши учун муҳимдир.
Шаклий ёзув	Form writing - the words that have unapropriate pronunciation and spelling to the target language	Форменное писание – слова произношение и правописание которых не подходит к тому или	Ўзбек тилида кўплаб бошқа тиллардан кириб ўзлашиб қолган сўзлар мавжуд. Кўпинча бундай сўзларнинг талаффузи билан имлоси мос



		иному языку	келмайди.
Синоним	a word or phrase that means exactly or nearly the same as another word or phrase in the same language	слово, отличающееся от другого по звучанию или написанию, но совпадающее или близкое ему по значению	Моҳияти бир хил ёки бир-бирига яқин, бироқ шаклан турлича бўлган маънодош сўзлар
Антитеза	a person or thing that is the direct opposite of someone or something else	стилистическая фигура, сопоставление или противопоставление контрастных понятий, положений, образов	Бадиий адабиётда ёки нотиклик санъатида кенг қўлланувчи стилистик усуллардан бири бўлиб, унда бир-бирига бутунлай зид бўлган тушунча ва образлар қарама-қарши қўйилади
Варваризм	you refer to someone's behaviour as barbarism, you strongly disapprove of it because you think that it is extremely cruel or uncivilized.	иностранные слова и выражения, не полностью освоенные языком и воспринимаемые как чужеродные	Бадиий асар ёзилган тилга ёт бўлган, бошқа тилдан кирган сўзлар, биркмалар ва иборалар
Сарказм	sarcasm is speech or writing which actually means the opposite of what it seems to say	вид комического суждения, содержащее уничтожающую насмешку	Сатирик усулда фош этишнинг муҳим усулларида бири: аччиқ заҳарҳанда, истехзоли таъна, пичинг
Троп	a figurative or metaphorical use of a word or expression	употребление слова или выражения в переносном, образном	Бирор нарса ёки ҳодисани ифодалаш учун сўз ёки сўз бирикмаларининг ўз маъносидан



		смысле; в более узком значении — словопреобразование, посредством которого достигается эстетический эффект выразительности в речи	бошқа маънода қўлланишини англатувчи тушунча
Лексикология	Lexicology - the study of the form, meaning, and behaviour of words	Лексикология - раздел науки о языке, в котором изучается словарный состав, лексика	Грекча «сўз ҳақида таълимот» демакдир. Лексикология тилнинг луғат бойлиги, уларнинг маъносини ўрганади.
Неологизм	Neologism - a newly coined word or expression	Неологизм - новые слова и выражения, созданные для обозначения новых предметов или для выражения новых понятий	(Янги пайтда бўлган сўзлар). Бундай сўзлар кундалик турмушда янгидан пайдо бўлган нарса, тушунчаларни ифодалайди.
Атама	Term - a word or phrase used to describe a thing or to express a concept, especially in a particular kind of language or branch of study	Термин - слово или словосочетание, призванное точно обозначить понятие и его соотношение с др.	Фан ва техника соҳасидаги аниқ тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар атамалар дейилади: <i>қўйиш</i>, <i>айириш</i>, <i>илдиз</i>, <i>синус</i> (математик атамалар), <i>кислород</i>, <i>азод</i>, <i>водород</i> (кимё атамалари) каби.



Эпитет	Epithet - an adjective or phrase expressing a quality or attribute regarded as characteristic of the person or thing mentioned	Эпитет - троп, образное определение, дающее дополнительную художественную характеристику предмету в виде скрытого сравнения	Эпитет – грекча сўз бўлиб, изоҳловчи маънони ангалатади.
Луғавий меъёр	Lexical norm – giving opportunity to choose a word according to existing and rules of national language	Словарная норма – даёт возможность выбирать слова исходя из правил народного языка	Луғавий меъёр – адабий тилда миллий тилнинг яшаш ва амал қилиш қонуниятларидан келиб чиқиб, сўз танлаш имкониятини белгилайди.
Келишик категорияси	Case is the grammatical function of a <u>noun</u> or <u>pronoun</u> . There are only three cases in modern English, they are <u>subjective</u> (he), <u>objective</u> (him) and <u>possessive</u> (his).	Падежи – падежами называются грамматические формы, показывающие различные отношения существительных к другим словам в предложении.	От ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматикалоқасини кўрсатади ва уларнинг гапдаги вазифасини белгилайди.
Сифат	Adjective - a word or phrase naming an attribute, added to or grammatically related to a noun to modify or describe it	Имя прилагательное – самостоятельные слова, которые выражают признак предметов.	Нарса, буюмнинг белгисини билдириб, қандай?, қанақа?, қайси? Сўроқларига жавоб бўлади.



Сон	Numerals function most typically as an adjective or a pronoun and express numbers and relations to numbers for example: quantity, sequence, frequency, or fraction	Имя числительное – это часть речи, которая обозначает количество(число), а также порядок предметов при счете.	Нарса- буюмнинг саноғи ва тартибини билдиради, қанча?, нечта?, нечанчи?, қайси? сўроқларига жавоб бўлади.
Равиш	Adverb - a word or group of words that serves to modify a whole sentence, a verb, another adverb, or an adjective	Наречие – часть речи, которая обозначает признаки действия, качества, режы предмета и выступает в предложении в роли обстоятельство.	Равишлар белги билдирувчи сўзлардир, бироқ улар ҳарактни қай тарзда бажарилишини, шунингдек, ўрин-пайт, сабаб, мақсад, миқдор-даража билан боғлиқ бўлган белгиларни билдиради.
Олмош	Pronoun - a word that can function as a noun phrase used by itself and that refers either to the participants in the discourse (e.g. I, you) or to someone or something mentioned elsewhere in the discourse (e.g. she, it, this)	Местоимение – употребляютс я вместо существительных, прилагательных и числительных.	Олмошлар асосан от, сифат, сон ўрнида, баъзан эса бутун бир матн ўрнида қўлланилувчи сўзлардир.
Феъл	Verb - a word used to describe	Глагол – это часть речи	Феъл маъно жиҳатидан кўп



	an action, state, or occurrence, and forming the main part of the predicate of a sentence	обозначающая действие или состояние предмета и изменяющаяся по временам, лицам и числам.	кирралиги, грамматик категорияларга, шаклларга бойлиги ҳамда гап таркибида энг муҳим ўрин тутишига кўра барча сўз туркумлари орасида ажралиб туради.
Тўлдирувчи	An object is a <u>noun</u> (or <u>pronoun</u>) that is governed by a <u>verb</u> or a <u>preposition</u> . There are 3 kinds of objects: a <u>direct object</u> , an <u>indirect object</u> , and an <u>object of a preposition</u> .	Дополнение – второстепенный член предложения, обозначающий предмет, на который направлено действие, и отвечающий на вопросы дательного, винительного и исходного падежей.	Кесимга бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келадиган бўлак тўлдирувчидир. Тўлдирувчи эга ва кесимдан кейинги ўринда турадиган асосий бўлакдир.
Ҳол	Adverbial modifier - It's anything that modifies a verb. The obvious ones are adverbs, like "quickly" or "alone" in "he ran quickly" and "he ran alone." Adverbial modifiers can, however, also be prepositional phrases, similes, all sorts of parts of speech: "he	Обстоятельство – это второстепенный член предложения, уточняющий характер действия, обстановку, условие, при котором совершается действие, место, время, цель, причину, меру и степень совершения	Ҳол ҳаракатнинг кай тарзда бажарилишини, унинг бажарилиш ўрнини, пайтини, сабабини, мақсадини, даражамикдорини билдиради.



	ran around in circles,” “he ran like the wind.”	действия.	
Қўшма гаплар	A complex sentence is a sentence that combines one independent clause with at least one dependent clause.	Сложное предложение – состоит из двух или более простых предложений.	Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро бирикувидан ташкил топган гаплар қўшма гап дейилади.
Боғланган қўшма гаплар	A compound sentence is a sentence that has at least two independent clauses joined by a comma, semicolon or conjunction.	Сложносочиненное предложение – состоит из двух или более простых предложений, соединенных между собой соединительными, противительными или разделительными союзами и образующих единое смысловое и интонационное целое. Самостоятельность компонентов относительна, ибо компоненты являются частью сложного целого.	Боғланган қўшма гаплар ўзаро тенг муносабатдаги содда гаплардан иборат бўлиб, улар тенг боғловчилар ёки тенгланиш оҳанги ёрдамида боғланади.
Эргаш гапли	A compound-complex	Сложноподчиненное	Эргаш гапли қўшма гаплар мазмун



қўшма гап	sentence is made from two independent clauses and one or more dependent clauses.	предложение – состоит из двух или более простых предложений, которые неравноправны: одно из них определяет и разъясняет другое.	жиҳатидан тенг ҳуқуқли бўлмаган гаплардан тузилган бўлади. Бу гапларнинг бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб ёки изоҳлаб келишга хизмат қилади, шунинг учун эргаш гап дейилади.
Тўлиқсиз гаплар	Elliptical sentence is a shorter form of sentence which some words have been omitted, but it retains the same meaning. It is used so that we can avoid unnecessary repeated words.	Неполные предложения – это такие синтаксически е конструкции, в которых тот или иной отсутствующий член предложения легко восстанавливается исходя из контекста или ситуации.	Туширилган гап бўлаклари нутқ мазмунидан, кўпинча, олдинги гапдан билиниб туради, шунинг учун тўлиқсиз гаплар олдинги гапдан ажратилиб, алоҳида қўлланса, фикр англашилмай қолади.
Кўчирма гап	Direct speech - the reporting of what someone has said or written by quoting his exact words	Прямая речь – это чужая речь, передаваемая от имени говорящего без каких-либо изменений, т.е. со всеми особенностями и её содержания и формы.	Ўзгаларнинг ҳеч бир ўзгаришсиз айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади.
Уюшиқ бўлақлар	Homogeneous parts of a	Однородные члены	Гапда бир хил вазифани бажариб,



	sentence we mean parts of the same category (two or more subjects, two or more predicates, two or more objects, etc.), standing in the same relation to other parts of the sentence (for homogeneous secondary parts we should say: standing in the same relation to the same head word).	предложения – это такие члены предложения, которые выполняют одинаковые синтаксически е функции, относятся к одному и тому же члену предложения, отвечают на один и тот же вопрос и связаны друг с другом сочинительной связью.	бир хил сўроққа жафоб бўлувчи гап бўлаклари уюшиқ бўлаклар дейилади. Улар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади ва тенг боғловчилар ёки тенгганиш оҳанги билан боғланади.
Сифатдош	Participle - is a form of a verb that can be used in compound tenses of the verb. There are two participles in English: the past participle, which usually ends in '-ed', and the present participle, which ends in '-ing'.	Причастие – является формой глагола, которая по своему морфологическому строению совпадает с формой глагола 3 лица единственного числа.	Сифатдош сифат каби нарасабуюмнинг белгисини билдириб, гапда аниқловчи бўлиб келадиган феъл шаклидир.

Риторик – риторикага, нотиклик санъатига оид сўз.

Риторика – нотиклик назарияси ҳақидаги таълимот. Нотикқа ўз билими ва дунёқарашига суянган холда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўллари йўргатади.

Пафос – юксак даражали туғёнкор ҳис-ҳаяжон.

Этос – ғоят мулойим, меъёрли ҳис-ҳаяжон.

Юмор – кулги ва истехзо кучи билан рақибнинг даъво ва далиллари йўққа чиқариш.



Нафосат –нафислик, гўзаллик, нафосат.

Мантиқ – нутқ, тил, сўзлаш деган маъноларни англатади. Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабининг ақлга монандлиги, асослилиги.

Эстетика –1.Нафис санъат ва бадий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти ва шакллари, инсон ва одам ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганувчи фалсафий фан.2. Бирор нарсанинг гўзаллиги.

Синегор – қадимда маълум ҳақ эвазига судда томонларнинг манфаатини ҳимоя қилиб нутқ сўзловчи шахс.

Логограф – қадимда нутқ матнини тузиб берувчи шахс.

Эпидейктик нотиклик – тантанали нотиклик.

Диалогик мулоқот - ўзаро суҳбат вақтида ҳал этилиши зарур бўлган масалани ниҳоясига етказиш жараёни.

Уйғунлашган мулоқот - суҳбат, баҳс-мунозара жараёнида мулоқот катнашчиларининг умумий мақсадга эришиши учун бирлашишлари.

Фикрий мулоқот – мулоқот жараёнида нутқнинг мақсади муҳокама мавзусида яширинган, топиш мумкин бўлган ҳақиқатни, маънони излаш.

маънавият – инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

маърифат –таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият.

этикод – ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак.

дидактик адабиёт – ибратли, таълим берувчи адабиёт, ўғит-насихат берувчи адабиёт.

мантиқ – тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

Ваъз- даъват, хитоб.

Воиз – исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахс.

Маддох – бирор шахс ёки нарса, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчи.

Сухандон – Сўзга чечан, турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс.

Бадихағўй – Сўзга чечан кишиларнинг шеърӣ йўсинда бирданига сўз, шеър ёки кўшиқ айтиши.

Хулқ - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳӣ хусусиятлари мажмуи.

Хутба – жума ва ҳайит намозларида ҳамда катта динӣ маросимларда динӣ арбобнинг расмӣ нутқидир.



Қиссагўй – афсона, эртак ва дostonларни равон ва ифодали ўқийдиган киши.

Адабий тил – умумхалқ тилининг ишланган, сайқалаштирилган ва маълум бир қолипга солинган шакли.

Антитеза – грекча сўз бўлиб, қарама-қарши қўйиш маъносини билдиради.

Аллегория – грекча сўз бўлиб, киноя, қочирик, кесатиш маъноларини англатади.

Ассонанс – бир хил унли товушларнинг такрорланиши.

Андух - руҳий азобланмоқ, хафа бўлмоқ, ғам-ғусса, қайғуга ботмоқ.

Антифраза – бирор шахс ёки нарсага хос бўлган у ёки бу ижобий хусусият кулгили оҳанг билан инкор қилиниши. Ёзувда антифразалар қўштирноқ ичида ёзилади.

Агглютинизм – мактаб ёшига яқин болаларда фантазиянинг кучайиши, вақтни ноадекват, нотўғри идрок қилиш, ҳар бир образларни муайян бўлакларига биноан бир умумиятга яхлитлаш, бирлаштириш.

Андоза – кийим бош, пойафзал ёки бирор бошқа нарсани бичиш учун ишлатиладиган қалин қоғоз.

Градация – лотин тилидан олинган бўлиб, зинапоя, яъни аста-секин юқорига кўтарилиб бориш ёки пастга қараб тушиш маъносини билдиради.

Жаргон - (французча) бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ва ўзигагина тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган ясама тилдир.

Жим қолиш - сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши жим қолиш дейилади.

Интеракция – баҳс-мунозара жараёнида ўзаро таъсир ўтказиш имконияти.

Ирония – грекча зимдан кулиш, кесатиш маъносини билдиради.

Креативлик-ўқитувчи воқеликка, нарса ва ҳодисаларга, дарсга ноанъанавий ёндошишни ўрганиши зарур бўлади. ХХI аср янгиликлар, ихтиролар асри бўлиб, ўқитувчидан доимо изланишни талаб этади.

Комил инсон – руҳий ва жисмоний жиҳатдан мукамал бўлган шахс тушунилади.

Мантиқ – арабча сўз бўлиб, тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги фан.

Морфема – (грекча) лингвистикага оид термин бўлиб, сўзнинг энг кичик маъно англатувчи, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган қисмидир.

Метафора – грекча сўздан олинган бўлиб, кўчим деган маънони билдиради.

Метонимия – грекча сўз бўлиб, бошқача ном бериш деган маънони билдиради.

Нутқ маданияти – чиройли, гўзал, ёқимли, маънили сўзлай билиш қобилияти.

Нутқнинг тезлиги – сўзловчи нутқининг секин ва тез айтилиши тушунилади.



Нутқда овознинг иштироки – маълумки, нутқ овоз ва шовқинлардан ташкил топади. Шу боис, овознинг хусусиятларига кўра нутқ турли хил кўриниш касб этади.

Нутқни идрок қилиш – нутқнинг мазмун, моҳиятини тушунган ҳолда бир бутунлигича қабул қилиш.

Нотик - ўз фикрини аниқ, лўнда ва таъсирчан баён эта оладиган киши.

Нутқнинг тезлиги – сўзловчи нутқининг секин ва тез айтилиши тушунилади.

Нутқда овознинг иштироки – маълумки, нутқ овоз ва шовқинлардан ташкил топади. Шу боис, овознинг хусусиятларига кўра нутқ турли хил кўриниш касб этади.

Паразит сўзлар – нотикнинг ўз нутқига эътиборсизлиги оқибатида турли хил кераксиз сўзларни ишлатиши .

Перифраз – грекча айлана, атроф, бошқача гапираман демакдир.

Педагогик техника – бу ўқитувчи фаолиятнинг (хатти-ҳаракатларининг) ташкилий шаклидир.

Стил – услуб маъносида қўлланилади.

Синкритизм – тушунчаларни бир-биридан ажрата олмаслик ҳолати.

Такрор- илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорим, плеоназм, тавтология, нақорат кабилар бадий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида талқин қилинади.

Узус – бирор тил мажмуасида мавжуд бўлган имкониятларнинг фойдаланиб келинаётган қисмига айтилади.

Феномен – юнонча сўздан олинган бўлиб, ҳис-туйғулар тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча.

Эллипсис – грекча сўз бўлиб, ттушириб қолдириш демакдир.

Эпитет – грекча сўздан олинган бўлиб “изоҳловчи” деган маънони англатади.

Коммуникация – (лот.-хабар, алоқа) бирор мазмуннинг тил воситаари орқали берилиши, хабар қилиниши.

Вульгаризмлар – (лот. – оддий, содда) дағал сўз ва иборалар.

Нутқ – (арабча) фикрни сўз орқали ифодалаш.

